

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРАТАЕВ С.А. МУСАЕВ Б.Т. АРТИКОВ Д.Р.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ПРОЦЕСС

ДАРСЛИК

*5240120 – Юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент – 2020 йил

Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 6-сон мажлис баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта Махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан 5240120 – Юриспруденция бакалавр таълим йўналиши талабалари учун чоп этишга тавсия этилган.

С.А.Муратаев, Б.Т.Мусаев, Д.Р.Артиков. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс.
– Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 423 б.

Такризчилар:

С.М.Селиманова – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси “Маъмурий ҳуқуқ” кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Ж.Н. Неъматов – Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлар доктори

Муаллифлар жамоаси:

С.А.Муратаев, юридик фанлар номзоди – I- VI боблар;
Б.Т.Мусаев, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори – VII-IX боблар;
Д.Р.Артиков – X-XI боблар.

Мазкур дарслик олий юридик ўқув юртларининг 5240120 – Юриспруденция бакалавр таълим йўналиши таълим стандартлари асосида яратилган.

Дарсликда Маъмурий ҳуқуқ ва процесс фани предмети доирасига кирувчи мавзулар ёритилган. Унда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига 2019 йил 1 ноябргача киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эътиборга олинган.

Дарсликда маъмурий ҳуқуқ тармоғи ва давлат бошқаруви органлари фаолиятини изоҳлаш масаласига доктринал ёндашилиб, уларга оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектлари сифатида қараш нуқтаи назаридан ёндашилган. Шу тариқа давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиш принципини ифодалашга уринилди.

Ўқувчи ушбу дарслик орқали Ўзбекистондаги мавжуд давлат бошқаруви органлари тизимини, уларнинг асосий функция ва вазифаларини, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатадиган асосий давлат хизматлари турлари ҳамда уларнинг моҳиятини тизимли равишда ва тезда тушуниб олиши мумкин.

© Муратаев С.А. Мусаев Б.Т. Артиков Д.Р., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети, 2020

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ

I МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚҚА КИРИШ БОБ.

- 1.1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий фанлари тизимида тутган ўрни.
- 1.2. Маъмурий ҳуқуқ предмети, субъекти ва манбаалари.
- 1.3. Маъмурий ҳуқуқ услуги, тизими ва принциплари.
- 1.4. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, уларнинг турлари ва функциялари.
- 1.5. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари.
- 1.6. Маъмурий ҳуқуқда юридик фактлар.

II ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БОБ. БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

- 2.1. Давлат бошқаруви органларида бошқарув шакллари тушунчаси ва аҳамияти.
- 2.2. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари.
- 2.3. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг махсус шакллари.
- 2.4. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг маъмурий-ҳуқуқий шартнома шакллари.
- 2.5. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарув услублари тушунчаси ва аҳамияти.
- 2.6. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарув услублари.

III ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ БОБ.

- 3.1. Давлат хизмати тушунчаси ва моҳияти.
- 3.2. Давлат хизмати принциплари ва уларнинг моҳияти.
- 3.3. Давлат хизматининг ҳуқуқи асослари.
- 3.4. Давлат хизматига кириш, ўташ ва тугатиш.

IV ИҚТИСОДИЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА БОБ. СОЛИШ

- 4.1. Маъмурий ҳуқуқда иқтисодий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти.
- 4.2. Давлат иқтисодий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.
- 4.3. Давлат молиявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.

- 4.4. Давлат инвестициявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.

V ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА БОБ. СОЛИШ

- 5.1. Маъмурий ҳуқуқда ижтимоий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти.
- 5.2. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.
- 5.3. Илм-фан ва таълим соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.
- 5.4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маданият соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.

VI МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА БОБ. СОЛИШ

- 6.1. Маъмурий ҳуқуқда маъмурий-сиёсий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти.
- 6.2. Адлия ва ташқи сиёсий фаолият соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.
- 6.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.
- 6.4. Мудофаа ва ҳавфсизлик соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари.

VII МАЪМУРИЙ ПРОЦЕСС БОБ.

- 7.1. Маъмурий процесс тушунчаси, моҳияти ва турлари.
- 7.2. Иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс.
- 7.3. Ижтимоий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс.
- 7.4. Маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс.

VIII МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР БОБ.

- 8.1. Маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси ва унинг аҳамияти.
- 8.2. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти ва унинг қўлланиш соҳаси
- 8.3. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари

**IX
БОБ.**

МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШ

- 9.1. Маъмурий иш юритишнинг умумий тавсифи.
- 9.2. Маъмурий иш юритиш иштирокчилари.
- 9.3. Маъмурий иш юритишда далиллар.
- 9.4. Маъмурий иш юритиш муддатлари.
- 9.5. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш асослари.
- 9.6. Маъмурий ишни маъмурий орган мажлисида кўриб чиқиш.

**X
БОБ.**

МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТ

- 10.1. Маъмурий ҳужжат тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 10.2. Маъмурий ҳужжатнинг шакли ва мазмуни.
- 10.3. Маъмурий ҳужжатнинг асослилиги.
- 10.4. Маъмурий ҳужжатнинг кучга кириши.
- 10.5. Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш.

**XI
БОБ.**

МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ

- 11.1. Маъмурий юстиция тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 11.2. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг маъмурий тартиботи.
- 11.3. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг суд тартиби.
- 11.4. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция.

СОДЕРЖАНИЕ

ПРЕДОСЛОВИЕ

I ВВЕДЕНИЕ В АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО **ГЛАВА.**

- 1.7. Понятия, сущность и место Административного права в системе правовых наук.
- 1.8. Предмет, субъекты и источники Административного права.
- 1.9. Методы, система и принципы Административного права.
- 1.10. Административно-правовые нормы, их виды и функции.
- 1.11. Административно-правовые отношения и их виды.
- 1.12. Юридические факты в Административном праве.

II ФОРМЫ И МЕТОДЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ **ГЛАВА. ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ**

- 2.1. Понятия и значимость формы управления в деятельности органов государственного управления.
- 2.2. Правовые и организационные формы управления в деятельности органов государственного управления.
- 2.3. Специальные формы управления в деятельности органов государственного управления.
- 2.4. Административно-договорная форма управления в деятельности органов государственного управления.
- 2.5. Понятия методов управления и их значения в деятельности органов государственного управления.
- 2.6. Методы управления в деятельности органов государственного управления.

III ГОСУДАРСТВЕННАЯ СЛУЖБА В ГОСУДАРСТВЕННОМ **ГЛАВА. УПРАВЛЕНИИ**

- 3.1. Понятие и сущность государственной службы.
- 3.2. Принципы государственной службы и их сущность.
- 3.3. Правовые основы государственной службы.
- 3.4. Входжение, прохождение и прекращение государственной службы.

IV АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ **ГЛАВА. СФЕРЫ ЭКОНОМИКИ**

- 4.1. Понятие экономической сферы в административном праве и сущность её административно-правового регулирования.
- 4.2. Органы управления регулирующие государственную экономическую деятельность.

- 4.3. Органы управления регулирующие государственную финансовую деятельность.
- 4.4. Органы управления регулирующие государственную инвестиционную деятельность.

V АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ГЛАВА. СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ

- 5.1. Понятие социальной сферы в Административном праве и сущность её административно-правового регулирования.
- 5.2. Органы управления регулирующие здравоохранения, физическую культуру и спорта.
- 5.3. Органы управления регулирующие сферы науки образования.
- 5.4. Органы управления регулирующие охраны окружающей среды и культуры.

VI АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ГЛАВА. АДМИНИСТРАТИВНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ СФЕРЫ

- 6.1. Понятие административно-политической сферы в Административном праве и сущность её административно-правового регулирования.
- 6.2. Органы управления регулирующие сферы юстиции внешнюю политику.
- 6.3. Органы управления регулирующие правоохранительную деятельность.
- 6.4. Органы управления регулирующие сферы обороны и безопасности.

VII АДМИНИСТРАТИВНЫЙ ПРОЦЕСС ГЛАВА.

- 7.1. Понятие, сущность и виды административного процесса.
- 7.2. Административный процесс в деятельности органов экономической сфере.
- 7.3. Административный процесс в деятельности органов социальной сфере.
- 7.4. Административный процесс в деятельности органов административно-политической сферы.

VIII АДМИНИСТРАТИВНЫЕ ПРОЦЕДУРЫ ГЛАВА.

- 8.1. Понятие и сущность административной процедуры.
- 8.2. Сущность Закона Республики Узбекистан “Об административных процедурах” и сферы её применения.
- 8.3. Основные принципы административных процедур.

IX ГЛАВА.

АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРОИЗВОДСТВО

- 9.1. Общая характеристика административного производства.
- 9.2. Участники административного производства.
- 9.3. Доказательства в административном производстве.
- 9.4. Сроки административного производства.
- 9.5. Основы приостановления, возобновления и прекращения административного производства.
- 9.6. Рассмотрение административного дела на заседании административного органа.

X ГЛАВА.

АДМИНИСТРАТИВНЫЙ АКТ

- 10.1. Понятие административного акта и её особенности.
- 10.2. Форма и содержание административного акта.
- 10.3. Обоснованность административного акта.
- 10.4. Вступления в силу административного акта.
- 10.5. Прекращения действия административного акта, аннулирование, изменение или признание не действительным.

XI ГЛАВА.

АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЮСТИЦИЯ

- 11.1. Понятие административной юстиции и её особенности.
- 11.2. Административные порядки разрешения административно-правовых споров.
- 11.3. Судебный порядок разрешения административных споров.
- 11.4. Административная юстиция в зарубежных странах.

СЎЗ БОШИ

Юридик фаннинг маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз табиатига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими қонуниятларини ўрганишга, айниқса ижро ҳокимияти бошқарув органларининг тузилиши, функциялари, вазифа ва ваколатларини, уларнинг фуқаролар ва юридик шахслар билан бўладиган муносабатларини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, ушбу жараёни кузатиш, таҳлил қилиш ва замон талаблари асосида мазкур тизимнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва Ўзбекистон халқининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари тўғрисидаги Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган устувор вазифаларнинг бири давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш; «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини

ошириш¹ каби стратегик вазифалар белгиланди. Мазкур ҳужжат орқали ушбу вазифаларнинг кун тартибига қуйилиши Маъмурий ҳуқуқ тармоғини ўрганишга ва шу тариқа мазкур йўналишдаги ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва илмий асосланганлигини англаш заруратини юзага келтиради.

Зеро, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бир кунлик ёки бир неча йиллик иш эмас. Ушбу жараён давомийликни, узвийликни ва чуқур юридик, сиёсий, менежмент ва мантиқ соҳасидаги билим ва илмни талаб қилади. Шундай экан, бугунги кунда юридик соҳада таҳсил олаётган талабаларнинг Маъмурий ҳуқуқ тармоғи борасидаги тушунчалари, билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай жамиятда унинг турли соҳалари шаклланиши ва ривожланиши учун зарур ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларини яратишда “давлат” деган мураккаб тизим, яна ҳам аниқроғи мазкур мураккаб тизимнинг “ижро ҳокимияти органлари” ёки “давлат бошқаруви органлари” деб аталувчи элементи энг мураккаб амалий ишларни бажаради. Соғлиқни сақлаш, иқтисодиётни юксалтириш, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, солиқ тушумини бошқариш каби энг мураккаб “худудлар”даги жараёнларда мазкур элемент вакилларининг ўрни салмоқлидир. Бошқача қилиб айтганда, қабул қилинган қонунлар-у фармонлар, дастурлар-у қарорларнинг бевосита жамиятдаги ижросини таъминлашда, уларнинг моҳиятини фуқаролар ва юридик шахсларга тушунтиришда ва шу тариқа жамият аъзоларининг фикр вamuлоҳазаларини, муносабатларини биринчилардан бўлиб қабул қилишда давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳиссаси катта.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари ичида аксарият қонун лойиҳалари

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси \\\ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони № ПФ-4947 сон 07.02.2017 йил.

айнан ижро ҳокимияти органларидан келиб тушиши бежиз эмас. Бу объектив ҳолат ва бундай вазият дунёнинг кўплаб давлатларида учрайди.

Шу билан бирга, қабул қилинган қонунлар-у фармонлар, дастурлар-у қарорларнинг мазкур ҳужжатлар ғояларидагидек ижро этилиши, ушбу жараёнда қонунийлик принципининг таъминланишида давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқий жиҳатдан тажрибаси, ўз фаолиятида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устун қўя олиш фазилатларига эгаллиги долзарб масала.

Ижро ҳокимияти органларининг юқоридаги таъкидланган жиҳатларини ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганишда Маъмурий ҳуқуқ тармоғининг ўрни салмоқли. Бинобарин, юридик фаннинг ушбу тармоғи талабага ва умуман ҳар қандай ўқувчига Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг асосий субъекти бўлган давлат бошқаруви органлари фаолият юритадиган “доирани” ўргатади. Маъмурий органлар билан хусусий шахслар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар табиати ва моҳиятини тушунтиради, қолаверса ушбу ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми ва ўзига хосликларини англаш учун йўл-йўриқлар кўрсатади. Ҳар қандай маъмурий органнинг қабул қилган қарорлари ва унинг мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатлари қонун нормалари билан адолатли тартибга солинган, ижтимоий адолат принципларига таянган ва инсон ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларинингҳимоя қилиниши устуворлигитаъминланган бўлиши керак. Бошқача қилиб таъкидлаганда давлат органлари ўз ҳатти-ҳаракатлари орқали тизимлашган ва расмий тарзда жамият манфаатларини ифодалаши зарур. Зеро, адолатли фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири ҳам шунда, яъни давлат органлари жамият, фуқаролар олдида масъуллигини ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий даражада таъминлаш.

Замон тез шиддат билан ривожланар экан, ҳар қандай соҳадаги кадрлар билим ва малакаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолаверади. Глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши давлат бошқаруви тизимида ҳам янгича ёндашувни, фикрлашни, жамият ривожини таъминлашнинг янги-янги

инновацион услубларини талаб қилади. Ушбу “пойига”да қуйи ўринларда қолиб кетмаслик учун, бугунги юридик кадрларнинг оммавий ҳуқуқ соҳасидаги фундаментал билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларда соҳада мавжуд бўлган муаммоларга илмий ечим топишга бўлган қизиқишларини орттирган ҳолда уларни илм-фан соҳасига жалб қилиш Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг аҳамияти ва муҳимлигининг ифодасидир.

Мазкур дарслик бирор бир масалада “эврика” яратишга қаратилмаган бўлиб, балким Ўзбекистон Республикасида ҳар соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга ҳуқуқ нуқтаи назаридан разм солиб, унда маъмурий органларнинг жамият ривожини йўлидаги “генератори” вазифасини амалга оширишдаги иштирокини ўқувчиларга содда ва рағбатли тилда етказиб беришга қаратилгандир.

Муаллифлар жамоаси

I БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚҚА КИРИШ

1.1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни

Маъмурий ҳуқуқ — давлатнинг ижро ҳокимияти органлари тузилмаси ва фаолияти доирасини ўрганишга, уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлари кўламини ўрганадиган ҳуқуқ фанининг алоҳида мустақил тармоғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Собиқ Иттифоқ даврида шаклланган ва ривожланган маъмурий ҳуқуқ назариясида Маъмурий ҳуқуқ фанини деликт¹лар, яъни ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган фан тармоғи сифатида қараш устун эди. Ваҳолангки, маъмурий ҳуқуқ бу позитив фан тармоғидир, уни фақатгина ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган фан тармоғи сифатида қараш нотўғри, ҳар ҳолда бугунги кундаги илмий ёндашув чуқур инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Маъмурий ҳуқуқни ижро ҳокимияти органлари билан хусусий шахслар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганишга қаратилган фан тармоғи сифатида қараш доктринаси шаклланиб улгурди.

“У бизларнинг орамизда, у кўпқиррали ва у ҳеч қачон уйқуга кетмайди²” деб ижро ҳокимияти органларига баҳо берган эди 1966 йил немец ҳуқуқшуноси Эрих Кауфманн. Дарқақиқат, маъмурий ҳуқуқ айнан маъмурий органлар, яъни ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ҳуқуқий томондан ўрганадиган сиёсий фанлар билан бевосита боғлиқ бўлган ўта муҳим ҳуқуқ тармоғи.

¹ Деликт (лот. delictum — бузилиш, айб) — айнан айб (фуқаролик, маъмурий, интизамий ҳуқуқбузарлик). **Қаранг.** Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев, - Т.: Адолат. 2010. — Б. 130

² Л. Брокер. Инквизиционный принцип в административном праве (административная процедура и административный процесс) // Ежегодник публичного права — 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства — М.: Инфотропик Медиа 2018. — С. 12.

Маъмурий ҳуқуқ – ўз табиатига кўра, оммавий ҳуқуқий¹ фанлар туркумига тааллуқли бўлиб, ўзининг бошланиш “нуқтаси”ни Конституциявий ҳуқуқдан ўзлаштиради. Бошқача қилиб таъкидлаганда, Маъмурий ҳуқуқ – бу конкретлаштирилган конституциявий ҳуқуқдир. Зеро, давлат бошқарувининг олий юридик асослари Конституцияда ўз ифодасини топади. Ва бундай ёндашув аксарият хорижий мамлакатлар ҳуқуқи ва амалиётига мос, яъни Асосий қонунда эътироф этилган устувор принциплар ва қоидаларни амалиётда, уларнинг ижро ҳокимияти органлари томонидан жойлардаги амалга оширилишини таъминлашда бошқарув органлари Олий қонун ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга мос равишда фаолият юритади, давлат сиёсатини таъминлайди.

Ижро ҳокимияти органларини, уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатларини ўрганиш турли фанлар нуқтаи назаридан амалга оширилиши мумкин. Мисол учун сиёсатшунослик фани ҳам ушбу масалани ўз ўрганишининг предмети сифатида олиши мумкин. Социология фани ҳам ушбу тизимни тадқиқ қилиши, унинг ўзгариш тенденцияларига баҳо бериши мумкин. Аммо фақатгина юридик фан ва унинг муҳим тармоғи бўлган Маъмурий ҳуқуқ соҳаси давлат бошқаруви органлари ва уларнинг фуқаролар ҳамда юридик шахслар билан бўладиган муносабатларини ҳуқуқ нуқтаи назаридан тадқиқ қилиб, унинг амалдаги қонунчиликка жорий этилиши бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқади. Шу тариқа юридик фаннинг Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз моҳиятига кўра мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада такомиллашишида ўзининг амалий ўрнига эга.

Давлат бошқаруви органларини ва умуман давлат органлари воқелигини фақатгина сиёсатшунослик ёки социология фанлари нуқтаи назаридан ўрганиш билан чекланиш ушбу институтнинг (давлат бошқаруви органларининг) истиқболда самарали фаолият юритишга етарли бўлган

¹ Оммавий ҳуқуқ – умум (жамоат) манфаатини таъминловчи муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ тармоқлари мажмуи. **Қаранг.** Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев, - Т.: Адолат. 2010. – Б. 350

хулосаларни бермаслиги мумкин. Чунки ушбу институтнинг самарали ишлаши масалаларини ҳуқуқий фанларгина тадқиқ қила олиши мумкин.

Эсда сақланг!
Маъмурий ҳуқуқ – давлатнинг ижро ҳокимияти органлари тузилмаси ва фаолияти доирасини ўрганишга, уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлари кўламини ҳуқуқий тадқиқ қилишга қаратилган ҳуқуқ фанининг алоҳида мустақил тармоғидир.

Юқорида Маъмурий ҳуқуқнинг ўз негизини, **Конституциявий ҳуқуқдан** ўзлаштириши тўғрисида таъкидлаган эдик. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан бугунги кунда Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ҳам тизим ташкил этувчи фан тармоғига айланиб улгурди. Хусусан, Маъмурий ҳуқуқ негизида пайдо бўлиб, бугунги кунда мустақил фан тармоғи сифатида ўрганилаётган бир қатор Маъмурий ҳуқуқнинг соҳалари мавжуд. Жумладан, Молия ҳуқуқи, Давлат хизмати, Маъмурий процесс ва бошқалар. Ушбу йўналишларнинг асоси, бошланиш “манбаи” Маъмурий ҳуқуқдир. У эса ўз навбатида ўз бошланиш “манбаи”ни Конституциявий ҳуқуқдан олади.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг қуйидаги нормаларида кузатишимиз мумкин:

2-модда
Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.
3-модда
Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади. Ўзбекистон давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.
11-модда

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.
XX боб Вазирлар Маҳкамаси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради...
XXI боб Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари
Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади... ¹

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларидан ушбу фан тармоғининг асосини ташкил этувчи яна кўплаб нормаларни кўрсатиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ ҳуқуқий фанларнинг аксарияти билан ўзаро узвий боғлиқликка эга. Юқоридаги жадвалда унинг Конституциявий ҳуқуқга боғлиқлигини, мамлакатнинг Асосий қонуни нормалари асосида шаклланиши ва ривожланишининг гувоҳи бўлган бўлсак, қуйида ушбу фаннинг **Фуқаролик ҳуқуқи** билан ҳам узвий алоқага эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Зеро, Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлган Маъмурий органларнинг (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, инспекциялар, ҳокимиятлар ва ҳ.к.) хўжалик юритувчи субъектлар билан (хусусий тусдан юридик ва жисмоний шахслар билан) турли ҳил шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга (хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган) киришади. Маъмурий органлар ҳам юридик шахс сифатида ўз мулки, давлат герби тушурилган муҳри, жавобгарлиги билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2017 й.

судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиб ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олиш мақомига эга. Ушбу ҳолатлар Маъмурий ҳуқуқнинг Фуқаролик ҳуқуқи билан ўхшаш ва алоқадор жиҳатлари мавжудлигидан далолат беради. Маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқи соҳаларининг “туташган” жойларида ушбу ижтимоий муносабатлар қоида тариқасида, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устунлиги принципи нуқтаи назаридан Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасига тааллуқлидир.

Маъмурий ҳуқуқ ўз табиатига кўра **Жиноят ҳуқуқи** билан ҳам узвий боғлиқликка эга. Бунга сабаб ҳар иккала ҳуқуқ соҳалари ҳам Оммавий ҳуқуқ¹нинг мустақил тармоқлари эканлигидир. Жумладан, ҳар иккала ҳуқуқ тармоғи ҳам оммавий манфаатларни, яъни жамиятнинг аксарият кўпчилиги расмий тан олган ва белгиланган тартибда ўрнатилган қоидаларга мувофиқликни таъминлаш мақсадини кўзлайди. Хусусан, бирор бир фаолият учун лицензия олиш мажбурийлиги белгиланган бўлса, ушбу ҳуқуқ тармоқлари субъектлари (одатда улар давлат органларининг мансабдор шахслари) ўша умумбелгиланган мажбуриятни амалга ошириш доирасида фаолият юритади. Бошқача таъкидлаганда, мансабдор шахс мажбурият бажарилишини таъминлайди, тартиб қоида бузилган ҳолатда эса тегишли таъсир чорасини кўради (интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш орқали). Жиноят ҳуқуқи эса, барчамизга маълум бўлганидек яна ўша умумбелгиланган қоидалар асосида ижтимоий ҳавfli қилмиш содир этган шахсга нисбатан тегишли таъсир чораларини кўради. Қилмиш содир этган шахсга нисбатан дастлабки эҳтиёт чораларини кўриш, судгача бўлган жараёнларни давлат бошқарувининг тегишли органлари томонидан ташкиллаштириш каби ишларнинг амалга оширилиши, айниқса Маъмурий

¹ Оммавий ҳуқуқ – тегишли муносабатларни императив (қатъий белгиланган) нормалар ёрдамида тартибга солиди. Бундай ҳуқуқ тармоқларига Халқаро оммавий ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва бошқалар тааллуқли. **Қаранг.** Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев, - Т.: Адолат. 2010. – Б. 350

назорат масалаларини амалга ошириш масалалари шулар жумласидандир. Ушбу фан тармоқларининг “туташмаси” ҳам Жиноят ҳуқуқи предметиға тааллуқли масала эканлигини таъкидлаш жойиз.

Маъмурий ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро боғлиқлигини ёритишда **Халқаро оммавий ҳуқуқнинг** алоҳида ўринга эға эканлиғига урғу бериш керак. Халқаро оммавий ҳуқуқнинг фарқи ва ўхшашликлари шундан иборатки, бунда ҳар иккала тарафлар ҳам оммавий ҳокимият ва бошқаруви органларидир. Фарқи шундаки, улар бошқа-бошқа давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидир. Шундай экан, ушбу муносабатларда одатта, томонларнинг келишувига кўра тенг ҳуқуқий мақомларга эға бўлиш одат тусига кирган. Шунинг учун ҳам ушбу ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда ушбу фан тармоғидаги муносабатлар ҳам Маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан эмас, балки Халқаро оммавий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганилиши ўринли. Зеро, Маъмурий ҳуқуқ жиҳатидан юзага келадиган аксарият муносабатларда маъмурий орган, аввал таъкидлаганимиздек умумбелгиланган ва расмий равишда тан олинган нормалар асосида тартиб ва қоидаларни иккинчи тарафга “тан олдириш” принципи асосида фаолият юритади, яъни устун вазиятда бўлади. Ушбу ҳуқуқ тармоқларининг навбатдаги фарқи шундаки, улар турли ҳил манбаалар асосида ўз муносабатларини тартибга солади. Халқаро оммавий ҳуқуқнинг манбаалари бу ҳалқаро умум ҳамжамият томонидан тан олинган принциплар ва нормалар бўлса, Маъмурий ҳуқуқда бу одатта миллий қонунчилик нормаларидир.

Маъмурий ҳуқуқ, ҳуқуқий фанлар тармоқлари ичида турли ҳил ҳуқуқ тармоқлари билан алоқадорликка эға бўлган соҳалардан биридир. Бунинг тасдиғи сифатида юқоридаги ҳуқуқ тармоқлари билан боғлиқлиги бўлса, кейинги ўринда бу унинг **Меҳнат ҳуқуқи** билан бўлган боғлиқлиги ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жойизки, Маъмурий ҳуқуқнинг Меҳнат ҳуқуқидан фарқини ажрата билиш бирмунча назарий қийинчиликларга эға. Аммо шунга қарамасдан улар ўртасида салмоқли фарқ мавжуд. Энг аввало,

Меҳнат ҳукуқи ўз табиатига кўра, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши натижасида Фуқаролик ҳукуқидан алоҳида ажралиб чиқган, бугунги кунда алоҳида ўрганиладиган ҳуқуқ соҳасидир. Яъни, унинг ўзаги Фуқаролик ҳукуқи. Ўхшашлиги шундан иборатки, Маъмурий органлардаги аксарият ходимлар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга қабул қилинади. Аксарият ходимлар белгиланган вақт ва шароитларда ўз меҳнат фаолиятларини олиб боришади ва бу иш берувчи ва ходим муносабатлари сифатида баҳоланиб, меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Аксарият дейишимизга сабаб, ходимларнинг шундай тоифаси борки, уларнинг мақоми оддий ходимларга нисбатан бирмунча юқори ва масъулияти алоҳида, яъни маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бундай ходимларни Давлат хизматчилари деб номлаш Маъмурий ҳуқуқ соҳасига маълумдир.

Шундай қилиб Маъмурий ҳуқуқ соҳаси бошқа ҳуқуқ соҳалари билан узвий боғлиқликка эга ва ўз ўрнида ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг моҳияти шундаки, у Конституцияда эътироф этилган умум қабул қилинган қадриятларнинг, мустақкамланган тартиб қоидаларнинг реал ҳаётдаги амалий ифодасини таъминлаш мақсадида фаолият юритадиган давлат бошқаруви органлари, уларнинг функция ва ваколатлари ва мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатларининг ҳамда хусусий шахслар билан муносабатлари қонуниятларини ўргатадиган ҳуқуқ тармоғидир.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, барча вазирликлар ва бошқада ижро ҳокимияти идораларига фуқаролар ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият мурожаатлар мазмуни соғлиқни сақлаш ва ички ишлар органлари тизими билан боғлиқлиги ойдинлашди. Аниқланишича, жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати етарли даражада эмаслиги, нотўғри ташхислар билан боғлиқ муаммолар натижасида аҳоли соғлиғига зарар келтириляётганли ҳамда айрим ички ишлар ходимларининг ўз

ваколатларидан четга чиқиш ҳоллари учраётганлиги жойларда нокулайликларни келитриб чиқаётганлиги маълум бўлган.

Вазиятни ўрганиш ва бу каби камчиликларнинг олдини олиш учун Ҳукумат томонидан илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш мақсадида соҳа олимлари ва мутахассилар иштирокида семинарлар, Давра суҳбатлари ўтиказилди. Натижада хорижий тажриба, маҳаллий шароит ҳамда халқаро нормалар эътиборга олинган ҳолда янги тартиб жорий қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб амалиётга жорий қилинди.

1. Мавзуга тааллуқли жойларини мустақил равишда аниқлашга ва уларни баҳолашга ҳаракат қилинг.

2. Ушбу қазусли вазиятда маъмурий ҳуқуқнинг ўрнини белгиланг.

1.2. Маъмурий ҳуқуқ предмети, субъекти ва манбаалари

Аввалги параграфда таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаруви органларининг тузилмаси, функция ва ваколатларини ҳамда уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган ўзаро муносабатларини ўрганадиган фан тармоғи.

Аммо, бу таъриф Маъмурий ҳуқуқ тармоғи тушунчасини, моҳиятини очишга хизмат қилиши мумкин ҳолос. Мазкур фан тармоғининг бошқа ҳуқуқий фанлардан фарқи ва ўзига хослигини таърифлаш учун унинг предмети доирасини аниқлаштиришимиз зарур. Шу тариқа, яъни у ёки бу фан предмети оидинлаштириш натижасида унинг турдош фанлардан, бошқа соҳалардан фарқини ҳулоса қилиш мумкин. Бу эса мазкур воқеликни, бошқача қилиб изоҳлагайдиган бўлсак, ўрганилаётган фан табиатини, унинг ўзгариш имкониятларини, хусусиятларини англаб етиш имконини беради.

Шундай қилиб, **Маъмурий ҳуқуқнинг предмети** давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарув билан боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатлари натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Юқорида келтирилган таърифни янада батафсил ва тушунарли тарзда баён қиладиган бўлсак, Маъмурий ҳуқуқ предмети доирасига кирувчи ижтимоий муносабатларни қуйидаги шартли гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Давлат бошқаруви органларининг бошқарув билан боғлиқ бўлган муносабатлари. Ушбу муносабатлар ҳам ўз навбатида 3 хил кўринишга эга.

а) давлат бошқаруви (ёки “Маъмурий орган”) органининг интернал, яъни ички иш юритуви билан боғлиқ бўлган муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий органнинг интернал, яъни ички иш юритуви билан боғлиқ бўлган муносабатлари
Хоким топшириғига кўра, хокимиятнинг Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими ўзининг чораклик ва йиллик тадбирлари режасини тайёрлаши
Ташқи ишлар вазирлиги МДХ давлатлари билан ишлаш бошқармасининг ТИВ коллегияси ёки вазирга йиллик ҳисоботини тақдим қилиши
Туман солиқ инспекцияси раҳбари томонидан туман ҳудудидаги маълум бир маҳаллага (фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудига) участка солиқ инспекторининг тайинланиши

б) давлат бошқаруви органининг вертикал, яъни юқори ва қуйи турувчи давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ бўлган муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий органнинг вертикал, яъни юқори ва қуйи турувчи давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ бўлган муносабатлари
Қоида тариқасида вилоят ҳокимиятларига Молия вазирлигидан ҳар йилнинг 15 апрелидан кечикмасдан ¹ келиб тушадиган бюджет сўрови ва у бўйича вилоят ҳокимиятининг тегишли чораларни кўриши ва ўз навбатида мазкур вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар ҳокимиятларига бюджет сўровини юбориши
Давлат дастури асосида “Профилактика инспекторларига кўмаклашувчи профессионал фаолиятни такомиллаштириш” ² юзасидан Вазирлар Маҳкамасидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси 90-модда. 01.01.2014 Манба: ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-І-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол

ИИВга қарор лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича вазифа қўйилиши, ўз навбатида ИИВ мазкур масала юзасидан вазиятни ўрганиш ва таклиф-мулоҳазалар олиш учун ўз тизимининг қўйи бўғинларига топшириқлар бериши

Вазирлар Маҳкамасидан “Узархив” Агентлигига “Архив иши тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси талаблари асосида бепул ва пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш¹ бўйича чора тадбирларни амалга ошириш топшириғини бериши, Агентлик эса шу асосда республика архивларида қонунга кўра мазкур хизматни ташкилий-ҳуқуқий йўлга қўйиш чораларини амалга ошириши

в) давлат бошқаруви органининг горизонтал, яъни бир бирининг бўйсинувида бўлмаган давлат бошқаруви органлари билан бўлган муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий органининг горизонтал, яъни бир бирининг бўйсинувида бўлмаган давлат бошқаруви органлари билан бўлган муносабатлари

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш” Қоидалари² юзасидан Молия вазирлиги билан пулли тиббий хизматлар тариф коэффицентларини келишиб олиши

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги, «Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» ДУКнинг Миллий сертификатлаштириш органи — «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликдаги ҳамкорлигида Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш, жойлаштириш воситаларига тоифа бериш ҳамда сертификатлаштирилган туроператор ва меҳмонхона хизматларининг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар

инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сон, Кучга кириш санаси 18.01.2019 Манба: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни № ЎРҚ 252 сон. 15.06.2010 йилдаги ЎРҚ-252-сон, Кучга кириш санаси 16.06.2010 Манба: «Халқ сўзи», 2010 й., 119(5034)-сон; ЎР ҚХТ, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда

² Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш Қоидалари. “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 08.06.2004 йилдаги 264-сон, Кучга кириш санаси 08.06.2004 Манба: ЎР ҚХТ, 2004 й., 22-23-сон, 265-модда

талабларига мувофиқлигининг инспекция назоратини амалга ошириш ¹ юзасидан келишиб олиши бўйича иш юритиши.

Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари 1996 йилги Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида бир ой муддатда ҳарбий савдо объектларини ўз балансидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги балансига ўтказиб бериши ²
--

2. Давлат бошқаруви органларининг хусусий шахслар билан боғлиқ бўлган муносабатлари. Ушбу муносабатлар ҳам ўз навбатида 3 қилга эга.

а) давлат бошқаруви органи ва хусусий шахслар ўртасидаги тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий орган ва хусусий шахслар ўртасидаги тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган муносабатлар
Жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатли органга Аҳолига автотранспорт хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун мурожаат қилиши
Юридик шахсларнинг ташкил этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олишни сўраб Адлия органларига қилган мурожаати
Жисмоний шахснинг Давлат хизматлари Агентлиги бўлимларига ўз номида уй-жой йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш учун қилган мурожаатлари

б) давлат бошқаруви органи ва хусусий шахслар ўртасидаги юстицион муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий орган ва хусусий шахслар ўртасидаги юстицион муносабатлар
--

¹ Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. №355 сон 05.06.2017 й.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. № 342 сон 30.10.1996 й.

Ҳокимнинг хусусий шахснинг қонуний эгаллигидаги ерини қонунга ҳилоф ёки баҳсли тарзда олиб қуйиши ва ушбу ҳолат юзасидан шахснинг юқори турувчи органга шикоят қилиши
Солиқ инспекциясининг ноқонуний ёки баҳсли тарзда ўтказилган текширувлари устидан шахснинг юқори турувчи органга шикоят қилиши
“Ўзстандарт” Агентлигининг сертификат беришни асоссиз равишда рад этиши устидан хусусий шахснинг юқори турувчи органга шикоят қилиши

в) давлат бошқаруви органи ва хусусий шахслар ўртасидаги юрисдикцион муносабатлари.

Мисол учун,

Маъмурий орган ва хусусий шахслар ўртасидаги юрисдикцион муносабатлар
Фуқаронинг жамиятда ўрнатилган ўзини тутиш қоидаларини менсимаслиги натижасида майда безорилик ҳуқуқбузарлигини содир қилиши. Шу сабабли унга нисбатан ички ишлар органлари ҳодимларининг таъсир чорасини кўриши ва шу билан боғлиқ бўлган иш юритув муносабатларининг юзага келиши
Хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ тўловини ўз вақтида амалга оширмаганлиги туфайли унинг банк ҳисоб рақамига инкассо чекловининг қуйилиши
Юридик шахснинг ўз балансидаги биноларда ёнғин ҳавфсизлигини таъминлашнинг зарур чораларини кўрмаганлиги учун унга нисбатан таъсир чорасининг кўрилиши

Гувоҳи бўлганимиздек, Маъмурий ҳуқуқ доирасига кирувчи ижтимоий муносабатларга ҳар ким ҳар куни тўқнаш келиши мумкин. Ушбу муносабатларнинг аксарияти позитив табиатга эга бўлган ижтимоий муносабатлардир. Шунинг учун учун Маъмурий ҳуқуқ предметиға баҳо беришда уни деликт нуқтаи назаридан қараш нотўғри.

У ёки бу ижтимоий муносабатларни бирор бир фан тармоғи предметиға тааллуқлиги масаласини таҳлил қилишда унинг иштирокчиларини, яъни субъектларини аниқлаштириш муҳим. **Маъмурий ҳуқуқ субъектларига** қуйидагилар тааллуқлидир.

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари;
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
3. Ўзбекистон Республиксининг юридик шахслари;
4. Фуқаролиги бўлмаган шахслар;
5. Белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари.

Таъкидлаш жойизки, ушбу субъектлар ичида давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари алоҳида “мақомга” эга. Чунки, юқоридаги кўрсатилган субъектлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар деб таърифлаш учун унинг бир томонида шартли равишда давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирок этиши лозим.

Эсда сақланг!
Икки ёки ундан ортиқ иштирокчиларнинг ижтимоий муносабатга киришиши натижасида юзага келган муносабатни маъмурий ҳуқуқ томонидан ўрганиладиган муносабатлар сирасига киритишимиз учун, унинг бир томонида давлат бошқаруви органи ва унинг мансабдор шахслари иштирок этиши лозим, шунингдек бошқа субъектлар айна маъмурий орган билан ижтимоий муносабатга киришиши керак.

Фуқаролар, хусусий юридик шахслар ўртасидаги ёки хорижий давлат фуқароси билан Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тегишинча фуқаролик, корпоратив ёки конституциявий ҳуқуқ соҳалари ўрганадиган ижтимоий муносабатларнинг субъектларидир. Хаттоки, давлат ҳокимияти органи билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда ҳам унинг иштирокчилари Конституциявий ҳуқуқ тармоғининг субъектларига айланишади. Чунки, давлат ҳокимияти органлари (Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва ҳоказо) фаолияти ва уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатлари конституциявий мақомга эга.

Маъмурий ҳуқуқ доираси иштирокчилари эса давлатнинг бошқарув органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, инспекциялар, марказлар, комиссиялар, ҳокимиятлар ва бошқалар) ва уларнинг мансабдор шахслари билан чамбарчас боғлиқ.

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари ичида давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу муносабатларда “шартларни” оммавий бошқарув органлари¹ белгилайди. Уларнинг бундай мақомда бўлиши аввал таъкидлаганимиздек, умумдават миқёсида давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормалар асосида ҳаракат қилиши шарти билан изоҳланади.

Бошқача қилиб таъкидлаганда, улар халқнинг, жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, қонун нормалари асосида ҳаракат қилишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан таъкидлаганда, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқга хизмат қилиши керак”².

Давлат бошқаруви органларининг Давлат ҳокимияти органлари билан бўладиган муносабатларида гарчан бир томонда ижро ҳокимияти органлари иштирок этишига қарамасдан уларни Конституциявий ҳуқуқ субъектлари, юзага келган ижтимоий муносабатларни Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар қаторига киритиш ўринли. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқнинг ўзи Конституциявий ҳуқуқ замирида пайдо бўлади ва ривожланади. Шу сабабли ҳам ижтимоий муносабатлар “қесишмасида” устунликнинг Конституциявий ҳуқуқга берилиши мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви органидан лицензия, рухсатнома олиш орқали расмий равишда фаолият юритиб, фуқаролар ва юридик шахслар билан ижтимоий муносабатларга киришадиган

¹ Административное право (Общая часть) И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. 2012 г. Т.: Изд-во «Konsoulauditinform-Nashr» - С. 78

² Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. <https://president.uz/uz/lists/view/111>

хусусий юридик шахслар (аудиторлик фирмалари, баҳолаш ташкилотлари, хусусий бандлик агентликлари ва ҳоказо) ўзларининг қонуний хизматларини кўрсатиши давомида Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари мақомига эга бўлмайди. Бундай вазиятларда улар фуқаролик, меҳнат ёки тижорат ҳуқуқи каби ҳуқуқ тармоқларининг субъектларига айланади. Ушбу мисолни акциядорлик жамиятлари мисолида ҳам таъкидлаш мумкин. Агар давлатнинг у ёки бу акциядорлик жамиятидаги улуши 30%дан ортадиган бўлса, унда ушбу жамиятни Маъмурий ҳуқуқнинг субъекти сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъекти бўлган давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари қонун нормаларига таяниши керак. Яъни қонунийлик принципи ушбу соҳага ҳам бирдек тааллуқли. Шундай экан ушбу фан тармоғининг манбааларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. **Маъмурий ҳуқуқ манбааларига** қуйидагилар тааллуқли.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Кодекслари;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари;
5. Давлат бошқаруви органларининг расмий ҳужжатлари;
6. Маҳаллий ҳокимларнинг расмий ҳужжатлари.

Аввал таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқ ўзининг бошланиш асосини Конституциявий ҳуқуқдан бошлар экан, табиий равишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси унинг энг асосий ва биринчи манбааси бўлади.

Кейинги поғонада энг муҳим ва Маъмурий ҳуқуқда кўп ишланиладиган манбаалардан бу Қонунлар ва Кодекслардир. Айрим адабиётларда у ёки бу қонунни ёки Кодексини алоҳида кўрсатиб, айтиш шу қонун ёки Кодекс Маъмурий ҳуқуқнинг манбааси деган фикрларни учратиш мумкин. Таъкидлаш керакки, ушбу ёндашув унча тўғри эмас ва назаримизда ҳар қандай Қонун ёки Кодекс – бу Маъмурий ҳуқуқнинг бевосита манбааси бўла олади.

Мисол учун,

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси
Ушбу Кодекснинг асосий ижрочиларидан бири табиийки бу вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадаср қўмитаси органлари ва бошқалар. Мазкур органлар давлат бошқаруви органлари бўлиб улар Маъмурий ҳуқуқнинг субъектларидир. Улар ўз фаолиятида ижросини таъминлайдиган мазкур Кодекс эса, Маъмурий ҳуқуқнинг манбаасидир.
Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор кидирув фаолият тўғрисида”ги Қонуни
Мазкур Қонун нормаларига кўра, давлат бошқаруви органларининг бири бўлган – Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тезкор кидирув фаолият билан шуғулланувчи органлар сифатида мустақамланган. Шу сабабли улар мазкур қонуннинг ижрочилари ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида ушбу қонун Маъмурий ҳуқуқнинг ҳам манбааси эканлигининг исботидир.
Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонуни
Мазкур қонун ижрочиларидан бири сифатида маҳаллий ҳокимликлар кўрсатилган бўлиб улар ҳам ўз навбатида ижро ҳокимияти органларидир. Шундай экан, мазкур Қонун ҳам ҳақли равишда Маъмурий ҳуқуқнинг мабааларидан биридир.

Шундай қилиб, Маъмурий ҳуқуқнинг энг асосий ва энг кўп ишлатиладиган манбааларидан бири бу Қонун ва Кодекс шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Давлат бошқаруви органлари(Маъмурий органлар)нинг Қонун ва Кодекс шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини олиб борилишининг таъминланиши жамиятда қонунийлик принципининг мустаҳкам ўрнатилишига замин яратади. Бу эса пировардида, амалиётда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг сўзсиз таъминланишига асос бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ манбааларининг кейинги шаклини қонуности ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва

фармойишлари, давлат бошқаруви органларининг расмий ҳужжатлари ҳамда маҳаллий ҳокимларнинг қарорларидир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси назарий жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак, Қонунлар ва Кодексларда мустаҳкамланган нормаларни ижро қилишга қаратилган бўлиб, ўз мазмунига кўра, мазкур Қонунлар ва Кодекслар “табиати”га, мақсад ва вазифаларига мос бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мазкур қонуности ҳужжатларининг кириш қисмида уларнинг у ёки бу Қонун ва Кодекснинг тегишли моддаларига асосан қабул қилинаётганлиги тўғрисидаги нормаларнинг киритилиши муҳим аҳамиятга эга.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Тасаввур қилинг, Сиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи, катта молиявий салоҳиятга эга бўлган хорижий инвестиция асосида ташкил этилган компанияда ўз меҳнат фаолиятингизни юритасиз. Навбатдаги меҳнат ойи якунланди ва Сиз мазкур компания бухгалтериясидан ўзингизга тегишли бўлган пулни белгиланган тартибда олмақдасиз. Яъни кассага бориб ўзингиз қонуний ишлаб топган маблағни санаб, бухгалтерия ҳужжатига қўл қуйиб олдингиз. Иш вақти якунлангач, кўпчилик инсонлар каби Сиз ҳам рўзғор учун зарур бўлган нарсаларни харид қилиш учун катта Супер маркетга кирдингиз ва ўзингиз харид қилишни режалаштирган барча нарсаларни олдингиз. Сўнгра, касса олдида келдингиз нақ ёки банк пластик карточкаси орқали тўловни амалга оширдингиз, дўкон ҳодими Сизга чек тақдим қилди, Сиз уни олдингиз ва йўлингизда давом этдингиз.

Йўл-йўлакай ўз уйингиз учун мулк солиғини тўлашнгиз кераклиги ёдингизга тушди ва Сиз ишхонагиз рўпарасида жойлашган туман солиқ инспекциясига бориб тўловни амалга оширдингиз Сизга солиқнинг тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилди.

Сўнгра Сиз, ўзингиз яшайдиган кўпқақатли уйингизнинг хоналари орқалиғи тузилишида ўзгартиш қилаётган эдингиз ва туман кадастр бўлишимига шу масала юзасидан рухсат олиш учун ариза берганлигингиз ёдингизга тушди. Кадастр бўлими Сизнинг аризангиз кўриб чиқиляётганлигин ва яқин 3-4 кунда расмий жавоб олишингизни айтди.

Ниҳоят Сиз уйингизга кираверишингизда олдингиздан Ҳусукий уй жой мулкдорлари ширкати ҳодими чиқди ва ўтган чоракда Сизнинг хонадонингизга кўрсатилган хизмат учун бадал пулини тўлашингиз кераклигини таъкидлади. Сиз тартиб

ва қонунларни ҳурмат қиладиган инсон сифатида мазкур тўловни ҳам амалга оширдингиз. Сизга тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилинди. Сўнгра Сиз ўз уйингизга кетдингиз.

1. Ушбу казусли мисолда Маъмурий ҳуқуқнинг предмети, субъекти борми? Агар бор бўлса изоҳланг.

2. Ушбу казусли вазиятда Маъмурий ҳуқуқ манбааларини учратиш мумкинми?

3. Маъмурий ҳуқуқ тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни изоҳлашга ва уларнинг ўзига хослигини англашга ҳаракат қилинг. Бошқа ҳуқуқ тармоқларини ҳам тушунишга урининг.


1.3. Маъмурий ҳуқуқ услуби, тизими ва принциплари

Аввалги параграфда таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқ нормалари императив характерга эга бўлиб, улар у ёки бу ижтимоий муносабатларнинг мазкур нормаларда қатъий белгиланган тартибда (танлаш имконисиз), давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланган шартларда бажарилиши лозимлигини англатиб, улар ўз тузилишига кўра 3 қисмга бўлинишини келтирган эдик. Булар гипотеза, диспозиция ва санкция.

Ўз навбатида диспозиция ҳам уч қисмдан иборат бўлиб, булар тартибга солиш, рухсат бериш ва таъқиқлаш қисмларидир. Ушбу тушунчалар Маъмурий ҳуқуқ соҳаси услублари деб юритилади.

Маъмурий ҳуқуқ услублари бу маъмурий-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларга таъсир этишга қаратилган ҳуқуқий воситалар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳуқуқий воситаларга юқорида таъкидлаганимиздек мажбурият юкловчи, рухсат бериш ва таъқиқлаш каби воситалар киради. Булар Маъмурий ҳуқуқ манбааларида ўз аксини топади. Ушбу учала қисм ёки ҳуқуқий воситалар йиғиндиси ҳуқуқ нормасининг диспозициясини ташкил этади. *(Батафсил тушуниш учун №1 чизмага қаранг)*

№1 чизма



<i>Эсда сақланг!</i>
Маъмурий ҳуқуқ услублари – бу маъмурий-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларга таъсир этишга қаратилган ҳуқуқий воситалар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳуқуқий воситаларга ёки услубларга мажбурият юқловчи, рухсат бериш ва таъқиқлаш кабилар тааллуқли.

Мажбурият юқловчи – ҳуқуқ нормаси субъектларига диспозициясида мустаҳкамланган ҳаракатларни амалга оширишга мажбуриятининг белгиланганлигини, айнан ҳуқуқ нормасида кўрсатилганидек ҳаракат қилиш лозимлигини англатади.

Рухсат бериш – субъектларга ҳуқуқ нормаси диспозициясида мустаҳкамланган ҳаракатлардан бирини қўллаш, амалга ошириш учун танлаш имкониятининг берилишини англатади.

Таъқиқлаш – субъектларга ҳуқуқ нормаси диспозициясида у ёки бу ҳаракатни амалга оширишни таъқиқлиб қуйилган мажбуриятни англатади.

Ушбу назарий тушунчаларни амалий мисолларда, маълум бир ҳуқуқ нормаси асосида тушунтиришга ҳаркат қиламиз.

Мисол учун,

Маъмурий ҳуқуқ услуглари номланиши	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”
Мажбурият юклаш	3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан <u>татбиқ этилади.</u>
	10-модда. Маъмурий тартиб-таомилларнинг очиклиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги принципи Маъмурий тартиб-таомиллар очик, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли <u>бўлиши лозим.</u>
	20-модда. Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги Маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан <u>амалга оширади.</u> Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги тўғрисидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан <u>ҳал этилади.</u>
Рухсат бериш	22-модда. Маъмурий иш юритиш иштирокчилари Маъмурий орган учинчи шахсларни маъмурий иш юритишда иштирок этишга ўз ташаббусига <u>ёки</u> манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра жалб қилиши <u>мумкин.</u>
	33-модда. Тегишли тарзда хабардор қилиш Хабарномани манфаатдор шахсга тилхат олиб шахсан топширишнинг имкони бўлмаган тақдирда, хабарнома у билан бирга яшайдиган вояга етган оила аъзоларидан бирига <u>ёки</u> бундай шахслар бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига <u>ёки</u> манфаатдор шахснинг иш берувчисига (таълим муассасаси маъмуриятига) тилхат олиб топширилиши <u>мумкин.</u>
	52-модда. Маъмурий ҳужжатнинг шакли Маъмурий ҳужжат ёзма шаклда қабул қилинади. Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш <u>ёки</u> муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши <u>мумкин.</u>

	Ўзма маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланади ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланади.
Таъқиқлаш	3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан <u>татбиқ этилмайди.</u>
	7-модда. Мутаносиблик принципи Маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик <u>туғдирмаслиги керак.</u>
	42-модда. Аризанинг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар Маъмурий орган аризачидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ахборотни ёки ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга, шунингдек аризага ва унга илова қилинган ҳужжатларга нисбатан <u>талаблар қўйишга ҳақли эмас.</u>

Ушбу услубларни фарқлаш орқали маълум бир ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиш, унинг мазмунига баҳо бериш, қайси услубнинг кўп учрашини аниқлаш орқали ҳуқуқнормасининг (қонуннинг, кодекснинг) мақсад муддаосини тушунишимиз мумкин. Тушуниш орқали унинг истикболига баҳо беришимиз мумкин. Ушбу жиҳатдан ҳам Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг назарий жиҳатлари ўз аҳамиятига эга.

Маъмурий ҳуқуқ соҳаси бошқа аксарият ҳуқуқ соҳалари каби ўз тизимига эга. **Маъмурий ҳуқуқ тизими** икки қисмдан иборат. Булар умумий қисм ва махсус қисм.

Ҳар қандай ҳуқуқ соҳасида бўлгани каби Маъмурий ҳуқуқнинг умумий қисми назарий масалаларни ўз ичига олган бўлиб, унда

- Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни;
- Маъмурий ҳуқуқнинг предмети, субъектлари ва манбаалари;
- Маъмурий ҳуқуқнинг нормалари, уларнинг турлари, функциялар;
- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг юзага келиш шарт-шароитлари, принциплари;
- Маъмурий ҳуқуқда давлат бошқаруви органларининг бошқарув шакллари ва услублари каби назарий масалалар таҳлил қилинади.

Мазкур ҳуқуқ соҳасининг махсус қисми, кўпроқ амалий масалаларга тўхталиб, унга юқоридаги таъкидланган назарий масалаларнинг амалий ифодалари ҳолати борасида фикр юриталади. Хусусан,

- Давлат хизмати тушунчаси, ҳуқуқий асослари, унга кириш, ўташ ва тугатилиш асослари;
- Иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий-сиёсий соҳаларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари;
- Маъмурий органларда маъмурий процесс масалалари унинг ҳуқуқий асослари;
- Маъмурий органларда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари;
- Маъмурий органларда маъмурий иш юритиш тартиби;
- Маъмурий орган томонидан чиқариладиган маъмурий акт тушунчаси ва мазмуни;
- Маъмурий органнинг ёки унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш тартиби каби масалалар ўз ифодасини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Маъмурий ҳуқуқ тизимини ўрганиш орқали мазкур ҳуқуқ соҳасига умумий баҳо беришимиз, эътибордан четда қолаётган масалаларни илғай олишимиз ва унга ўрганиш имконияти, ҳуқуқ

тизимида энг муҳим ва иккиламчи масалаларни ажрата олишимиз бир сўз билан таъкидлаганда ҳуқуқ соҳасини бир бутун, бир бирига боғлиқ бўлган воқелик сифатида кўришимиз учун муҳимдир.

Маъмурий ҳуқуқ принциплари бир қатор умумий ва ўзига хос бўлган (махсус) принципларга эга. Унинг умумий, яъни ҳуқуқ фанининг бошқа тармоқларига ҳам хос бўлган принципларига қонунийлик, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг устунлиги, гуманизм каби принциплар тааллуқли. Шу жойда қонунийлик принципига тааллуқли бўлган қисқа маълумот. Бугунги кунда ғарб мамлакатлари ҳуқуқий доктринасида кўпинча “ҳуқуқ устунлиги принципи” эътироф этилади. Ғарб олимларининг қарашарига кўра, “ҳуқуқ устунлиги принципи” кенгроқ ва ижтимоий адолат принципларини ўз ичига қамраган деган назарияга таянади.

Маъмурий ҳуқуқнинг махсус принципларига қуйидагилар тааллуқли:

- Умумий манфаатнинг устунлиги принципи¹;
- Мутаносиблик принципи;
- Тенглик принципи;
- Давлат бошқарувининг шаффофлиги принципи;
- Маъмурий дискрециянинг мақсадга мувофиқ чекланиши принципи;
- Давлат бошқарувининг самарадорлиги принципи;
- Манфаатдор шахс фикрларини инобатга олиш принципи;
- Давлат бошқарувининг жавобгарлиги принципи.

Ҳуқуқдаги, аниқроғи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги принциплар бу қонуннинг моҳиятини, унинг табиатини ва руҳиятини англаувчи чуқур назарий ғояларга асосланган воқеликдир. Принциплар қонун субъектларига у ёки бу нормани амалга оширишда таяниши, эътиборга олиши зарур бўлган ва ички сиёсий-ҳуқуқий билим ва тажрибадан фойдаланишни тақозо этувчи омиллар йиғиндисидир. Германиянинг Берлин шаҳри Маъмурий суди судьяси

¹Административное право (Общая часть) И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. 2012 г. Т.: Изд-во «Konsoulauditinform-Nashr» - С. 90

Й.Пудельканинг таърифлашича: “Мазкур принциплар махсус ҳуқук нормаларини шарҳлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари доирасини белгилайди”¹.

Шундай қилиб, давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятини амалга ошириши давомида тегишли қонунларга таяниб, **умумий манфаатнинг устунлиги принциpidан** келиб чиқиб қарор қабул қилиши зарурлигини англатади. Мисол учун, давлат хизматчиси кенг оммага таъсир этиши мумкин бўлган қарор қабул қилишда ўз ташкилоти ёки ўзидан юқори турувчи раҳбарининг идоравий ёки шахсий манфаатларига жавоб берувчи қарорни эмас, балки омма, яъни жамиятнинг аксарият қисми манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий адолатли бўлган қарорни қабул қилиши керак.

Мисол учун, давлат бошқаруви органига бирор бир ҳўжалик юритувчи субъект ёки хорижий инвестор, маълум бир тарихий обидалар, ноёб флора ва фаунага эга бўлган, шунингдек маҳаллий аҳолининг тарихий, маънавий хотиралари билан боғлиқ ҳудудни тижорат мақсадларида ажратиб беришни сўраб мурожаат қилса, мансабдор шахс юқорида қайд этилган омилларни албатта эътиборга олиши ва жойиз бўлса, умумий манфаатларнинг устунлиги принциpidа таянган ҳолда бундай тижорат лойиҳасидан воз кеча олиши керак. Англаб етканингиздек, принцип масаласи нафақат ҳуқуқий, балки чуқур сиёсий, тарихий, маънавий, фалсафий ва мантиқий билим ҳамда илмни талаб қилувчи омилдир.

Маъмурий ҳуқукда мутаносиблик принциpi алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳам энг аввало инсон ва фуқаролар ҳуқук ҳамда қонуний манфаатлари устунлиги асосида шаклланган принципдир. Бунда давлат бошқаруви органи ва унинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинишида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари

¹ Й. Пуделька Общие принципы административного производства // ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – С. 2.

маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак¹. Мисол учун, тегишли рухсатномаларсиз фаолият юритаётган “тадбиркорлик субъекти” аниқланган тақдирда, масъул давлат бошқаруви органлари ўз функциялари ва қонуний вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб, энг аввало уни қонуний фаолият юритиш йўналишига ўтказиш чораларини кўриши лозим. Бошқача қилиб таъкидлаганда, уни “соёдаги иқтисодиётдан” қонуний йўлга бошлаш йўллари кидириши керак. Чунки, мазкур фаолият билан норасмий шуғулланаётган тадбиркор ҳам камида бир неча оиланинг бандлигини таъминлаётганлигини эътиборга олиши керак. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш эса оммавий бошқарув органларининг ҳам бош вазифаларидан ҳисобланади. Агар норасмий тадбиркор огоҳлантиришлардан сўнг ҳам норасмий фаолиятни давом эттирсин, сўнгра унга нисбатан қонун доирасида келтирган зарари миқдорида тегишли ҳуқуқий таъсир чорасини кўриш лозим.

Тенглик принципи ўз номи ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, давлат бошқарувини амалга оширишда ва давлат хизматчиларининг хусусий (жисмоний ва юридик) шахслар билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларида тенгликни таъминлаши лозимлиги тушунилади. Таъкидлаш керакки, аслида ушбу принцип ҳам умумҳуқуқий принциплар қаторига тааллуқли. Аммо унинг аҳамиятини эътиборга олиб, шунингдек хусусий шахсларнинг ўз қонуний манфаатларини руёбга чиқаришини сўраб давлат бошқаруви органларига қиладиган мурожаатлари одатий ва кундалик ҳолат эканлигини англаган ҳолда, ушбу муносабатларда давлат бошқаруви органлари томонидан фуқароларнинг тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, миллати, жинси ва фаолият туридан, шунингдек юридик шахслар мулкӣ шаклидан қатъи назар уларга бир хил муносабат кўрсатиб, давлат хизматларини тенг муносабатларда амалга оширишни англатади. Мисол учун

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни № ЎРҚ 457-сон 08.01.2018 й. 7-модда. Манба: ҚҲММБ, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон

Давлат хизматлари агентлигининг жойлардаги бўлимларига бирор бир рухсат бериш кўринишидаги ҳужжатни олиш учун икки ҳил мулк шаклидаги ёки йиллик товар айланмасига (бири 200 миллион иккинчиси 2 миллиард) турли ҳил бўлган юридик шахслар мурожаат қилса, кўп солиқ тўлайдиган юридик шахснинг манфаатларини устун қўйиб қонунда махсус белгиланмаган устунликлар ва имтиёзларни бериш ёки унинг ишини биринчи кўриб чиқиб ҳал қилиш кўринишидаги муносабатлар амалга оширилмаслиги лозимлигини англатади.

Давлат бошқарувининг шаффофлиги принципи ўзининг мазмун-моҳиятига кўра катта аҳмиятга эга принциплардан биридир. Жумладан, бугунги кундаги давлат бошқаруви органларининг шаффофлиги масаласи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг идеал даражада таъминланиши, қоррупция ва шунга ухшаш салбий, ички ҳавфсизликка таҳдид солувчи иллатларни бартараф қилишга қаратилган, ҳуқуқ категорияси билан бир қаторга сиёсий категория билан ҳам баҳоланадиган принциплардан биридир. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йил 5 май санасида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида”ги № 369 сон Қонуни қабул қилинган. Таъкидлаш керакки, “шаффофлик” ва “очиқлик” тушунчалари ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд бўлиб, шаффофликни таъминлаш масаласи аввало очиқликни, яъни давлат бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларнинг, бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар,

давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар¹нинг ва бошқа шу каби маълумотларнинг жойлаштирилиши тушунилса, шаффофликда мурожаат қилган шахсга унинг иштирокида унга доир комиссия таркибидаги ишларни кўриб чиқиш, унинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиш, давлат бошқаруви органларининг локал (ички) тартиб қоидалар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг кенг омма эътиборига доимий тарзда ҳавола этилиши, давлат бошқаруви органи фаолияти самарадорлигига оид бўлган статистик маълумотларнинг мурожаатларсиз ҳам тизимли тарзда эълон қилиб турилиши, турли даражадаги мансабдор шахсларнинг иш ҳақи ва солиқ декларацияларига оид маълумотлар билан танишиш имкониятининг яратилганлиги каби масалалар шаффофлик принципининг ифодасидир.

Маъмурий дискрециянинг мақсадга мувофиқ чекланиши принципи бу қарор қабул қилувчи мансабдор шахс учун маълум даражадаги “эркинлик, танлаш имкониятининг мавжудлиги”ни зарур даражада қонунан чеклаб қўйишидир. Маълумки, мансабдор шахсда дискрецион ваколатнинг кўпайиб кетиши қонунийлик принципининг бузилишига ва инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг пой мол бўлишига олиб келиши мумкин. Аммо, дискрециянинг ҳам маълум маънода мавжуд бўлмаслиги қонунларнинг амалиётда учраши мумкин бўлган турли ҳил вазиятларни ғал қилиб бера олмаслиги мумкинлигини кўрсатиши ва натижада яна қонунийлик принципининг бузилишига ва инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг пой мол бўлишига олиб келиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни 11-моддаси талабларига кўра: “Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади. Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига)

¹ Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги тўғрисида”ги Қонуни № 369 сон 05.05.2014 й. Манба: «Халқ сўзи», 2014 й., 87 (6017)-сон; ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 209-модда

берилиши мумкин¹” деб белгиланган. Бу ерда охирги “мумкин” деган сўзнинг мавжудлиги дискрецияни, яъни мансабдор шахснинг ўзи қарор қабул қиладиган вазиятни юзага келтирмоқда. Энди тасаввур қилинг, агар қонунда “мумкин” сўзининг ўрнига “шарт”, “лозим” ёки “керак” сўзлари ишлатилганида, унда лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) бериладиган ва қарор қабул қилувчи мансабдор шахс учун бошқа йўли қолмаган бўлар эди. Бундай ҳолатнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Агар биринчиси нисбатан тушунарли бўлган бўлса, иккинчиси, яъни салбийси шунда кўриниши мумкинки, лицензияга талабгор шахс, тадбиркор ўз молиявий имкониятидан келиб чиқиб лицензия шартининг фақат бир қисмини бажаришни ва шу қисми учунгина сўнгра солиқ тўлай олиши мумкинлигини билдирадиган бўлса, қонун бундай ҳолатни тақиқлаб қўйган бўлар эди. Натижада яна инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг, тадбиркорлик эркинлиги кафолатларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Аммо шунга қарамасдан, Маъмурий ҳуқуқ назарияси дискрециянинг мақсадга мувофиқ чекланиши принципимавжудлигини ва бундай ҳолат қонунларимизда имкон қадар кам учраши лозимлиги тарафдоридир.

Давлат бошқарувининг самарадорлиги принципи нисбатан янги принциплардан бўлиб, ушбу принципнинг бугунги кунда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ишлари энди бошланмоқда. Маълумки, ҳар бир давлат бошқаруви органи маълум муддат оралиғида ўз фаолиятини баҳолаши, амалга оширилган ишлари натижасида ўз функцияларини қанчалик даражада самарали амалга олиб борганлигини, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаши ва бартараф этиш чораларини кўриши лозим. Бунинг учун унинг минимал даражада эришиши керак бўлган “марралари” белгиланиши керак. Ва эътиборлиси ушбу марралар омма манфаатларига, бошқача айтганда, жамият ва ҳар бир шахс манфаатларига жавоб бериши, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, умум эътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларга

¹ Ўзбекистон Республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни № 71 II-сон 25.05.2000 й. Манба: Олий Мажлис Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; «Халқ сўзи», 2000 й., 113-сон

мос бўлиши керак. Зеро, ушбу самарадорликни аниқлаштирувчи “марраларни” кузатиб турган жамиятнинг ҳар бир аъзоси уни назорат қила олиши ва ўз муносабатини билдира олиши лозим. Ушбу принципнинг моҳияти шундан иборат.

Манфаатдор шахс фикрларини инобатга олиш принципи Маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинишини¹ аниқлатади. Таъкидлаш керакки, шундай принцип Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида ҳам кўрсатилган бўлиб, унга кўра Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади². Таъкидлаш жойизки, ушбу принципнинг назарий номланиши билан биз келтирган қонунлардаги мисоллар орасида кичиб луғавий фарқлар мавжуд. Аммо, унинг туб моҳияти ва мазмуни бирдир. Яъни давлат бошқаруви органлари томонидан ишлар олиб борилишида улар мурожаат қилган томоннинг ўзидан унинг фикрларини эшитиши ва инобатга олиш йўллари қидириши, бошқача айтганда имкон қадар унинг тарафини олиш чораларини кўриши керак. Шу нуқтаи назардан, мазкур қонунлардан келтирилган амалий мисоллар ушбу принцип мазмунини очиқ беришга хизмат қилади.

Давлат бошқарувининг жавобгарлиги принципи барча олдинги принциплар билан чамбарчас боғлиқликга эга эканлигини таъкидлаш жойиз. Чунки, қонунийликни, давлат бошқарувининг шаффофлигини, манфаатдор шахс фикрларини инобатга олинмаган ва мутаносибликни таъминланмасдан ва шу тариқа инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан тегишли жавобгарлик бор

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни № ЎРҚ 457-сон 08.01.2018 й. 11-модда. Манба: ҚХММБ, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон

² Ўзбекистон республикасининг Солиқ Кодекси 11-моддаси 01.01.2008. Манба: ЎР ҚХТ, 2007 й., 52 (I)-сон

эканлигини ҳар қандай қонун таъминлаши керак. Бу сиз ҳеч бир принцип ва ҳеч қандай қоида кутилган самарани бермаслиги мумкин. Юқоридаги принципларга асосланган қонун нормалари мансабдор шахс томонидан эътиборга олинмаслигининг олдини оловчи норма мавжуд бўлмас экан унда бундай қонун кутилган натижани бермайди. Ҳар бир қонуннинг, норманинг олдинги параграфларда таъкидлаганимиздек санкция қисми бўлиши керак. Ва бундай санкция қисми мазкур ижтимоий муносабатларнинг ҳар иккала томонига тегишли бўлмоғи зарур. Зеро, қонун нормасини, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахстегишли ва мутаносиб тарзда жавобгарликка тортилиши керак.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
А исмли фуқаро ўз турмуш ўртоғи билан бирга аҳоли гавжум жойлашган шаҳар мавзеларидан бирида, мазкур ҳудудда яшовчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғуланиш учун кичик савдо шаҳобчасини очди ва ўз фаолиятини бошлаб юборди. Орадан бироз вақт ўтиб, ушбу янги “очилган” савдо шаҳобчасидан участка солиқ инспектори хабар топди ва улардан ўз фаолиятини қонуний олиб бориши лозимлигини ва бунинг учун Давлат хизматлари мазказидан белгиланган тартибда руйхатдан ўтиш лозимлигини тушунтирди. Акс ҳолда уларнинг ҳаракатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланишини тушунтириди ва уларга ўз фаолиятини қонунийлаштириш учун 30 календар куни вақт берди. Мазкур вақт давомида фуқаро А ўз номига оилавий тадбиркорлик субъектини расмийлаштирди. Белгилаган тартибда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсаномани олди, банкдан ҳисоб рақамини очди, республика инкассация хизмати билан уч тононлама шартнома тузди ва давлат фойдасига белгиланган солиқни тўлайдиган бўлди. Натижада унинг фаолияти нафақат ўзига балким, солиқ тўлаш орқали жамиятга, ҳужжатларга эга бўлиш орқали сифатли маҳсулотлар билан савдо қилишини исботлаб – маҳаллий аҳолига, ўзини ва оила аъзоларининг иш билан таъминланганлигини эътиборга янги иш ўринларини яратиш масаласида – давлатга фойда келтирадиган бўлди.
1. Мазкур мисолда императив ҳуқуқ нормаларининг белгиларини англадингизми? Улар нималарда ўз ифодасини топган, изоҳланг.

2. Мазкур вазиятни ҳуқуқий тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни аниқланг ва унинг тузилишига баҳо беринг.

3. Мазкур вазиятда назарий томондан Маъмурий ҳуқуқнинг қайси принциплари эътиборга олинганлигини тушунтиринг.

4. Фаолиятни тегишли рухсатномаларсиз амалга оширганлик учун қонунларда белгиланган жавобгарликни баҳоланг.

1.4. Маъмурий ҳуқуқ нормалари, уларнинг турлари ва функциялари

Умумий ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳуқуқ нормалари табиий ва позитив ҳуқуқ шаклларига ажратилади. Дастлабки шакл бўйича инсон ва фуқароларга табиат томонидан инъом этилган ва ҳеч бир қонун ёки ҳужжат билан тартибга солинмайдиган, ҳар ким тўғилиши билан маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши назарда тутилади. Бундай категориядаги ҳуқуқларни асосан эркинликлар деб юритиш ўринлидир. Чунки, одатда ҳуқуқ ўрнатилади, эркинлик эса табиий равишда ҳар бир инсонда мавжуддир. Эркинликлар жумласига яшаш, эътиқод қилиш, ҳаракатланиш, эркин касб турини танлаш, фикр билдириш ва бошқалар таллуқли.

Позитив ҳуқуқ шакли эса жамиятда юзага келаётган турли хил ижтимоий муносабатларни қонунлар ва кодекслар орқали тартибга солиш “йўли” бўлиб, унга кўра умумий тенгликни таъминлаш ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, умумий тартиб қоидаларни расмий равишда, яъни давлат ҳокимияти органлари томонидан мустаҳкамлаб қўйиш тушунилади. Шунини таъкидлаш керакки, позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқ шакли эътироф этадиган асосий эркинликлар доирасини инкор этмайди, балки уни маълум маънода тизимлаштиришга ҳаракат қилади.

Одатда позитив ҳуқуқ, назарий жиҳатдан катта икки гуруҳга ажратилади. Булар диспозитив¹ нормалар ва императив² нормалар. Диспозитив

¹ Диспозитив – бу ҳуқуқда танлаш имконининг мавжудлиги. Юридический словарь / Под ред. А.Н. Азрилиана. – М.: Институт новой экономики, 2007, - С. 135.

² Императив – буйруқ берувчи, юридик амалиётда танлаш имконининг мавжуд эмаслиги. Юридический словарь / Под ред. А.Н. Азрилиана. – М.: Институт новой экономики, 2007, - С. 245.

нормаларга қоида тариқасида, халқаро-ҳуқуқий нормалар, давлатларнинг конституциялари ёки концепция ва стратегия каби умумий режа кўринишидаги ҳужжатлар тааллуқли. Чунки бундай ҳужжатларнинг аксарият нормалари тавсиявий ҳарактерга эга бўлиши билан изоҳланади ҳамда унинг нормалари ўзгартирилиб амалга оширилиши учун юридик жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Мисол учун,

Халқаро-ҳуқуқий нормалар
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси
БМТнинг Фуқаролар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид Халқаро Пакт
Турли ҳил конвенциялар
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима қисми нормалари
1-модда. Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.
7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.
Концепция ва стратегиялар
2012 йил 12 ноябрда эълон қилинган Мамлакатни модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси
2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Юқорида таъкидланган халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг диспозитивлиги шундаки, мазкур ҳужжатларнинг матнида уларнинг дунё давлатлари учун тавсия, ўзига хос эталон вазифасини ўташи белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва умуман ҳар қандай давлат Бош қонуннинг юқорида таъкидлангандек умумий эътироф этиш ҳарактерига эга бўлган нормалари мавжуд бўлади, шунинг учун ҳам бундай нормаларни ҳақли равишда диспозитивнормалар қаторига киритиш ўринлидир.

Концепция ва стратегияларга тўхталадиган бўлсак, улар узоқ муддатларга мўлжалланган режа, лойиҳа эканлигини англаш қийин эмас. Яъни у вақт ўтиши билан режа ва лойиҳада кўзданганидан бошқа кўринишда юзага келиши мумкин.

Императив нормаларга давлатларнинг қонунлари ва кодекслари ҳамда турли хил қонуности ҳужжатлари тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ҳам ҳуқуқ фанининг бир қисми бўлиб, ўз ўрганиш предмети доираси давлат бошқаруви органлари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг нормалари императив, яъни бажарилиш мажбурий ва аниқ характерга эга. Аммо бундай фикр ушбу мажбурий нормаларнинг асло умумий адолат ва тенглик принципларини инкор этишини англабмайди.

Шундай қилиб, **Маъмурий ҳуқуқ манбаалари императив услубга эга** эканлигини ҳулоса қилиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари ўз мазмунига кўра, моддий ва процессуал нормаларга бўлинади.

Моддий нормалар Маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқ нормаларини англатса, процессуал ҳуқуқ нормалари мазкур моддий нормаларни амалга ошириш тартиб-таомилларини ўзида акс эттиради.

Мисол учун,

Моддий нормалар
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”
3-модда. Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.
16-модда. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга: Назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятидан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш; Назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномала рюбориш; Профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш; Назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш. Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”
7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди; давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилайди.
8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади; Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади; Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади; Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга ҳамда репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга доир чора-тадбирларни белгилайди;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини, кафолатланган хизматлар, уларни қўллашга доир кўрсатмалар, монеликлар ва чекловларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўлловчи тиббиёт ташкилотларининг фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

хомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни амалга ошириш тартиби ва шартларини, хомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш учун тиббий кўрсатмалар рўйхатини белгилайди;

жарроҳлик контрацепциясини амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Шундай қилиб, Маъмурий ҳуқуқдаги моддий нормалар давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ваколатлари доираларини ўзида акс эттирган бўлади. Процессуал нормалар эса, юқорида таъкидланганидек, моддий нормаларда ўз аксини топган қоидаларни амалга ошириш тартибларини, кетма-кетлигини акс эттирувчи нормалардир. Уларга мисол учун қуйидагилар тааллуқли:

Процессуал нормалар
Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси
16-модда. Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш шартлари Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини бевосита божхона чегараси орқали олиб ўтишга қаратилган ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради: Божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахснинг божхона назорати зонасига кириши; Транспорт воситасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш пунктига кириши; Божхона ҳудудига йўллаш ёки ушбу ҳудуддан ташқарига жўнатиш учун товарларни транспорт ташкилотларига ёхуд халқаро почта вакуръерлик жўнатмаларини почта алоқаси операторлари ва провайдерларига топшириш;

жисмоний шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланмаган жойлардан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтишга қаратилган ҳаракатлари...

20-модда. Товарларни ва (ёки) транспорт

воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш жойи ҳамда вақти

Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кириладиганда ҳамда ушбу ҳудуддан олиб чиқилаётганда уларни божхона чегараси орқали олиб ўтишга божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида йўл қўйилади ва транспорт воситаларини махсус белгиланган жойларда тўхтатган ҳолда, божхона органларининг иш вақтида амалга оширилади. Мазкур талабга риоя этилмаган тақдирда божхона органлари ушбу транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиб қўядилар.

Товарлар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган қуйидаги махсус жиҳозланган жойлар божхона чегараси орқали ўтказиш пунктлари ҳисобланади:

ҳаво транспорти орқали олиб ўтишда — божхона ҳудудидаги етиб келинадиган (жўнатиладиган) аэропорт ёки товарларни ташиётган ҳаво кемаси қўнадиган (парвоз қиладиган) ва товарларни туширадиган (юклайдиган) биринчи (охирги) аэропорт;

дарё транспорти орқали олиб ўтишда — божхона ҳудудидаги товарлар тушириладиган (ортиладиган) биринчи (охирги) дарё порти ёки қайта юкланадиган дарё порти;

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Уруғчилик тўғрисида”

18-модда. Уруғликларнинг генетик (нав) сифатини аниқлаш

Уруғликларнинг генетик (нав) сифати уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси, тупроғини баҳолаш, уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синовлари натижалари бўйича аниқланади.

19-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик

экинзорларининг апробацияси

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий органларининг, шунингдек

тегишли тайёрлов ҳамда таъминот ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг қўшма қарори билан тузиладиган туман апробация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Уруғли кетиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси ўсимликлар генетик (нав) жиҳатдан софлигининг, зараркундалар билан зарарланган-зарарланмаганлигининг, касалликларга чалинган-чалинмаганлигининг ва уруғликлар умумий ҳолатининг далада ўтказиладиган текшируви орқали амалга оширилади.

Уруғли кетиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробациясини ўтказиш натижаларига кўра туман апробация комиссиялари томонидан манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга апробация далолатномаси берилади.

Уруғлик етиштирувчилар шахсий фойдаланишдаги уруғлик экинзорларининг апробациясини апробация далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда ўтказишга ҳақли.

Гувоҳи бўлганингиздек, юқоридаги мисолларда, давлат бошқаруви органларининг мазкур қонунлардаги ваколатларини амалга ошириш бўйича у ёки бу тадбирларни амалга ошириш тартиблари, қоидалари мустаҳкамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунлар ёки кодекслар мутлоқ бирор бир нормани ўзида мужассамлаштирган бўлмай балки маълум моддалари (ёки нормалари) моддий қоидаларни бошқалари процессуал нормаларни ҳам акс эттириш мумкин. Биз ҳар бир қонун ёки кодексни унинг моддий ва процессуал нормалари нисбати қанча эканлигини таҳлил қилиш орқали унга баҳо беришимиз мумкин. Назарий томондан фараз қиладиган бўлсак, барча моддий нормалар қонунлар ва кодексларда ўзининг тўла аксини топмоғи лозим, процессуал нормалар эса ҳар бир амалиётдаги вазиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда айрим ҳолларда қонуности ҳужжатларида акс эттирилиши мумкин. Яъни идеал қонунчилик моддий нормаларни яратишни қонуности ҳужжатларига қолдирмаслиги керак.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи каби ўз тузилишига эга. Улар, умумий ҳуқуқ назарияси асосида гипотеза, диспозиция ва санкция каби тузилишига эга.

Маъмурий ҳуқуқ тармоғининг ўзига хослигини эътиборга олиб шуни таъкидлаш керакки, юқоридагидек тўлиқ 3 та тузилишга эга бўлган нормалар бўлавермаслигини эътиборга олиш лозим.

Мамъурий ҳуқуқ тармоғи нормаларида гипотеза сифатида маълум норманинг мақсад ва вазифалари, принциплари ва тартибга солиш доираси каби қоидалар мустақкамланган қисмлар бўлиши мумкин.

Диспозицияда эса маъмурий орган ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби (аввал таъкидланган моддий ва процессуал нормалар йиғиндиси) қисмлари ўз аксини топади.

Маъмурий ҳуқуқий нормаларда ҳар доим ҳам санкция қисми кўрсатилмаслиги мумкин. Одатда улар алоҳида қонунлар ва кодексларда ўз аксини топган бўлади.

Энди, Маъмурий ҳуқуқ нормалари тузилишига аниқ бир қонун мисолида намуна келтиришга ҳаракат қиламиз,

Ҳуқуқ нормаси тузилиши	Мазмуни
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Халқаро шартномалар тўғрисида”	
Гипотеза	1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.
	3-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.
	5-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва бошқа ахдлашувчи томоннинг тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тилидир.

Диспозиция	Бошқа аҳдлашувчи томон билан келишувга кўра ўзга тил Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартноманинг матни қайси тилда тузилган бўлса, ўша тил мазкур шартноманинг матнида кўрсатилиб, матнда унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади.
	6-модда. Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатлар Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш масалалари бўйича ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.
	18-модда. Ратификация қилинадиган халқаро шартномалар Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро кафолат шартномалари ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси учун аҳдлашувчи томонлар белгилайдиган тартибда кучга киради.
Санкция	52-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Таъкидлаш керакки, ҳар қандай норманинг диспозиция қисми ўз навбатида уч турга бўлинади. Булар мажбурият юксловчи, рухсат бериш ва таъқиқлаш қисмларидир. Илмий тилда ушбу тушунчалар ҳуқуқ нормасининг услублари (методлари) деб юритилади. Маъмурий ҳуқуқ соҳасининг ушбу услублари тўғрисида кейинги параграфимизда алоҳида тўхталамиз.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари ва умуман **Маъмурий ҳуқуқсоҳасининг ўзи бир қатор функцияларни амалга оширади.** Турли адабиётларда

олимлар Маъмурий ҳуқуқ амалга оширадиган функцияларнинг ҳар хил турларини илгари суради. Назаримизда, мазкур фикрларнинг, ёндашувларнинг барчаси “яшашга”, мавжуд бўлишга ҳақли. Шу билан бирга ўқувчига тушунарли ва аниқ шаклда етказиш мақсадида Маъмурий ҳуқуқ энг аввало қуйидаги функцияларни амалга оширади деган фикрдамиз.

1. Регулятив функция;
2. Ҳимояловчи функция;
3. Муҳофазаловчи функция.

Маъмурий ҳуқуқнинг энг асосий вазифаси, турли хил оммавий муносабатларнинг жамият манфаатларига мос равишда амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратувчи қоидаларни белгилашдир¹, деб таъкидлайди миллий олимлардан И.М. Цай. Дарҳақиқат ушбу масалани регулятив, яъни тартибга солувчи функция, деб таърифлашимиз ўринли. Зеро, жамиятдаги деярли барча соҳалар давлат томонидан тартибга солиб турилишга, йўналтирилиб туришга табиий равишда эҳтиёж сезади. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини мисол сифатида келтирадиган бўлсак, жамиятда барча маъмурий-ҳудудуий бирликларда, соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд бўлиши, ундан барча даражадаги қатламлар вакиллари баҳраманд бўла олиши, уларни зарур тиббиёт анжомлари ва дори-дармонлар билан таъминлаб туриши, тиббиёт соҳаси касб эгаларининг малакасини ошириш ва шу тариқа кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати ва ҳилма-ҳиллигини кўпайтириш каби масалаларни бир меъёрда “ушлаб туриш” айнан тегишли маъмурий органларнинг қонуний вазифаларидир. Ушбу масалаларнинг тартибга солинишини Маъмурий ҳуқуқнинг регулятив функцияни амалга оширишига яққол мисол бўла олади. Шу тариқа жамиятдаги бошқа соҳалар ҳам тартибга солинади ва бу илмий тилда, Маъмурий ҳуқуқ назариясида регулятив функция деб юриталди.

¹ Административное право (Общая часть) И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. 2012 г. Т.: Изд-во «Konsoulauditinform» - С. 22

Маъмурий ҳуқуқнинг ҳимояловчи функцияси бу фуқаролар ва юридик шахсларни, жамиятни давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилишга қаратилганлигини ҳам таъкидлаш керак. Бошқача қилиб айтганда, Маъмурий ҳуқуқ ижро ҳокимияти органларининг функция ва ваколатлари, унинг мансабдор шахслари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий томондан таъминланишини ҳамда олдиндан қонуний асосларда белгиланган “доирада” фаолият юритишини таъминлашга қаратилган. Буни эса ҳимояловчи функция сифатида таърифлашимиз мумкин. Яъни шу тариқа Маъмурий ҳуқуқ, кўп сонли давлат бошқаруви органларива кенг қамровли улар ваколатларининг амалга оширилиши давомида мансабдор шахслар томонидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари пой мол қилинишининг олдини олишга қаратилган функцияни бажаради. Ушбу функцияни янада кучайтиришга ва такомиллаштиришга қаратилган амалий мисоллардан бири бу 2017 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ишлар бўйича суд иш юритуви тизимининг жорий этилганлигидир.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларининг ташкил этилиши¹ ҳимояловчи функциянинг амалий ифодасидир. Агар жамиятда, давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан хусусий шахслар қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келувчи ҳолатлар ортиб бориши, маълум маънода, Маъмурий ҳуқуқ соҳасида, хусусан давлат бошқаруви тизимида ўз ечимини кутаётган масасалалар борлигидан ҳамда юқоридаги таъкидланган ҳимояловчи функциянинг “ишдан чиқганлиги”дан далолат. Бундай вазият Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги олимлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сон, Кучга кириш санаси 22.02.2017 Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 38 (6732)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 8-сон, 109-модда

ва мутахассиларнинг илмий изланишлар олиб бориши заруратининг маавжудлигининг белгисидир.

Навбатдаги Маъмурий ҳуқуқнинг муҳим функцияларидан бири бу муҳофазаловчи функциядир. Ушбу функция ўз мазмунига кўра, ҳимояловчи функция билан деярли бир хил, фарқи бу ерда ўринлар алмашилганлигидадир. Муҳофазаловчи функцияда, давлат бошқаруви органлари ўзларига берилган қонуний ваколатлардан фойдаланиб, фуқаролар ва юридик шахсларни бошқа бир фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонунга ҳилоф ҳатти-ҳаракатларидан муҳофазалашга қаратилган фаолияти тушунилади. Оддий қилиб таъкидланганда, у ёки бу фуқароларни содир этган ижтимоий ҳавфли ҳаракати учун маъмурий жавобгарликка тортиши билан боғлиқ бўлган жараён. Маълумки, Ички ишлар органи ҳодимлари (участка нозири, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ҳодимлари, ёнғин ҳавфсизлиги ҳодимлари), солиқ инспекторлари, санитар эпидемиялогик марказ вакиллари, давлат меҳнат инспекцияси ҳодимлари ўз қонуний вазифаларига кўра фаолияти давомида белгиланган йўналишларида ҳуқуқий тартиботни таъминлашга, фуқароларда қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун фаолият юритади. Шу тариқа улар умумжамият манфаатларини, фуқаролар соғлиғи, ҳаёти, тинчлиги ва мулкнинг ҳимояланишига замин яратади. Ушбу фаолият назарий томондан Маъмурий ҳуқуқнинг муҳофазаловчи функциясидир.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

А исмли фуқаро белгиланган 70 км тезликда Тошкент-Самарқанд трассасида ўз автомашинасини бошқариб бораётган эди. Тахминан трассанинг 120 киломертида уни ДАН ҳодимлари тўхтатишди. Фуқаро А автомашинани йўлнинг ўнг томонига бошқа авто уловларнинг ҳаракатланиши учун ҳалакит қилмайдиган қисмига олиб тўхтатди.

ДАН ҳодими фуқаро А га ҳужжатларни тақдим қилишни ва машинадан тушган ҳолда автоуловнинг ую ташиш қисмини очиб кўрсатишни буюрди. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши англаган фуқаро А ДАН ҳодимдан аввало ўзини таништиришни, тўхтатиш сабабини тушунтиришни сўради. Аммо ДАН ҳодими ўз айтганларини фуқаро А дан бажаришни акс ҳолда бу “ички ишлар органи ҳодими

бўйсинмаслик”сифатида баҳоланишини таъкидлади. Шунда ҳайдовчи ДАН ходимиға ўз ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан атсдиқланган “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида амалга ошираётганлигини ва мазкур қарор ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори асосида ишлаб чиқилганлигини эслатди. Сўнг, А исмли фуқаро тўхтатилиши сабабини яна бир марта сўраган эди, ДАН ходими унга ўз йўлида давом этиши мумкинлигини айтиб оқ йўл талаб қолди.

1. Ушбу мисолда Маъмурий ҳуқуқ предмети мавжудми?
2. Ушбу ижтимоий муносабатни тартибга солувчи мазкур Низомни таҳлил қилинг.
3. Мазкур вазиятда Маъмурий ҳуқуқнинг қандай функциясининг “ишга тушган”лигининг гувоҳи бўлдингиз?
4. Ўз фикрингизни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асослашга ҳаракат қилинг.

1.5. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчасини тушуниб етишингиз учун олдинги параграфларимизда келтирилган барча мисолларни эслашингиз кифоя. Маълумки, жамиятда юзага келадиган ҳар қандай муносабат, уларнинг субъектларининг мақомидан келиб чиқиб ҳуқуқ соҳасининг у ёки бу тури билан тартибга солинади. Айтайлик, оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, оила аъзоси топган даромадида оиланинг бошқа аъзоларининг улуши масалалари, ажралиш масаласи кўрилатганда биргаликда йиғилган мулкнинг тақдири каби масалалар ҳам оила ҳуқуқи билан тартибга солинса, жиноят ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган масалалар қилмишнинг оғирлилик даражаси ва уни у ёки бу жиноят турига таснифлаш, айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаш масалалари тааллуқлидир. Шундай экан уларга тегишинча оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, жиноят-ҳуқуқий муносабатлар деган таърифни бериш нотўғри

бўлмайди. Демак, давлат бошқаруви тизимидаги бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари ҳамда уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатларини Маъмурий ҳуқуқ тартибга солишини эътиборга олсак, ушбу муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар деб таърифлашимиз ўринлидир. Бошқача қилиб айтганда, Маъмурий ҳуқуқ тармоғининг предметиға тааллуқли бўлган барча муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Шундай бўлсада, **маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар** тушунчаси Маъмурий ҳуқуқ предмети тушунчасидан алоҳида бўлган таърифға эга. Жумладан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинган ва давлат бошқаруви органи қоида ўрнатувчи сифатида иштирок этадиган, томонларнинг маълум бир мақсадға йўналтирилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ифодаловчи муносабат туриға айтилади. Ушбу келтирилган таърифни қисмларға бўлган тарзда таҳлил қилишға ва унинг ҳар бир қисмини амалий мисоллар билан тушунтиришға ҳаракат қиламиз.

Мисол учун,

маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормаси билан тартибға солинган;	яъни олдинги параграфимиздаги автомобиль ҳайдовчиси ва ДАН ходими ўртасидаги муносабатни таҳлил қиладиган бўлсак, у олдиндан Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори асосида ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган Низом асосида ҳуқуқий тартибға солинган ҳисобланади ва бунда бир томон ДАН ходими – маъмурий орган, иккинчи томонда фуқаро иштирок этмоқда
	юқоридаги мисолда ДАН ходимининг бевосита ўзи қоидани ўрнатмаган албатта, бу ерда ИИБ Адлия вазирлиги каби уни юқори турувчи органлари ва ҳуқуқий сиёсатни амалға

давлат бошқаруви органининг қоида ўрнатувчи сифатида иштирок этадиган	оширувчи органлар томонидан қоида ўрнатилганлигини таърифлаш мумкин
	Иккинчи бир мисолда таърифлайдиган бўлсак, фуқаронинг давлат хизматлари марказидан у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсатнома олишида марказ муддатлар ва тартибларни белгилаши ва рухсатномани бериши масаласини ҳал қилишида кўришимиз мумкин
томонларнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ифодаловчи муносабат	Фуқаро мақсади рухсатномани олиш ва шу мақсадда ҳужжатларни тўплаши, мурожаат қилиши, давлат органининг мақсади белгиланган талабларга мослигини текшириш ва сўнгра рухсат бериш учун ҳаракатни амалга оширади
	Ҳаракатсизликка мисол сифатида фуқаронинг мазкур рухсатномани олмаслиги, аниқроғи уни олмасдан ўз фаолиятини давом эттириши. Бунда у томонидан рухсатномани олишга бўлган ҳаракатсизлик маъмурий-ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради

Эсда сақланг!
Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинган ва давлат бошқаруви органи қоида ўрнатувчи сифатида иштирок этадиган, томонларнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ифодаловчи муносабат тури

Маъмурий ҳуқуқ нормаси ўз-ўзидан муайян маъмурий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди. У бундай муносабат вужудга келишининг асоси бўлиб, тегишли шароитда ва тегишли субъектлар мавжуд бўлганида бошқарувга оид муносабат маъмурий-ҳуқуқий шакл-шамоил касб этади. Маъмурий-ҳуқуқий норма тарафлар ваколлатиринг хажмини, уларнинг ўзаро

хуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек мажбуриятларини бажармаганлик ёки хуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарликни белгилайди. Маъмурий-хуқуқий норма бир тараф учун мумкин бўлган ҳуққ атвор тури ва меъёрини, бошқа тараф учун эса. Жойиз ҳуққ атвор тури ва меъёрини белгилайди¹, деб таҳлил қилади миллий олимлардан бири Ў.Х.Мухамедов.

Юқоридаги таърифлар ва мисоллардан келиб чиқиб, маъмурий-хуқуқий муносабатларни бир қатор турларга ажратиш мумкин. И.М.Цайнинг таърифлашича уларни субординацион, кординацион ва реординацион турларга ажратиш мумкин².

Субординацион муносабатларга юқори ва қуйи турувчи давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар тааллуқли бўлса, координатив муносабатларга мақоми бўйича бири бири билан тенг ёки бир бирининг бевосита бўйсинувида бўлмаган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларни келтиришимиз мумкин. Мисол учун, ҳокимиятлар билан прокуратура органларининг ёки вазирликлар билан давлат қўмиталарининг муносабатлари ёхуд агентликлар билан турли инспекцияларнинг ёинки инспекциялар билан ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатларни келтириш мумкин.

Реординацион муносабатларга давлат бошқаруви органлари (оммавий бошқарув органлари) билан хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар тааллуқлидир. Бунда оммавий бошқарув органлари қонунан хусусий шахсларга маълум бир хизматларни кўрсатиш ваколатлари билан таъминланган бўлади. Мисол учун, давлат хизматлари марказининг мактабгача таълим ёшидаги болаларни рўйхатга олиш ва навбатга қуйиш ваколати билан таъминланганлиги ёки давлат мактабгача таълим муассасасинининг ўз тарбиясидаги болаларга ва шу тариқа фуқароларга тарбия ва таълимга оид хизматларни кўрсатишини тушуниш мумкин.

¹ Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик: тўлдирилган 4-нашр / Ў.Х.Мухамедов, И.А.Хамедов, Н.Т.Исмаилов ва бошқ.; - Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017. – Б. 48.

² Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: УМЭД ТГЮИ. – Т: KONSAUDITFORM-NASHR, 2012. – С. 90.

Назаримизда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни субординацион, координацион ва реординацион деган турларга бўлиш ҳам тўғри, шу билан биргаликда уларни вертикал, горизонтал, интернал ва экстернал деган турларга бўлиш янада тушунарли ва кенроқ таърифга эга бўлади деган фикрдамиз. Хусусан, вертикал муносабатларга юқори ва қуйи турувчи давлат бошқаруви органлари ва горизонтал муносабатларга бир бирига бўйсинмайдиган давлат бошқаруви органлари орасида муносабатлар тушунилса, интернал муносабатларга давлат бошқаруви органининг бевосита ўз ички, аксарият ҳолларда вертикал органларга бевосита боғлиқ бўлмаган муносабатлари тушунилади. Мисол учун, туман адлия бўлими раҳбарининг ҳар душанба куни ҳафталик қилинадиган ишлар режасини тузиши ва ходимларга топшириши; шаҳар солиқ инспекциясининг бир ойлик солиқларнинг йиғилиш динамакаси бўйича ўз ходимлари билан оралик ҳисобот мажлисини ўтказиши; туман ҳокимининг туман ободонлаштириш бўлими мудирини тайинлаши ва ҳоказо.

Экстернал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга давлат бошқаруви органининг ўз тизимидан ташқари бўлган, яъни хусусий шахслар билан бўладиган муносабатларини тушуниш ўринли.

Мисол учун

Экстернал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга мисоллар
Юридик шахснинг хусусий банк очиш учун Марказий банкка лицензия беришини сўраб қиладиган муносабати
Ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳўжалик юритувчи субъектнинг Давлат стандартлаштириш ва сертификатлаш агентлигига ўз махсулотига сифат сертификатини олиш учун қилган мурожаати
Корхонанинг Давлат санитария ва эпидемиялогия марказидан ўз хизмат кўрсатиш биносининг санитар талабаларга жавоб беришини тасдиқловчи хулосасини олиш учун қиладиган мурожаати
Фуқаронинг паспорт олиш ёки янгисига алмаштиришни сўраб тегишли органларга қилган мурожаати туфайли юзага келадиган муносабатлар

Гувоҳи бўлганингиздек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вертикал, горизонтал, интернал ёки экстернал каби номлар остида турларга ажратиш фақатгина уларнинг номланиши турли ҳил бўлганлиги учун эмас, балки мазкур ажратиш тури орқали уларнинг кўпроқ қирраларини алоҳида олиб ёритиб бериш имкониятининг юқорилиги билан ҳам изоланади.

Аммо, уларни қандай номланмасин масаланинг ушбу қисми иккинчи даражали бўлиб, асосийси юридик соҳа учун тайёрланаётган талабалар ушбу муносабатлар хусусиятини, бошқа ҳуқуқ соҳасида юзага келадиган муносабатлардан фарқи ва ухшашликларини ажрата олишидадир.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қонун ижрочилари бўлиши мумкин бўлган барча давлат бошқаруви органларига унинг тегишли моддалари талабалари асосида ижросини таъминловчи механизмлари кўрсатилган регламентларни тайёрлаш тўғрисида кўрсатма берди. Шу сабабли ўз фаолиятида лицензия, рухсатнома бериш билан ёки рўйхатга олиш ёхуд давлат химатларининг бошқа турларини кўрсатиш билан шуғулланадиган барча давлат бошқаруви органлари ўз амалий тажрибасидан келиб чиқиб регламентларни тайёрлашди. Сўнгра, манфаатдор ташкилотларга ўрганиш ва таклиф мулоҳазалар бериш учун келишишга тарқатилди. Олинган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди ва Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага топширилди. Экспертизадан сўнг у Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни нормалари асосида ишлаб чиқилган регламент тартибларига кўра, хусусий клиника очиш учун мурожаат қилган манфаатдор шахс белгиланган тартиб-таомилларга кўра, аризасини кўриб чиқиш учун йиғим тўлаши, бир қатор ҳужжатлар тўплаши, давлат божини тўлаши лозим этиб белгиланди.
1. Мазкур мисолларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ажратиб кўрсатинг. 2. Ҳар бир маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни таърифлашга ҳаракат қилинг. 3. Юқоридаги мисол асосида ўзингиз мустақил равишда бирор бир казуал вазиятни ҳаёлингизда яратишга ҳаракат қилинг.

1.6. Маъмурий ҳуқуқда юридик фактлар

Ҳар қандай ижтимоий муносабатнинг юзага келишига бирор бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ёхуд воқеа ходисалар сабаб бўлади. Бундан Маъмурий ҳуқуқ ҳам, у томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат ҳам мустасно эмас.

Юридик факт – бу аниқ ҳаётий вазиятларнинг юзага келиши билан ҳуқуқ нормасининг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши кузатиладиган¹ жараёндр.

Умумий ҳуқуқ назариясидан маълумки юридик фактлар бир қатор турларга таснифланади. Булар:

1. Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган юридик фактлар;
2. Воқеа ҳамда ходисалар натижасида юзага келадиган юридик фактларга бўлинади.

Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган юридикфактлар инсон омилига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг ўз қонуний манфаатларини руёбга чиқариши учун ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида қилган ҳаракатларига айтилса, ҳаракатсизлиги эса ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган юридик фактларга айтилади. Таъкидлаш керакки, ҳаракатлар ва ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган юридик фактлар ҳуқуқий ва ноҳуқуқий турларга ҳам ажратилади. Бунда ҳаракат натижасида юридик фактни юзага келтираётган шахснинг ҳаракатлари ҳуқуқий, яъни жамиятда белгиланган юриш-туриш қоидаларига мос ва ижтимоий фойдали ҳаракат бўлиши мумкин ёки аксинча унинг ҳаракатлари ноҳуқуқий, аниқроғи қонунларга мос бўлмаган

¹ Теория государства и права. Учебник для юридических вузов и факультетов. Под ред. В.М. Королевского и В.Д. Перевалова – М.: издательская группа НОРМА – ИНФРА – М, 1998. – С. 352. Қаранг. Юридик фактлар – қонунда назарда тутилган ва муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши (ўзгартирилиши, тўхтатилиши) учун асос бўлган ҳолатлар ёки ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи фактлар (ҳолатлар). Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухиддинов ва бошқалар.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б.562.

ҳаракат булиши ҳам мумкин. Ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган юридик фактлар аксарият ҳолларда ноҳуқуқий кўринишда бўлади ва бунда одатда бирор бир ижтимоий нормага зарар еткан, оммавий ёки хусусий ҳуқуқ субъектлари бирининг ҳуқуқлари пой мол этилган бўлади.

Мисол учун,

Ҳаракат натижасида юзага келган юридик фактлар	Ҳуқуқий	Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан давлат бошқаруви органларининг ўз расмий веб-сайтларига қонуний функциялари ва вазифалари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириши
		Хусусий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Фуқаронинг тадбиркорликнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш учун лицензия олиш мақсадида давлат органларига мурожаат қилиши
	Но ҳуқуқий	Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Ҳокимнинг аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги турар жойларни бузишга оид процессуал қонун талабларига риоя этмасдан ҳаракат қилиши
		Хусусий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Фуқаронинг жамиятда юриш- туриш қоидаларини менсимасдан, жамоат жойида ахлоққа ҳилоф сўларни ишлатиши, ўзгаларнинг тинчлиги ва хотиржамлигини бузадиган тарзда ҳаракат қилиши
		Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Фуқаронинг давлат органига қилган мурожаатига белгиланган тартибдаги жавобнинг берилмаслиги

Ҳаракатсизлик натижасида юзага келган юридик фактлар	Но ҳуқуқий	Хусусий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Фуқаронинг мулк солиғини ўз вақтида тўламаслиги
		Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Давлат органининг юқори ташкilotлардан келиб тушган расмий топшириқ юзасидан тегишли чора тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги

Эсда сақланг!
Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган юридикфактлар инсон омилига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг ўз қонуний манфаатларини руёбга чиқариши учун ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида қилган ҳаракатларига айтилса, ҳаракатсизлиги эса ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган юридик фактларга айтилади.

Воқеа ҳамда ходисалар натижасида юзага келадиган юридик фактларга инсон омилига боғлиқ бўлмаган ёки боғлиқлиги исботлашни талаб қиладиган ҳолатларга айтилади. Бунда воқеа ва ходиса тушунчалари ҳам бир биридан фарқларга эга эканлигини таъкидлаш жойиз. Шудай қилиб, воқеа натижасида юзага келадиган юридик фактларга – инсоннинг тўғилиши ёки ўлими ёхуд маълум ёшга тўлиши назарда тутилса, ходиса натижасида юзага келадиган юридик фактлар – асосан табиий офатлар туфайли юзага келишини эътироф этиш керак.

Воқеа ҳамда ходисалар натижасида юзага келадиган юридик фактларга инсон омилига боғлиқ бўлмаган ёки боғлиқлиги исботлашни талаб қиладиган ҳолатлар деган таърифни беришни ўринли деб билдик. Воқеа ва ходисаларнинг содир бўлишини истисносиз равишда инсон омилига боғлиқ эмас деб таъкидлаш ноўрин. Афсуски, кўплаб адабиётларда юридик фактнинг ушбу турини “инсон омилига боғлиқ бўлмаган” деган жумлалар билан таърифлашади. Бундай тарифни мукамал деб бўлмайди. Зеро, инсоннинг ўлими шифоркорнинг ёки бирор бир шахс омили натижасида юзага келган

бўлиши мумкин, табиий офат, хусусан сув тошқини, ёнғин ва ҳоказолар ҳам инсон омилига, яъни шахснинг эътиборсизлиги ёки тегишли мутасадди ташкилотларнинг лоқайдлиги натижасида юзага келган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам юқоридаги таърифга “ёки исботлашни талаб қиладиган” деган жумлаларни қўшиш мақсадга мувофиқ.

Қуйида юридик фактларнинг ушбу турига мисоллар келтирамиз,

Воқеа	Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Бошқа давлат ҳудудидан қочокларнинг қабул қилиб олинishi ёки бирор бир фуқарога бошпана бериш ва ушбу факт юзасидан ТИВ, ИИБ, ФВВ, ССВ каби мутасадди ташкилотларда маълум мажбуриятларни бажариш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш заруратининг пайдо бўлиши
	Хусусий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Фуқаронинг 16 ёшга тўлиши ва унда белгиланган тартибда паспорт олиш ҳуқуқининг юзага келиши
Ходиса	Оммавий ҳуқуқ субъекти иштирокида	2018 йил май ва июнь ойларида Сурхондарё вилояти ҳудудида юзага келган сув тошқини оқибатларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий аҳолини моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг қабул қилиниши
	Хусусий ҳуқуқ субъекти иштирокида	Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш биноларида ёнғиннинг юзага келиши ёки бирор бир ҳудудда эпидемиянинг тарқалиши юзасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши


Эсда сақланг!	
Воқеа ҳамда ходисалар натижасида юзага келадиган юридик фактларга инсон омилига боғлиқ бўлмаган ёки боғлиқлиги исботлашни талаб қиладиган ҳолатларга айтилади.	

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
2019 йил Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудида сув тошқинларининг содир бўлиши муносабати билан таббӣй офатдан зарур кўрган хонадонларни қўллаб қувватлаш ҳамда ҳудуд инфраструктурасини тиклаш ишларини амалга ошириш учун республика бюджетидан маълум миқдордаги субвенция ажратилди. Ундан ташқари, зарур кўрган туман ҳокимиятларига ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга маҳаллий аҳолидан мурожаатлар сони кескин ошди. Жумладан, аксарият мурожаатларнинг мазмуни таббӣй офат натижасида фуқароларнинг йўқотилган у ёки бу ҳужжатларини қайта тиклаб бериш, яшаш учун хонадонлар ажратиш каби масалалар ташкил қилади.
1. Ушбу казусда юридик фактларнинг қандай турларини аниқладингиз? 2. Ушбу юридик фактлар юзасидан тадбиқ этиладиган маъмурий-ҳуқуқий нормани, яъни қонун ёки кодекс мазмунини кўрсатинг. 3. Мустақил равишда ўзингиз билган ва кузатган ҳаракат ёки воқеа ходисаларда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар масаласини, юридик фактларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

1-боб мазмунини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Давлат бошқаруви органлари тизимининг ўзаро муносабатларини нима билан боғлиқ бўлган муносабатлар деб аталади?.
2. Маъмурий ҳуқуқ ва унга яқин бўлган бошқа ҳуқуқ тармоқларининг умумий номланиши. 3. Маъмурий ҳуқуқ манбааларидан бири бўлган Кодекс номи. 4. Маъмурий ҳуқуқ принципларидан бирининг номланиши.
5. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турларидан бири.

Энига: Маъмурий ҳуқуқ ўз илдизини оладиган ҳуқуқ тармоғининг номи. 2. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари бирининг аниқ, амалиётдаги номланиши. 3. Маъмурий ҳуқуқ предметиға тегишли бўлган муносабат тури.
4. Маъмурий-ҳуқуқий норма турларининг бири.



II БОБ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

2.1. Давлат бошқаруви органларида бошқарув шакллари тушунчаси ва аҳамияти

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъекти бу – давлат бошқаруви органлари экан, демак уларнинг фаолият доираси, хусусий шахслар билан вужудга келадиган муносабатлари қандай тарзда, қандай асосларга кўра олиб борилади, ушбу муносабатларнинг шакли, мазмуни ва тузилиши қандай деган табиий саволларга жавоб қидиришимиз муҳим ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, аввалги параграфларда биз давлат бошқаруви органлари қаторига вазирликларни, давлат кўмиталарини, агентликларни, инспекциялар, комиссиялар ва марказлар ҳамда ҳокимликлар тааллуқлилигина эътироф этган эдик. Ҳақиқатда ҳам шундай, юқорида санаб ўтилган органларнинг барчаси давлатнинг ижро ҳокимиятида фаолият юритувчи бошқарув органларидир. Аммо буларнинг қаторига ҳақли равишда миллий ҳуқуқ тизими ва маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда яна бир бошқарув органлари қўшилиши лозимлигини таъкидламоқчимиз. Булар – хўжалик бошқаруви органларидир. Ушбу бобнинг асосий масаласи шакллар ва услубларни таҳлил қилишни бошламасдан аввал, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тушунчаларини аниқ тушуниб олишимиз зарур.

Хўжалик бошқаруви органлари ўз фаолиятида давлат иқтисодиётини юксалтиришга, экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек иқтисодиётни диверсификация қилишни кўзлаган, давлат маблағлари асосида ва маълум бир мулкчилик шакли кўринишида ташкил этилган бошқарув органлари тушунилади. Буларга уюшмалар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар тааллуқли.

Демак, давлат бошқаруви органлари билан хўжалик бошқаруви органларининг фарқи ва умумийлигини аниқлаб олиш зарурати юзага келмоқда. Агар хўжалик бошқаруви органининг ўзига хослигини юқоридаги

таъриф билан изоҳлашга ҳаракат қилган бўлсак, қўшимча равишда шуни таъкидлаш керакки, бундай органларда давлат ўз улуши билан иштирок этади. Демак бундай кўринишдаги бошқарув органларида хусусий шахсларнинг ҳам улушлари бўлиши аниқ. Одатда улар акциядор сифатида иштирок этади, аммо давлатнинг акцияси қоида тариқасида умумий акцияларнинг 30% дан кам бўлмайди. Шу тариқа давлат ўзининг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрнини сақлаб туради. Одатда бугунги бозор иқтисодиёти шароитида давлат иқтисодиётдаги ўз иштирокини камайтириб, асосан табиий монополия соҳасида иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Бу давлатнинг ва пировардида жамиятнинг (халқнинг) рақабат натижасида ривожланиш кафолатидир. Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш¹ ишлари давом этмоқда.

Ёдда тутинг!

Хўжалик бошқаруви органлари ўз фаолиятида давлат иқтисодиётини юксалтиришга, экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек иқтисодиётни диверсификация қилишни кўзлаган, давлат маблағлари асосида ва маълум бир мулкчилик шакли кўринишида ташкил этилган бошқарув органларидир.

Давлат бошқаруви органларининг ўзига хослиги эса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлашида;

ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлашида;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони 08.09.2017 йилдаги ПФ-5185-сон, Кучга кириш санаси 09.09.2017 Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 180 (6874)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 979-модда

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишида;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришида;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишида;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга оширишида¹ намоён бўлади.

Қисқа қилиб таъкидлаганда, давлат бошқаруви органлари асосан идоравий фаолият тури бўлиб, уларнинг ходимларидан, яъни давлат хизматчиларидан асосан юксак интеллектуал салоҳиятни, оддий қилиб таъкидлаганда ҳужжатлар билан ишлаш кўникмасини талаб қилувчи фаолият туридир. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумийлиги эса уларнинг давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси) томонидан ташкил этилишидир.

Шу жойда яна бир назарий савол тўғилади. “Давлат бошқаруви органлари” деган таъриф хўжалик бошқаруви органларини ҳам қамраб


¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармони 09.12.2003 йилдаги ПФ-3358-сон, Кучга кириш санаси 09.12.2003

Манба: Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда; ЎР ҚХТ, 2003 й., 23-сон, 229-модда

оладими? Жавоб – йўқ, камраб ола олмайди. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, уларнинг функциялари, йўналишлари ҳар хилдир. Агар биз Маъмурий ҳуқуқни фақатгина “давлат бошқаруви органлари” деб ўрганадиган бўлсак, бу нотўғри ёндашув бўлади ва бу билан биз, давлатнинг яна бир бошқарув органлари бўлган – хўжалик бошқаруви органларини эътибордан четда қолдирган бўламиз. Натижада ижро ҳокимиятига тўғри ва ҳолис баҳо бера олмаймиз. Ушбу иккита тушунчани яхлит ифодалай олиш учун ҳам Маъмурий ҳуқуқ деган фан соҳаси мавжуд. Ушбу фан соҳасининг етук олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва бизга тавсия қиладиган хулосаларидан фойдаланиб, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органлари тушунчаларини умумий ифодаловчи тушунча бу Оммавий бошқарув органлари тушунчасидир. Айнан ушбу тушунча орқали биз ижро ҳокимиятининг иккита катта субъектларини яхлит ифодалай олган бўламиз.

№2 чизмага қаранг.

№2 чизма



Давлат ҳокимияти органлари –
 Оммавий бошқарув органлари
 ёки ижро ҳокимияти органлари –
 Давлат бошқаруви органлари –
 Хўжалик бошқаруви органлари –

Оммавий бошқарув органларининг бошқарув шакллари деб, ўз фаолиятини қонунларга таянган, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларинининг таъминланишини эътиборга олган ҳолда олиб борувчи, ҳаракатлари ҳуқуқий тартибга солинган фаолияти тушунилади.

Ушбу органлар ўз фаолиятини амалга ошириши давомида бир қатор бошқарув шакллардан фойдаланади. Адабиётлар бошқарув шакллари энг аввало қуйидагига таснифланади:

- Оммавий бошқарув органларининг (давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг) ҳуқуқий бошқарув шакллари;
- Оммавий бошқарув органларининг (давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг) ноҳуқуқий (ташкилий) бошқарув шакллари.

Ўз навбатида **ҳуқуқий бошқарув шакллари** ҳам иккига ажратилади. Булар **ҳуқуқ нормасининг ўрнатилиши** ва **ҳуқуқ нормасининг қўлланилиши**.

Оммавий бошқарув органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар бир ҳаракати, қабул қилган қарори қонунларга, кодексларга асосланган бўлиши керак. Бу эса жамиятда қонунийлик принципининг таъминланишига замин яратади.

Шу билан бирга, оммавий бошқарув органлари жамиятда учратиши мумкин бўлган ҳар бир вазиятини қонунларга мужассамлаштириш ўта мураккаб иш. Бирор бир соҳа бўйича қонун қабул қилиб, ўша қонунда амалиётда юзага келиши мумкин бўлган барча вазиятларни белгилаб қўйишнинг деярли имкони йўқ. Шу сабабли ҳам қонунлар ва кодекслардаги айрим масалаларни қўшимча равишда, қонунлар мақсад ва принципларига мос равишда аниқлаштириш, ойдинлаштириш зарурати пайдо бўлади. Ушбу вазифани одатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари амалга оширади. Яъни қонунлар ва кодексларнинг айрим нормаларини деталлаштиради. Шу тариқа оммавий бошқарув органларининг у ёки бу вазиятларда қандай ҳаракат қилиши лозимлигини белгилаб беради. Бу эса Маъмурий ҳуқуқда оммавий бошқарув органларининг ҳуқуқий шакллари деб номланади.

Таъкидлаш керакки, маъмурий бошқарув соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар шундай тенденцияда кечмоқдаки, ўрта муддатли истиқболда оммавий бошқарув органларининг бевосита қонунлар ва кодексларга асосланган фаолият юритишини таъминлаш чоралари ўрганилмоқда. Бу ҳам қонунларнинг бевоситалигини таъминлаш ва қонунийлик принципининг жамият ҳаётида амал қилишини янада мустаҳкамлаш чораларидир.

Оммавий бошқарувнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий шакллари тўғрисида батафсил кейинги параграфимизда тўхталамиз.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Олмалиқ тоғ кон металлургия комбинати раҳбарияти ўз ходимлари жамоасини Навруз байрами муносабати билан рағбатлантириш мақсадида раҳбар бўйруғи расмийлаштирилди ва ҳар бир ходим энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдоридаги бир марталик пул муофотлари билан тақдирланди. Вазиятдан хабар топган Олмалиқ шаҳар молия бўлими ОТМКга пул маблағларини мақсадли сарфлаш тўғрисида танбеҳ мазмунидаги хат йўллайди.
1. ОТМК ҳатти ҳаракатлари маъмурий ҳуқуқ предметиға тааллуқлими? 2. Параграф мазмунидан келиб чиқиб ОТМК мақомиға ҳуқуқий баҳо беринг. 3. Олмалиқ шаҳар молия бўлимининг ҳатти-ҳаракатлари асослими?

2.2. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари

Оммавий бошқарув органлари фаолиятида бошқарувнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий (ташкилий) шакллари энг кўп, ҳар кун ишлатиладиган шакл бўлганлиги учун бошқарувнинг ушбу туридан бошлашни жойиз деб билдик.

Юқоридаги қисқа изоҳдан келиб чиқиб ушбу иккита тушунчани яхлит ифодаловчи қуйидагича таърифни илгари сурамиз.

Оммавий бошқарув органлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий (ташкилий) шакллари деб уларнинг фаолиятида ўзларига қонунлар ва кодекслар билан берилган ваколатларни, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни кундалик тарзда амалга оширишиға қаратилган бошқарув шаклиға айтилади.

Ўз навбатида оммавий бошқарув органлари фаолиятида бошқарувнинг ҳуқуқий шакллари деб у ёки бу оммавий бошқарув органи ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қабул қилган қарорларининг қонунлар ва кодексларга ҳамда юқори турувчи органлар ҳужжатларига тўла мос равишдаги юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳаракатига айтилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий шакллари ўз навбатида иккига бўлинади. Булар:

- ҳуқуқ нормасини ўрнатиш;
- ҳуқуқни қўллаш.

Ҳуқуқ нормасини ўрнатиш оммавий бошқарув органларига қонунлар билан белгилаб берилган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларини аниқлаштиришга қаратилган ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятидаги ҳаракатларидир.

Ҳуқуқни қўллаш оммавий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунлар билан белгилаб берилган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқ нормаси ўрнатилганидан сўнг уни қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш шаклида намоён бўладиган фаолиятидир.

Даставвал ҳуқуқ нормасини ўрнатиш деб номланган бошқарувининг ҳуқуқий шаклига мисол келтирамиз,

Ҳуқуқий шакл тури	Ҳуқуқий шаклнинг номланиши	Мисол
Ҳуқуқ нормасининг ўрнатилиши	“Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Адлия	Аҳолига чакана озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчи А исмли тадбиркор субъектининг дўконида туман солиқ инспекцияси вакиллари фискал хотирали нazorat касса машинасидан фойдаланаётганлигини текшириш мақсадида нazorat хариди шаклидаги солиқ нazorati тадбирини ўтқаўишга қарор қилди ва туман солиқ

	вазирлиги томонидан 2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475	инспекцияси раҳбари шу масала юзасидан буруқ чиқарди. Сўнга улар ушбу буйруқ билан келиб, тадбиркорлик субъекти дўконидан нақд ва банк пластик карточкасидан фойдаланган ҳолда бирор бир маҳсулотни харид қилишди, шу тариқа назорат харидини ўтказди. Назорат хариди давомида тадбиркорнинг нақд пул учун назорат касса машинасидан чек бермаганлиги аниқланди. Сўнгра солиқ инспекцияси вакиллари ўз хизмат гувоҳномаларини тақдим қилиб, бу назорат хариди бўлганлигини таъкидлашди ва қисқа муддатли текширувни бошлашди.
Ўрнатилган ҳуқуқ нормасининг қонунлар ва кодексларга мослиги	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонун	
Қонунлар ва кодексларнинг Конституцияга мослиги	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	

Эслатма!

Ушбу мисолда туман солиқ инспекцияси ходимлари ўз ҳатти ҳаракатларининг ҳуқуқийлигини таъминлаши учун қуйидагиларга қатъий риоя этиши шарт:

- Ўрнатилган ҳуқуқ нормаси чегарасидан чиқмаслиги. Бу “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475 ҳуқуқ нормасидир;

- Ушбу ўрнатилган ҳуқуқ нормаси ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг ёки “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунининг ёхуд “Хўжалик юритувчи субъектларининг давлат назорати тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддалари ва бандларига тўлиқ мос равишда қабул қилинган бўлиши шарт.

- Ўз навбатида мазкур қонунлар ҳам мантиқан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддалари ва бандларига мос бўлиши лозим.

Мана шу талабларга мос бўлган оммавий бошқарув органининг (туман солиқ инспекциясининг) ҳаракатларини ҳуқуқий шаклдаги ҳаракатлар дейиш мумкин.

Б.М.Лазаревнинг фикрича, маъмурий органларнинг норма ижодкорлиги фаолиятида норматив ҳужжатлар улар фаолиятининг энг ҳуқуқлаштирилган

қисми бўлиб, у қонунчилик билан аниқ ва равшан белгиланиши лозим¹. Дарҳақиқат, маъмурий органларнинг норма ижодкорлиги билан шуғулланиши, баъзи ҳолларда қонунлар нормаларининг юзаки талқин қилинишига ёки умуман талқин қилинмасдан инсонийлик, адолатлилик ва демократизм принципларига зид равишда қўлланилишига ҳам олиб келиши мумкин. Натижада қонун бир тарафда, амалда эса ҳуқуқни қўллаш амалиёти иккинчи тарафда қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунларни ортиқча норма ижодкорлигига ўрин қолдирмасдан ижросини таъминлаш мумкин бўладиган ҳолда қабул қилиш ҳам ўта аҳамиятлидир. Аммо бу борада ҳам маъмурий ҳуқуқ соҳасининг классик вакилларида ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, Георг Еллинекнинг фикрича, фақат қонунлар кўрсатмаси асосида бошқаришни амалга ошириш, ҳукуматга эга бўлмаган давлатда мумкиндир. Аммо бундай давлатни барпо этиш ҳақиқатдан анча йироқдир².

Г.Еллинекдан деярли бир асрдан сўнг АҚШлик маъмурий ҳуқуқ бўйича олим Р.Лорч ҳам шундай фикр билдирган эди: Агар Конгресс энг аъло даражадаги манбаалар, куч ва воситалар билан таъминланган тақдирда ҳам миллий норма ижодкорлигининг барча юкини торта олмасдан унинг катта қисмини бошқарув органларига топширган бўлар эди³.

Эндиги навбатда ҳуқуқ нормасини қўллаш деб номланган бошқарувининг ҳуқуқий шаклига мисол келтирамиз. Бунда тизимли ва тушунарли бўлиши учун юқоридаги казусли вазиятни давом эттирган ҳолда казусдаги ҳуқуқни қўллаш шаклида қабул қилинган қарорларга мисол келтирамиз.

Юқорида биз ҳуқуқни қўллаш, оммавий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунлар ва кодекслар билан белгилаб берилган

¹ Б.М. Лазарев. Компетенция органов управления. – М.: Юрид. Лит., 1972. – С. 53.

² Г. Еллинек. Общее учение о государстве. – СПб.: Изд-во “Юридический Центр Пресс”, 2004. – С. 592.

³ R.S. Larch. Democratic process and administrative law. Rev.ed. – Detroit: Wayne state univ press, 1980. P. 23.

ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқ нормаси ўрнатилганидан сўнг уни қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш шаклида намоён бўладиган фаолияти деган таърифни илгари сурдик.

Хўш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат ҳаридини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, ҳуқуқ нормаси ўрнатилган экан, мазкур тадбирни ўтказиш асослари, муддатлари, иштирокчилари ва бошқа зарур шартларини ҳуқуқий асослантирган тарзда туман солиқ инспекцияси бўйруқ қабул қилиши шарт. Мазкур бўйруқда юқоридаги таъкидланган барча шартлар ўз ифодасини топиши лозим. Энг аввало назоратнинг бундай шаклигини қўллашга бўлган зарурат ва асос аниқ ҳамда тўлиқ келтирилиши даркордир.

Демак, ушбу шартлар аниқ ва тўлиқ асослантирилган тарзда қабул қилинган назорат ҳаридини ўтказиш тўғрисидаги қарор – ҳуқуқни қўллаш ҳисобланади. Яъни солиқ инспекцияси раҳбари қонуний ва ҳатто конституциявий асосларга эга бўлган, аввал ўрнатилган ҳуқуқ нормасига асосланган ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилган буйруғи ҳуқуқни қўллаш деб аталади.

Шундай қилиб, оммавий бошқарув органларининг бошқарув шакллариининг ҳуқуқий шакллари турлари бўлган ҳуқуқ нормасини ўрнатиш ва ҳуқуқни қўллаш турлари бир бири билан бевосита боғлиқликда ва бир бирини тўлдириб туриш хусусиятига эга. Таъкидлаш керакки, бунда шартли равишда аввал ҳуқуқ нормаси ўрнатилиши шарт, сўнгра уни қўллаш мумкин. Агар унинг акси юз берадиган бўлса, яъни ҳуқуқ нормаси ўрнатилмасидан у қўлланилса, бундай ҳаракат ўз ўзидан ноҳуқуқий ёхуд ноқонуний ҳисоблашга асос бўлади.

Оммавий бошқарув органларининг фаолиятида ноҳуқуқий (ташкилий) шакллари деб, бошқарув органининг ҳуқуқий шакллариини амалга ошириш мақсадида қўлланиладиган ҳаракатлар алгоритми тушунилади. Ўз навбатида ушбу шакл ҳам иккига ажратилади. Булар:

- ташкилий шакллар;
- моддий-техник шакллар.

Ташкилий шакллар деб оммавий бошқарув органининг ҳуқуқий шаклларида белгиланган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий, услубий ҳаракатлар алгоритмини амалга ошириш тушунилади.

Моддий-техник шакллар деб оммавий бошқарув органининг ҳуқуқий шаклларида белгиланган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур бўладиган моддий ажратмалар, оммавий бошқарув органининг ресурслари, куч ва воситаларининг ажратилиши, фойдаланилишига айтилади.

Бошқарувнинг ушбу шаклини таърифлар эканмиз, юқоридаги туман солиқ инспекцияси мисолини давом эттириш мақсадга мувофиқ. Ташкилий шаклларга қуйидагилар тааллуқли. Бунда туман солиқ инспекцияси ходимлари мазкур тадбиркорлик субъекти устидан жисмоний ёки юридик шахс томонидан келиб тушган шикоятни ўрганиб чиқади. Жумладан, тегишли бўлим уни (шикоятни) руйхатга олади; шикоят мазмуни бўйича мурожаатчи билан боғланиши мумкин; устидан шикоят келиб тушган тадбиркорлик субъектининг солиқ органи ихтиёрида мавжуд бўлган солиқ ҳисоботларини ўрганиши мумкин; унинг солиқ тўлаш тарихини ўрганиши мумкин; тадбиркор фаолият юритувчи ҳудуд участка солиқ инспекторидан тавсиянома сўраши мумкин; шикоят юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида кенгашиши мумкин; сўнгра солиқ органи иш юритувчиси томонидан текшириш ўтказиш тўғрисида солиқ органи раҳбари имзолайдиган буйруқ лойиҳасини тайёрлайди ва бошқа шу каби ҳаракатларни амалга оширади. Буларнинг барчасини оммавий бошқарув органларининг бошқарувдаги ташкилий шакллари деб аталади. Бошқача қилиб таъкидлаганда, бошқарувнинг ҳуқуқий шакллари томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларни бевосита руёбга чиқариш йўлида амалга ошириладиган иш юритув жараёнига айтилади.

Бошқарув ноҳукукий шаклининг иккичи тури бу моддий-техник шаклидир. Бунда юқоридаги мисол асосида давом эттирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, туман солиқ инспекцияси Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талабаларига кўра (юқорида таъкидлаганимиздек ушбу ўрнатилган ҳуқуқ нормаси Солиқ Кодекси тегишли моддалари ва бандларига мос бўлиши керак), ўз куч ва воситаларидан фойдаланиши мумкин. Бунда мазкур давлат бошқаруви органи белгиланган тартибда назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун миллий валютадаги нақд пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратади¹, назорат хариди ўтказилганидан сўнг, солиқ органи ходимлари қисқа муддатли текширувни эълон қилади ва унинг яқунлари бўйича фаолияти текширилган тадбиркорга ҳам текширув натижалари тўғрисида тузилган баённоманинг бир нусхасини текширилувчининг имзосини олиб унга топширади. Мазкур жараёндаги махсус пул маблағининг ажратилиши ва текширилувчига баённоманинг бир нусхаларининг топширилиши ҳам бошқарувнинг моддий-техник шаклига мисол бўлади. Яъни бунда, оммавий бошқарув органининг у ёки бу ўз ваколатига тааллуқли бўлган тадбирни ўтказиши учун ишлатилиши мумкин бўлган куч ва воситалари, бошқарувнинг ноҳукукий моддий-техник шакллари дир.


Таъкидлаш керакки, кўплаб адабиётларда бошқарувнинг ушбу шаклини ноҳукукий деган таърифни ишлатади. Назаримизда ушбу атама унинг асл маъносини бера олмайди. Шу билан бирга бундай атама талабалар орасида уни ҳуқуқга ҳилоф деган маъноларда тушунишга ҳам олиб келиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 27 май, 2013-26-сон Қарори билан тасдиқланган “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом

Шунинг учун оммавий бошқарув органларининг бошқарув шакллари ҳуқуқий ва ташкилий деб аташ мақсадга мувофиқ.

Бошқарув шакллари ҳуқуқ ёки ташкилий шаклларга ажратилиши шартли тушунчалар эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Чунки ушбу бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди, яъни улар бир тизимнинг ажралмас қисмларидир. Ушбу шаклни чизма кўринишида батафсил тушуниб етиш учун куйидаги №3 чизмага қаранг.

№3 чизма



Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Талаба қонунчиликда белгиланган 74 соатдан кўп миқдорда узрли сабабларсиз дарс машғулотларини қолдирди. Натижада тегишли фанлар профессор-ўқитувчилари талаба таҳсил олувчи деканатига билдиргилар киритди, талабанинг ўз ҳам бир неча бор тушунтириш хатларини тақдим этди. Белгиланган тартибда талабага қайта ўзлаштириш учун вақт ва имконият яратилди, шунга қарамасдан талаба вазиятни ўзи учун ижобий томонга ўзгартира олмади.

Яқунда тегишли тартибда институт раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилди. Буйруқда талабанинг шикоят келтириши мумкинлиги тўғрисидаги банд ҳам мустақкамлаб қўйилди.

1. Мазкур вазиятда бошқарувнинг ҳуқуқий шакллари аниқланг.
2. Мазкур ҳолатта ҳуқуқ нормасини қўллаш амалга оширилганми?

3. Мазкур вазиятда қандай ташкилий-услубий ишлар амалга оширилган бўлиши мумкин?

2.3. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг махсус шакллари

Аввалги параграфимизда Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти тизимига тааллуқли бўлган тузилмаларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан иборат эканлигини ҳамда уларни ягона категория остида бирлаштирган ҳолда оммавий бошқарув органлари деб атаган эдик. Ушбу оммавий бошқарув органларининг бошқарув шакллари нафақат ҳуқуқий ва ташкилий шакллардан иборат балки, бугунги кунда уларнинг фаолиятида кенг қўлланилаётган махсус шаклларни ҳам таърифлаб ўтиш жойиз.

Албатта махсус шакллар деб номлашимиз принципал аҳамиятга эга эмас. Ҳар бир олим, тадқиқотчи ушбу шаклларни тадқиқ қилиши давомида унинг янги қирраларини “кашф” этиши орқали уни бошқача номлаши ҳам мумкин. Асосийси бугунги кунда шундай “махсус бошқарув шакллари” деган шартли номланишдаги категориянинг мавжудлиги, унинг оммавий бошқарув органлари фаолиятига, қолаверса расмий ҳужжат шаклига кирганидан сўнг жамият ҳаётига ҳам таъсир этиши ҳамда ушбу шаклларнинг ижтимоий муносабатларни юзага келтира олиши фактини ўрганиш зарурати мавжуд.

Ушбу махсус бошқарув шаклларига оммавий бошқарув органи ёки унинг бир қисмининг истиқболдаги ривожланиши ва замонавий ёндашувларни қўллаш фаолияти тушунилади. Одатда ушбу шакллар концепциялар, стратегиялар, доктриналар, дастурлар ва “йўл хариталари” шаклида намоён бўлади. Ушбу тушунчаларнинг барчасининг ўзига хос умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Стратегия, концепция ва доктрина тушунчалари бири бирига яқин тушунчалар ва улар истиқболда эришиш лозим марраларни, режаларни, лойиҳаларни ифода этади. Ушбу тушунчалар бир бирига ухшаш ва яқин бўлсада, маълум фарқларга ҳам эга эканлигини таъкидлаш лозим. Хусусан,

айрим жиҳатларига кўра стратегия кенг ва умумий аҳамиятга эга. Ҳар қандай давлат, халқаро ҳамжамиятнинг бир қисми сифатида ўз истиқболининг 10, 20, 30 ва ҳатто 50 йилга мўлжалланган стратегияларини қабул қилиши мумкин. Уларнинг айрим йўналишлари ёки даврларидаги марраларга эришиши учун концепция ёки доктрина шаклидаги ҳужжатларни ҳам қабул қилиши мумкин. Маълумки, бугунги кунда ижро ҳокимиятининг маълум тармоқларида ҳам ўзларининг ривожланиш стратегиялари, концепциялари қабул қилинмоқда. Мазкур тармоқдаги оммавий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахслари ўз кундалик фаолиятида мазкур ҳужжатларга асосланган ҳолда, аниқроғи мазкур ҳужжатлардаги марраларга эришиш, руёбга чиқариш мақсадида оммавий бошқарув органи тузилмаси, функциялари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият юритиш услуби ва шакллари янада яхшилашга, халқ, жамият учун яқин ва қулай шароит яратилша уринади. Бошқача қилиб таъкидлаганда, давлатнинг ижро ҳокимияти органлари “ўзини шакллантириш ва такомиллаштириш” тадбирларини амалга оширади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳужжат ёки бошқарув шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардагидан, яъни бошқарувнинг ҳуқуқий шаклидан ажралиб турувчи бир қатор хусусиятларга эга.

Дастурлар ва “йўл харита”лари ҳам стратегия, концепция ва доктриналардан сўнгги ўринларда турувчи одатда қисқа муддатли истиқболга (1 йилгача) мўлжалланган лойиҳалардир. Ушбу “режа”даги, лойиҳадаги тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали у ҳуқуқий, бажарилиши мажбурий бўлган категорияга айланади. Стратегия ва концепция шаклидаги ҳужжатнинг бошқа ҳуқуқий, ижро этилиши мажбурий бўлган ҳўжжатлардан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади.

Стратегия, концепция ва доктрина шаклидаги ҳужжатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқи

Стратегия, концепция ва доктрина шаклидаги ҳужжатнинг ўзига хослиги	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хослиги
Истиқболга мўлжалланган қарашлар, ғоялар, йўналишлар йиғиндиси	Расмий равишда тайёрланиб, таҳлил қилиниб, ҳуқуқий ва бошқа экспертизалардан ўтказилган, руйхатга олинган ва бажарилиши мажбурий кучга эга бўлган расмий ҳужжат
Келгусида давлат ва жамият ҳаётидаги объектив ўзгаришлар таъсири остида стратегия, концепция ва доктриналарнинг у ёки бу қисми ўзгариши, оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига жавоб бермай қолиши натижасида бажарилмасдан қолиши мумкин	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг барча нормалари расмий кучга кирганидан кейин ижро этилиши ва оммавий бошқарув органларининг мансабдор шахсларига маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади
Бир қатор янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ёки эскилари маълум ўзгаришларга учраши кузатилади	Расмий қабул қилинган ҳужжат амалда ўз кучида турли юридик фактларга ҳуқуқий таъсир этишда давом этади
Одатда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланади	Одатда муддатсиз ёки янгиси қабул қилинмагунча давом этади
Бажарилиши оммавий бошқарув органларидан талаб қилинади	Бажарилиши оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектларидан бирдек талаб қилиниши мумкин.
Одатда амалга ошириш механизмлари номаълум ҳолатда бўлади	Механизмлари аниқ белгиланган бўлади
Ҳошиш, истак ёки тасаввурдаги идеал ҳолат	Жамият ҳаётга бевосита бугунги кунда таъсир қиладиган реал ҳолат

Илмий-назарий нуқтаи назардан стратегия, концепция ва доктриналар, юқоридаги жадвалда кўрсатилган хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳамда маълум ўзгаришларга учраши мумкинлигини эътиборга олиб, парламент, маҳаллий вакиллик органлари каби коллегиял институтлар томонидан эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Аммо, таъкидлаш лозим, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасидаги барча даражадаги вакиллик органлари фаолиятида, эски тузум давридан қолган “боқимандачилик”

кайфияти маълум даражада сақланиб қолмоқда ва натижада барча стратегия, концепция ва доктрина каби муҳим истикболли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Оммавий бошқарув органлари фаолиятида махсус бошқаув шакллари(стратегия, концепция, доктрина, дастур ва “йўл харитаси”)га қуйидагилар мисол бўлиши мумкин.

Стратегия	2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”
Концепция	2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси
	2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси”
	2018 йил 8 августда қабул қилинган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси”
Доктрина	Доктрина¹ тушунчаси мазмун-моҳиятига кўра сиёсий ва илмий категория бўлиб, уни ҳуқуқий категорияга боғлиқлиги юқори даражада ўрин тутмаслигини таъкидлаш жойиз. Доктрина 2 кўринишда бўлади. Булар юқорида таъкидланганидек, илмий ва сиёсий. - Илмий доктриналарга кўра турли соҳалардаги олимлар, шу жумладан ҳуқуқ соҳаси олимларининг умум тан олинган қарашлари ва ғоялари назарда тутилади. - Сиёсий доктриналарга сиёсий арбобларнинг қарашлари, чиқишлари ва илгари сурадиган таклифлари ҳамда мурожаатларини келтириш мумкин.
Дастур	2019 йил 17 январда қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури”

¹Юридический словарь / Под ред. А.Н. Азрилияна, - М.: Институт новой экономики, 2007. – С. 187.

	2018 йил 22 январда қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури”
	2018 йил 5 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги билан Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури”
“Йўл харитаси”	Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг самарали амалга оширилиши бўйича «Йўл харитаси» ¹
	“Халқ таълими тизимида мактаб ва мактабдан ташқари таълим сифатини янада яхшилаш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган Йўл харитаси”

Маъмурий ҳуқуқ доирасида оммавий бошқарув органлари томонидан бошқарувнинг махсус шаклини ўрганиш натижасида ушбу органлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериш, уларнинг қабул қилаётган қарорлари ва чиқараётган хулосаларининг қанчалик ҳуқуқий томондан асосланганлигига, адолатлилик, холислик ва очиқлик принципларига мослигига баҳо бериш имкониятини яратади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
2030 йилгача халқ таълими тизимини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Стратегик таҳлил, прогрессив педагогик технологиялар ва таълим соҳасида янги ташаббусларни жорий этиш бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган “Йўл харитаси”ни тайёрлаб Вазирлар Маҳкамасига тасдиқ учун тақдим этиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони 08.09.2017 йилдаги ПФ-5185-сон, Кучга кириш санаси 09.09.2017 Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 180 (6874)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 979-модда

топшириғи келиб тушди. Шу муносабат билан Вазирлик тегишли хат билан таълим соҳасини такомиллаштириш масалаларига оид олиб борилган илмий ва таҳлилий тадқиқотлар натижаларини сўраб тегишли ОТМларига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги парламент тадқиқотлари ва қонунчилик муаммолари Институтига бошқа таълимга алоқадор ташкилотларга хат йўллади. Мазкур масала юзасидан соҳа мутахассислари билан конференция ўтказиш масалалари белгиланиб олинди.

- 1. Мазкур вазиятда бошқарувнинг қандай махсус шакли қўлланилган?**
- 2. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари мақомига баҳо беринг.**
- 3. Ушбу ҳолатда Маъмурий ҳуқуқ предмети доирасидаги ижтимоий муносабатга мисол мавжудми?**

2.4. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарувнинг маъмурий-ҳуқуқий шартнома шакллари

Оммавий бошқарув органлари фаолиятида бошқарувнинг маъмурий-ҳуқуқий шартнома шакли Ўзбекистон ҳуқуқ тизими учун нисбатан янги шакл бўлиб, бугунги кунда амалиётда кам учрайдиган ва етарли даражада илмий тадқиқ этилмаган қисмидир. Аммо, таъкидлаш керакки, шундай бўлса да Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органлари тизимида ҳам маъмурий-ҳуқуқий шартномалардан фойдаланган ҳолдаги бошқарув шакли мавжудлигини, фақат улар етарли даражада илмий тадқиқ этилмаганлигини кузатиш мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар назарий жиҳатдан субъектларига кўра иккита гуруҳга бўлинади. Булар

- юридик шахслар билан тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар;
- жисмоний шахслар билан тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар.

Муддатига кўра

- маълум муддатга тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар;
- номаълум муддатга тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар.

Даражасига кўра

- республика даражасидаги маъмурий-ҳуқуқий шартномалар;
- маҳаллий даражадаги маъмурий-ҳуқуқий шартномалар.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларга оид ушбу назарий категорияларни таҳлил қилишдан олдин ушбу тушунча таърифини келтирадиган бўлсак, маъмурий-ҳуқуқий шартнома – бу оммавий бошқарув органининг ўзига берилган қонуний ваколатлари доирасида уларни самарали амалга ошириш, жамиятнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини руёбга чиқариш мақсадида турли мулкчилик шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартномаси бўлиб, уларга ўз функциялари ва ваколатларига оид айрим бошқарув билан боғлиқ бўлган устунликларнинг таъминлаши тушунилади.

Шу масалага алоҳида урғу бериш лозимки, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан тубдан фарқ қилади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг ҳуқуқий асослари мавжуд ва у йиллар давомида шаклланиб улгурган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 26-боби, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур шартнома турининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. Аммо уларнинг барчаси фуқаролик соҳасига оид бўлган шартномалардир. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 8-9-моддалари¹да мустаҳкамланган нормалар ҳам маъмурий-ҳуқуқий шартнома мазмунини бера олмайди. Оммавий бошқарув органларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан товарлар етказиб бериш ва хизматларни амалга ошириш юзасидан тузиладиган шартномалари фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар гуруҳига

¹**Қаранг:** “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29.08.1998 йилдаги 670-I-сон, Кучга кириш санаси 01.11.1998 Манба: Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; «Халқ сўзи», 1998 й., 188 (1969)-сон

тааллуқли бўлиб, унда шартнома предметиға оммавий бошқарув органи ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тузилмавий масалалар киритилмайди.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг назарий таснифланишига мисоллар:

Таснифланиши	Хусусияти	Амалий мисоллар
Субъектларига кўра	юридик шахслар билан тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Маҳсулот тақсимотига оид битим (бундан буён матнда битим деб юритилади) шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга (бундан буён матнда инвестор деб юритилади) битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар беради , инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади ¹ .
	жисмоний шахслар билан тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш
Муддатига кўра	маълум муддатга тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Одатда юридик шахслар билан тузиладиган ҳар қандай шартнома муайян муддатга тузилади
	номаълум муддатга тузиладиган маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Давлат химатига қабул қилинаётган фуқаролар билан тузиладиган шартномалар

¹ “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 07.12.2001 йилдаги 312-II-сон, Кучга кириш санаси 05.01.2002 Манба: Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 12-модда; «Халқ сўзи», 2002 й., 4-сон; ЎР ҚХТ, 2002 й., 1-сон, 1-модда

Даражасига кўра	республика даражасидаги маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Давлат бошқаруви органлари социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат <u>ижтимоий буюртмаси</u> бериши мумкин ¹ .
	маҳаллий даражадаги маъмурий-ҳуқуқий шартномалар	Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини сақлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари томонидан танлаб олинган юримдик шахслар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир минтақада танлов асосида, минтақанинг маъмурий-ҳудудий бўлинишининг жойлашишидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи бир неча юримдик шахслар аниқланиши мумкин ² .

Юқорида таъкидланганидек, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар масаласи у ёки бу қонунларнинг айрим нормаларида кўрсатилишига қарамасдан бугунги кунда алоҳида институт сифатида ўрганилмайди. Ушбу ҳолат Маъмурий ҳуқуқ фани доирасида, халқ тили билан таъкидлаганда “теши тегмаган” масалалардан биридир. Айнан ушбу шартнома турининг ўрганилиши, аниқлаштирилиши Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати,

¹ “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 03.01.2007 йилдаги ЎРҚ-76-сон, Кучга кириш санаси 04.01.2007 Манба: «Халқ сўзи», 2007 й., 3 (4156)-сон; ЎР ҚХТ, 2007 й., 1-2-сон, 2-модда

² “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 йилдаги 149-сон, Кучга кириш санаси 25.05.2011 Манба: ЎР ҚХТ, 2011 й., 20-21-сон, 207-модда

давлат хизматчиси институтининг ривожланишига ҳам замин яратиши мумкин. Зеро, давлат хизматчиси мақомидаги мансабдор шахс билан тузиладиган шартнома мазмуни билан оддий ишга жойлашиш масаласи бўйича тузиладиган меҳнат шартномалари орасида катта ҳуқуқий фарқ мавжуд. Чунки, давлат хизматчиси – бу бошқарув билан боғлиқ бўлган ҳокимият ваколатига эга мансабдор шахс ҳисобланади. Меҳнат шартномасини имзолаётган иккинчи томонда эса ҳар доим ҳам ҳокимий ваколатлар бўлмаслиги аниқ. Айнан ушбу “жой”, ушбу “нуқта”, “ҳудуд” бугунги кундаги Маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институтларидан бири бўлган – Давлат хизмати институтининг Меҳнат ҳуқуқи билан энг яқин жойлашган “чегаралари” ҳисобланади. Давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида кейинги бобимизда атрофлича тўхталамиз.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ органларини янги компьютер жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали компьютер хариди тендерини эълон қилди. Тендердаги талабларга кўра, ҳар бир компьютер нархи 3 млндан кўп бўлмаган, охириги русумдаги қўшимча ускуналари билан жиҳозланган ҳамда 1 календар йили давомида дастурлаш ва созлаш хизматлари шартли белгиланди. Тендерда Тошкент шаҳрида руйхатдан ўтган 5та ва Самарқанд шаҳрида фаолият юритувчи 3та жами 8та мазкур хизматни кўрсатишга тайёр ҳўжалик юритувчи субъект қатнашди. Натижада Тошкент шаҳридаги “REAL LIFE” МЧЖ ғолиб деб топилди ва ДСҚ билан шартнома имзоланади. Шартнома шартларига кўра маъмурий орган 15% тўловни амалга оширди. МЧЖ келишилганидек 150та дона компьютер етказиб берди. Сўнгра ДСҚ яна 75% тўловни амалга оширди. Қолган 10% тўлов бир календар йили яқунланганидан кейин амалга ошириладиган бўлди. “REAL LIFE” МЧЖ шартларда белгиланганидек бир йил давомида дастурлаш ва созлаш хизматларини амалга ошириб келди.
1. Мазкур вазият Маъмурий ҳуқуқ предметиға тааллуқлими? 2. Мазкур вазиятдаги шартнома маъмурий-ҳуқуқий шартнома мақомиға эғами? 3. Маъмурий-ҳуқуқий шартнома тушунчаси ва шартларини яна бир эсға олинг.

2.5. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарув услублари тушунчаси ва аҳамияти

Ҳар қандай бошқарувга оид бўлган тизимда (давлат бошқаруви, хўжалик бошқаруви, оилавий бошқарув) бошқарув органи томонидан органнинг (тизимнинг) мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг равишда маълум услублар қўлланилади. Бошқарув органи томонидан қўланиладиган у ёки бу услуб энг аввало ҳуқуқ нормаси билан тартибга солиниши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ва уларни руёбга чиқишига замин яратиши лозим.

Оммавий бошқарув органлари кундалик фаолиятида қўллайдиган у ёки бу услублари одатда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришадиган субъектларга қаратилган бўлади. Ушбу субъектларга фуқаролар, юридик шахслар тааллуқлидир. Бошқарув органларининг услубларни қўллаши, уларнинг қонуний ваколатлари доирасида амалга оширилиб, энг асосий мақсади қонуний, ўзларига юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун етарли ва зарур ҳажмда бўлиши муҳим. Бошқача қилиб таъкидлаганда, мутаносиблик тамойилига жавоб бериши керак.

Илмий жамоатчиликда оммавий бошқарув органлари қўллайдиган услублар турлари борасида ҳар ҳил ёндашувлар мавжуд. Хусусан М.Шотурсуновнинг фикрича оммавий бошқарувда ишонтириш, бошқарув, рағбатлантириш, тарбиялаш ва мажбурлаш услублари мавжуд¹.

Д.Н. Бахрахнинг фикрича юқоридаги олим санаб ўтган услублар билан бир қаторда оммавий бошқарув органларида норматив тартибга солиш, ташкиллаштириш, легаллаштириш, ваколат билан таъминлаш, тақсимлаш, ҳисоб-китоб қилиш, назорат, ишонтириш, рағбатлантириш, муаммони бартараф этиш, мажбурлаш, қуроли бостириш каби услубларни санаб ўтади. Мазкур олим оммавий бошқарув органлари услубларини маъмурий органнинг

¹ Административное право Республики Узбекистан: Учебник для юридических вузов // Авт. коллектив: Х.Р. Алимов, Л.И. Соловьева и др. / - Т.: «Адолат» 1998. – С. 177.

бевосита ва билвосита таъсир этиш турларига ҳам ажратиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича биринчиси “буюрилганидек бажар”, иккинчиси “вазиятга қараб бажар” деган тамойилларга тўғри келиши керак¹лигига урғу беради. Бунда, албатта олим фикрларида собиқ Иттифоқ давридан “мерос” бўлиб қолган оммавий бошқарув органлари услублари тарғиботини сезиш мумкин.

Б.Н. Габричидзенинг фикрича оммавий бошқарув органлари табиатига иқтисодий услуб, статистик услуб, социологик, психологик ва ахборот билан таъминлаш услублари хос деган фикр билдириб, мазкур услублар бир бири билан узвий боғлиқликда бўлиб, ижро ҳокимияти услубларининг ягона мажмуйини ташкил этишини таъкидлайди².

Ю.М. Козловнинг фикрича ишонтириш, мажбурлаш ва иқтисодий услублар оммавий бошқарув органлари томонидан энг кўп қўлланилишини таъкидлайди. Олимнинг назарида, мажбурлаш услубининг оммавий бошқарув органлари ўз қонуний мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун зарур³ эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, оммавий (давлат) бошқарув органлари фаолиятида услублар деб, бошқарув органига қонунан юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари давомида ишлатиладиган воситалари йиғиндиси тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқ назариясидаги турли ҳил услубларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жойизки, ҳар бир олим, назариётчи оммавий бошқарув органлари услубларини қандай турларга, тоифаларга ажратмасин, уларнинг мазмуни бир ҳил бўлиб қолаверади. Жумладан, бу оммавий бошқарувни амалга оширишга қаратилган, қонуний тартибга солинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини асоссиз чекламайдиган

¹Бахрах Д.Н. Административное право России. Учебник для вузов. – М.: Издательства НОРМА, 2000. – С. 352-356.

²Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П. Российское административное право. Учебник для вузов. М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1998. – С. 250-252.

³Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 1996. – С. 262.

ҳаракатлар мажмуидир. Булар одатда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш услубларида ўз аксини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият ривожланган, фуқаролик жамияти институтлари юксак даражага кўтарилган мамлакатларда асосан ишонтириш услуби аҳоли ҳуқуқий онгининг юқорилиги эвазига оммавий бошқарув органлари томонидан қўлланилади.

Ёдда тутинг!

Оммавий (давлат) бошқарув органлари фаолиятида услублар деб, бошқарув органига қонунан юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари давомида ишлатиладиган воситалари йиғиндиси тушунилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида 2018 йил якунлари бўйича ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди ва унда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Хусусан мажлисда ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари ҳисобот йили давомида солиқ органлари томонидан бюджетга тушумларни яширган ва камомад билан тўлаган шахсларга нисбатан жами 1174та маъмурий иш очилганлиги, инсофли солиқ тўловчиларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда солиқларни тўлаганликлари учун жами 24та ҳўжалик юритувчи субъектларга “солиқ таътиллари” эълон қилинганлиги таъкидланди. Ҳисобот йилида намунали хизмати учун солиқ органлари ходимларининг 47 нафари “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланганлиги, аҳолининг солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашлари учун жами 4та ижтимоий видео ролик тайёрланиб далат телеканалларида эфорга узатилганлиги таъкидланган. Натижада ҳисобот йилида аввалги йилларга нисбатан солиқ тушумлари 33%га олдиндан ва тўла ҳажмда ихтиёрий тўланиши таъминланганлиги таъкидланди.

- 1. Мазкур мисолда Маъмурий ҳуқуқ предмети мавжудлигига баҳо беринг.**
- 2. Оммавий бошқарув органлари фаолиятида қандай услублар қўлланилганлигини изоҳланг.**

2.6. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида бошқарув услублари

Оммавий бошқарув органлари томонидан қўлланиладиган турли хил услубларни умумлаштириб, мазмуни жиҳатидан уч турга бўлиш мумкинлигини аввалги параграфимизда ҳам таъкидлаган эдик. Булар

- ишонтириш услуби;
- рағбатлантириш услуби;
- мажбурлаш услуби.

Оммавий бошқарув органи фаолиятида ишлатиладиган услублардан бири бу **ишонтириш услуби** бўлиб, давлат дастурларини, қонун нормаларини ва умуман давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг афзал ва кўп қўлланиладиган услубларидан биридир. Давлат органларининг ўз фаолияти давомида мазкур услубдан фойдаланиши ва кўзланган эзгу натижага эришиши кўрсаткичининг юқорилиги – давлат ва жамият уйғунлиги кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади. Оммавий бошқарув органларининг ишонтириш услубини қўллаши маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг онгига, дунёқарашига ва маънавиятига ижобий маънодаги таъсир этиш орқали амалга оширилади. Бунда албатта оммавий бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатларнинг ҳам оммавий (жамият ва шахс) манфаатларига монанд бўлиши муҳим. Таъкидлаш керакки, деярли ҳар бир оммавий бошқарув органи (маъмурий орган) фаолиятида ишонтириш услубидан фойдаланиш мумкин.

Мисол учун,

Услуб номи	Даражаси	Ташқи кўриниши ва аҳамияти
	Умумдавлат миқёсида	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари тўғрисидаги Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. Мазкур дастур орқали жамиятни бирлаштиришга, бир мақсад сари йўналтиришга, идеал ғояларнинг аниқ муддатларда руёбга чиқишига ундовчи

Ишонтириш		иждобий маънодаги, бунёдкорликка бошловчи ишонтириш услубининг яққол кўриниши.
	Маҳаллий ёки маълум соҳалар миқёсида	<i>Солиқ тўловларининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларни молиялаштириш учун сарфланиши тўғрисидаги давлат телеканалларидаги видео роликлар ёки Ватан ҳимояси тўғрисидаги шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган роликлар</i> Мазкур роликлар орқали жамиятнинг давлат ва унинг органларига бўлган ишончи ортиши таъминланади
		<i>Халқ таълими тизимини ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши</i> Халқ таълими соҳасида фаолият юритувчи шахларни ягона мақсад сари жипслаштириш ва ривожланиш сари йўналтиришга ишонтирувчи чора тадбир ҳисобланади.

Шундай қилиб, оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги ишонтириш услуби деб – давлат органлари томонидан функция ва вазифаларини амалга оширишда жамият қўллаб-қувватловига эришиш ва уларни ягона мақсад сари бирлаштириш орқали йўналиш беришга хизмат қилувчи бошқарувнинг самарали услубларидан бирига айтилади. Ушбу услубни амалга ошириш турли даражадаги ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинади.

Оммавий бошқарув органлари томонидан кенг қўлланиладиган яна бир бошқарув услубларидан бири бу **рағбатлантириш услубидир**. Ушбу услуб ҳам мазмунига кўра ишонтириш услубига яқин бўлиб, бунда оммавий бошқарув органлари қонун ҳужжатлари доирасида ўз функция ва ваколатларини бажариш учун алоҳида рағбатлантириш тизимидан фойдаланади. Табиийки рағбатлантириш услуби ҳам давлат хизматчисининг ўзига, ҳам жамиятга моддий ёки номоддий наф олиб келиши шартли белгиланади. Ушбу услуб шу жиҳати билан ишонтириш услубидан таъсирчанроқ ва самаралироқ кўринади. Аммо оммавий бошқарув органлари

ушбу услубдан доимий равишда фойдалана олмайди. Чунки доимий равишдаги рағбатлантириш услуби ҳам даврий бўлиб, маълум вақт ўтгач ўз кадрили, қийматини йўқотиши мумкин.

Оммавий бошқарув органининг рағбатлантириш услуби ҳам умумдавлат, ҳам маҳаллий, шунингдек маълум соҳалар доирасида кузатилиши мумкин.

Мисол учун,

Услуб номи	Даражаси	Ташқи кўриниши ва аҳамияти
Рағбатлантириш	Умумдавлат миқёсида	<i>“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонининг берилиши, “Меҳнат шухрати” орденининг топширилиши ва ҳоказо.</i> Булар номоддий кўринишдаги рағбатлантириш услубларидир.
	Маҳаллий ёки маълум соҳалар миқёсида	<i>Ургут, Ангрен, Джиззах, Ғиждувон, Кўқон, Хазорасп ва Навоий эркин иқтисодий ҳудудларининг эълон қилиниши.</i> Моддий кўринишдаги рағбатлантириш услубларига тааллуқлидир.
		<i>Устама ҳақларнинг белгиланиши, ҳодимга яшии хизматлари учун рағбатлантириш пулларининг берилиши.</i> Моддий кўринишдаги локал даражадаги рағбатлантириш услубларининг кўриниши.
		<i>Ички ишлар органлари ҳодимларига хизмат уйи ва автокредитларнинг ажратилиши.</i> Моддий кўринишдаги локал даражадаги рағбатлантириш услубларининг кўриниши.

Шундай қилиб, оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги рағбатлантириш услуби деб – оммавий бошқарув органлари томонидан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ўз функционал, жамоатчилик ёки шахсий манфаатидаги мақсад ва вазифаларини¹ самарали амалга оширишига зарур қонуний, моддий ва номоддий шарт-шароитлар

¹Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз шахсий лойиҳалари асосида ўз ташаббуслари билан амалга ошириладиган фаолияти назарда тутилмоқда.

яратиб беришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ушбу услубни амалга ошириш турли даражадаги ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади¹.

Оммавий бошқарув органларининг **мажбурлаш услуби** ҳам кенг фойдаланиладиган услублардан бири бўлиб, унинг зарурати ҳар қандай муносабатларда объектив равишда юзага келишини таъкидлаш лозим. Ушбу услубни фақатгина негатив маънода тушунмаслик керак. Зеро, ҳар қандай жамиятда, табиатан мазкур услубларга зарурат юзага келади. Таъкидлаш жойизки, мазкур услубнинг қўлланилиши жамиятдаги бошқа, қонунни ҳурмат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Оммавий бошқарув органлари томонидан қўлланиладиган мажбурлаш услубини назарий жихатдан актив ва пассив шаклларга ажратиш мумкин. Бунда актив шаклдаги мажбурлаш услубига жисмоний ёки юридик шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлиги натижасида оммавий бошқарув органи томонидан уларга кўрсатиладиган таъсир чораси назарда тутилса, пассив шаклга хусусий шахсларнинг ўз субъектив оммавий ҳуқуқларини руёбга чиқариши учун амалга ошириши лозим бўлган ҳатти ҳаракатларига айтилади.

Мисол учун,

Услуб номи	Даражаси	Ташқи кўриниши ва аҳамияти
Мажбурлаш	Актив	<i>Фуқаронинг жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиши натижасида унга нисбатан таъсир чорасининг қўлланилиши.</i> Оммавий бошқарув органилари ва уларнинг мансабдор шахслари бошқа қонунни ҳурмат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мазкур ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 26-октябрдаги № ПФ-4853-сон Фармони.

		<i>Тадбиркорнинг белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўламаганлиги учун унга нисбатан тегишли таъсир чорасини қўллаши.</i> Мақсад, мазкур солиқ тушумини таъминлаш орқали аҳолининг нафақа ва стипендия, ёки ердам пулларига муҳтож бўлган қатламларини моддий таъминлашни амалга ошириш учун қўлланилади.
	Пассив	<i>Манфаатдор шахснинг у ёки бу лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини олиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тегишли маъмурий орган комиссиясига топшириши ва тўловларни амалга ошириш мажбурияти.</i> Шу тариқа оммавий бошқарув органлари манфаатдор шахснинг расмий фаолият юритишига, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг, соғлиғи ва ҳаётининг муҳофаза этилишига замин яратади.
		<i>Шахснинг аэропорт ва вокзаллардаги мажбурий тарздаги паспорт ва юк назорати текширувидан ўтиши.</i> Бу ҳам қонунни бузмоқчи бўлган шахсни зарарсизлантириш орқали бошқа қонунни ҳурмат қилувчи ёловчилар соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилишга қаратилган мажбурий кўрикнинг, услубнинг бир кўринишидир.

Шундай қилиб, оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги мажбурлаш услуби деб – оммавий бошқарув органлари томонидан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларига нисбатан актив ва пассив шаклларда

қўлланиладиган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган таъсир этиш чоралари мажмуида айтилади.

Оммавий бошқарувдаги услублар деганда, маъмурий органнинг ўзига юклатилган қонуний функция ва ваколатларидан келиб чиқиб¹, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз фаолиятида қўллаши мумкин бўлган куч ва воситаларининг амалий кўринишидир.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 20 августдаги Вазир буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 февралда имзоланиб давлат рўхатидан ўтказилмасдан ОТМларига ижро қилиш учун тарқатилган “Профессор-ўқитувчиларнинг вақт меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи бекор қилиш ва тегишли мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузулган ва кўриб чиқиш учун судга юборилган.
1. Мазкур вазиятда Адлия вазирлиги томонидан қандай бошқарув услуби қўлланилган?
2. Мазкур вазиятда пассив бошқарув услуби талаблари мавжудми?

2-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун крөсвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Солиқ тўловчиларга маълум имтиёзлар яратиш ёки халқ олдида кўрсатган юксак хизматлари учун маълум унвоннинг берилиши давлат бошқаруни қайси услубига оид?. 2.....-техник шакллардеб оммавий бошқарув органининг ҳуқуқий шаклларида белгиланган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур бўладиган моддий ажратмалар, оммавий бошқарув органининг ресурслари, куч ва воситаларининг ажратилиши, фойдаланилишига айтилади. 3. Давлат бошқаруви органининг ўзоқ муддатга мўлжалланадиган ва ривожланиш истиқболларини белгилайдиган ҳужжат номланиши.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон

Энига:. 1. Назарий жихатдан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий номланиши – бошқарув органлари деб номланади. 2. Мазкур дарсликда қайси олим томонидан оммавий бошқарув органларининг психологик услуби мавжудлиги тўғрисидаги фикри келтирилган? 3. Аксарият оммавий бошқарув органлари томонидан бугунги кунда кенг қўлланилаётган махсус бошқарув шаклининг номланиши. Қайси Габричидзенинг фикрича оммавий бошқарув органлари табиатиға иқтисодий услуб, статистик услуб, социологик, психологик 4. Ҳуқуқ нормасини оммавий бошқарув органларига қонунлар ва кодекслар билан белгилаб берилган ваколатларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалға ошириш механизмларини аниқлаштиришға қаратилган ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятидаги ҳаракатларидир.

		1									
					1		2				
2											
3											
					3						
	4										

III БОБ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

3.1 Давлат хизмати тушунчаси ва моҳияти

“Бюрократия ҳақидаги илм” – сиёсатшунослик ва давлат ва ҳуқук назариясининг марказий қисмларидан биридир. Ғарб давлатларида ушбу йўналиш, бир неча ўн йиллардан буён алоҳида фан сифатида ривожланмоқда. Унинг у ёки бу қисмларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда, дарсликлар chop этилмоқда, ўқув курслари ўтилмоқда. Ушбу соҳанинг — Public Administration — асосларини билмай туриб, замонавий ҳуқуқшуносни, сиёсатчини, менежерни, иқтисодчини ва умуман олий маълумотли инсонни тасаввур қилиш қийин¹.

Маълумки, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бир томонда шартли равишда оммавий бошқарув (давлат бошқаруви ёки хўжалик бошқаруви) органи туради. Мазкур органлар номидан иш юритувчи шахслар эса давлат хизматчилари мақомига эга бўлиши табиий қонуниятдир.

Давлат хизмати бу – қонунлар асосида оммавий бошқарув органига расмий равишда юклатилган функция, вазифа ва ваколатларни амалга ошириш компетенциясига эга бўлган, вертикал бўйсинишга асосланган ижро ҳокимияти фаолиятдир. **Давлат хизматчилари** эса оммавий бошқарув органида профессионал фаолият юритувчи ижроия-тақсимот ваколатига эга бўлган интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахслардир.

Давлат хизмати тушунчасига адабиётларда турлича таърифлар келтирилган. Жумладан, рус олимлари томонидан тайёрланган “Словарь административного права” деб номланган луғатда ёзилишича, Давлат хизмати – фуқароларнинг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан давлат ҳокимияти органларига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажариши² таъкидланган бўлса, Ю.Н.Стариловнинг фикрича, давлат хизматини кенг ва тор маъноларда қараш мумкинлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича тор маънода давлат хизматига ижро ҳокимияти органи

¹ Государственная служба (комплексный подход): Учебное пособие. — М.: Дело, 1999. — С. 13

² Словарь административного права / Колл. Авт. — М.: Фонд правовая культура, 1999, - С. 96.

тааллуқли бўлса, кенг маънода қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари ҳам тааллуқлилигини таъкидлайди.¹.

Фикримизча юқорида луғатдан иқтибос келтирилган таъриф эътиборга лойиқдир. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти тушунчаси ўрнига “давлат (оммавий) бошқаруви органлари” деган таърифни ишлатиш яна ҳам аниқроқ бўлар эди. Зеро, “давлат ҳокимияти” ва “давлат бошқаруви” тушунчалари орасида принципиал фарқ мавжуд. Бу тўғрисида №2 чизмага қаранг.

Ю.Н.Стариловнинг қонунчилик ва суд ҳокимиятларини ҳам давлат хизмати сифатида қараш лозимлиги тўғрисидаги фикри ҳам баҳслидир. Зеро қонунчилик ва суд ҳокимиятларининг классик функциялари давлат хизмати мезонларига тўғри келмади. Қуйида бу тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жойизки, оммавий бошқарув органида фаолият юритувчи ҳар қандай ҳодимда ҳам давлат хизматчиси мақоми мавжуд деб таъкидлаш ноўриндир. Зеро маъмурий ҳуқуқ тармоғининг бир қисми ҳисобланган давлат хизмати институти, меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокчилардан тубдан фарқ қилади.

Давлат хизматчилари оммавий бошқарув органига қонунан юклатилган функция ва ваколатларни руёбга чиқариш учун маълум ҳокимий, яъни бошқарув билан боғлиқ бўлган функционал вазифаларни амалга оширишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар доираси тушунилади. Шу ўринда “давлат хизматчилари” категориясига тааллуқли бўлган мансабдор шахсларни аниқлаб олиш учун, у маълум мезонларга жавоб бериши лозим.

Жумладан,

- оммавий бошқарув органининг расмий вакили бўлиши керак;
- давлат бюджетидан молиялаштирилиши лозим;
- тайинладиган лавозимда фаолият юритиши зарур;
- ижроия-тақсимот ваколатига эга бўлиши керак.

Санаб ўтилган мезонларнинг ичида оҳиргиси энг аҳамиятлидир. Зеро оммавий бошқарув органининг расмий вакили бўлиш, бу ҳали ижроия-

¹ Старилов Ю.Н. Службное право: Учебник. – М.: БЕК, 1996. – С. 132.

тақсимот ваколатига эга бўлишни англатмайди. Мисол учун ходим Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида инспектор ёки кичик мутахассис лавозимларида ишлаши мумкин, аммо у ижроия-тақсимот ваколатига эга деган хулосани бермайди. Шунинг учун ҳам унинг оммавий бошқарув органи билан муносабатлари меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар туркумига тааллуқлидир.

Давлат бюджетидан молиялаштирилиш мезони ҳам иккинчи даражали мезонлардан биридир. Зеро у ёки бу ташкилотнинг давлат томонидан молиялаштирилгани унинг ходимлари давлат хизматчиси мақомига эга бўлди деган хулосани бермайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳам тўла давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Аммо депутатларни давлат хизматчилари қаторига киритиш ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан ҳокимиятлар мувозанати принципига зиддир. Чунки, биринчидан, парламент бу вакиллик органи, ундаги фаолият юритувчи депутатлар эса, халқ вакилларидир. Депутатлар ўз мандатини бевосита халқдан олади, яъни халқ уларни сайлаш орқали қонунчилик ҳокимиятига вакил қилади. Иккинчидан, парламент ёки маҳаллий кенгашлар – бу коллегиял орган. Ундаги қабул қилинадиган масалалар кўпчиликнинг қўллаб қувватлаши натижасида амалга оширилади.

Давлат хизмати институти моҳиятини аниқлаштиришга ушбу категориянинг суд ҳокимиятидан ҳам тубдан фарқ қилишини таъкидлаш лозим. Зеро, суд ҳокимиятининг ягона классик функцияси: одил судловни амалга ошириш. Бунда у на халқ хизматида, ва на давлат хизматида туради. Суд – давлат ва жамият каби фалсафий категорияларнинг орасида туриб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳолис баҳо берувчи арбитр вазифасини бажаради. Суд ҳокимиятини ёки судьяларни давлат хизмати институтига кўшиш унинг фундаментал принципи бўлган судьялар мутақиллиги принципига путур етказадиган бўлса, уни халқ хизмати деб баҳолаш ҳам ушбу институтнинг ҳолислигига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам суд ҳокимиятининг давлат хизмати институтига киритилмаслиги жуда муҳим.

Давлат хизмати эса, тайинланадиган ва юқори турувчи мансабдор шахсга бўйсиниш принципи асосида одатда раҳбар шахснинг якка ўзи томонидан қарор қабул қилинадиган вертикал тизимдир. Табиийки давлат хизматчисида аввал таъкидлаганимиздек, ижроия-тақсимот ваколати мавжуд бўлади. Ижроия-тақсимот ваколати тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- оммавий бошқарув органи ходимлари орасида вазифаларни тақсимлаш;
- оммавий бошқарув органининг тузилмаси ва штат бирликлари бўйича стратегик қарорларни тайёрлаш;
- оммавий бошқарув органи фаолиятига оид функция ва ваколатлар бўйича таклиф вав тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини кўриш;
- ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ёки юқори турувчи органга бу тўғрисида тавсиялар бериш;
- рағбатлантириш, мукофотлаш ёки шу тўғрисида юқори турувчи органларга тавсиялар бериш;
- оммавий бошқарув органи ходимларига нисбатан интизомий ва бошқа қонун доирасидаги таъсир чораларини кўриш;
- оммавий бошқарув органининг ташкилий-услубий ва моддий-техник базасига раҳбарликни амалга ошириш.

Ёдда тутинг!

Давлат хизмати бу – конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари асосида оммавий бошқарув органига юклатилган қонуний функция ва ваколатларни амалга ошириш компетенциясига эга бўлган, вертикал бўйсинишга асосланган ижро ҳокимияти фаолиятidir. **Давлат хизматчилари** эса оммавий бошқарув органида профессионал фаолият юритувчи ижроия-тақсимот ваколатига эга бўлган интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахслардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат хизмати институтининг давлат механизмида тутган ўрни ниҳоятда катта. Зеро, Асосий қонун, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг ижросини, фуқаролар ва юридик шахслар субъектив оммавий ҳуқуқларининг руёбга чиқишини таъминлаш

масалаларининг барчаси яхши ташкиллаштирилган ва ижтимоий-иқтисодий таъминланган давлат хизматчилари институти самарадорлигига боғлиқдир. Зеро, давлат хизматчилари – давлат механизмнинг самарали ишлаши ва шу тариқа давлат ва жамият ривожини таъминлашга замин яратувчи юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бошқарув кадрларидир. Агар қонунчилик ҳокимияти вакиллари – депутатлар, идеал нуқтаи назардан қараганда жамият ва халқ томонидан туриб фаолият юритиш лозим бўлса, давлат хизматчилари халқ вакиллари ўрнатган қонун қоидалар асосида унинг ижросини таъминлаши, шу тариқа давлат механизмнинг ижро ҳокимияти деб номланган катта “двигателини” доимий ишлатиши ва бунда ушбу механизмга ҳам путур етмаслигини уйлаши керак. Бу эса доимий интеллектуал ва жисмоний фаолиятни талаб қилади.

Давлат хизмати институтига моделлаштириш услубидан фойдаланган ҳолда таъриф бериш мумкин бўлса, унда ушбу институтни инсон организмнинг “мияси”га қиёслаш мумкин. Шунинг учун ҳам давлат хизматчилари аксарият масалаларни ортиқча эҳтиросларсиз, вертикал бўйсинув принципи асосида қонун нормаларига таянган ҳолда бажариши лозим. Айнан шунинг учун ҳам ушбу машаққатли йўналиш вакиллариининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳолати махсус қонунлар асосида етук даражада таъминланиши лозим. Бу эса ушбу механизмнинг самарали ишлаши гаровидир. Акс ҳолда бундай катта механизмни ишлатиши лозим бўлган ушбу элементлар ўзини-ўзи “ишдан чиқариши”га сабаб бўлиши мумкин. Машҳур француз давлат ва сиёсат арбоби Шарль де Голь таъкидлаганидек, “оддий одамлар дўстларга эга бўлиши мумкин, аммо давлат хизматчилари эмас”¹.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
“Узагролизинг” АЖДа бош бухгалтер лавозимида фаолият юритувчи А исмли шахс, аудиторлик текшируви натижалари бўйича бухгалтерлик ва молиявий ҳисоб китобларни ўз вақтида тартибга келтирмаганлиги сабабли Жамият раисидан танбех эшитди ва Жамият бошқаруви қарори билан унга нисбатан ўз хизматида эътиборсизлик

¹ <https://aphorism.ru/comments/ipsefyk236.html>

билан ёндашганлиги учун ойлик иш ҳақининг 30% миқдорида интизомий жавобгарликка тортилди.
1. Мазкур вазият маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар предметига тааллуқлими? 2. Бош бухгалтер давлат хизматчиси ҳисобланадими? 3. АЖ бошқарувининг интизомий жазо чорасини қўллаш ваколати борми?

3.2. Давлат хизмати принциплари ва уларнинг моҳияти

Давлат хизматини амалга оширувчи ижроия-тақсимот ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларининг оммавий бошқарув органлари фаолиятида нисбатан кўплиги ва фаолиятининг аҳамиятини эътиборга олиб, ушбу фаолият яхлит бир қонун билан тартибга солиниши ва фаолияти мезонини белгилаб берувчи асосий принципларга таяниши лозим. Давлат хизматчилари фаолиятларининг маълум принципларга риоя этишини қонуний таъминлаш орқали, уларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан бўладиган муносабатларида қонуний ваколатлари чегарасини белгилаш ҳамда хусусий шахсларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаш ҳисобланади. Бу эса фуқароларда, пировардида жамиятда давлат органларига бўлган ишончнинг ортишига замин яратади.

Давлат хизматида риоя этилиш керак бўлган принциплар қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устунлиги;
- профессионаллик ва компетентлилик;
- Ватанпарварлик ва хизмат вазифасига содиқлик;
- адолатлилик, ҳақиқатпарварлик ва холислик;
- этикага риоя этиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- юқори турувчи давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг давлат хизматчилар учун мажбурийлиги;

- яккабошчиликнинг коллегияллик билан ҳамоҳанглиги;
- давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда ўз ваколатларини суъистеъмол қилганлиги учун жавобгарлиги;
- давлат хизматчиларининг буйсинувчанлиги ва ҳисобдорлиги;
- давлат хизмати тўғрисидаги ахборот олиш имкониятининг мавжудлиги;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлари;
- давлат хизматига тенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- давлат хизматига кириш ва ўташнинг шаффофлиги;
- давлат хизматчиларининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги;
- давлат хизматига киришнинг ихтиёрийлиги.

Қонунийлик принципининг моҳияти шундаки, давлат хизматчисининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва қабул қиладиган қарорлари тегишли қонунларга мос бўлиши лозимлигини англатади. Ушбу принципга риоя қилиш орқали давлат хизматчиси энг аввало ўз ҳатти-ҳаракатлари ва қарорларини асослай олиш имкониятига эга бўладиган бўлса, бошқа томондан фуқаролар ва юридик шахсларни давлат хизматчиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилинишига замин яратади.

Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устунлиги принципи аслида қонунийлик принципининг аниқлаштирилган кўринишидир. Бошқача қилиб таъкидлаганда, оммавий бошқарув органлари ўз фаолиятида юзага келадиган ва қонунлар билан аниқ ечими кўрсатилмаган ҳар қандай ноаниқлик вазиятида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини устувор белгилаб, унинг фойдасига ҳал этишни англатади. Ушбу принципнинг қонуний асосларини бугунги кунда айрим қонун нормаларида кузатишимиз мумкин. Жумладан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси Маъмурий иш юритиш давомида юзага

келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади, деб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 11-моддасида ҳам Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилиниши мустақкамланган.

Профессионаллик ва компетентлилик принципи давлат хизматчисининг масъулияти ва интизоми билан боғлиқ бўлиб, у ўзига юклатилган функционал вазифаларни ўз вақти, тўлиқ ва малакали даражада амалга оширилиши лозимлигини ҳамда ўз соҳаси бўйича зарур билим ва малакага эга бўлиши лозимлигини англатади. Д.Н.Бахрахнинг фикрича: давлат хизматчиларининг профессионаллигини таъминлашнинг самарали йўлларида бири юксак даражада йўлга қуйилган кадрларни танлаш тизимидир¹. Амалиётда давлат хизматчиларининг профессионаллиги даврий аттестация ва малака ошириш тизимлари орқали юксалтирилиб борилади.

Ватанпарварлик ва хизмат вазифасига содиқлик принципи давлат хизматчисининг ўз ишига, касбига содиқлигини, шу билан бирга қонунан бажариши керак бўлган функционал вазифаларини белгиланганидек амалга ошириши лозимлигини англатади. Аммо бу уларнинг қонун нормаларини шарҳлар имкониятини чеклашини англатмайди.

Адолатлилик, ҳақиқатпарварлик ва холислик принциплари давлат хизматчисининг психологик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатининг ва қабул қиладиган қарорларининг умуминсоний қадриятларга мос бўлиши лозимлигини англатади.

Этикага риоя этиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик принципи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир давлат хизматчисининг

¹ Д.Н. Бахрах. Административное право России. Учебник для вузов. – М.: НОРМА, 2002. – С. 166-167.

хатти-ҳаракатлари унинг мақомига салбий таъсир этмаслигини ва жамиятда ўз юриш туриш қоидаларини доимий назоратда ушлаши лозимлигини англатади. Манфаатлар тўқнашуви эса, унинг ўз лавозимини суистеъмол қилишини ман этилишини англатади. Таъкидлаш керакки манфаатлар тўқнашуви масаласи бугунги кунда қонунларда ўз аксини топган. Хусусан, “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига кўра: Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши мустаҳкамланган¹.

Юқори турувчи давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг давлат хизматчилар учун мажбурийлиги принципи ижро ҳокимиятидек вертикал тизимга хос бўлган принцип бўлиб ўз мазмун моҳияти бўйича юқори турувчи органлар қарорларини сўзсиз амалга оширишни тақоза этади. Таъкидлаш керакки, ушбу принципнинг мавжудлиги давлат хизматчиларининг айрим конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларида объектив чекловларга эга эканлигининг ёрқин кўринишидир. Ушбу принцип давлат

¹ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, Қонуни.

хизматчиларига айниқса, қуйи турувчи давлат хизматчиларига айрим чекловларни келтириб чиқарса ҳам оммавий манфаатларга зид эмас. Яъни маълум соҳа давлат хизматчиларининг мажбурий тарзда юқори турувчи органлар қарорларини амалга ошириши лозимлиги пировардида жамият, халқ манфаатларига жавоб беришини англаш лозим.

Яккабошчиликнинг коллегиялик билан ҳамоҳанглиги принципи ҳам вертикал тизимга хос бўлган принциплардан бири бўлиб, қарор қабул қилувчи давлат хизматчисининг маслаҳатлашиб, халқ тили билан таъкидлаганда “етти марта ўлчаб, бир марта кесиш” учун амалга оширадиган кенгашиши назарда тутилади. Бунинг учун ҳар бир оммавий бошқарув органи тузилмасида кенгаш, коллегия, раёсат каби коллегиял органлари мавжуд, аммо охириги сўз, барча масъулият қарор қабул қиладиган давлат хизматчисининг ўзида қолади. Айни ушбу ҳолат вертикал тизимнинг масъулиятини кўрсатади.

Хусола ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мазкур параграфда кўрсатилган принципларнинг барчаси расмий равишда махсус қонунда ўз аксини топиши катта аҳамиятга эга. Чунки, мазкур принципларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши бир томондан давлат хизматчиларининг масъулиятини оширса, иккинчидан, фуқароларнинг улар фаолиятига баҳо бериши, уларнинг ваколатлари чегарасини тасаввур қилиши ҳамда юриш туриш қоидаларини таҳлил қила олишига замин яратади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:	
Ўзбекистон Республикаси Ғазначилик бошқармаси молия ресурсларини тартибга солиш бўлимида штат бирликларини қисқартириш амалга оширилди. Иш ҳажмининг қисқариши натижасида жамоада кам тажрибали бошқа ходимлар бор бўлишига қарамасдан истиқболли ва иқтидорли ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Мазкур ходимнинг қарамоғида ишсиз хотини ва икки нафар вояга етмаган фарзандлари мавдулиги ҳам эътиборга олинмади.	
1.	Иш берувчининг ҳаракатлари қонунийми?
2.	Ходимнинг оилавий аҳволи эътиборга олиниши керакми?

- | |
|--|
| 3. Ушбу ходимда давлат хизматчиси мақоми борми? |
| 4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда жавоб беринг. |

3.3. Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати институти ҳуқуқий асосларининг ягона тизимини яратиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир. Зеро, ушбу институтни ягона қонун билан тартибга солиш орқали мансабдор шахсларнинг таснифига, уларнинг ваколат доирасининг “чегараларига”, мамлакатда қонунлар ижросини таъминловчи минглаб оммавий бошқарув органларидаги шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланишининг янги босқичига эришилади. Пировардида коррупция ва бошқа шунга ўхшаш салбий ҳолатларни сезиларли даражада камайтириш имкони яратилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш вазифаси белгиланиб, мазкур ҳужжатга кўра, 2017 йилнинг III чорагига қадар “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси тайёрланиши режалаштирилиб, лойиҳада давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантириш, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалалари, бу борадаги кафолатлар тартибга солиниши белгиланган¹. Сўнгра ушбу масала бўйича қонун лойиҳасини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 8-илова

технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги 22.01.2018 йилдаги № 5308-сон Фармони билан 2018 йилнинг 1 июлига қадар қолдирилди¹. Қонун лойиҳаси у бугунги кунда экспертлик муҳокамаси жараёнида қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони²ни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** ташкил қилинди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

очиқлик, профессионаллик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усуллари жорий этиш;

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонига илова

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини ташкил этиш ва юритиш;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантириш;

малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

энг истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш;

давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш.

Таъкидлаш керакки, бугунги кундагача Ўзбекистон Республикасида Давлат хизмати институти ҳар бир оммавий бошқарув органлари учун алоҳида қабул қилинган қонунлар билан тартибга солинмоқда. Булар жумласига,

- “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни;
- “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2002 йилдаги ЎРҚ-436-II-сон Қонуни;
- “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 йилдаги 474-I-сон Қонуни;
- “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 18.10.2018 йилдаги ЎРҚ-502-сон Қонуни;
- “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 26.12.2008 йилдаги ЎРҚ-195-сон Қонуни;
- “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.1993 й. ЎРҚ-913-XII-сон Қонуни;
- “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги ЎРҚ-257-II-сон Қонуни;
- “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2018 йилдаги ЎРҚ-471-сон Қонуни тааллуқлидир.

Юқоридаги органларнинг давлат аппаратида тутган аҳамияти ва муҳимлигини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва техник соҳаларида ҳам давлат хизмати мавжудлигини ҳамда минглаб давлат хизматчилари ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш, аҳоли моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашга қаратилган йўналишларни бошқариш соҳасида фаолият олиб бораётганлига ҳам урғу бериш лозим. Шундай экан мазкур соҳалардаги амалга оширилаётган давлат хизмати ҳам қонуний тартибга солиниши ҳамда масъул мансабдор

шахсларнинг моддий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича кафолатлари ягона қонун билан тартибга солиниши аҳамиятлидир. Шунинг ҳам қўшимча қилиш керакки, юқорида санаб ўтилган соҳалар бугунги кунда қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Мазкур соҳада фаолият юритувчи оммавий бошқарув органларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланадиган Низомлар асосида тартибга солинмоқда. Бундай норма “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси иккинчи бандида ўз ифодасини топган. Шунинг эътиборига олиб ҳулоса қилиш мумкинки, давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва техник соҳаларидаги давлат хизматининг ҳуқуқий асослари билвосита таъминланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Давлат хизмати тўғрисидаги махсус қонунда аввалги параграфларда таҳлил қилинганидек, “давлат хизмати”, “давлат хизматчиси”, давлат хизматчисининг таснифи, фаолияти принциплари, қонуннинг амал қилиш доираси, кадрлар масалалари бўйича ваколатли давлат органининг ҳамда оммавий бошқарув органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат хизматчилари категориялари, давлат хизматига қабул қилиш шартлари, уларнинг моддий, ижтимоий-иқтисодий таъминоти масалалари ўрин олиши муҳим ҳисобланади. Юқоридаги, фаолияти махсус қонунлар билан тартибга солинган давлат бошқаруви органларида давлат хизмати институтининг ушбу муҳим масалалари ўз ифодасини топган. Жумладан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун нормаларига кўра, Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофликдан иборат эканлиги, Ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари,

махсус унвонлар масаласи, ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш¹ каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

“Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонун нормаларига кўра, қутқарув хизматига оид асосий тушунчалар, қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари, асосий вазифалари, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказиш, фаолиятини молиялаштириш масалалари, қутқарувчилар ва уларнинг мақоми, иш вақти (хизматни ўташ) режими, меҳнатига ҳақ тўлаш, уй-жой билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш² масалалари ўз ифодасини топган.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:	
А исмли фуқаро Порлоқ тумани ҳокими ўринбосари лавозимида фаолият юритар ва давлат бошқаруви соҳасида 25 йиллик меҳнат тажрибасига эга эди, “Юксак хизматлари учун” ордени билан ҳам тақдирланган эди. Аммо у 2011 йил 12 апрелдаги ўз қўшнисининг шикоят қилиш натижасида ишдан озод қилинди. Шикоятда ёзилишича, у ўз қўшнисини кўпчилик олдида бетартиб ҳаёт тарзи кечиришида, ичкиликбоз ва ақлдан озган инсон деб камситганлиги ва ҳаттоки қўшнисига қўл кўтарганлиги баён қилинган. Айрим ифвогар қўшниларининг босими остида мазкур жабрланган қўшни шикоятнома ёзишга қарор қилган. Натижада А исмли фуқаро ишдан бўлатилган.	
1.	Ҳоким ўринбосари давлат хизматчиси ҳисобланадими? Фикрингизни асосланг.
2.	Мазкур муаммоли вазиятга қонуний ечим беринг.

3.4 Давлат хизматига кириш, ўташ ва тугатиш

Давлат хизматига кириш, ўташ ва уни тугатиш масалалари меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқликка эга бўлса ҳам давлат хизматчисининг оммавий бошқарув органига қонуний юклатилган функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг ижроия-тақсимот ваколатларига эга

¹ “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни.

² “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 26.12.2008 йилдаги ЎРҚ-195-сон Қонуни

эканлигини эътиборга олиб айрим ўзига хосликларга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

А.Лининг фикрича, давлат хизматига киришда ўн саккиз ёшга тўлган, тегишли соҳа бўйича қонунчиликда белгиланган профессионал билим ва малакага эга бўлган, давлат хизматини ўташ учун қўйилган талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси қабул қилиниши ҳуқуқига эгаллигига урғу беради. Олимнинг қўшимча қилишича, давлат хизматини ўташда миллати, тили, дини, жинси, ирқи, ижтимоий аҳволи ва динга муносабатидан, лавозимидан ва жамот ташкилотларига тааллуқлилигидан қатъий назар бевосита ёки билвосита чекловларни белгилашга йўл қўйилмаслигини¹ таъкидлайди. Олимнинг аксарият мушоадаларининг тўғрилигини таъкидлай туриб шуни қўшимча қилиш лозимки, қонунчиликка кўра давлат хизматининг айрим асосли ва объектив заруратга айланган чекловлари ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш зарур. Жумладан ушбу объектив чекловлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- давлат хизматини ўташда диний ва сиёсий ташкилотларга аъзоси бўлмаслик;

- давлат хизматига кириш ва уни ўташда фойда ёки қўшимча даромад келтирадиган ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳисобда турмасли ҳамда унга раҳбарлик қилмаслик;

- давлат хизматини ўташда юқори турувчи ташкилотлар рухсатисиз ўз хизмат олиб бориш ҳудудини тарк этмаслик;

- давлат хизматини ўташда чет эл сафарлари учун юқори турувчи ташкилотлар билан олдиндан рухсат олиш²;

- давлат хизматчисининг юқори ташкилотлар қонуний талабларини ортиқча муҳокама қилмаслиги ва ижрога қаратиши;

¹ А.А.Ли. Государственная служба. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008. - С. 73.

² Батафсил маълумот учун қуйидаги ҳужжатга қаранг. “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2014 йилдаги ПҚ-2142-сон Қарори.

- давлат хизматчиларининг айна бир соҳада ва айна бир тизимда бири иккинчисининг бўйсинувида бўлган қариндош-уруғлар ўртасидаги вертикал тизимда ишлашнинг таъқиқланиши каби айрим объектив чекловлар мавжуд.

Ушбу объектив чекловлар қонун ҳужжатлари билан расмий равишда мустаҳкамланганлигига ҳам урғу бериш лозим. Хусусан, Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунни нормаларига кўра,

Ўн саккиздан ўттиз ёшгача, шу жумладан ўттиз ёшдаги, тегишли маълумотга эга бўлган, ўзининг шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ички ишлар органларидаги хизматга ихтиёрий тартибда, танлов асосида қабул қилинади.

Зарур бўлган ҳолларда, ички ишлар органларининг айрим бўлинмалари ва ташкилотларига хизматда бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган пайтида кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

Ички ишлар органларининг ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилинадиган айрим бўлинмалари, ташкилотлари ва лавозимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Эркаклар ички ишлар органларидаги хизматга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи ёхуд олий ўқув юртлирида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши керак.

Сиёсий партияларнинг аъзолари бўлган, ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган фуқаролар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун

қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ва амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган фуқаролар ички ишлар органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбур Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг ҳарбий хизматга чақирилувчи бўлган тингловчилари ва курсантлари ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус ҳисобида туради.

Ички ишлар органи ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунди. Қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда ички ишлар органи ходими уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва қонунга амал қилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими эгаллаган лавозими, турган жойи ва вақтидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бошлиғининг (командирининг) буйруғига биноан исталган вақтда хизмат мажбуриятларини бажаришга киришиши ҳамда қуйидаги чораларни кўриши шарт:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳодисалар жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

одамларни қутқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, уларни содир этган шахсларни ушлаш, ҳодиса жойини қўриқлаш ҳамда унга фуқаролар ўзларининг шахсий хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан

муружаат қилган ёхуд бевосита ўзи шундай воқеаларга дуч келган тақдирда энг яқиндаги ички ишлар органлари бўлинмасига хабар бериш.

Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиши ички ишлар органларида хизматни ўташ масалаларини белгиловчи қонун ҳужжатларида ва Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонунда тартибга солинмаган қисмига нисбатан татбиқ этилади¹. Бошқача қилиб айтганда, Ички ишлар органларидаги аксарият ҳарбий унвонга эга бўлган хизмат турлари – бу давлат хизмати ҳисобланади.

Прокуратура органларидаги давлат хизматига кириш ва ўташ тартибига ҳам назар солинса, унда Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади. Алоҳида ҳолларда, прокуратура органларидаги хизматга иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади. Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим. Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин. Прокуратура органлари ходимларига эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади. Прокуратура

¹ “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни.

органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади. Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга. Прокурор, терговчи ва суриштирувчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади. Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади¹.

Прокуратура органлари қошидаги муҳим орган – Мажбурий ижро бюросида олиб бориладиган давлат хизмати тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш жойиз. Умуман ушбу функциянинг прокуратура органларига ўтказилиши, унда ижрони амалга ошириш функцияларининг мавжудлигини, расмий ижро ҳокимияти тизимига тааллуқли бўлмаса ҳам назарий жиҳатдан ижро ҳокимиятига хос вазифаларни амалга оширишини кузатиш мумкин. Мажбурий ижро бюросида Бош прокурорнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Бюро директори: Бюро директорининг тақдимномасига асосан Бош прокурор томонидан лавозимига тайинланадиган учта ўринбосарларга, шу жумладан, биринчи ўринбосарга эга бўлади; мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Бош прокурорнинг ўринбосарига тенглаштирилади; лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси

¹ “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги ЎРҚ-257-II-сон Қонуни

Бош давлат ижрочиси ҳисобланади; ўзининг фаолияти бўйича Бош прокурорга бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

Юклатилган вазифаларни бажариш учун Бюро директори:

а) Бюро фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

б) Бюро ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

в) Бюро ҳудудий тузилмалари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитади;

г) Бош прокурорга қуйидагиларни киритади (тақдим этади):

Бюро ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини;

Бюро ва унинг ҳудудий тузилмаларининг ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифларни;

Бюронинг тегишли ходимларига даражали унвонларни бериш бўйича таклифларни;

Бюро ходимларини рағбатлантириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаларни;

Бюрода хизмат қилиш учун юриспруденция, молия, иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда олий ёки ўрта махсус маълумотли, соғлиғига кўра хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган, зарур касб-кор ва маънавий фазилатларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Бунда Бюронинг давлат ижрочилари лавозимларига олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга, айрим ҳолларда бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга шахслар, Бюронинг бошқа лавозимларига — олий ёки ўрта махсус маълумотли бошқа мутахассисликка (иқтисодчи, молиячи, муҳандислар ва бошқалар) эга шахслар ҳам тайинланади. Бюрога хизматга қабул қилишда номзодларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида текшириш ҳамда махсус комиссия томонидан билим савияси, зарур касб малакаси ва ишчанлик

қобилиятини аниқлашга қаратилган мажбурий суҳбат ўтказилади. Бюрога хизматга қабул қилишда зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон беришини аниқлаш мақсадида номзодлар мажбурий тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади. Ходимларни хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш Бош прокурор, Бюро директорининг ёки Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан расмийлаштирилади. Хизматга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ ходимга имзо қўйдириб эълон қилинади. Агар шахс: Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса; суднинг қарори билан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган бўлса; судланган бўлса; ножўя хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ёки бошқа давлат органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан бўшатишган шахслар бўлса, Бюрога ва Инспекцияга хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Бюрога хизматга қабул қилинганда ходимлар ўз хизмат даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар. Ўзаро яқин қариндошлик ёки қуда-андачиликда бўлган Бюро ва Инспекция ходимларининг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, биргаликда хизмат қилишлари тақиқланади.

Ходимлар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган фаолиятнинг бирор-бир тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар бундай фаолият билан фақат асосий иш вақтидан бўш пайтда шуғулланишлари мумкин.

Ходимларнинг лавозимлари рўйхати Бюро директори томонидан тасдиқланадиган штат жадвали билан белгиланади. Ходимлар хизматни ўташ даврида тегишлича Бюро директори томонидан тасдиқланадиган Бюро ходимларининг касбий одобномасига риоя қилишлари шарт. Бюро ходимининг касб одобномаси талабларини бузиш белгиланган тартибда

жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур қоидалар бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

Коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг профилактикаси ва уларга йўл қўймаслик, ходимнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини, унинг фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, шунингдек Бюро фаолиятининг турли йўналишларида малака ва иш тажрибасига эга бўлган кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ходимларнинг ротацияси ўтказилади. Бюро ходимларининг ротацияси, қоида тариқасида, эгаллаб турган лавозимида уч йил ўтиши билан ўтказилади. Ходимларни ротация қилиш тартиби Бюро директори томонидан белгиланади¹.

Гувоҳи бўлганимиздек юқоридаги таҳлил қилинган давлат бошқаруви органларининг аксарияти маъмурий-сиёсий соҳага оид бўлган маъмурий органлар бўлиб, улар фаолиятида давлат хизмати элементларининг у ёки бу қисмларини кузатиш мумкин. Шу билан бирга фаолияти қонуности ҳужжатлари билан белгиланган бошқа давлат бошқаруви органларида ҳам давлат хизмати институтини ҳуқуқий мустаҳкамлашга урунишларни кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолияти ҳам аҳоли бандлиги, меҳнат миграцияси ва меҳнат муносабатлари соҳасида ягона сиёсат олиб борувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Вазир ўринбосарлари: Вазирлик назоратидаги таркибий бўлинмаларда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши; ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги Низоми

Марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун; ўз функционал мажбуриятлари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар)даги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари: бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун; ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Вазир раҳбарлик қилади.

Вазир: Вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Вазирлик фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш ва идора бўйсунувидаги ташкилотлар фаолияти учун вазир ўринбосарлари ва Вазирлик тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколати доирасида Вазирлик тизими ходимлари томонидан ижро этилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида марказий аппарат харажатлар сметасини ва штат жадвалини тасдиқлайди, Вазирликнинг республика бюджетига турган идоравий мансуб ташкилотларининг харажатлар ва даромадлар сметаларини рўйхатдан ўтказди;

ходимлар, шу жумладан бошқарув ходимлари, хўжалик ҳисобида бўлган идора бўйсунувидаги ташкилотлар ходимлари сонини мустақил белгилайди, идора бўйсунувидаги хўжалик ташкилотлари тузилмасини, штатлар сонини, шу жумладан бошқарув ходимларини, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини,

харажатлар сметасини, автотранспорт воситалари лимитини тасдиқлайди, шунингдек уларнинг мол-мулкини тасарруф этади;

Вазир Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасига жамоатчилик асосларида вазир маслаҳатчиси лавозимини киритиш ва ушбу лавозимга юқори малакали мутахассисни, шу жумладан хориж фуқаросини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари ва туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларига ишга қабул қилишга кўрсатилган номзодлар мажбурий тартибда бир ҳафталик кириш-мослаштириш курсларидан, меҳнат органлари ходимлари эса мунтазам равишда Республика меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш курсларида ҳар уч йилда камида бир марта малака ошириш курсларидан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири «Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг раиси, Касбий малака ва билим кенгаши раиси, шунингдек Вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармаси Кузатув кенгаши раиси ҳисобланади.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш масалалари бўйича Вазирликнинг ваколатли органи ҳисобланади, Агентлик республика фуқароларини мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлаштириш борасидаги ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга асосланиб, республика миллий манфаатларини ва Ўзбекистон Республикасидаги юридик шахс мақомига эга хорижий фуқаролар манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширади.

Олий юридик маълумотга эга Давлат меҳнат Инспекциясининг Давлат меҳнат инспекторлари давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларига тенглаштирилади, уларга адлия органлари ходимларига бериладиган мансаб даражалари татбиқ этилади.

Вазирлик тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Меҳнат органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўз функционал мажбуриятларини самарали бажараётган, Вазирлик олдига қўйилган вазифаларга эришишга салмоқли ҳисса қўшган Вазирликнинг юксак профессионал, ташаббускор ходимларига уй-жой ва автотранспорт воситаларини харид қилиш учун кредитларни расмийлаштиришда дастлабки бадални тўлаш учун Меҳнат органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоизсиз қарзлар тақдим этилиши мумкин.

Фоизсиз қарзлар Вазирлик ва ходим ўртасидаги қарз битими тузиш ва қарзни узиш жадвалини тасдиқлаш орқали Вазирлик ҳайъати қарори асосида берилади. Уй-жой харид қилиш учун кредитлар бўйича дастлабки бадални тўлашга қарз 10 йилгача, автотранспорт воситаларини харид қилиш учун кредитлар бўйича дастлабки бадални тўлашга қарз 5 йилгача берилади.

Тақдим этиладиган қарз суммаси кредит бўйича харид қилинадиган уй-жой ёки автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизидан ошмаслиги керак. Қарз учинчи шахснинг кафилиги асосида тақдим этилади, кафилик шартномасини нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди. Тасдиқланган жадвалга

мувофиқ қарз тўланмаса, тўлов суммаси белгиланган тартибда қарз битими шартларига мувофиқ ундириб олинади¹.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, оммавий бошқарув тизимини самарали йўлга қуйиш, “халқ давлат органларига эмас, давлат органларининг халққа хизмат қилиш”ини ҳуқуқий таъминлашнинг йўли барча давлат бошқаруви органлари учун ягона бўлган “Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва унинг нормаларига қатъий риоя этиш ҳисобланади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:	
А исмли молия соҳасида 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходим, 2014 йилги парламент сайловларида депутат сифатида сайланди. 2019 йилги сайловларда иштирок этмади ва ўзининг илгариги лавозими – туман молия бўлими бошлиғи лавозимига қайтишини режалаштирган эди. Аммо вилоят молия бўлими бошлиғи унга айтилган пайтдаги туман молия бўлими бошлиғи – ёш иқтидорли кадр ўз вазифаларини аъло даражада уddалаётганлигини таъкидлаб, А исмли ходимга пенсияга чиқишни таклиф этади. Бундан А исмли ходим норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига мурожаат қилди.	
3.	Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.
4.	Туман молия бўлими лавозими давлат хизматига тааллуқлими?
5.	Давлат хизматининг мезонларини ёдга олинг.
6.	Казусдаги муаммоли вазиятга ечим таклиф қилинг. А исмли ходимнинг эътирози ҳуқуқий асосларга эгами?


3-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Давлат хизматини кенг ва тор маъноларда қараш мумкинлигини таъкидлаган олим фамилияси. 2. Давлат хизматига кириш учун номзодлар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак? 3. Давлат

¹ “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисида Низоми.

бошқарувида муносиб кадрлар ишлаши лозилигини англатувчи принципнинг номланиши.

Энига:. 1. Давлат хизмати ўталадиган давлат бошқаруви органининг номланиши. 2. Ҳарбий соҳада бериладиган унвон тури. 3. Махсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган “тўнашув”, қандай тўнашув деб аталади? 4. Давлат хизмати принципларининг бирининг номланиши.



IV БОБ. ИҚТИСОДИЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

4.1. Маъмурий ҳуқуқда иқтисодий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти

Фаолият юритувчи барча оммавий бошқарув органлари (маъмурий органлари) ўз мазмун моҳияти қонуний функция ва ваколатлари доирасидан келиб чиқиб у ёки бу соҳада давлат бошқарувини амалга оширади. Уларнинг фаолиятини, тузилиши ва мақсади ҳамда вазифаларини самарали таҳлил қилиш, фаолиятига илмий ва назарий баҳо бериш учун қоида тариқасида оммавий бошқарув органларини катта ўқта йўналишга ажратиш мумкин.

Булар иқтисодий соҳадаги маъмурий органлар, ижтимоий соҳадаги маъмурий органлар ва маъмурий-сиёсий соҳадаги маъмурий органлар. Оммавий бошқарув органларини шу тариқа таснифлаган ҳолда ўрганиш, уларнинг фаолияти мезонларини аниқлашга, ҳолис баҳолашга соҳада юзага келиши мумкин бўлган масалаларга тўғри ечим топишга ҳамда мазкур соҳа маъмурий органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун ҳам қулайдир. №3 чизмага қаранг.

Ҳар қандай жамият ва давлат ҳаётида иқтисодиётнинг муҳим ўринга эга эканлигини, унинг сиёсатдан устун туриши принципларига асосланган ҳолда энг аввало иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, сўнгра ижтимоий соҳа ва яқунда маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари кетма-кетликда ўрганилиши мантиқан тўғри ҳисобланади. Зеро, давлат механизмининг ишлашига, жамиятнинг фаровонлиги ва фуқаролар моддий аҳволининг муттасил юксалиб бориши учун айнан иқтисодий соҳа оммавий бошқарув органларининг самарали ишлаши жуда муҳим. Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар қандай давлатнинг қудратини унинг ҳарбий ёки сиёсий обрўсига қараб эмас, балки иқтисодий қудратига, аҳолисининг моддий фаровонлигига қараб баҳо бериши табиий қонуниятга айланиб ўлгурган.

Демак, иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органларини ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органлари.

Давлат бошқаруви органларига:

- иқтисодий ва саноат, ҳамда давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари;
- молия ва ғазначилик соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари;
- солиқ ва божхона соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари;
- ташқи савдо ва инвестиция соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари;
- қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларидир.

Хўжалик бошқаруви органларига:

- агросаноат ва озиқ-овқат соҳасидаги хўжалик бошқаруви органлари;
- транспорт ва логистика соҳасидаги хўжалик бошқаруви органлари;
- банк ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик бошқаруви органлари;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик бошқаруви органларидир.

Аввалги бобларимизда таъкидлаганимиздек, ушбу давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг иқтисодий соҳадаги фаолияти уларнинг мақомидан келиб чиқиб фарқланади. Хусусан, соҳадаги давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаси қонунларга ва бошқа қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда мазкур соҳани бошқариш, унинг барча йўналишлари мутаносиб ривожланиши учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Иқтисодий соҳада фаолият олиб борувчи хўжалик бошқаруви органларининг асосий вазифаси ҳар бир йўналишлар кесимида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва шу тариқа давлат иқтисодиётини диверсификациялашдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, иқтисодий соҳадаги кўплаб йўналишларнинг

оммавий бошқарув органлари орқали тартибга солиниб келинаётганлиги собиқ Иттифоқ давридан “мерос” бўлиб қолган бошқарув услубларининг кўринишларидан биридир. Айни ушбу масалани соф бозор иқтисоди шароитларига ўзгартириш учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш¹ устувор вазифа этиб белгиланди. Бошқача қилиб таъкидлаганда бугунги кунда давлат иштирокидаги аксарият иқтисодий соҳа тармоқларини хусусий секторга ўтказиш, соғлом ва адолатли ҳуқуқий ҳимояланган рақобатбардошликни яратиш, табиий монополия соҳаларидан ташқари кўплаб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги давлат иштирокини кескин қисқартириш вазифаси белгиланган.

№4 чизма

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги № 4947-сон Фармони.



Шундай қилиб, **иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш** деб – мамлакат иқтисодиётини, инвестициявий ҳолатини ва молия соҳасини, ҳамда экспорт ва импортни қонуний йўлга қўйиш ва бошқаришга қаратилган оммавий бошқарув органларининг доимий маъмурий фаолиятига айтилади.

Бугунги кунда иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи оммавий бошқарув органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидаги асосий қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 01.07.1998;
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 01.01.2008;
- Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 22.04.2016;
- Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 01.01.2014;
- “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 19.11.1991 йилдаги 425-ХII-сон Қонуни;
- “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 06.12.2001 йилдаги 310-II-сон Қонуни;
- “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.09.2014 йилдаги ЎРҚ 375-сон Қонуни;
- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 26.05.2000 йилдаги 78-II-сон Қонуни;

- “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 30.04.1998 йилдаги 604-I-сон Қонуни;
- “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.10.2007 йилдаги ЎРҚ-117-сон Қонуни;
- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 25.04.1996 йилдаги ЎРҚ-216-I-сон Қонуни;
- “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 06.01.2012 йилдаги ЎРҚ-319-сон Қонуни;
- “Алоқа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 13.01.1992 йилдаги 512-XII-сон Қонуни;
- “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 28.12.1993 йилдаги 1006-XII-сон Қонуни;
- “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 28.12.1993 йилдаги 1002-XII-сон Қонуни;
- “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 йилдаги 441-II-сон Қонуни;
- “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 05.04.2002 йилдаги 358-II-сон Қонуни;
- “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон Қонуни;
- “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни;
- “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2002 йилдаги 397-II-сон Қонуни;
- “Чел эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 30.04.1998 йилдаги 609-I-сон Қонуни;
- “Давлат хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 10.05.2019 йилдаги ЎРҚ-537-сон Қонуни;

- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 09.04.2018 йилдаги ЎРҚ-472-сон Қонуни;

- “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 20.12.2012 йилдаги ЎРҚ-341-сон Қонуни;

- “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 08.01.2018 йилдаги ЎРҚ-457-сон Қонуни;

Ушбу кодекс ва қонунлар нормалари иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги биринчи навбатдаги ҳуқуқий асослар ҳисобланади. Бошқа барча қонуности ҳужжатлари мазкур қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги, унинг процессуал нормаларини амалга ошириш механизмларини аниқлаштириши керак.

Ёдда тутинг!

Иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш деб – мамлакат иқтисодиётини, инвестициявий ҳолатини ва молия соҳасини, ҳамда экспорт ва импортни қонуний йўлга қўйиш ва бошқаришга қаратилган оммавий бошқарув органларининг доимий маъмурий фаолиятига айтилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Фуқаро Б. Ўзбекистондаги энг йирик ва молиявий жиҳатдан анча барқарор бўлган “Sun Bank”нинг омонат жамғармасига 10 000 000 сўм пул маблағларини омонатга қўйган эди. Бироқ вақт ўтиши билан ушбу банкнинг молиявий аҳволи оғирлашиб борди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига асосан амалдаги банк қонунчилиги талабларини бузганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Sun Bank” акциядорлик тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олди.

Бизнесмен Б. Сиздан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилиб, унинг омонатга қўйган маблағларининг тақдири нима кечиши, қандай қилиб ўз омонатини қайтариб

олиши, унинг тартиби ва асослари, шунингдек банкнинг тугатиш тартиби ва бунда омонатчилар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича ҳуқуқий маслаҳат сўради.
1. Мазур ҳолатни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда шарҳланг ва таҳлил этинг. 2. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб, банкларида депозит операцияларини амалга ошириш ва фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш тартиблари билан боғлиқ бўлган нормаларни талқин этинг ҳамда билдирилган фикрларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда баён этинг.

4.2. Давлат иқтисодий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Иқтисодий соҳанинг ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини аввалги параграфимизда таъкидлаган эдик. Ушбу соҳанинг муҳимлиги шундаки у кўп тармоқли, кўп қиррали ҳисобланади. Мисол учун иқтисодий соҳа тушунчаси ўз ичига иқтисодиёт, молия, банк ва инвестиция соҳаларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ушбу соҳага оид кўплаб ҳуқуқ тармоқлари шаклланган ва ривожланмоқда. Булар Молия ҳуқуқи, Бюджет ҳуқуқи, Солиқ ҳуқуқи, Божхона ҳуқуқи, Банк ҳуқуқи, Суғурта ҳуқуқи, Валюта ҳуқуқи, Инвестиция ҳуқуқи. Буларнинг барчаси Маъмурий ҳуқуқнинг тармоқлари ҳисобланади. Чунки юқорида номи аталган тармоқларнинг барчасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш билан шуғулланадиган маълум оммавий бошқарув органлари мавжуд.

Ушбу параграфимизда иқтисодий ва саноат ҳамда давлат мулкани бошқариш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳақида фикр юритамиз. Уларнинг фаолияти ҳуқуқий асосларини ва асосий функция ҳамда ваколатларини таҳлил қиламиз.

Ушбу йўналишдаги стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат бошқаруви органларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигидир. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ва бошқа қонуности ҳужжатларига асосан иш ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу идора мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий

ва индустриал ривожланиши ҳамда инвестиция соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлили орқали ҳамда иқтисодиётни реал секторининг ҳолати, ташқи бозорлар конъюнктуралари ва минтақавий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ ҳолда иқтисодиётни бошқаришда бозор механизмларини жорий этилиши ва асосий соҳаларни ривожланишини шаклланиши бўйича таклифлар тайёрлаш;
- ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “яширин” иқтисодиётнинг улушини қисқартириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан давлат иштирокини оптималлаштириш, иқтисодий жараёнларда, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлигини таъминлаш, шунингдек кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш;
- саноат корхоналарини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали миллий иқтисодётда диверсификатсия ва рақобатбардошликни ошириш ҳамда тармоқ ва ҳудудлар ривожланишининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадида мамлакат саноатини ривожланиш стратегияси (моделли)ни ишлаб чиқиш;
- инноватсия ишланмалар ва технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қайта ишлаш соҳаларни жадал ривожлантириш ва юқори қийматга эга бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўли билан товар бозорларини мувозанатини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни ошириш асосида унинг импорт ҳажмларини камайтириш, шунингдек республика ҳудудларини

ва хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш йўли билан саноат сиёсатини олиб бориш орқали миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан биргаликда куриш, шунингдек, ерларнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш билан бирга урбанизатсия жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишни таъминлаш, урбанизатсия соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш;

- иқтисодий борқарорликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожланишига омил бўлувчи инвестициялар жалб қилинадиган тармоқ ва соҳаларни аниқлаш орқали фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашиш;

- миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситалари ва омилларидан бири сифатида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда инсон капитали даражасини ва сифатини яхшилаш бўйича комплекс таҳлил ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодиёт тармоғига кирган ташкилотлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этилишини таъминлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу соҳадаги аниқ натижаларга эришиш, вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, уларга қўйилган вазифаларни сифатли бажаришга йўналтирилган Вазирлик аппарати ва унинг таркибий бўлинмалари ишининг шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан молиялаштириладиган лойҳаларни юқори сифатда ва ўз вақтида амалга оширишга кўмаклашиш, давлатнинг ривожланиш

дастурлари ва инвестиция дастурларини шаклланиши ва амалга оширилиши доирасида лойиҳаларнинг лойиҳаолди, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини, техник топшириқларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизаси бўйича идоралараро тизимни яратиш.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1) макроиқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили ва прогнози ва иқтисодий бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг асосий тармоқларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, бозор ислоҳотлари жараёнларини таҳлил қилиш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича тизим мониторинги ва таҳлилин амалга оширади ва шу асосда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизатсия қилишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

иқтисодиётни бошқаришда бозор усуллари ва механизмларини жорий этишни кенгайтириш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни қисқартириш ва оптималлаштириш бўйича таклифларни танқидий таҳлил асосида ишлаб чиқади;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва мониторинг қилишни, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини, ҳудудлар ва саноат тармоқларининг тизимли таҳлилин амалга оширади;

макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар билан пул агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо ва тармоқлараро баланслар билан биргаликда таъминлаш учун чора-тадбирларни, шунингдек жаҳон бозоридаги конъюктура ва глобал минтақавий иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқади;

иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганади, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича

комплекс тизим таҳлилини олиб боради, иқтисодиётда мавжуд бўлган номутаносибликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш юлларини ишлаб чиқади;

Ўрта ва узоқ муддатли истикболдаги иқтисодий тармоқлар ва ҳудудлар кесимида республикани ривожлантириш учун алтернатив дастурларни ишлаб чиқади.

2) хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “яширин иқтисодиёт”нинг улушини қисқартириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш соҳасида:

бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш йўлида иқтисодиёт тармоқлари ва кичик саноат зоналарида хусусий секторнинг улушини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ва кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятида кераксиз бюрократик жараёнларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида вазирлик, туман ва шаҳар бўлинмалари ҳуқуқий бошқармалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқади;

бизнес муҳитини янада яхшилаш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, шунингдек тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишга жамоатчилик назоратини кучайтиради;

3) саноат корхоналарини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали асосида давлат саноатини ривожланиш стратегияси (моделл)ни ишлаб чиқиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини яратиш, шу жумладан инвестицион фаолликни ошириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун шарт-шароитларни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади;

ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва саноатнинг ривожлантиришнинг комплекс дастурлари, таркибий ўзгаришлар ва диферсификация қилиш дастурлари билан ўзаро боғлиқ бўлган узоқ муддатли ва ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқади;

ишлаб чиқариш, инфратузилмалар ва ижтимоий инвестиция лойиҳаларни амалга оширилишига йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

иқтисодий ўсиш суръатлари ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг инвестиция ресурсларига бўлган талаблари, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

энергия самарадорлиги сиёсатини ишлаб чиқади ва ижтимоий объектлар ресурсларининг интенсивлигини ва капитал зичлигини камайтиради;

ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватидан максимал фойдаланиш, замонавий асбоб-ускуналар ва илғор ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича саноат дастурларини ишлаб чиқади;

енг муҳим моддий мувозанатни ривожлантиришни ташкил этишга асосланган юқори ликвидли маҳсулотлардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлайди ва уларни амалга оширишни назорат қилади;

импорт қилинадиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чуқур таҳлил қилиб, шу асосда маҳсулот, компонентлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

4) Товар бозорларидаги мувозанатни таъминлаш бўйича тизимли чора тadbирларни амалга ошириш соҳасида:

мамлакат саноатини ривожлантириш сиёсатини амалга ошириш жараёнини ишлаб чиқади ва назорат қилади;

юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан минерал хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида базавий тармоқларни модернизатсия қилиш ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади;

саноатнинг давлат ва ривожланиш йўналишларини чуқур таҳлил қилиш асосида самарали саноат тузилмасини шакллантириш, унинг яхлит ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

илғор инноватсион технологияларни жорий этиш асосида саноат ва тармоқлараро комплексларни модернизатсия қилиш ва техник қайта куроллантириш дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

саноатнинг ривожланишини ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрилган чораларни баҳолайди;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб беришнинг (ишлар ва хизматлар кўрсатиш) ҳажми ва таркиби, шунингдек мамлакат иқтисодиёти миллий сафарбарлик режаларини шакллантиради;

озик-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

хўл мева-сабзавотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва логистикасини амалга ошириш учун инфратузилмани ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мева-сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурларини ишлаб чиқади;

5) миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш соҳасида:

экспорт таркиби ва ҳажмини чуқур таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича амалий чоралар ишлаб чиқиш, экспорт маҳсулотлари турларини кенгайтириш ва ҳажмларини ошириш резервларини аниқлайди;

савдо балансини мувофиқлаштириш ва импортни ратсионаллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган чоралар билан боғлиқликда йиллик ташқи савдо баланслари, товар (иш, хизмат)лар импорти кўрсаткичларини ва экспорт прогнози ишлаб чиқади;

ҳорижий бозорлардаги ривожланиш жараёнларини ва ташқи бозорлардаги конъюнктурани ўрганиш асосида, янги турдаги товарларни келажакда экспортга йўналтириш учун уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

импорт қилинаёт маҳсулот ҳажми ва турларини таҳлил қилиш ва унинг асосида, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларни кенгайтириш, материал ва бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни чуқур маҳаллийлаштириш асосида унинг импортга қарамлилигини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ҳукумат топриғига асосан халқаро ташкилотлар ва ҳорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини илгари суради, ва ўрнатилган тартибда бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан халқаро ҳуқуқ меъёрлари мувофиқ саноатни ривожлантириш ва иқтисодий масалалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни тузади;

6) Давлатнинг урбанизатсия соҳасидаги сиёсати, урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солинишини таъминлаш:

узоқ муддатли индустриализация сиёсатининг ўсиши, босқич ва натижадорларини режалаштириш, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида узоқ

муддатли демографик тенденцияларни таҳлил қилиш, шаҳарлардаги аҳолининг тезкор индустриализация шароитида демографик имкониятларини ва ишчи кучига бўлган талабни ҳисоблаш;

иқтисодий юксалишнинг ижобий томонларини белгилаш, бошқарув марказларининг жойлашувини танлаш, таълим соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштириш, меҳнат бозори, ички ва ташқи мигратсияни шакллантириш;

қишлоқ жойларидаги меҳнат мухожирларини шаҳарга ўтиши бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш, бунда қишлоқ аҳолисини янги саноат мутахассисликларига қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда институционал ва ташкилий тайёргарлик ишларини олиб бориш;

илғор энергия тежовчи, экологик тоза технологиялар ва материалларни жорий этиш асосида сунъий йўлдош шаҳарлар, жумладан, ижтимоий, муҳандислик, коммунал, йўл ва транспорт инфратузилмаларини яратиш йўли билан шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқариш, шаҳарсозлик тизимини комплекс ривожлантиришни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро тажриба ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда кичик, ўрта ва йирик шаҳарларнинг самарали нисбатларини шакллантириш.

7) мамлакатни фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилайди тармоқ ва ҳудудий ривожланиш мақсадли дастурлари кўрсаткичлари билан уйғунликда инвестицияларни жалб қилиш асосий йўналишларини белгилайди;

миллий иқтисодиётни ўрта ва узоқ муддатларга барқарор ривожланишини таъминловчи давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари, шунингдек тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларига киритилган инвестиция

лойихаларини самарали ва сифатли амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

соҳаларни ривожлантириш концепсиясини (стратегияси) шакллантириш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан, шу жумладан чет эл консалтинг компанияларини жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилган техник шартларни келишиш;

8) инсон капиталини ривожлантириш даражаси ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни комплекс таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш соҳасида:

меҳнат ресурслари баланси, шунингдек демографик кўрсаткичларини, меҳнат ресурслари сони ва таркибини миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ўзгариши, иқтисодий ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш ва прогнози асосида ишчи кучи талаби ва таклиф прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни координатсия қилади;

аҳоли турмуш даражасининг кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиш, даромадларнинг ўсишини таъминлаш ва аҳолининг харид қобилиятини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

таълим тизимини такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ривожланиш концепсиялари, стратегия ва дастурларни, шунингдек таълим тизими муассасалари, фан, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, туризм ва бошқа ижтимоий инфраструктура муассасаларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

меҳнат ва аҳоли бандлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва туризм соҳасида норматив-меърий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

9) иқтисодий органлар фаолиятига ахборот-коммуникатсия технологияларни жорий қилиш, ходимларни қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш, Вазирлик ва унинг тузилмавий бўлинмалари иш шакли ва методини такомиллаштириш соҳасида:

иқтисодий органларнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун устувор йўналишларни белгилайди;

иқтисодий органларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этишнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни таъминлайди;

Вазирлик идораларида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашни мувофиқлаштиради;

ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни мунтазам асосда ташкил этади, вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ишлаш шакллари ва усулларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширади;

Вазирлик ходимларининг узлуксиз малакасини оширишга қаратилган тизимли ишларни таъминлайди.

10) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни юқори сифатли ва ўз вақтида бажаришда қўмаклашиш соҳасида:

давлатнинг ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш доирасида лойиҳаларни тайёрлаш, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш;

товарларни (ишларни, хизматларни) давлат хариди бўйича техник топшириқлар, шартномалар, импорт шартномалари ва уларга қўшимча шартномаларни ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни

сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Юқоридаги санаб ўтилган мамлакатнинг муҳим иқтисодий вазифаларини амалга оширишда Вазирлик тузилмасида тегишли бошқарма ва бўлимлар, жамғарма ва марказлар, департамент ва агентликларда юзлаб давлат хизматчилари¹ фаолият юритади.

Вазирлик ўз фаолиятида қуйидаги қонунларнинг бевосита ижроси хисобланади:

- “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 22.05.2015 йил ЎРҚ 385-сон Қонуни;
- “Инвестиция ва паи фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 25.08.2015 йилдаги ЎРҚ-392-сон Қонуни;
- “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 09.12.2014 йилдаги ЎРҚ-380-сон Қонуни ва бошқалар.

Шу кунгача вазирлик томонидан кўплаб стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш натижалари бўйича мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий юксалишда мувозанатни таъминлаш ва тадбиркорликни, хусусий бизнесни ривожлантириш учун бир қатор қонуности ҳужжатлари тайёрланиб амалиётга жорий этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 15.12.2009 йилдаги ПҚ-1239-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 01.05.2019 йилдаги ПҚ-4302-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 20.02.2014

¹ Давлат хизматчилари атамасини батафсил ўрганиш учун мазкур дасрликнинг III боби мазмунига қаранг.

йилдаги 31-сон қарори тайёрланишиб тегишли тартибда амалиётга жорий этилган.

Иқтисодиёт ва саноат соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи ваколатли орган ҳуқуқий асосларини ўрганиш натижалари бўйича шуни алоҳида таъкидлаш керакки, унинг давлат механизмининг таркибий бир элементи сифатида идеал даражада эришиши лозим бўлган кўрсаткичлари куйидагилардан иборатдир:

- иқтисодиётдаги давлат иштирокини минимал даражада сақлаш ва шу тариқа саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хусусий секторнинг улуши ортишига замин яратиш;
- аҳоли ижтимоий-иқтисодий ва моддий аҳволининг жаҳон стандартлари даражасидан паст бўлмаган кўрсаткичларига эришиш;
- мамлакатнинг барча ҳудудлари мутаносиб ривожланишини таъминлаш;
- мамлакатда экспорт салоҳиятининг импортга нисбатан лозим даражадаги устинлигини доимий сақлаб туриш;
- мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш.

Айни шу мезонларга эришиш мақсадида тизимли равишда, аниқ ва бири иккинчисини такрорламайдиган мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга бўлган фаолият юритувчи давлат бошқаруви органи давлат ва жамият ривожининг гаровидир.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
--

Иқтисодиёт вазирлиги ташаббуси билан тайёрланиб, Ҳукумат қарорида тасдиқланган қишлоқ хўжалиги нисбатан паст даражада бўлган ҳудудлардаги деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш ва шу тариқа минтақалар ривожланишида мувозанатга эришиш мақсадида мазкур ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги субъектларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасидаги имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилган эди. Бироқ Марказий банк бундай кўринишдаги қўллаб қувватлаш чоралари тижорат банкларига ва яқунда давлат бюджетига зесиларли фойда келтирмаслиги маълум қилиб, Ҳукумат қарорининг тегишли банди ижросини тўхтатишни сўраб Ҳукумат аппаратиға мурожаат қилди. Натижада
--

Иқтисодиёт вазирлиги билан Марказий банк ўртасида бошқарувга оид маъмурий жараёнда манфаатлар тўқнашуви юзага келди.

1. Мазкур вазиятга тегишли қонунларга асосланиб ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Қонун асосида Марказий банк ваколатлирини таҳлил қилинг.
3. Ўз нуктаи назарингизни баён қилинг.

4.3. Давлат молиявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Иқтисодий соҳасидаги давлат бошқаруви органлари мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи, макроиқтисодий барқарорлик ва умумдавлат даражасидаги ривожланиш иқтиқболлари масалалари бўйича ҳуқуқий асосланган фаолиятни амалга оширса, молия соҳасидаги давлат бошқаруви органлари давлатнинг марказлашган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш ҳамда унинг мақсадли сарфланиши бўйича назоратни олиб бориш йўналишида ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасидаги давлат молиявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи ваколатли давлат органларига

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси тааллуқли.

Ушбу давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятини асосан қуйидаги қонунларга таяниб амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 01.01.2014;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 01.01.2008;
- Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 22.04.2016;
- “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 05.04.2002 йилдаги 358-II-сон Қонуни;
- “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 26.05.2000 йилдаги 78-II-сон Қонуни;

- “Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон Қонуни;

- “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
29.08.1997 йилдаги 474-I-сон Қонуни;

- “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
18.10.2018 йилдаги ЎРҚ-502-сон Қонунларидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон
Республикаси Бюджет Кодекси нормаларига кўра,

Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий
йўналишлари лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини кўриб
чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджетнома
лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона
қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари
прогнозини ҳар чоракда етказди;

бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли
жамғармаларини тақсимловчи органларга улар учун назарда тутилган
бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказди;

бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметалари ва
жамланма харажатлар сметалари, штат жадвалларини, шунингдек уларга
киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказди;

республика бюджетининг харажатлари ёйилмасига молия йили
мобайнида ўзгартиришлар киритади;

Ҳукуматга Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг республика
бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига
ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади;

молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон

Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга оширади;

бюджет тизими бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари шакллари ва уларни тақдим этиш тартибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

бюджетдан ташқари махсус ҳисобварақларда захиралар ташкил этади;

Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлайди;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатларини мақбуллаштиришни амалга оширади;

бюджет ссудаларини беради;

давлат томонидан маблағлар жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг шартномалари ва давлат кафолатларини рўйхатдан ўтказади;

давлат қарзининг ҳисобини ва мониторингини юритади;

бюджет тизими бюджетларининг касса ижросини юритади;

бюджет тизими бюджетларининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидаги маблағларини бошқаради;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларини рўйхатдан ўтказади;

бюджет тизими бюджетларида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига кўра тўловларни амалга оширади;

бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисобини юритади ва бюджет ҳисоботини қабул қилади;

давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатади, Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бажаради;

Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари ҳисобини юритади;

бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни молиявий ҳамда иқтисодий экспертизадан ўтказади;

ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Мамлакатнинг бош молиявий идораси бюджет-ҳуқуқий соҳасини бошқаришдан ташқари тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс²ни ҳам амалга оширади. Жумладан, суғурта ва аудиторлик фаолиятларини лицензиялаш, шунингдек аудитор ва бухгалтернинг малака сертификатларини олиш учун қилган мурожаатлари асосида малака имтихонларини ташкиллаштириш.

Давлат бюджети билан боғлиқ бўлган бюджет-ҳуқуқий муносабатлар унинг шаклланиши, тақсимланиши ва ижро этилиши каби қисмларга бўлинадиган бўлса, унинг охириги икки қисмини Молия вазирлиги ўз қонуний ваколатлари орқали тартибга солади. Давлат бюджетининг шаклланишида эса

¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 01.01.2014.

² Маъмурий процесс ва маъмурий тартиб-таомиллар тушунчалари тўғрисида мазкур дарсликнинг VII ва VIII бобларида атрофлича маълумот олишингиз мумкин.

яна бир ўта муҳим давлат бошқаруви органи – **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси** фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (бундан буён матнда солиқлар деб юритилади) бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадларида тузилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат бошқарув органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча солиқ тўловчилар — юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар бўлиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси, унинг ходимлари чекланган сони билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;

солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлаш;

солиқ тўловчиларни ва солиқ солиш объектлари ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг тўлиқ қамраб олиниш механизмларини солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, шу жумладан макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

солиқ тўловчилар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан солиқ тўловчиларга мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга ўтиш йўли билан амалга ошириш;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиш;

солиқларнинг ихтиёрий равишда тўланишини таъминлашга қаратилган, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни такомиллаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан давлат бюджетини шакллантириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмийлик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитлари яратилишини таъминлаш.

№1 жадвал (% ҳисобида)

Т/р	Манбаалар номи	2017 йил IV чорак	2018 йил IV чорак	Ўзгариши
-----	----------------	-------------------------	-------------------------	----------

1.	Бюджет	64,8	66,3	1,5
2.	Пенсия жамғармаси	29,4	28,2	-1,2
3.	Республика йўл жамғармаси	4,2	4,3	0,1
4.	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий- техника базасини ривожлантириш жамғармаси	1,6	1,2	-0,4
	Республика бўйича, жами:	100,0	100,0	0,0

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий веб сайти маълумотларидан. (https://soliq.uz/uz/about/statistik_malumotlar/)

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт¹.

Мамлакатнинг марказлашган пул маблағларини (Давлат бюджети назарда тутилмоқда) шакллантиришда **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг** ҳам салмоқли ўрни борлига урғу бериш керак. Давлат божхона қўмитасининг бюджетга тушумларни таъминлаш билан бир қатордаги яна бир муҳим вазифаларидан бири бу – мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини амалга ошириши ҳамдир.

Давлат божхона тизими ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш,

¹ “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 йилдаги 474-I-сон Қонуни

божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш, шунингдек божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш тартибини белгилаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади¹.

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш;

божхона тўловларини ундириш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш;

фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш;

божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш;

божхона ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 22.04.2016

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш. Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мақомига эга.

Божхона органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

божхона назоратини амалга ошириш учун маълумотлар ва ҳужжатларни текшириш, оғзаки сўров ўтказиш, ахборот олиш, божхона кўздан кечирувини, божхона кўригини ва шахсий кўрикни ўтказиш, шунингдек бинолар, ҳудудлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш;

товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқарилгандан сўнг жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини ҳамда уларнинг ташқи савдо фаолияти қонунийлигини текшириш мақсадида товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратини амалга ошириш;

банклардан, молия органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан, шунингдек жисмоний ва юридик шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ва олиш;

божхона назоратини ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуналар ва нусхалар олиш;

божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва бошқа қимматликларни ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туришни амалга ошириш;

махсус рухсатномалар ва лицензиялар бериш;

божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ва назоратнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида мутахассисни ёки экспертни жалб этиш;

божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш¹.

Давлат молиявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш йўналишидаги юқорида таҳлил қилинган учала органларнинг ҳар бири давлат механизми тизимида ўзига хос функцияни амалга оширади. Хусусан, солиқ органларининг вазифаси кўрсатилган хизмат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тегишли тартибда Давлат бюджетига солиқ ўндириш билан шуғулланса, божхона органларининг вазифаси ички бозорни контрабанда ва сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш ҳамда товар ва транспорт воситаларининг божхона чегараси орқали олиб ўтилишида божхона тўловларини ундириш билан шуғулланади. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида орқали ҳар куни хорижий давлатларнинг минглаб юк ва енгил автомашиналари ўтади, бошқача қилиб айтганда мамлакатнинг транспорт инфратузилмасидан фойдаланади. Бунинг учун эса маълум миқдордаги мажбурий тўловлар амалга оширилиши жаҳон амалиёти кенг учрайдиган ҳолатдир. Молия органлари эса мамлакат ҳудудидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар сифатида тўланган пул маблағларининг консолидациясини таъминлаб, уни аҳолини ижтимоий ва иқтисодий қўллаб қувватлашга, капитал қўйилмалар сони ва сифатини оширишга ҳамда давлат тузилмаларини моддий қўллаб-қувватлашга қонунларда белгиланган муддатлар ва ҳажмларда ажратиш билан боғлиқ бўлган маъмурий бошқарувни амалга оширади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги назорат–таҳлил бошқармаси томонидан Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошқармасида бюджет интизомига риоя қилинши устидан ўтказилган текшириш давомида Б.Носиров томонидан республика соғлиқни сақлаш вазирлигини рухсатсиз маслаҳатчи –

¹ “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 18.10.2018 йилдаги ЎРҚ-502-сон Қонуни.

шифокор штат бирлиги киритилганлиги ва бу вазифага фуқаро Б.Салиев ишга қабул қилиниб,

2015 йил учун 2 200 000 сўм ойлик маош ҳисобланганлиги аниқланган. Шунингдек, текшириш давомида бошқарма бошлиғи Б.Носиров томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға кўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмасдан молия йили давомида тўловларни амалга ошириб келаётлик бўйича бир нечта ҳолатлар аниқланди. Бундан ташқари, текширув давомида аниқланишича Б.Носиров ташкилотнинг харажат сметасида кўзда тутилмаган офис мебелини ташкилот учун харид қилганлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида келиб тушган 100 донна мебелдан, 50 донасини сотиб юборганлик ҳолатлари ҳам аниқланган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Ушбу ҳолатда давлат молиявий фаолиятини тартибга солувчи маъмурий орган мавжудми?

4.4. Давлат инвестициявий фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Давлат инвестициявий фаолияти ўз номи билан мамлакатга хорижий сармояларни жалб қилиш тизимини англатади. Хорижий инвестициялар чет давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектларини, транс миллий корпорацияларни ёки хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг моддий ва номоддий ресурсларини ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият бўлиб, давлатнинг ушбу соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиши мамлакат иқтисодиётини юклаштиришга, экспорт салоҳияти ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига замин яратади. Ушбу йўналишда давлат бошқарувини амалга оширувчи орган бу – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий

фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда экспортни қўллаб-қувватлаш стратегиясини, шу жумладан уни рағбатлантирувчи инструментларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

халқаро ва хорижий ҳукумат молия институтларининг жалб қилинадиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлари)дан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказининг ички ва ташқи бозорлардаги савдо фаолиятига таъсир қилувчи чораларни қўллаш қисми бўйича ҳаракатларини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиради.

Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига қуйидагилар тааллуқлидир:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари, шу жумладан тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, хорижий ҳукумат молия

ташкilotлари билан икки томонлама ва кўп томонлама форматда ўзаро самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкilotларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда хорижий молия ва иқтисодий институтлардаги доимий вакилларининг, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий ҳамкорлик масалалари борасидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

инвесторлар билан доимий қайта алоқани йўлга қўйиш, инвестицияларни жалб қилишда ҳудудлар ва маҳаллий компанияларга кўмаклашиш, инвестиция таклифларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

ташқи савдо соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг самарали ишлашига кўмаклашиш ва таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат органлари ва ташкilotларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

савдода тариф ва нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш ҳамда электрон тижорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкilotига аъзо бўлиш ва бошқа кўп томонлама иқтисодий ташкilotлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

улгуржи ва биржа савдоларини тартибга солиш масалаларини мувофиқлаштириш, бозор ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш, маркетинг

тадқиқотларини ўтказиш ва товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлаklarини такомиллаштириш, шунингдек экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш¹.

Мазкур давлат бошқаруви органи ўз фаолиятини қуйидаги қонунларга асосан амалга оширади:

- “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 йилдаги 556-II-сон Қонуни;

- “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 09.12.2014 йилдаги ЎРҚ-380-сон Қонуни;

- “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 26.05.2000 йилдаги 77-II-сон Қонуни.

- “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ-518-сон Қонуни.

Таъкидлаш керакки, вазирлик ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган хизматлар кўрсатиш фаолиятини ҳам амалга оширади. Жумладан, чет эл тижорат вақиларини Ўзбекистон Республикасида аккредитлаш, Ташқи савдо операциялари ва халқаро шартномалар шартларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўй берган фавқулодда вазиятларни (форс-мажор) тасдиқлаш тўғрисида сертификат бериш, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет ташкилотлар таъсис этиш тўғрисидаги хабарни тасдиқлаш каби фаолиятни ҳам амалга оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 28.01.2019 йилдаги ПФ-5643-сон Фармони

Иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масаласида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам катта аҳамиятга эга. Агар маълум соҳаларга оид давлат бошқаруви органлари фақат ўзига қонунларга мувофиқ бириктирилган йўналишлар бўйича фаолият олиб борса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) ҳар бир соҳанинг ўзига бириктирилган ҳудудида ривожланишини таъминлаши зарур.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларига кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими: қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади; вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади; тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади; қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб боровчи коэффициентларни киритиш¹ каби ваколатларга эга. Таъкидлаш керакки, қонунда белгиланган ваколатлар мазмуни маҳаллий ҳокимликларга нималар қилиши керак? Деган саволга жавоб берса ҳам, аммо уни қандай қилиши керак? Деган саволларнинг жавобига аниқлик киритилиши керак, назаримизда. Маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида улар томонидан риоя этилиши лозим бўлган принциплар масаласи хусусан, қонунийлик, адолатлилик, мутаносиблик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, очиқлик ва шаффофлик, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг

¹ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.1993 й. ЎРҚ-913-ХII-сон Қонуни

устунлиги, тенг ҳуқуқлилиқ, ишончнинг ҳимоя қилиниши, текшириш каби маъмурий ҳуқуқнинг махсус принциплари ҳам эътибордан четда қолмаслиги муҳим ҳисобланади. Айнан ушбу масалаларнинг қонундан жой олмаганлиги ва бу тўғрисида салмоқли илмий изланишлар, асослантирилган хулосалар олинмаганлиги туфайли ҳам бугунги кунда ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни олиб киришда ҳал қилиниши керак бўлган масалалар кўндаланг турибти. Ваҳоланки, ҳар қандай қонунларнинг ижроси – жойларда, минтақаларда амалга оширилади.

Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетга солиқ ажратмаларини кўпайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш¹ орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида бошқарув самарадорлигини ошириш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир.

Умуман оммавий бошқарув органларининг асосий қисми иқтисодий соҳага оид бўлган органлар ташкил этади. Хусусан, юқорида таҳлил қилинган давлат бошқаруви органларидан ташқари иқтисодий соҳанинг ривожланишига, пировардида аҳоли ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш йўлади фаолият юритувчи бир қатор давлат бошқаруви органлари мавжуд. Хусусан,

- Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

¹ “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 й. ПФ-5185-сон Фармони.

- Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;
- Ўзбекистон Республикаси капитал бозорни ривожлантириш Агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги каби ва бошқа айрим давлат бошқаруви органлари фаолият юритади.

Давлатнинг иқтисодий соҳасини бошқариш, хусусан экспорт ва импортни йўлга қуйиш ҳамда иқтисодиётни диверсификация қилишга йўналтирилган бир қатор хўжалик бошқаруви органлари ҳам фаолият юритади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
--

Наманган вилоят Поп тумани Маданият қишлоғида фаолият юритувчи “Порлоқ” фермер хўжалиги туман прокурори устидан шикоят қилиб Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. Низонинг мазмуни шуки фермер ўзига бириктирилган 35 га ернинг давлат режаси бўйича 20 га пахта, 10 га бўғдой экиб давлат режасини бажарган, аммо бундан ҳеч қандай фойда кўрмаган, аниқроғи топган даромади кетган сарф ҳаражатларини бирма-бир тўғри
--

келган. Шунинг учун у ўз қол остидаги ишчилар билан ҳисоблашиш учун уларга қолган 5 га ерни мева-чева экиб унинг ҳосили натижасида ҳисоблашишни мақсад қилган. Аммо бундан хабар топган туман прокурори фермернинг ерида экилган меваларни буздиртириб ташлаган ва қонунчиликка кўра бу ерларга мева экиш мумкин эмаслиги ва ишчилар билан натура кўринишида ҳисоблашиш таъқиқланишини важ қилган. Натижада фермер ўз ишчилари билан қандай ҳисоблашиши мумкинлигини билмай боши қотган.

1. **Вазиятга ҳуқуқи баҳо беринг.**
2. **Экин ерларига қандай махсулот экиш-экмасликни белгилайдиган қонун ҳужжатларни топинг.**
3. **Ишчилар билан натура кўринишида ҳисоблашиш мумкин эмаслиги масаласини таҳлил қилинг.**

4-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Маъмурий органнинг ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган қисмини шартнома асосида бошқа хусусий ташкилотга ўтказиши қандай номланади? 2. Қишлоқ хўжалигининг қайси тури учун Ҳукумат ҳузурида махсус инспекция фаолият юритади? 3. Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома қайси вазирлик томонидан берилади? 4. Алкоголь махсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беришга ваколатли бўлган орган номини топинг.

Энига: 1. Илгариги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ўрнида яратилган давлат бошқаруви органи қандай мақомда қайта ташкил этилган? 2. Қонунчиликка кўра, экспорт шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида руйхатдан ўтади. Мазкур бериладиган ҳужжат тури қандай номланади? 3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ва бошқа қонуности ҳужжатларига асосан иш ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу идора

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва ривожланиши ҳамда инвестиция соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. 4. Иқтисодий соҳада фаолият олиб боровчи бошқаруви органларининг асосий вазифаси ҳар бир йўналишлар кесимида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, экспортни кўллаб-қувватлаш ва шу тариқа давлат иқтисодиётини диверсификациялашдан иборатдир.

										4						
			1													
	1		2			3										
2																
	3															

V БОБ. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

5.1. Маъмурий ҳуқуқда ижтимоий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти

Ижтимоий соҳа – бу фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, жисмоний ва руҳий ҳолати, маънавий ва маърифий олами, маданияти ва ижоди билан боғлиқ бўлган соҳа бўлиб, инсоннинг ушбу категориядаги эҳтиёжларини қондириш учун ҳам давлатнинг маълум тузилмалари мавжуддир. Ҳар қандай давлат ва ҳукумат мавжуд экан, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти ва ажралмас бир қисми сифатида энг аввало ўз аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш йўлида фаолият юритиши табиийдир. Аҳоли фаровонлиги масаласи эса, юқоридаги ижтимоий соҳа категориясига тааллуқли бўлган масалалардир. Шунинг учун ижтимоий соҳа мамлакат тараққиёти даражасини баҳолашнинг бир кўрсаткичи ҳисобланади. Бунга мисол сифатида бугунги кунда турли ҳил халқаро рейтингларнинг эълон қилинишини таъкидлаб ўтиш жойиз. Хусусан, “энг бахтли мамлакат”, “энг озода шаҳар”, “энг узоқ умр кўровчи аҳоли” ва бошқалар. Шундай экан фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган ушбу соҳани тартибга солиш, ривожлантириш

учун доимий асосда тизимли фаолият юритувчи бир қатор оммавий бошқарув органлари мавжуд. Булар жумласига:

- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- Мактабгача таълим вазирлиги;
- Халқ таълими вазирлиги;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
- Инновацион ривожланиш вазирлиги;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги;
- Маданият вазирлиги;
- Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;
- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси;
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва

бошқа кўплаб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд. Албатта, ушбу номдаги оммавий бошқарув органларининг вақт ўтиши билан номланиши, тузилмаси ўзгариши мумкин, аммо энг асосий функцияси ҳамийша сақланиб қолинади. Зеро ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органининг ўз йўналишидан келиб чиқиб, пировард “ғояси”, доимий интиладиган “марраси” бўлиши зарур. Мисол учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг марраси – Ўзбекистон Республикасида вояга етган ва меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасидаги ишсизлик даражасини энг паст кўрсаткичга тушуриш ёки умуман ушбу тоифадаги аҳоли орасида ишсизлар сонини бартараф этиш, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, уларнинг қийматини ошириш масалалари мазкур давлат органининг ўзига хос марраси ҳисобланади. Ушбу масалаларнинг аъло даражада йўлга қўйилганлиги мазкур давлат идросидаги давлат хизматчилари меҳнати самарадорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Бошқа бир мисол, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марраси – тўғриқ паиtidaги оналар ва болалар ўлими фойизини камайтириш ёки бартараф этиш, Ўзбекистонда жарроҳлик операцияси турлари имкониятларини ошириш,

соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат қилувчи ходимларнинг олий маълумотлилари сони ва сифатини ошириш каби марраларга интилиши зарур.

Ушбу марраларга босқичма-босқич олиб боровчи восита бу – қонунлардир. Ушбу соҳадаги қонунлар, унинг мазмуни ва узоқ муддатга мўлжалланганлиги унинг нормалари билан белгиланиши керак. Бугунги кунда мазкур соҳадаги оммавий бошқарув органлари қуйидаги қонунларнинг ижрочилари ҳисобланишади:

- «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май, 616-I-сон Қонуни;

- «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 август, ЎРҚ-393-сон Қонуни;

- «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январь, ЎРҚ-364-сон Қонуни;

- «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрь, ЎРҚ-397-сон Қонуни;

- «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май, 618-I-сон Қонуни;

- «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-406-сон Қонуни;

- «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-394-сон Қонуни;

- «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь, 754-XII-сон Қонуни;

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август, 464-I-сон Қонуни;

- «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрь, 938- XII-сон Қонуни ва бошқалар.

Ижтимоий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш деб, оммавий бошқарув органларининг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, маънавияти ва маърифати, маданияти ҳамда ижоди, шунингдек бошқа ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган субъектив оммавий ҳуқуқларини амалга ошишини таъминлашга, ҳимоя қилишга ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган қонуний фаолияти тушунилади. Таъкидлаш жойизки, давлатнинг ижтимоий соҳани бошқариш масаласи Давлат ва ҳуқуқ назариясидаги Давлат функциялари масаласидан келиб чиқади.

Ёдда тутинг!

Ижтимоий соҳа – бу фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, жисмоний ва руҳий ҳолати, маънавий ва маърифий олами, маданияти ва ижоди билан боғлиқ бўлган соҳадир.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши ҳам бежиз ижтимоий соҳага ажратилмаган. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби устувор вазифаларнинг барчаси бугунги кунда жамиятимиз, халқимиз барпо этишга интиладиган ва дахлдорлик ҳиссида фаолият юритиши керак бўлган, тегишли оммавий бошқарув органларининг кундалик шуғулланадиган марралари бўлмоғи зарур.

Ёдда тутинг!

Ижтимоий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш деб, оммавий бошқарув органларининг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, маънавияти ва маърифати, маданияти ҳамда ижоди, шунингдек бошқа ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган субъектив оммавий ҳуқуқларини амалга ошишини таъминлашга, ҳимоя қилишга ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган қонуний фаолияти тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқда оммавий бошқарув органларининг ижтимоий соҳани тартибга солиш фаолияти ҳам аввалги бобларда таъкидланганидек маълум принциплар доирасида амалга оширилиши лозим. Хусусан, қонунийлик, очиклик ва шаффофлик, умумий манфаатнинг устунлиги, мутаносиблик, тенглик, давлат бошқарувининг самарадорлиги, манфаатдор шахс фикрларини инобатга олиш каби муҳим принципларда ўз ифодасини топиши керак. Бунинг учун ушбу соҳадаги ҳар бир қонунларда мазкур принципларнинг амалий ифодасини англатувчи нормалар мустаҳкамланиши зарур.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:	
Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида истиқомат қилувчи А исмли нафақа ёшидаги фуқаро туман Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлимига мурожаат қилади. Мурожаатда у ўзи ва 3 нафар неваралари учун Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида жойлашган санаторий ва болалар оромгоҳиларига бепул йўлланма ажратишини сўрайди. А исмли фуқаронинг таъкидлашича, у ва унинг оила аъзолари нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудда яшаётганлигидир.	
1.	Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.
2.	А исмли фуқаронинг талаблари ҳуқуқий асосга эгами?
3.	Қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу масалани тартибга солиши?

5.2. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларини бошқариш ва ривожлантириш, фуқароларнинг конституциявий ижтимоий ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган йўналиш бўлиб, оммавий бошқарув органлари аҳолининг мазкур конституциявий субъектив оммавий ҳуқуқларининг руёбга чиқишини таъминлаш билан шуғулланади.

Соғлиқни сақлаш йўналишидаги давлат бошқаруви органи вазифасини Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади. Вазирлик соғлиқни сақлашда давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, соғлиқни сақлаш, тиббий суғурта, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласи, аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги, тиббий экспертизалар ўтказиш, тиббий ва фармацевтик маълумотни ташкил этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий тартибга солувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари, уларнинг туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмалари республика соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг ягона тизимини ташкил этади. Вазирлик қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга масъул ҳисобланади:

аҳолига, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзини юритишга ундаш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагиларнинг соғлиғи учун масъулият туйғусини тарбиялашда аҳолининг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш;

миллатнинг генофондини яхшилаш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оилада тиббий маданиятни, умрнинг сифати ва узоқ давом этишини ошириш, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

бевосита бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмларини кенгайтириш, асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида

ихтисослаштирилган хизматлар тизимини барпо этишда амалий ёрдам беришни ташкил этиш;

хам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, хам ахборот технологияларини, телетиббиётни, даволашнинг клиник протоколларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтакавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган бирламчи, тез, кечиктириб бўлмайдиган ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг кулайлиги ва тезкорлиги даражасини ошириш;

дорилар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чоратадбирларини амалга ошириш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар, ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш йўли билан уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва уларни қўллаш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, олий ва ўрта тиббий таълим тизимини ривожлантириш;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган замонавий, хорижий амалиётда синаб кўрилган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усуллари жорий этиш.

Вазирлик юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) аҳолига, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди;

фуқаролар соғлиғини сақлашни таъминлашга қаратилган давлат дастурлари ижроси юзасидан назорат олиб боради ва ишларни мувофиқлаштиради;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурларини амалга оширади, соғлиқни сақлашнинг нодавлат секторини ривожлантиради ва тиббий хизматлар бозорини ташкил этади;

соғлиқни сақлаш, шу жумладан, тиббий ёрдам бериш, дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш соҳасида нормативлар ва стандартлар тизимини яратади;

тиббий ёрдам сифати стандартларини ва ҳажминини белгилайди, тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялашни амалга оширади;

тиббиёт ташкилотлари томонидан аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши устидан назорат қилади;

суд-тиббий ва суд-руҳий ва тиббий-меҳнат экспертизасини таъминлайди;

тармоқни кадрлар билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, соғлиқни сақлашда тегишли йўналишлар ва мутахассислар бўйича тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва уларни тайёрлайди;

Ўз ваколатлари доирасида тегишли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

б) жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзини юритишга ундаш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагиларнинг соғлиғи учун масъулият туйғусини тарбиялашда аҳолининг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш соҳасида:

касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширади, тиббий ва тиббий-меҳнат экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

профилактик ёрдам йўналишлари ва ҳажмлари, профилактик эмлаш муддатлари ва усуллари тўғрисида қарорлар қабул қилади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда муҳим тиббий-ижтимоий нормалар ва нормативлар рўйхатини белгилайди ва уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

соғлиқни сақлашда статистика юритилиши ишларини ташкил этади, соғлиқни сақлаш тизимида статистик ҳисобот ва ҳисобот бериш тартибига методик раҳбарлик қилади, статистика ахборотининг ишончлилигини назорат қилади;

тармоқни ахборотлаштириш тизими шакллантирилишини таъминлайди, манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

в) миллатнинг генофондини яхшилаш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оилада тиббий маданиятни, умрнинг сифати ва узоқ давом этишини ошириш, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш соҳасида:

фертиль ёшидаги аёллар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ёлғиз кексалар, сурункали касалликларга чалинган ногиронлар ва ўзгаларнинг парваришига ва тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа шахслар орасида патронаж иши доимий асосда олиб борилишини таъминлайди;

фавқулодда тусдаги аварияли вазиятлар ва ҳалокатларни бартараф этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, фавқулодда вазиятларни тугатишда фойдаланиш учун тиббий буюмлар, дорилар, дезинфекция воситаларининг захирасини белгиланган тартибда ташкил этади;

юқумли ва юқумли бўлмаган, паразитар касалликлар, шунингдек, инсоннинг яшаш муҳити омиллари унинг соғлиғига ва меҳнат фаолиятига нохуш таъсир этиши билан боғлиқ касб касалликлари профилактикаси ишларини олиб боради;

манфаатдор органлар билан биргаликда бошқа давлатлар ҳудудидан юқумли ва карантин касалликлар кириб келишининг олдини олиш ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

санитария нормалари, қоидалари, гигиена нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларга риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга оширади, шунингдек, санитария-эпидемиология хизматлари ишига уларнинг идоравий бўйсунушидан қатъи назар, методик раҳбарлик қилади;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаси бўйича идоравий мансуб лабораторияларда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигига шартнома асосида синовлар ўтказди;

г) бевосита бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам хажмларини кенгайтириш, асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида ихтисослаштирилган хизматлар тизимини барпо этишда амалий ёрдам беришни ташкил этиш соҳасида:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларидан тортиб ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларигача тиббий ёрдам кўрсатишнинг

барча даражаларида касалликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлайди, ушбу мақсадларда илмий-тадқиқот, диагностика ва патронаж ишларини кенгайтиради;

асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида ихтисослаштирилган хизматлар тизимини қуришда амалий ёрдам беришни ташкил этади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро алоқалари такомиллаштирилишини таъминлайди;

тиббий диагностика тизимини такомиллаштиради, республика ҳудудларида диагностика хизматлари тармоғини ривожлантиради, тиббий ихтисослаштирилган ташкилотлар тармоғи фаолият кўрсатишини таъминлайди;

д) ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини, телетиббиётни, даволашнинг клиник протоколларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган бирламчи, тез, кечиктириб бўлмайдиган ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва тезкорлиги даражасини ошириш соҳасида:

ахборот технологиялари, телетиббиёт, даволашнинг клиник протоколлари кенг жорий этилишини ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассислар тажрибаси минтақавий муассасаларининг тиббиёт ходимларига берилишини таъминлайди;

барча даражаларда аҳолига шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил этади ва мустаҳкамлайди, уни самарали бошқаришни таъминлайди;

е) дорилар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва

тиббий техникани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида:

дори-дармон муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чоратадбирлари амалга оширилишини таъминлайди, дори ва дезинфекция, санитария-гигиена ва пардоз-андоз воситалари ва тиббий буюмлар, кучли таъсир кўрсатувчи ва захарли моддалар, гиёҳвандлик, психотроп воситаларни стандартлаштиради ва сертификатлаштиради, уларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат қилади;

дори, дезинфекция воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжларни ўрганади, уларга талаб ва таклифларни ишлаб чиқади;

тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартибини белгилайди;

ж) ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар, ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш йўли билан уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва уларни қўллаш соҳасида:

ногиронларга, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг табақалаштирилишини кучайтиришга ва манзиллилигига йўналтирилган ижтимоий сиёсат амалга оширилиши механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, бош, туманлараро, туман, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилади;

давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар

ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш механизми фаолият кўрсатиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кекса фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, жумладан, санаторий-курортда даволаниш учун йўлланмалар ва махсус ҳаракатланиш воситалари беришда иштирок этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса фуқароларни аниқлайди ва уларга ижтимоий хизматларнинг яқка тартибдаги дастурлари кўрсатилишини, шу жумладан уйда қарашни ташкил этади;

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларининг эҳтиёжларига мувофиқ бўлган тиббий-ижтимоий ёрдам турларини танлаш ва тақдим этишда, шу жумладан, ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари ва арава-коляскалар билан таъминлаш мақсадида улар ҳисобини юритади;

тиббий-ижтимоий муассасаларда яшаётган кекса фуқаролар ва ногиронларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатилишини ташкил этади, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминлайди;

ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштириш учун маблағларни жалб этиш ишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида уларнинг жисмоний тарбияси ва спорт ютуқлари ривожланишига кўмаклашади;

эхтиёжманд шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашни ташкил этади;

ногиронлар ва пенсия ёшидаги шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди;

з) маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, олий ва ўрта тиббий таълим тизимини ривожлантириш соҳасида:

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади ва прогнозлаштиради;

илмий-тиббий тадқиқотлар ривожланишини ва уларнинг самарадорлиги оширилишини, фан, техника ютуқлари ва илғор тажриба тиббиёт амалиётига жорий этилишини таъминлайди;

илмий тадқиқотлар натижаларини экспертизадан ўтказади, соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотларга муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олдида буюртмачи бўлади;

соғлиқни сақлаш соҳасида хорижий тажрибадан ва жаҳон стандартларидан фойдаланилади;

республикада халқаро тадбирлар (симпозиумлар, конференциялар, кўргазмалар ва шу кабилар) ўтказилишини ташкил этади;

белгиланган тартибда илмий, методик адабиётлар ва ихтисосга оид ахборотни чоп этади ва Вазирлик бўлинмаларини таъминлайди;

и) соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилилишини таъминлайдиган замонавий, хорижий амалиётда синаб

кўрилган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усуллари жорий этиш соҳасида:

Вазирлик, унинг марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларига раҳбарлик қилиш шакллари ва иш усуллари такомиллаштиради, соғлиқни сақлаш органлари фаолиятида бюрократизм ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини таъминлайди, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

соғлиқни сақлаш органлари ходимларига юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш тадбирларини амалга оширади ва назорат қилади;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарликни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришнинг жаҳон амалиётида синовдан ўтказилган замонавий усуллари жорий этади;

Вазирликка идоровий мансуб муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг тузилмасини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жойларда соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқарув органларига методик раҳбарлик қилади ва фаолиятини назорат қилади;

идоровий мансуб ташкилотларнинг тузилмаси, низомлари ва уставларини тасдиқлайди;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларида молиявий ресурсларни жамлаш тадбирларини таъминлайди;

аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, мақсадли дастурларни молиялаштириш ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан ташқари маблағларни, хорижий инвестицияларни ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этади;

Вазирлик тизимида иқтисодий ва молиявий ишларни ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга

ошириладиган тиббиёт ва тиббий-ижтимоий ташкилотларни сақлаб туришга харажатларни молиялаштиришни таъминлайди, тизим ходимларининг меҳнатини нормалаштириш ва ҳақ тўлашни ташкил этишни такомиллаштириш тадбирларини ўтказди;

идоравий мансуб ташкилотларда фаолиятни таҳлил қилади ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишига методик раҳбарлик қилади, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат қилади;

соғлиқни сақлаш бўйича мақсадли дастурларни молиялаштириш учун маблағларни жалб этиш ишида давлат, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларнинг, муассасалар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштиради, тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатишнинг пулли шакллари ва тиббий суғуртани жорий этишга босқичма-босқич ўтишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлик фаолиятига тегишли масалалар бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга ахборот ва маслаҳат кўмаги беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Юқоридаги соғлиқни сақлаш йўналишидаги давлат бошқаруви органининг атрофлича санаб ўтилган вазифа ва функцияларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва моҳиятини англаб етиш учун уларни қуйидаги категорияларга ажратиш мумкин.

1. Бошқарув характеридаги маъмурий жараён;
2. Тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий жараён;
3. Юстициявий характердаги маъмурий жараён;
4. Юрисдикциявий характердаги маъмурий жараён.

Бошқарув характеридаги маъмурий жараёнда ҳар бир давлат бошқаруви органи ўз йўналиши бўйича фуқаролар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунчилик ва тузилмавий ҳамда ташкилий-техник амалиётни янада яхшилаш, келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш ва қонуний асосланган жавоб қайтариш йўлида асосан вертикал ва горизонтал фаолиятни амалга оширади.

Шу ва бошқа масалалар билан дарслигимизнинг VII бобида атрофлича танишишингиз мумкин.

Мазкур параграфнинг иккинчи қисми жисмоний тарбия ва спорт масалаларига бағишланган бўлиб, ушбу соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи махсус давлат бошқаруви органи – Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармонида асосан ташкил этилган бўлиб, Вазирликнинг асосий вазифаларига:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этишга, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга, халқаро спорт майдонида юқори натижаларга эришиб мамлакатни муносиб ифодалашни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкил этиш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча минтақаларда, айниқса, кишлоқ ва чекка туманларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим

муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга қўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

Таъкидлаш керакки, мазкур вазирликнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларининг мавжудлиги Маъмурий ҳуқуқнинг давлат бошқарувининг самарадорлиги принципи амалий ифодаси ҳисобланади. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари қўрилади.

Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонун ҳужжатларига кўра белгиланади. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

Вазир Вазирликнинг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли

таркибий бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ҳисобот беради.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт университетини тугатган ёш иқтидорли А исмли инсон ўз билими ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда моддий даромад олиш, шу билан бирга ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида ўзи таълим олган мактаб директори билан оғзаки битим тузиб, спортнинг футбол тури бўйича мактаб ўқувчиларини тайёрлашни бошлади. Бир қатор маҳаллий доираларда ўтказилган мусобақаларда унинг спортчилари совринли ўринларни қўлга кириди. Аммо орадан ярим йил ўтгач, мактабдаги таъли сифатини ўрганишга ташриф буёрган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси вакиллари унинг фаолиятини ноқонуний деб топиб далолатнома расмийлаштириб Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига хабар берган. Вазирлик эса ёш иқтидорли мутахасссини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 165-моддаси Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш деб баҳолаб иш материалларини тегишли маъмурий судга жўнатган.
1. Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. 2. Маъмурий ҳуқуқнинг мутаносиблик принципи нуқтаи назаридан баҳо беринг. 3. Мазкур вазият маъмурий ҳуқуқ предметиға тааллуқлими?

5.3. Илм-фан ва таълим соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Илм-фан ва таълим соҳаси давлат ва жамият ривожланишининг локомотиви ҳисобланади. Зеро малакали таълим олган ҳар қандай шахс, борлиқнинг кўринмаган, абстракт қисмини ҳис қилади ва тушунади. Шу тариқа олинган билимнинг илмий томонларини ўрганади, натижада давлат ва жамият ҳаётидаги, табиатдаги кўплаб саволларга илмий асосланган жавоб топади ҳамда уларни янада такомиллаштиришга, маълум қийматга эга бўлган янгилик яратилишига шароит яратади. Шунинг учун ҳам илм-фан ва таълим соҳаси ривожланишини давлат ва унинг тузилмалари томонидан қўллаб қувватлаш жуда муҳим ҳисобланади. Маълумот учун таъкидлаш жойизки,

мустақил давлатлари ҳамдўстлиги ҳудудидаги мавжуд олий таълим муассасалари таҳлил қилинганида Россия Федерациясида 2018 йилда 662та, шундан 484таси давлат ва 178таси хусусий олий таълим муассасалари ташкил этган бўлса, Украинада бу кўрсаткич тегишинча 224 ва 113тани ташкил этади. Шу билан бирга уларнинг сон жиҳатидан кўплиги малакали мутахассислар тайёрланишининг гарови бўла олмаслигини ҳам таъкидлаш керак. Россия Федерацияси Президенти В.В.Путининг 2018 йил 6 мартдаги Россия ректорлар Иттифоқида қилган маърузасида “муаммо шундаки 1991 йилдан 2010 йилгача ОТМ ва уларнинг филиаллари сони икки бараварга ошган. Ва тан олиб таъкидлаш керакки, уларнинг аксарияти, ОТМ эмас, “қаттиқ қоғоз”ларни босиб чиқарувчи лабораторияга айланиб қолган”¹.

Шу ва шунга ўхшаш салбий ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш учун ҳам илм-фан ва таълим соҳаси ҳам маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинмоғи лозим. Демак, олий таълим муассасаларининг сони эмас сифатига, тайёрланаётган мутахассисларнинг малакасига эътибор қаратиш лозим, бу эса уларни тайёрлаётган педагогик кадрлар малакаси ва дунёқараши масаласини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур соҳани тартибга солувчи қуйидаги давлат бошқаруви органлари фаолият юритмоқда:

- Мактабгача таълим вазирлиги;
- Халқ таълими вазирлиги;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
- Инновацион ривожланиш вазирлиги;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси каби давлат бошқаруви органлари мавжуд.

¹Заседание Союза ректоров России от 6 марта 2018 года fgosvo.ru

Мазкур давлат бошқаруви органлари ўз фаолияти қуйидаги қонунларнинг ижрочилари ҳисобланади:

- “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август 463-I-сон Қонуни;

- “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август 464-I-сон Қонуни;

- «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 сентябрь, ЎРҚ-406-сон Қонун.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавоб берадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик тизимида қуйидагилар киради: Вазирликнинг марказий аппарати; ҳудудий бўлинмалар; Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти; «Мактабгача таълим методикаси» журнали таҳририяти; давлат мактабгача таълим муассасалари.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

3) болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олишни таъминлаш;

4) замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

5) мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

6) замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш масалаларини юқори профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

7) мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнига тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни жалб қилиш;

8) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун муносиб шарт-шароитлар, шу жумладан, тўлақонли ва рационал, мувозанатли, соғлом ва тўғри овқатланишни таъминлашга, асосланган тиббий кўрсатмалар билан белгиланадиган ҳажмларда ва интенсивликда кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштиришга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

Таъкидлаш жойизки, Мактабгача таълим вазирлигининг энг устувор вазифаси – мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиб, уларнинг бошланғич дунёқараши шаклланиши учун ташкилий, услубий, моддий ва маънавий шарт шароитларни яратишдан иборат. Ушбу ғоя мазкур соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи давлат бошқаруви органининг ўз олдига белгилаган “марраси”га айланиши лозим ва барча амалга оширилаётган ишлар ушбу ғояга йўналитирувчи қадамларга айланиши лозим. Сўнгра, ёш авлодга муносиб таълим ва тарбия бериш “эстафетаси” кейинги давлат бошқаруви органи билан боғлиқ. Бунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг таълимга доир конституцион ҳуқуқларига риоя этилишини

таъминловчи, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавоб берадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада юксалтиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мактабдан ташқари таълимга бўлган умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ умумтаълим муассасалари фаолиятини методик бошқаришни амалга ошириш;

ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, умумтаълим муассасалари ходимлари, шунингдек, халқ таълими тизими ходимларининг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, уларнинг самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш;

ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, касбий йўналтиришнинг самарали услубларини, ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юкламалари оптималлашувини инобатга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашни жорий қилиш;

умумтаълим муассасаларида чет тилини ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

мазмун ва сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб берадиган, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янгиланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлоди яратилиши ва нашр этилишини ташкил қилиш;

нодавлат таълим хизматлари секторини янада ривожлантириш, халқ таълими соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шароитлар яратиш;

педагогик кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш;

«Меҳрибонлик» уйлари фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш;

жисмоний ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволаниш ва соғломлаштиришга муҳтож бўлган болаларга ижтимоий кафолатларни таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим ва тарбия (шу жумладан, инклюзив) олишларига кўмаклашувчи мос муҳитни яратиш, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) фаолиятини такомиллаштириш;

ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада чуқур сингдириш, миллий менталитетга ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;


умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари томонидан давлат таълим стандартлари ва талабларининг бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш;

умумтаълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касб-ҳунар таълимини таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг бино ва иншоотларидан фойдаланиш бўйича ишлар мониторингини олиб бориш ва ушбу ишларни мувофиқлаштириш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Вазирлик тузилмасида тегишли бошқарма ва бўлимлар, марказлар ва бошқа тузилмалар мавжуд. №5 чизмага қаранг.

№5 чизма



Мисол учун вазирликнинг асосий вазифаларидан бири бўлган “мактабдан ташқари таълимга бўлган умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқ умумтаълим муассасалари фаолиятини методик бошқаришни амалга ошириш” деб номланган вазифани амалга ошириш учун Вазирлик тузилмасидаги Ўқув жараёнини методик жиҳатдан таъминлашни ривожлантириш бошқармаси ёки Мактабдан ташқари

таълимни ривожлантириш, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси мавжуд. Мазкур бошқармаларда фаолият юритувчи давлат хизматчиларининг бевосита функционал вазифалари жумласига айнан юқорида келтирлиган вазифани амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу ижтимоий муносабатда давлат хизмати институтининг ҳам нақадар катт аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин. Зеро, давлатнинг таълим соҳасидаги ушбу вазифаларини амалга ошириш масалалари мазкур 10-12та давлат хизматчиларининг ихтиёрида эканлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, таълим соҳасида фаолият юритувчи деярли ҳар бир давлат бошқаруви органида тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ваколатлар ҳам мавжуд. Хусусан, ушбу ваколатлар Халқ таълими вазирлиги мисолида

- ўқувчини умумий ўрта таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига ўтказиш;
- алоҳида фанлар бўйича чуқур ўргатиш мақсадида 2-синф ўқувчиларини ихтисослашган давлат умумий таълим муассасаларига қабул қилиш;
- 5-синф ўқувчиларини ихтисослашган давлат умумий таълим мактаб интернатларига қабул қилиш;
- йўқолган аттестатлар бўйича дубликат бериш учун ариза қабул қилиш;
- аттестат берилганлиги ҳақида тасдиқнома маълумот бериш;
- чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар болаларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш учун аризалар олиш;
- экстернат тартибида имтиҳонлар олиш учун аризалар қабул қилиш каби фуқаролар билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар билан ҳам шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир ёш авлодни тарбиялаб, замонавий муносиб таълим бериб вояга етказиш ишида таълим соҳасидаги “эстафета”ни Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги қабул қилиб олади. Вазирлик Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини изчиллик билан амалга оширади, жаҳон андозалари даражасида мутахассислар тайёрлаш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида давлат томонидан белгиланган талаблар ҳамда нормативларнинг бажарилишини таъминлайди. Идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқув-услубий раҳбарликни амалга оширади ҳамда улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади. Вазирликнинг бош вазифалари:

республикада олий ва ўрта махсус таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида халқаро талабларга мос келадиган, назарий ва касбий лаёқатлилиқни жаҳон маданияти қадриятлари ва миллий анъаналарга асосланган юксак ахлоқий фазилатлар билан чоғиштирган, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий тараққиёт вазифаларини ташаббус ҳамда масъулият билан ҳал эта оладиган мутахассисларни тайёрлайди;

олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашга, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари илмий-педагог ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга илмий-услубий раҳбарлик қилиш шунингдек, республика халқ хўжалигида ишлаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга умумий услубий раҳбарликни амалга ошириш;

жамиятнинг умумий ҳамда касб маданияти жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта таълим тизимини ривожлантириш;

олий мактабда илмий-тадқиқот ишларини, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ёшларнинг илмий-техника ижодиётини

ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш. Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш;

иктидорли ёшларни излаб топиш ва тарбиялаш;

вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўқувчилар, аспирантлари, илмий-педагог ходимларининг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишчи ва хизматчиларининг уй-жой, маданий-маиший шароитларини ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини яхшилаш, уларга хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.

Вазирликка юклатилган вазифаларга кўра қуйидаги ҳуқуқлар берилади: республикада олий ва ўрта махсус таълим тузилмасини ва бошқарувини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

давлатга қарашли бўлмаган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳамда уларга тенглаштирилган таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш;

ўз тизимида қонунларни қўллаш тажрибасини умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тегишли органларга тақдим этиш. Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятининг турли соҳаларида пайдо бўладиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга келтириш бўйича берилган ваколат доирасида меъёрий актлар чиқариш;

олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда уларнинг филиалларини ўқув юртларининг идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, очиш (қайта тузиш ва тугатиш) учун ҳулоса бериш;

давлатга қарашли бўлмаган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳамда уларга тенглаштирилганларга Ҳукумат тасдиқлаган Низомга мувофиқ таълим фаолияти ҳуқуқи лицензияларини бериш;

олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ташкил қилинадиган олий ўқув юртлари рўйхатини белгилаш;

вазирликлар, идоралардан ва бевосита олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан Вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун зарур материалларни, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим бўйича белгиланган статистик ҳисоботни олиш. Вазирлик ўқув юртларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботнинг ҳолатини назорат қилишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва банк ҳамда бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисобларига эга бўлиш;

ўзига бўйсунувчи ўқув юртлари ва ташкилотлардан мутахассислар тайёрлаганликлари учун, тадбиркорлик фаолиятлари даромадларидан, шунингдек, хайрия жамғармалари, ҳомийлар ва чет эл инвестицияларидан пул ўтказиш тартибида тушаётган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига марказлаштирилган ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа жамғармаларни тузиш;

мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш учун ўзига бўйсунувчи олий ўқув юртларида махсус кафедралар, факультетлар, курслар очиш;

олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган республика вазирликлари ва идоралари раҳбар ходимларининг ахборотларини (маърузаларини) ҳайъат мажлисига киритиш;

Вазирликда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш, Ватан ва чет эл фани, техникаси ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолияти илғор тажрибасининг янги ютуқларини ҳисобга олган

ҳолда, мутахассислар тайёрлашнинг илмий мазмунини аниқлаш учун етакчи олимлар, юқори малакали мутахассислар, илмий-техника жамиятлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат илмий-услубий кенгаш тузиш. Илмий-услубий кенгаш таркиби ва унинг Низоми Вазир томонидан тасдиқланади;

тасдиқланган бошқарув аппарати тузилмасига Вазирликнинг иш ҳақи фонди ҳамда аппарат ходимларининг чекланган сони доирасида бошқарув технологияси ҳамда техникасини такомиллаштириш зарурати билан бўладиган ўзгартишларни киритиш;

ўзига бўйсунувчи муассасалар томонидан амалдаги қонунларга зид равишда чиқарилган буйруқларни бекор қилиш.

Вазирлик ўз ишини вазирликнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхоналари ва муассасаларига раҳбарлик бўйича барча масалалари муҳокама қилишда ва ҳал этишда коллегиялик ҳамда яккабошчиликнинг уйғунлиги асосида ташкил этади. Вазирлик ҳайъати олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини, муҳим буйруқ ва йўриқномалар лойиҳаларини, Вазирлик бошқармалари ва бўлимлари, ўқув юртлари раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади. Қарорлар қабул қилади. Вазирлик фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризаларининг ўз вақтида эътибор билан кўриб чиқирилишини ташкил қилади, бу хатларда кўтарилган масалаларнинг тўғри ҳал этилишига эришади, шунингдек, фуқаролар хатида баён этилган Вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим соҳасида фаолият юритувчи барча давлат бошқаруви органлари умумий бир тизимнинг, яъни Ўзбекистон Республикаси деб номланган давлат механизмининг бир элементлари ҳисобланиб, бу уларнинг ҳамкорликда, бевосита бир бирига боғлиқликда фаолият юритиши лозимлигини тақозо этади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:	
Олий таълим вазирлиги профессор-ўқитувчиларнинг вақт меърёларини оптималлаштирилиши билан “ОТМ профессор-ўқитувчиларининг янги вақт меъёрлари тўғрисида”ги Низом лойиҳасини тайёрлаб, барча давлат олий таълим таълим муассасаларига ижро этиш учун жўнатди. Тегишинча барча ОТМлари Вазирликдан тушган мазкур Низом асосида профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасидан ташқари барча йўналишларида соат билан ҳисоб-китоб қилишни тўхтатишди, ҳамда йилига 1540 соат қондасини ҳам қўллашни тўхтатишди. Аммо ўқув йили якунида Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясидан келган текширувчилар мазкур Низомнинг адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтмаганлигини ва ОТМ раҳбарларининг ноқонуний иш юритганликда айблади ва тегишли чоралар кўрилишини билдиришди.	
1.	Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.
2.	Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг функци ва вазифаларини ҳамда ваколатларини таҳлил қилинг.
3.	Мазкур вазиятда қайси давлат идораси хатога йўл қуйган?

5.4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маданият соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маданият соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси давлатнинг ижтимоий соҳадаги вазиларининг бири бўлиб, бугунги кунда бутун дунё бўйича долзарб масалалардан бирига айланган. Ишлаб чиқариш ва саноатнинг ривожланиши янги иш ўринларининг очилишига ва иқтисодиётнинг ривожланишига замин яратаётган бўлса, бошқа томондан очиқ ҳавога чиқарилаётган турли зарарли газлар ва чиқиндилар атроф-муҳитнинг ифлосланишига, флора ва фаунанинг нобуд бўлишига ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғига ҳавф тўғдирувчи масалага айланган. Дунё жамоатчилигининг глобаллашиши эса оммавий маданият каби зарарли иллатларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бундай иллатларга қарши туришда Миллий маданиятни танитиш ва аҳолини ўзликни англаш ва қадрлаш руҳида тарбиялаш, табиат ва атроф муҳит ободлигини сақлаб туриш мақсадида ҳам ушбу соҳаларни тартибга солувчи маъмурий органлар фаолият юритиши лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда

ушбу вазифаларни амалга ошириш билан қуйидаги давлат бошқаруви органлари шуғулланмоқда:

- Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси;
- Маданият вазирлиги;
- “Ўзбекино” Миллий Агентлиги;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси каби органларни келтириш мумкин.

Ушбу органлар ўз фаолияти давомида қуйидаги қонунларнинг бевосита ижрочилари ҳисобланади:

- “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрь, № 710-II-сон Қонуни;
- “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь, № 754-XII-сон Қонуни;
- “Ўрмон тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрель, ЎРҚ 475-сон Қонуни;
- “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июль, ЎРҚ 484-сон Қонуни;
- “Қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 май, ЎРҚ 539-сон Қонуни;
- “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 13 октябрь, 229-сон Қонуни;

- “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август, 269-II-сон Қонуни;

- “Музейлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 сентябрь, ЎРҚ-177-сон Қонуни ва бошқалар.

Ижтимоий соҳанинг ушбу йўналишидаги давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаси аҳолининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги маданиятини ошириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда мамлакатнинг тиббий туристик имкониятларини ошириш ҳисобланса, маданий соҳада жаҳонга асл ўзбек миллий маданиятини тараннум этишдир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ҳам Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;

табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

атроф муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
Ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг кўпроқ иқтисодий усуллари кенг қўллаш, ресурсларини тежайдиган, камчикит ва чиқитсиз технологиялар барча жойларда қўлланилишини рағбатлантириш, чиқиндиларини хўжалик оборотига жалб этиш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш асосида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини комплекс бошқаради;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан республика экология нормативлари, қоида ва стандартлари ишлаб чиқирилишини ташкил этади ва уларни тасдиқлайди, тармоқларнинг ана шундай нормативлари, қоида ва стандартларини ўзаро мувофиқлаштиради, уларнинг фондларини шакллантиради ва юритади;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини метрология жиҳатидан таъминлаш юзасидан иш олиб боради, табиий муҳит объектларининг ифлосланишини назорат қилиш бўйича услубий раҳбарликни амалга оширади;

барча турдаги табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш қўламларини тартибга солиб туриш мақсадида атроф табиий муҳит ҳолатига антропоген фаолиятнинг таъсирини таҳлил қилади;

Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига атроф муҳит ҳолатига доир узоқ муддатли ва бир йиллик тахминлар лойиҳаларига киритиш учун табиатдан фойдаланувчилар табиатни муҳофаза қилишнинг зарур чора-тадбирларини бажаришларига қаратилган таклифларни, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш мажмуида иқтисодий ислохотлар қандай бораётганлигининг таҳлили учун белгиланган ҳисоботларни тақдим этади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва табиатдан фойдаланувчи бошқа ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан олиб

бориладиган илмий-тадқиқот ишлари дастурларини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низомларини мувофиқлаштиради;

атроф муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш ҳамда оқизишнинг йўл қўйиладиган нормативларини ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилайди, атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари ундиради ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади;

атроф табиий муҳит сифатининг нормаларини белгилаш ишини ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда ифлослантирувчи манбалар ва улар атроф-муҳитга кўрсатадиган зарарли таъсирнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) ҳисобини юритади;

республика ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ҳамда уларни ривожлантириш дастурлари, концепциялари, асосий йўналишлари ва схемалари лойиҳаларини, лойиҳалашга тайёргарлик ва лойиҳа ҳужжатларини, йўриқнома-услубий ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларни, айрим минтақалар, жойлар ва ишлаб турган объектлардаги экологик вазиятни, шунингдек атроф муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи янги техника, технологиялар, материаллар ва моддаларни давлат экологик экспертизасидан ўтказди;

атроф табиий муҳит мониторингининг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқади, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда атроф муҳит ифлосланишининг аҳволи ва унга бошқача зарарли таъсирлар, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг республика ягона экологик ахборот банкини ташкил этади ва юритади;

мамлакатда қўриқхоналарга доир ишга раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритади, янги муҳофаза этиладиган

табiiй ҳудудларни ташкил этиш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритади;

янги (қайта қурилган) объектларни, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва иншоотларини қабул қилиб олиш ва ишга тушириш бўйича давлат комиссиялари ишида қатнашади, барча турдаги хўжалик фаолияти учун жой танлаш ва ер ажратишга доир материалларни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг қизил китоби тўғрисидаги Низомни, уни юритиш бўйича Идоралараро комиссиянинг шахсий таркибини, бу комиссия тўғрисидаги Низомни (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича бошқа идоралараро комиссияларнинг таркиби ва улар тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, туманлараро, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари) низомларини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда ўз корхоналарини, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, қайта ташкил этади ва тугатади, уларнинг уставларини тасдиқлайди;

фуқароларни табиатни, табиий ресурсларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш ишини, табиат тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишни ва оммалаштиришни ташкил этади, экологик таълим савиясини оширишга қўмаклашади, бу соҳада танловлар, кўргазмалар, бошқа тадбирлар ўтказади;

ўз тизими ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишига услубий раҳбарлик қилади;

ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаш ва оқишиш, сувдан махсус фойдаланиш, сув чиқариш учун қудуқ қазииш, экологик нормаларни жорий этиш ишларини бажаришга белгиланган тартибда рухсатномалар, зарарли моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қўмиш учун ер остидан фойдаланиш ҳуқуқини, овчилик ва балиқчилик ҳўжалиги юритиш, шунингдек қизил китобга киритилган турларидан ташқари ҳайвонот дунёсидан (шу жумладан балиқлардан) ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш, ёввойи дори-дармон гиёҳлари, озуқа ўсимликлари ва манзарали ўсимликларни, техникавий хом ашё ва бошқа табиий ҳосилаларни (шу жумладан мўмиёни) йиғиш (тайёрлаш), уларни республика ҳудудидан олиб чиқиш ва республикага олиб кириш ҳуқуқини беради;

овчилик ва балиқчилик ҳўжалиги ташкил этиш ва юритиш, ҳайвонот дунёсини (шу жумладан балиқларни) ва ўсимлик дунёсини (шу жумладан ўрмонларни) муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширади, ҳайвонот дунёсини (шу жумладан балиқларни) ва ўсимлик дунёсини (шу жумладан ўрмонларни) муҳофаза қилиш, тартибга солиш ва улардан фойдаланишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

зарур ҳолларда, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳисоботларини қараб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

ҳайъат мажлисларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар раҳбарларининг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботларини эшитади, йўл қўйилган қоидабузарликлар учун раҳбарларни жазолаш тўғрисида тегишли органлар олдига масала қўяди;

табиатни ифлослантирганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик натижасида унга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғатади; ундириб олинган суммаларни табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва махсус, бюджетдан ташқари ҳисобварағларга ўтказиши;

банк муассасаларига табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат объектларини ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтиришларини маблағ билан таъминлашни тўхтатиш тўғрисида, шунингдек тегишли органларга қонун ҳужжатлари, экологик нормативлар, қоида ва стандартлар бузилганлиги учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш, шу жумладан хўжалик фаолияти якунлари бўйича бериладиган мукофотлардан маҳрум этиш тўғрисида тақдимномалар киритади;

қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат объектлари ёки бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш ва қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтиришни тақиқлайди, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормалари ва қоидаларини бузаётган саноат корхоналари ва бошқа корхоналарнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини тўхтатиб қўяди, фойдаланиш натижасида табиат объектлари ифлосланадиган ёки бузиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақиқлайди;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни ўз ваколатлари доирасида қараб чиқади ва айбдор шахсларга жарима солади ҳамда бошқа маъмурий чоралар қўради, зарурат бўлганда қараб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оширади;

юримдик ва жисмоний шахслардан табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга тааллуқли зарур ахборот ва тушунтиришларни талаб қилади ҳамда уларни белгиланган шаклда бепул олади;

табиий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва уни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун идоралараро илмий-техникавий, эксперт кенгашлари ва бошқа кенгашлар, гуруҳлар ва комиссиялар тузади, табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида идоравий хўжалик ҳисобидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, институтлар, марказлар ва бошқа бўлинмалар тузади;

табиатни муҳофаза қилишнинг узоқ муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларини, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат экологик экспертизаси ўтказиш ҳамда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртларини, илмий-техника ижодиёти ва ахборот марказларини, бошқа ташкилотларни, шунингдек айрим олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларидан, бошқа юридик шахслардан ўзларига қарашли объектларда атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланишини (оқизилишини) узлуқсиз назорат қилиб боровчи воситалар билан таъминланган пунктлар (постлар) ташкил этишни, бундай пунктлар (постлар) ишини назорат қилишни, мазкур пунктлар (постлар) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органларига мунтазам ахборот бериб туришларини талаб қилади;

белгиланган тартибда маҳаллий ва республика табиатни муҳофаза қилиш фондларини ташкил этади ва улардан фойдаланади;

ўз бўлинмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли корхоналар, муассасалар ва

ташкilotларнинг махсус ҳисоб варақларини очади, уларни таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган қарорига биноан амалга оширилади;

табиатни муҳофаза қилиш бўйича штатсиз инспекторлар ва экспертлар тармоғини ташкил этади, уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳайъати тасдиқлайдиган низомларга мувофиқ тартибга солиб борилади;

табиатни муҳофаза қилишга доир журналлар, газеталар, илмий ишлар тўпламлари, ахборот бюллетенлари нашр этади.

хавфли юкларнинг транзити учун ўз ваколатлари доирасида хулоса беради.

Аввалги ўрганилган давлат бошқаруви органлари каби ушбу Давлат қўмитасига ҳам юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий тузилмасида тегишли бошқарма ва бўлимлар, марказлар мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бири локал ҳужжатлар билан бириктирилган функционал вазифаларни амалга оширади. Ушбу давлат бошқаруви органи бошқарув билан боғлиқ бўлган ишлардан ташқари тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг рухсатномалар, лицензиялар, сертификатлар ва руйхатга олишни сўраб мурожаат қилган ишларини ҳам амалга оширади. Хусусан,

№	Фаолият тури
1	Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган “М2”, “М3” ва “Н2” тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини “Евро-2” экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш
2	Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш
3	Таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш

4	Озонни бузувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш
5	Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашда рухсатнома
6	Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатнома
7	Қизил китобга киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга рухсатнома
8	Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш ва кўпайтириш питомниклар ҳамда зоологик коллекцияларни давлат ҳисобига олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома
9	Ёввойи ҳайвонларни овлаш, ушлаш ва тайёрлаш учун рухсатнома
10	Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга рухсатнома
11	Сувга қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш
12	Ёввойи ўсимликларни ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатнома
13	Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция (СИТЕС)нинг И, ИИ ва ИИИ иловаларига кирувчи ҳайвонот турларини олиб кириш ва четга олиб чиқиш учун рухсатнома
14	Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш
15	Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома олиш

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги маданият соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг маънавий-ахлоқий

ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар орасида миллий онгда Мустақиллик ғояларини янада теран томир орттиришга, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, радикализм ва экстремизмнинг ёт ғояларига қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш;

бадий ижод, шу жумладан театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

маданият муассасалари, жумладан театрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушбу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан асосий вазифалар ҳамда фаолият йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш;

маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак

маънавийт руҳида такомиллаштириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, шу жумладан конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

давлат бошқаруви органларидан ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича зарур статистик маълумотларни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Вазирликнинг ва унинг идоравий мансуб тузилмаларининг давлат мулкини беғараз фойдаланиш ҳуқуқи билан ўз ташкилий тузилмаси доирасида бир бўлинмадан бошқа бўлинмага белгиланган тартибда ўтказиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича илмий ишларни амалга ошириш ва тадқиқотлар олиб бориш учун — идоравий мансуб Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказига, ахборот-компьютер технологияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиб

бориш бўйича буюртмаларни Вазирлик ҳузуридаги Ахборот ва компьютер технологиялари марказига тендер (танлов) ўтказмасдан жойлаштириш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

биноларга хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга, инвентарь ва хўжалик анжомлари, автотранспорт, алоқа воситаларини, ҳисоблаш, компьютер техникасини ва ташкилий техникани сақлаш ва улардан фойдаланишга, дастурий таъминотни харид қилишга белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга шартнома асосида илмий ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан чет эллар олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

белгиланган тартибда Жаҳон Интернет ахборот тармоғида расмий веб-сайтлар яратиш, ўз фаолиятини ёритиб бориш учун ижтимоий тармоқлар ва медиа-ресурслардан фойдаланиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича хорижий давлатларнинг тегишли тузилмалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан маданият масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлик тизимида кирувчи ташкилотлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

умумхалқ байрамлари, юбилейлар, маданий-оммавий тадбирларни белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

Вазирлик тизимида кирувчи театр-томоша ташкилотлари, маданий-маърифий ва таълим муассасаларини жиҳозлаш учун ёритиш ва овоз ёзиш

курулмалари, мусика асбоблари, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

музей фондларини ва асарлар кўргазмаларини тўлдириш учун тарихий-бадий қимматга эга бўлган кино-театр, тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари, ноёб қадимий раритетларни ҳамда материалларини, ноёб қадимий буюмларни, шунингдек сахна ва мусика асарларини, кўшиқларни аниқлаш ва сотиб олиш, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини нашр этиш;

республикада ўтказиладиган халқаро танловлар, кўриклар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижий жамоаларни ва алоҳида ижрочиларни таклиф этиш;

Вазирлик тизимида қирувчи таълим муассасаларида дарс бериш, шунингдек маҳорат дарслари ўтказиш учун юқори малакали профессорлар ва ўқитувчиларни, республикадаги ва чет эллардаги таниқли маданият ва санъат арбобларини таклиф этиш;

маданият ва санъат соҳасида иқтидорли ёшлар вакилларини аниқлаш, уларни чет элларга ўқишга юбориш;

бадий ҳаваскорлик жамоаларига, маданият муассасаларига «Халқ», «Болалар намунали жамоаси», «Халқ музейи» унвонлари, дипломлар, ёрлиқлар бериш ва совринлар билан мукофотлаш;

Вазирлик маблағларини, шу жумладан бюджетдан ташқари маблағларни Вазирлик тизими ташкилотлари томонидан ўтказиладиган маданий-оммавий ва концерт-томоша тадбирлари ташкил этилишига, маданият ва санъат арбобларини турли фестиваллар (танловлар) ва шу кабиларга тайёрлаш ҳамда уларда қатнашиш учун йўналтириш;

фестиваллар, танловлар ва бошқа тадбирлар ғолиблари, қатнашчилари ва фахрий меҳмонларини эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

энг иқтидорли санъат арбоблари, алоҳида фидокорлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён қилган маданият соҳаси ходимлари номзодларини мукофотлашга белгиланган тартибда тақдим этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) бошчилик қилади. Вазир бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ректори ҳисобланади. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар биринчи ўринбосари ва икки нафар ўринбосари бўлади. Вазирлик номенклатурасига кирувчи идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси мавжуд бўлиб, унинг моддий асослари концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божидан тушган маблағларнинг 70 фоизи миқдоридаги ажратмалар; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги фаолият турлари бўйича бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига тушаётган маблағлардан 20 фоиз миқдоридаги ажратмалар; Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар; Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар; жисмоний ва юридик шахслар, халқаро ташкилотларнинг хайр-эҳсонлари, грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.


Шундай қилиб ушбу соҳадаги давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча аҳолининг ҳаёти, соғлиғи, маънавий ва рухий ҳолати, маданияти ва ижодиёти ривожланиши учун, ҳуқуқий атамаларда таъкидлаганда, фуқароларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларини руёбга чиқариш учун фаолият олиб боради. Шунинг учун минглаб давлат хизматчилари мазкур органларда кундалик тарзда фаолият юритишади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
2018 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенит навбатдаги сессияси якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига “Оммавий маданиятга қарши курашиш ва ёшларни миллий анъаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялаш ишида ҳамда санъат вакиллари орасида ўзлгимизга мос бўлмаган ҳаракатларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар олиб борилаётганлиги бўйича” Сенат Кенгашида асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан Парламент сўровни жўтган эди. Аммо Вазирлик узрли сабабларсиз икки ойгача расмий жавоб тақдим этмади ва юқори палатанинг кейинги ялпи мажлиси олдидан Парламент сўровида кўрсатилган саволларга расмий тарзда жавоб қайтариш билан чекланди.
1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. 2. Ушбу вазият Маъмурий ҳуқуқ фани предмети доирасига тааллуқлими? Жавобингизни тушунтиринг. 3. Маданият вазирлигининг оммавий маданиятга қарши курашиш ва ёшларни миллий анъаналар ва қадриятлар руҳида тарбиялаш ишида ҳамда санъат вакиллари орасида ўзлгимизга мос бўлмаган ҳаракатларнинг олдини олиш борасида қандай ваколатлари бор ва улар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаўз аксини топган?

5-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. тартибида имтиҳонлар олиш учун аризалар қабул қилиш каби фуқаролар билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар билан ҳам шуғулланади. 2. Қайси вазирлик ҳуқуқий асосига кўра, Вазир бир паитнинг ўзида Олий таълим муассасаси ректори лавозимини эгаллайди? 3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қайси орган олдида ҳисобдор? 4. Ногиронлиги мавжуд бўлган шахслар учун ташкил қилинадиган Олимпиада ўйини номи. 5. Инсон эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган янгилик, уни яратиш, тарқатиш ва ишлатиш билан боғлиқ бўлган мажмуавий жараён.

Энига:. 1. “Евро-2” нима? 2. Ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашишувчи ижтимоий маскан номи? 3. ёрдам йўналишлари ва ҳажмлари, профилактик эмлаш муддатлари ва усуллари тўғрисида қарорлар қабул қилади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади.



VI БОБ. МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ СОҲАНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

6.1. Маъмурий ҳуқуқда маъмурий-сиёсий соҳа тушунчаси ва уни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлаганидек, давлат энг аввало фуқароларнинг тинч ва осойишта яшашини ҳамда соғ ва саломат ҳаёт кечиришини таъминлаши керак¹. Дарҳақиқат, агар инсон ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошира олса, эркин ва хотиржам ҳаракатлана олса, бунинг барчаси тинчлик ва ҳавфсизликнинг таъминланганлиги эвазигадир. Ушбу масалалар ҳам давлат бошқарувининг энг долзарб ва ҳар кун таъминланиши лозим бўлган вазифаларидан биридир. Албатта, маъмурий-сиёсий соҳа деганда нафақат тинчлик масаласи балки, уни таъминлашга замин яратувчи бошқа омиллар ҳам назарда тутилади. Булар мудофаа, ҳавфсизлик, ташқи сиёсат, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий саводхонлик масалаларидир. Мамлакатимизда тинчликни ва фуқаролар осойишталигини таъминлашга сафарбар этилган бир қатор давлат бошқаруви органлари ва давлат хизматчилари фаолият юритади. Булар,

- Ички ишлар вазирлиги;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- Мудофаа вазирлиги;
- Миллий гвардия;
- Давлат ҳавфсизлик хизмати;
- Бош прокуратура;
- Адлия вазирлиги;
- Ташқи ишлар вазирлиги;

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на двадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса состоявшегося 20 июня 2019 года.
<https://www.pv.uz/ru/news/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzиеeva-na-dvadtsatom-plenarnom-zasedanii-senata-olij-mazhlisa>

Дарслигимиз тузилишига амал қилган ҳолда ушбу соҳадаги давлат бошқаруви органлари бевосита ижросини таъминлайдиган айрим қонунлар билан таништирамиз. Бундай қонунлар қаторига:

- “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 май, 211-II-сон Қонуни;
- «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрь, 436-II-сон Қонуни;
- «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель, 478-II-сон Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс;
- Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал Кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси жиноят ижроия Кодекси;
- “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон Қонуни;
- “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ-344-сон Қонуни;
- “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон Қонуни;
- “Тероризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь, 167-II-сон Қонуни;
- “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июль, ЎРҚ-489-сон Қонуни;
- “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель, ЎРҚ-532-сон Қонуни;
- “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрь, ЎРҚ-195-сон Қонуни;

- “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февраль, ЎРҚ-518-сон Қонуни;

- “Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июль, ЎРҚ-650-ХІІ-сон Қонуни ва бошқа қўплаб қонунлар тааллуқлидир.

Шу ўринда маъмурий-сиёсий соҳа тушунчасига ойдинлик киритиб ўтиш лозим. **Маъмурий-сиёсий соҳа** жамоат ва давлат ҳавфсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлган давлат функцияларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари мажмуасига айтилади.

Шундай қилиб, **маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш** деб маъмурий-сиёсий соҳадаги ваколатли давлат органларининг жамият ва давлат ҳавфсизлигини, фуқароларнинг субъектив оммавий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонуний фаолияти тушунилади.

Ушбу соҳада фаолият юритувчи ва деярли ҳар бир фуқаро ҳар кун тўқнаш келиши мумкин бўлган хизмат, бу ички ишлар органларидир. Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш;

терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш;

жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш;

эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш;

фуқаровий ва хизмат курулларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш;

ёнгин хавфсизлигини таъминлаш;

эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш;

лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш;

харбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиклик ва шаффофликдан иборат.

Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт. Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Ички ишлар органлари:

жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда;

ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни;

қидирувдаги шахсларни;

ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахсларни;

маъмурий қамоқ жазосини ўташдан, маъмурий тарзда чиқариб юборилишдан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда;

жиноий жазони ўташдан, шунингдек ўзига нисбатан суд томонидан тайинланган тиббий ва бошқа йўсиндаги мажбурлов чораларини бажаришдан бўйин товлаётган шахсларни;

аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни, кейинчалик уларни аниқ яшаш жойига эга бўлмаганларни реабилитация қилиш марказларига суд ажримига асосан жойлаштирган ҳолда;

фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазият режимини бузган шахсларни;

умумий ҳарбий мажбуриятни ўташдан бўйин товлайётган шахсларни;

қўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни;

ўзини ўзи ўлдиришга уринган ёхуд руҳий ҳолатининг яққол ифодаланган бузилиши белгиларига эга бўлган ҳамда ўз ҳаракатлари билан ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдираётган шахсларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг шахси ҳамда ҳуқуқбузарликнинг ҳолатлари аниқлангунига қадар, шунингдек улар тегишли давлат органларига ёки мансабдор шахсларга топширилгунига қадар ушлаб турилади.

Ушлаб турилган шахсга телефон орқали сўзлашиш ёки адвокатига ёхуд яқин қариндошига ўзининг ушлаб турилганлиги ва турган жойи ҳақида хабар бериш, ушлаб турилган пайтидан эътиборан ҳимоячига (адвокатга) эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар берилади.

Ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнидаги ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриқдан ўтказилиши мумкин.

Ички ишлар органлари вояга етмаган шахс ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида унинг яқин қариндошларига ёки бошқа қонуний вакиллариغا дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органлари ҳарбий хизматчи ушлаб турилганлиги тўғрисида у ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий қисм қўмондонлигига хабар беради.

Ички ишлар органлари чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар беради.

Амалга оширадиган ишларнинг кўлами ва аҳамияти ҳамда фуқароларга тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган кўрсатиладиган хизматлари доираси бўйича Ички ишлар органлари фуқаролар ва юридик шахслар билан узвий боғлиқликда ишлайдиган давлат бошқаруви органларидан биридир.

Ёдда тутинг!

Маъмурий-сиёсий соҳа жамоат ва давлат ҳавфсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлган давлат функцияларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари мажмуасига айтилади.

Ёдда тутинг!

Маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш деб маъмурий-сиёсий соҳадаги ваколатли давлат органларининг жамият ва давлат ҳавфсизлигини, фуқароларнинг субъектив оммавий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонуний фаолияти тушунилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлигида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритувчи фуқаро А (давлат хизматчиси), муҳим топшириқ билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чораклик мажлисига шошилиб ўз шахсий автомашинасида кетаётганида атрофдагиларга зарар етмайдиган даражадаги йўл қойдасини бузди. Натижада уни ЙПХ ходими тўхтатди ва маъмурий баённома расмийлаштиришини таъкидлади. А исмли давлат хизматчиси ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатди ва шошилиш топшириқ билан кетаётганлигини ЙПХ ходимига маълум қилди. ЙПХ ходими унинг вазиятини тушиниб, йўлида давом этиши мумкинлигини маълум қилди. Ушбу вазиятга гувоҳ бўлган Б исмли бошқа бир ҳайдовчи ЙПХ ходимининг адолатсизлик қилганлигини таъкидлаб, ушбу вазиятни шахсий уяли алоқаси камерасига олганлигини маълум қилди.

1. **Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**
2. **Давлат хизматчиларининг биродарлиги масаласига изох беринг.**
3. **Ушбу вазиятда ҳуқуқ нуқтаи назаридан қандай ҳолат давом этиши лозим эди?**

4. Фуқаронинг ўз хизмат вазифасини амалга ошираётган ЙПХ ходимини видео ёзувга олиши қонунийми?

**6.2. Адлия ва ташқи сиёсий фаолият соҳасини
маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари**

Ҳар қандай давлатда Адлия органларининг ўрни ниҳоятда катта. Аксарият ривожланган давлатларда улар прокуратура органлари ҳамда озоодликдан маҳрум қилинганларни сақлаш муассасаларига ҳам тузилмавий бошчиликни амалга оширади. Адлия органларининг классик функцияларидан бири бу оммавий бошқарув органлари доирасида норма ижодкорлигини ҳуқуқий ва методик йўналтириб турувчи, уларнинг қонунларга тўғри келишини мониторинг қилувчи давлат бошқаруви органидир. Адлия органлари жамиятда ҳуқуқий саводхонликни оширишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаритлган давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Бошқача қилиб таъкидлаганда, Адлия органлари бу – мамлакатнинг юристидир. Агар иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги давлат бошқаруви органлари фуқароларнинг моддий, ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлага масъул бўлса, маъмурий-сиёсий соҳадаги органлар, жумладан Адлия органлари моддий, ижтимоий ва иқтисодий фаровонликнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи, хусусий шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органдир.

Адлия вазирлиги ўз фаолиятида қуйидаги қонунларнинг бевосита ижрочиси ҳисобланади:

- “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ 378-сон Қонуни;
- “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь, ЎРҚ 457-сон Қонуни;
- “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январь, ЎРҚ 419-сон Қонуни;

- “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь, ЎРҚ 343-I-сон Қонуни;

- “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрь, ЎРҚ 60-сон Қонуни ва бошқалар.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, фаолиятининг айрим масалалари бўйича эса бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш;

давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда комплекс ва танқидий таҳлил қилиш;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш;

маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;

нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш;

ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, ҳалқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳалқаро ҳамжамият, хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш;

суд экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятида, биринчи навбатда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишлашнинг инновацион услубларини жорий қилиш.

Вазирлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

1) ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган, шу жумладан бошқа давлат органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

3) давлат органлари ва ташкилотларида:

норма ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқий ишлар, юридик хизматлар фаолияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳолатини;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ижроси, давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этиш ҳолатини, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда текшириш;

4) нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек уларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини текшириш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган:

давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида;

ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида

аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати фаолияти, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни киритиш;

6) нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларига, адвокатлик тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

7) қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш;

8) фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик хизматларни фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқлаганда ҳамда адлия органларининг қонуний талаблари бажарилмаганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

9) давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволарни киритиш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотларни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни, маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

11) нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлардан ахборот, ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва масъул шахсларидан тушунтиришларни талаб қилиш ва олиш;

12) текшириш ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, шунингдек Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар вакиллари чақириш ва жалб этиш;

13) текшириш ва таҳлил давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини чақириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

14) давлатга тегишли Вазирликнинг ва унга идоравий мансуб тузилмаларнинг мол-мулкани ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир таркибий тузилмадан бошқа тузилмага белгиланган тартибда ўтказиш;

15) Вазирлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

16) бюджетдан ташқари маблағларни ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг депозит ҳисоб рақамларида жойлашган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит рақамларида миллий ва хорижий валютада жойлаштириш. Бунда, маблағларни жойлаштиришдан олинган даромад адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамаларига ушбу даромадлар моддий-техник базани, ижтимоий ривожлантиришга ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирган ҳолда ўтказилади;

17) Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

18) Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

19) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига зид бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш;

20) жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш;

21) Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқишда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

22) хорижий давлатларнинг судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

23) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

24) адвокатларга берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш;

25) юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш;

26) нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда (конференциялар, семинарлар, тренинглар, йиғилишлар, акциялар ва шу кабиларда) иштирок этиш;

27) нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан режалаштирилган тадбирларни ўтказилишини тақиқлаш юзасидан қарор қабул қилиш;

28) сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

29) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини, улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда аккредитациядан маҳрум қилиш;

30) ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш;

31) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли тузилмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш;

32) давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга риоя қилиш шарти билан текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, давлат органларининг электрон базаларидан (банкларидан) фойдаланиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудларига ва биноларига кириш;

33) ўз ваколати доирасида маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тавсиясига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиб маъқулланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади. Вазир ўзининг мақомига кўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади. Вазирнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаган вақтда эса вазир буйруғига асосан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширади. Вазирликнинг ҳудудий тузилмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

Вазирликнинг ҳудудий тузилмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари тўғрисидаги низом вазир томонидан тасдиқланади.

Вазирликда раҳбар, (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек унинг фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий тузилмалар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чораларини кўрган ҳолда таркибий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Вазирлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда Вазирлик фаолияти соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилилишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва

сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш. Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳайъат қарорлари вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказди. Халқаро шартномаларга доир масалаларда ҳақли равишда Ўзбекистон Республикасининг ҳам тегишли ваколатлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жойиз.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини, шунингдек, бошқа миллий манфаатларини ҳимоя қилишни сиёсий-дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, халқаро ҳамкорликнинг миллий

манфаатларга дахлдор масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини, шу жумладан, ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб қилиш, миллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорларида тарғиб этиш ҳамда мамлакатга сайёҳлар оқимининг кўпайиши учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий шерикларнинг савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва илмий-техникавий салоҳиятини, улар билан ўзаро ҳамкорликнинг даражаси ва кўлами, уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини инобатга олган ҳолда ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги халқаро ташаббусларини, шунингдек, минтақавий ва глобал тараққиётнинг муҳим масалалари бўйича мамлакатнинг нуқтаи назари ва ёндашувларини илгари суриш;

халқаро муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш, юзага келаётган жаҳон сиёсий-иқтисодий жараёнлар динамикасидан ва хавфсизлик соҳасидаги вазиятдан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатларига потенциал хавфларни прогноз қилиш ва аниқлаш, шунингдек, уларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ишончли ва масъулиятли шерик сифатидаги ижобий имиджини шакллантириш ва сақлаш;

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида ҳолис ахборотни ҳар томонлама етказиш бўйича хорижий мамлакатларда фаол ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш;

хорижда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш;

хорижда яшаётган ватандошлар билан самарали алоқалар ва мулоқотларни йўлга қўйиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, чет давлатлардаги ўзбек диаспораси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

дипломатик кадрларни касбий тайёрлашни, шунингдек, вазирлик тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун Ташқи ишлар вазирлиги тузилмасида тегишли бошқарма ва бўлимлар, чет давлатларда элчихона консулхоналар фаолият юритади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини, шунингдек, бошқа миллий манфаатларини ҳимоя қилишни сиёсий-дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш деб номланган асосий вазифалардан бирини бевосита амалга ошириш билан Вазирликнинг деярли ҳар бир бошқарма ва бўлимлари шуғулланса, хорижда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш вазифасини асосан Консуллик ҳуқуқий департаменти амалга оширади. Шартнома ҳуқуқ департаментининг асосий вазифаси эса, ташқи сиёсий фаолият бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва тегишли инстанцияларга тақдим этиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Мухтасар қилиб таъкидлаганда, мазкур параграфда таҳлил қилинган давлат бошқаруви органлари ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг субъектив оммавий ҳуқуқларини руёбга чиқариш фаолият юритади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Тожикистон Республикаси Маданият вазирлиги билан икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида келишилганидек идоралараро шартнома тузишга келишилган эди. Тожикистон томони шартнома матнини тайёрлаб, Ўзбекистондаги элчихонаси орқали Маданият вазирлигига тақдим қилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги шартнома матнига Ўзбекистон томонини қизиқтирадиган фикр ва мулоҳаларини қўшимча қилди ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига расмий хат билан йўллади. Орадан 1 ой ўтиб Адлия вазирлиги ўзининг ижобий хулосасини тақдим этди. Аммо кейинги куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан Маданият вазирлигига жиддий эътирозлар кўрсатилган хат келди. Унда ёзилишича Маданият вазирлиги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунининг қатор моддаларини бузганлиги ва идоралараро шартномалар шартли равишда Ташқи ишлар вазирлигидан ҳуқуқий экспертизалан ўтиши ҳамда бошқа барча бу билан боғлиқ бўлган маъмурий жараёнлар Ташқи ишлар вазирлигининг шофелиги остида ўтиши лозимлигини таъкидлаган.
1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. 2. Идоралараро шартнома тушунчасига таъриф беринг. 3. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунин мазмунининг тушунтиринг.

6.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва умуман мудофаа ва ҳавфсизлик соҳалари, мамлакат фуқароларининг тинчлиги, осойишталиги ва ҳавфсизлиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатларини ифодаловчи йўналиш ҳисобланиб, мазкур соҳада минглаб давлат хизматчилари фаолият

юритмоқда. Уларнинг самарали фаолиятдан энг аввало мамлакат фуқаролари ҳаёти ва соғлиғи, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва мулки ҳимоя қилинади. Ушбу соҳа вакиллари сиз-у бизнинг ҳуқуқларимиз ва эркинликларимизни ҳамда қонуний манфаатларимизни ҳотиржам руёбга чиқаришимизга шароит яратиш учун хизмат қилади.

М.А.Миренскийнинг фикрича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишида ифодаланади, шу тариқа ушбу органларнинг фаолияти давлат бошқарувининг бошқа органларидан фарқланади. Олимнинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлат бошқарувининг бошқа органлари билан турли масалаларда ҳамкорлик қилади ва улардан мустақил фаолият олиб боришига урғу беради¹. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тушунчасига доктринал ёки қонуний таъриф мавжуд эмас. Ушбу атама Собиқ Иттифокдан қолган атамалардан бири ҳисобланади.

Аксарият адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига суд ва адвокатура органлари ҳам тааллуқли эканлигини кўришимиз мумкин. Назаримизда, суд органлари ҳуқуқни муҳофаза қилишга яқин функцияни амалга оширса ҳам, аслида у ижро ҳокимиятининг органларидан мутлақо фарқ қилади. Суд бу одилликни, яъни одил судловни таъминловчи мустақил давлат ҳокимиятининг ажралмас бир қисмидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса асосан, ижро ҳокимияти тизимига кирувчи Ҳукуматга ёки Давлат раҳбарига бевосита бўйсинувчи органлардир. Иккинчидан, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида қонунлар ва қонуности ҳужжатларидаги нормаларга риоя қилган ҳолда ижро масалаларини амалга оширади. Суд ҳокимияти ёки судья эса, ҳуқуқни эмас, адолатни, одилликни муҳофаза қилади. Яъни, суднинг у ёки бу қонун нормасини² адолатлилик ва гуманизм принциплари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шарҳлар, талқин қилиш

¹ Миренский Б.А. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. – Т.: «Адолат», 1998. – С. 9.

² Ўғтибор беринг, қонун нормасини, қонуности нормасини эмас.

имконияти мавжуд. Агар суд ҳокимиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаторига киритадиган бўлсак, у ҳуқуқ нормасидаги қонидани муҳофаза қилишига ва натижада “тарози палласи” тенг келган тақдирда, адолатни эмас, айнан қонунда қайд этилган нормани бажаришга мажбур ҳолатга тушиб қолиши ва шу тариқа унинг мустақиллиги принципига ҳам путур етиши мумкин.

Шундай қилиб, **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар** деб, жамоат тартибини, фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги ҳамда ҳавфсизлигини таъминлашга, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва мол-мулкни муҳофаза қилиш мақсадида вертикал бўйсинув асосида қатъий тартиб интизомга асосланган қонуний фаолият юритувчи давлат бошқаруви органлари тушунилади

Доктринал нуқтаи назардан булар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси каби давлат бошқаруви органларини киритиш мумкин.

Ички ишлар органлари тўғрисида олдинги параграфимизда сўз юритганлигимиз учун унинг фаолиятига қисқача тўхталамиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар ҳавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар

профилактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қўйи бўғинидир. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятни профилактика катта инспекторлари ва инспекторларидан иборат таркибда амалга оширади. Профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланади. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади. Ички ишлар ходимларининг аҳолига энг яқин ва жиноятчиликка қарши курашиш асосий вазифаларидан бири бўлган давлат бошқаруви органи бўлганлиги учун унинг ҳуқуқлари доираси анча кенг. Хусусан, профилактик ҳужжатларни текширишдан тортиб, то махсус воситаларни ишлатишга қадар ёки бино ва иншоотларни ўраб олиш каби жамоат ҳавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларга эга.

2017 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қаторида янги давлат бошқаруви органи – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди. Мазкур органнинг асосий вазифаси жиноятчилик профилактикаси, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, қўриқлаш хизмати ва аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилиши мумкин бўлган тажаввузлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Мазкур давлат бошқаруви органининг ўз кадрларини тайёрлаш тизими мавжуд бўлиб, ушбу вазифаси бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти амалга оширмоқда. Бугунги кунда Миллий гвардия фаолиятининг қонуний асосларини тўлиқ таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ушбу йўналишга оид давлат бошқаруви органларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўз бошқарув органлари, кучлари ва қутқарув воситаларини фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолини ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёрлашда иштирок этиш.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркиби, тузилиши тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Вазирлик 1996 йил 4 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1378 сонли Фармони асосида Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар

бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этилган.

Навбатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бу – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлиб, ушбу органнинг мақоми давлат механизмида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро қонуний нуқтаи назардан ушбу орган ижро ҳокимияти органларига тааллуқли эмас. Аммо айрим фаолият йўналишларининг ижрога яқин масалалар билан боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан,

- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш,
- тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш,
- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш,
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш,
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш,
- суд ва бошқар органлар қарорларининг мажбурий ижросини таъминлаш каби ваколатларининг мавжудлиги ушбу органнинг ижрога яқин функцияларни амалга оширишини кузатиш мумкин.

Қолеварса, аксарият ривожланган давлатларда прокуратура органлари бевосита Адлия органлари таркибига кирувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ушбу омилларни ҳисобга олиб ушбу органни давлат бошқаруви органилари қаторида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида — мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва ғавқулдда ҳодисалар тўғрисида — зудлик билан;

прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида — ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар

киритиши мумкин. Шунингдек алоҳида таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари давлат бошқаруви органи сифатида асосан бошқарув ва юстициявий характердаги бўлган ишларни амалга оширади.

Ёдда тутинг!

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар деб, жамоат тартибини, фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги ҳамда ҳавфсизлигини таъминлашга, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва мол-мулкни муҳофаза қилиш мақсадида вертикал бўйсинув асосида қатъий ҳарбий тартиб интизомга асосланган қонуний фаолият юритувчи давлат бошқаруви органлари тушунилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Қамаши туман ИИБ терговчиси катта лейтенант А га, ишончли манбаалардан туманнинг Сарбазар посёлкасидаги хонадонлардан бирида қалбаки пул босиб чиқариш йўлга қуйилганлигидан хабар топади. Махсус тадбир натижасида мазкур маълумот тасдиқланиб, жиноятчилар қўлга олинади ва А исмли катта лейтенант дастлабки тергов ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу қарор туман ИИБ бошлиғи томонидан ҳам тасдиқланади. Аммо орадан тахминан 24 соат ўтгач, туман прокурори ўз эътирози билан ИИБ бошлиғи ва унинг терговчиси А га бу каби ишларни фақат прокурор қарори билан тергов олиб борилиши кераклигини ҳамда ўзбошимчалик қилган ИИБ бошлиғи ва терговчисига Ўзбекистон Республикаси ИИБга тақдимнома киритиб, ҳафсан эълон қилдиришини маълум қилади. Натижада ИИБ бошлиғи ва туман прокурори ўртасида низо келиб чиқади. ИИБ бошлиғининг таъкидлашича, ушбу ҳолатда прокурор аралашуви шарт бўлмаган экан.

- 1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**
- 2. Ушбу вазиятда маъмурий ҳуқуқий муаммо мавжудми?**
- 3. ИИБ бошлиғининг ҳаракатлари ҳуқуқий асосга эгами?**

6.4. Мудофаа ва ҳавфсизлик соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари

Қадимги даврнинг етук алломаларидан бири, тарихчи олим Корнелий Непотанинг “Тинчликни ҳохласанг, урушга тайёрлан” деб таъкидлаганидек, ҳар қандай давлат ўз халқи, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли

субъектчилигини сақлаб қолиш ҳамда тинч ва фаровон ривожланишини таъминлаш мақсадида ўз мудофаа ва ҳавфсизлик тизимига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасида мудофаа ва ҳавфсизлик тизимларини бошқариш билан асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик хизмати каби давлат бошқаруви органлари шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;

ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив ҳавфсизлик тизимларида иштирок этиш;

ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;

ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши;

ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;

Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши;

мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, республика Олий Кенгашининг бошқа актларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширишини таъкидлаш жойиз. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, республиканинг давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган. Ушбу вазирлик томонидан бевосита ижроси амалга ошириладиган бир қатор қонунлар мавжуд. Буларга,

- “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 май, № 211-II-сон Қонуни;
- “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрь, № 436-II-сон Қонуни;
- “Ўзбекистон Республикасининг мудофаа Доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январь, № 458-сон Қонунлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги қўшинларга бошқарувни амалга оширади, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати юритилишини, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилишини, чақирувнинг ва Қуролли Кучлар кадрлари тайёрлашнинг ташкил этилишини таъминлайди.

Мудофаа вазирлигининг вазифалари:

- Милий ҳарбий стратегия, Қуролли Кучлар қурилиши ва ривожлантирилишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун масъул бўлади;
- Қўшинларнинг жанговар ҳаракатлари стратегик жиҳатдан ва тезкор режалаштирилишини ҳамда уларга раҳбарликни амалга оширади;

- Қўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлигига, улар ташкилий-штат тузилишининг қўшинларни қўллаш шакл ва усуллариغا кўникма ҳосил қилишига доир тадбир-чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

- Ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан, Қуролли Кучларнинг шакл ва турдаги қўшинларининг, бирлашмалари, қўшилмалари ва бўлинмаларининг қўмондонлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган директивалар ва буйруқлар чиқаради;

- Қуролли Кучларни, ҳарбий округларни, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини тезкор-стратегик бошқаришнинг бош органи вазифасини бажаради.

Қуролли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи бўлиб, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжаллангандир. Қуролли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари, шунингдек Миллий гвардия киради.

Мудофаага ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Мудофаа вазири уруш даври шароитида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий бош қўмондонининг ўринбосари ҳисобланади. Ҳарбий округ операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умум қўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир. Ҳарбий округлар зиммаларига юкланган вазифаларни бажарадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий маъмурий ҳудудий тузилиши беш қисмдан иборат бўлиб, булар

- Шимолий-ғарбий ҳарбий округ – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти,
- Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ – Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари,
- Марказий ҳарбий округ – Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари,
- Тошкент ҳарбий округи – Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри,
- Шарқий ҳарбий округ – Наманган Фарғона ва Андижон вилоятлари.

Шуни алоҳида таъкилаш керакки, шартнома асосида ҳарбий ҳизматга жалб қилинганлар ҳарбий соҳадаги давлат хизматини ўтаётган шахслар ҳисобланади ва уларнинг мақоми муддатли ҳарбий хизматдаги оддий аскарлардан тубдан фарқ қилади. Тегишли мудофаа органи билан шартнома (одатда 5 йилга тузилади) тузаётган шахс давлат хизматчиси ҳисобланишининг асосий омилларидан бири шуки, шартноманинг маъмурий-ҳуқуқий шартнома мақомига эгалигидадир. Яъни давлат мудофаа органлари тимсолида унга (шартнома тузузаётган шахсга) ўз вазифаларини ҳамда маълум ваколатлар ва ҳуқуқларни, шунингдек мажбуриятларни топширади (делегирование).

Ўзбекистон Республикасининг ташқи турли ҳил деструктив кучлар ва ички ҳавф хатарлар ҳимоя қилиш функциясини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати амалга оширади. Гарчан ушбу хизмат расман учала ҳокимият тизимида киритилмаган бўлса ҳам, унинг фаолият доираси ва амалга оширадиган ишлари ҳажми жиҳатидан уни ижро ҳокимиятига хос бўлган давлат бошқаруви органлари қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу органнинг ҳуқуқий асослари “Ўзбекистон Республикаси Давлат

хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрель, ЎРҚ-471-сон Қонуни билан мустаҳкамланган.

Давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат. Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ёрдамига таяниш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси устуворлиги, ягоналик, мустақиллик, конспирациядан иборатдир.

Давлат хавфсизлик хизмати тизими Давлат хавфсизлик хизматининг марказий девони, Давлат хавфсизлик хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, уларнинг туманлар (шаҳарлар) бўйича бўлимлари (бўлинмалари), Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ва Давлат хавфсизлик хизматининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа органлардан иборат бўлади. Давлат хавфсизлик хизматига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади. Давлат хавфсизлик хизмати раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади. Давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир. Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини махсус воситалар, шакллар ва услублар билан амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органидир.

Давлат хавфсизлик хизмати давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият олиб боради:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва давлат манфаатлари ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига бўлган тажовузларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига бўладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий-тарихий ҳамда бой маънавий меросини ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатларига ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникациялар ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларга шарт-шароит яратувчи омилларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

тергови Давлат хавфсизлик хизмати ваколатига киритилган жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирларининг сақланишини, махсус алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш устидан назорат қилиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

Давлат хавфсизлик хизматининг жанговарлик ва сафарбарлик шайлиги ҳолатини такомиллаштириш ҳамда сақлаб туриш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва ҳарбий ҳолат жорий қилинганда куч ва воситаларни ҳаракатларга тайёрлаш.

ДХХ ўз фаолиятида қуйидаги қонунларнинг бевосита ижроси ҳисобланади:

- “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май, ЎРҚ-848-ХII-сон Қонуни;

- “Давлат чегаралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 7 май, ЎРҚ-820-I-сон Қонуни;

- “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрь, ЎРҚ-439-II-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 1995 йил 1 апрель;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 1995 йил 1 апрель.

Шундай қилиб, давлат бошқарувининг маъмурий-сиёсий соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ўрни ва мақоми салмоқли ҳисобланиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг, ҳамда қонуний манфаатларининг эркин ва беҳавотир амалга оширилиши учун, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки ва фаолияти ҳимоясини таъминлаш учун, шунингдек давлат органларида қонунийликни таъминлаш мақсадларида уларга шароит яратишга хизмат қиладиган расмий органларнинг қонуний фаолиятидир.

Ушбу йўналишдаги давлат бошқаруви органлари тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳам амалга оширади. Ушбу масалалар тўғрисида кейинги бобимизда атрофлича тўхталамиз.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат мукофотларига номзодларни тақдим этиш тўғрисида барча вазирлик ва давлат идораларига топшириқ келиб тушди. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ўз тизимида меҳнат қилувчи икки юздан ортиқ номзодларнинг руйхатини тайёрлаб, ушбу масалани Вазирликнинг коллегиясида кўриб чиқишга қарор қилинди. Коллегияда кўриб чиқиш давомида номзодлардан бири – мудофаа соҳасида 35 йиллик меҳнат стажига эга бўлган Қашқадарё вилояти Китоб туман мудофаа бўлимида фаолият олиб боровчи подполковник А эди. Аммо коллегия бошланишидан бир ҳафта аввал подполковник А нинг ўғли Б маст ҳолда йўл транспорт ходисасини содир этиб, мазкур масала юзасидан суд жараёни олиб борилаётганлиги туфайли, коллегия аъзоларидан бири А ни давлат мукофоти руйхатидан чиқариб ташлашни таклиф этди. Натижада А номзодлар руйхатидан олиб ташланди. Номзодлар руйхатида ўз фамилияси борлигидан хабардор бўлган подполковник А коллегия қароридан норози бўлди ва Вазир билан учрашди. Аммо вазир қарор қабул қилинганлигини таъкидлаб, у ўзгармаслигини таъкидлади.
1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Давлат мукофотларига номзодларни тақдим этиш тартиби ва номзодларни аниқлаб олиш билан қандай орган шуғулланишига ойдинлик киритинг.

3. Ота ҳаракатлари учун фарзанднинг ёки фарзанд ҳаракатлари учун отанинг жавоб беришга масъуллигининг ҳуқуқий асослари мавжудми?

6-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кресвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Маълумотлар махфийлигини таъминлаш ва уларни аниқлашни ўргатувчи фан. 2. Жанубий-ғарбий ҳарбий округ – Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. 3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита кимга бўйсинади? 4. Хорижий давлатларнинг судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат бошқаруви органи.

Энига: 1. Марказий ҳарбий округга тааллуқли бўлган вилоят номи. 2. “Тинчликни ҳохласанг, урушга тайёрлан” деган иборанинг эгаси. 3. Нотариуснинг фаолият юритиш ҳудуди номи. 4. Маъмурий-сиёсий соҳадаги давлат бошқаруви органининг қисқартирилган номи. 5. Маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш деб маъмурий-сиёсий соҳадаги ваколатли давлат органларининг жамият ва давлат ҳавфсизлигини, фуқароларнинг оммавий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонуний фаолияти тушунилади. 6. Бир давлат Ҳукуматининг бошқа давлат Ҳукуматига расмий дипломатик мурожаати номланиши.

			1				2							4	
											3				
		1													
							5								

2															
	3														
											6				
			4												

VII БОБ. МАЪМУРИЙ ПРОЦЕСС

7.1. Маъмурий процесс тушунчаси, моҳияти ва турлари

Маъмурий процесс тушунчаси анча кенг тушунча бўлиб, у бутун ижро ҳокимияти органларида амалга ошириладиган жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Маълумки, ҳар қандай давлат бошқаруви органининг кундалик фаолиятида бошқарувга оид ишлар, тартиб таомиллар билан боғлиқ масалалар, шикоятларни ўрганиш ва деликтлар билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқишни амалга оширади.

Маъмурий процесс тушунчаси ўз мазмунига кўра, жиноят процесси, иқтисодий процесс ёки фуқаролик процесси тушунчаларидан тубдан фарк қилади. Охирги учта процесс – бевосита суд жараёни билан боғлиқ бўлган процессларни назарда тутиб, унда у ёки бу ишни ҳал қилиш масаласи кўриб чиқилса ва бу масалаларни фақат суд ҳокимияти органлари амалга оширса, маъмурий процессда давлат бошқаруви органлари қонун доирасида “қоида белгиловчи” мақомида иштирок этади. Шунингдек, маъмурий процессда ҳар доим ҳам у ёки бу низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган масала кўрилавермайди. Ушбу тушунчаларнинг фарқлари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун №6 жадвалга қаранг.

№6 жадвал

Маъмурий процесс	Хусусиятлари	Суд (жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий) процесси
Маъмурий (давлат бошқаруви) органлар томонидан амалга оширилади	Асосий иштирок этувчи субъект	Суд органлари томонидан амалга оширилади
-Бошқарувга оид; -тартиб таомилларга оид; -мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатларига оид; -маъмурий жавобгарликка оид.	Иш мазмуни	Жиноят, ҳуқуқбузарлик ёки фуқаролик даъво масалалари (деликтлар)
Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатлари ва маъмурий жавобгарликка оид ишлар юқори турувчи маъмурий органлар томонидан кўриб чиқиши мумкин.	Қайта кўриб чиқиши	Апелляция, кассация ва назорат тартибида
Қонун нормаларини ижро этиш	Мақсад	Одил судловни таъминлаш
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки маъмурий акт	Қабул қилинадиган ҳужжат тури	Суд ҳукми, қарори ва ажримлар

Масъул мансабдор шахслар, мансабдор шахс ва манфаатдор шахс (аризачи)	Асосий иштирокчилар	Даъвогар ва жавобгар, айбланувчи ва жабрланувчи
---	---------------------	---

Демак, **маъмурий процесс** – бу бошқарув, давлат хизматини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган оммавий бошқарув органларининг кундалик амалга оширадиган қонуний фаолиятига айтилади.

Маъмурий процесс билан ҳар қандай оммавий бошқаруви органи ҳар куни шуғулланадиган ва такрорланиш хусусиятига эга бўлган қонуний тартибга солинган жараён тушунилади. Маъмурий ҳуқуқнинг умумий назариясига таянган ҳолда маъмурий процессни қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин.

- Бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс;
- Тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс;
- Юстициявий маъмурий процесс;
- Юрисдикциявий маъмурий процесс.

Маъмурий процесс тушунчасини бундай қисмларга ажратиш унинг моҳиятини тушунишга, маъмурий органлар фаолиятига ҳуқуқий баҳо беришга имкон яратади. Ўз даврида таниқли рус ҳуқуқшунос олими В.Д.Сорокин бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс қуйидаги белгиларини таъкидлаб ўтиб, маъмурий ҳуқуқ соҳасида катта из қолдирган эди:

- аниқ бошқарув-ҳуқуқий табиатига эга;
- ижро ҳокимияти фаолиятининг юридик шакли ҳисобланади;
- асосан ижро ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;
- маъмурий ҳуқуқнинг моддий нормалари амалга оширилишини таъминлайди¹.

Таъкидлаш жойизки, бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс ҳар қандай оммавий бошқарув органининг асосий фаолият турларидан биридир. Бунда оммавий бошқарув органи “ўз ўзини” тартибга келтиради,

¹ Сорокин В.Д. Проблемы административного процесса. – М.: Юрид лит. 1968.

бошқарув жараёнини такомиллаштиришга, жисмоний ва юридик шахсларга янада самарали ва сифатли хизмат кўрсатиш учун шарт шароитларни яратишга қаратилган бўлади. Бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс тушунчасини аниқроқ англаш учун бир қатор мисолларни келтирамиз.

Мисол учун,

Оммавий бошқарув органининг номи	Оммавий бошқарув органининг ваколатлари
Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси	1) ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш; 2) ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, геодезия ва картография фаолияти самарадорлигини кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 3) давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар давлат кадастрини, шунингдек, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш; 4) давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; 5) учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилиш, геодезия маълумотлари ва картография материалларидан фойдаланган ҳолда сунъий йўлдош навигация тизими ишлашини таъминлаш; 6) аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинamik

	тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда, картографик мониторингни амалга ошириш; 7)кўчмас мулк объектларининг электрон маълумотлар базасини, кўчмас мулк баҳосини бозор қийматида баҳолашга босқичма-босқич ўтиш учун давлат кадастрлари геоахборот тизимларини яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш; 8)ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро грантларни жалб этиш; 9)ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари бўйича тизимли равишда кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни таъминлаш.
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	1) транспортнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тармоғига интеграциялаштириш ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланиш асосида биргаликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш; 2) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш; 3) халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш; 4) бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот

	технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимининг бири-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 5) автомобил йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатини ҳисобга олган ҳолда, автомобил йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, куриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш; 6) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобидан жаҳон транспорт хизматлари бозорида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини таъминлаш; 7) транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.
--	--

Юқоридаги жадвалда келтирилган ҳар иккала давлат бошқаруви органининг вазифалари бошқарувга оид ҳисобланади. Эътибор берсангиз ўз соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, тегишли дастурларни тайёрлаш, инфратузилма ва логистикани ёки кадрлар малакасини ошириш каби ўз тизимини, яъни “ўзини ўзи” такомиллаштиришга қаратилган масалларни қамраб олган. Шу сабабли ҳам бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс уларнинг кундалик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда маъмурий процесснинг ушбу қисми ҳуқуқий асослари, асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Мавжуд қонунлар ҳам оммавий бошқарувнинг у ёки бу қисмига тааллуқли бўлиб, ижро ҳокимияти тизимидаги барча оммавий бошқарув органларини қамраб олмаган.

Қуйидаги қонунлар оммавий бошқарув органларида бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесснинг қонуний асослари сифатида тақдим этилади:

- “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни;
- “Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2002 йилдаги ЎРҚ-436-II-сон Қонуни;
- “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 йилдаги 474-I-сон Қонуни;
- “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 18.10.2018 йилдаги ЎРҚ-502-сон Қонуни;
- “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 26.12.2008 йилдаги ЎРҚ-195-сон Қонуни;
- “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.1993 й. ЎРҚ-913-XII-сон Қонуни;
- “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги ЎРҚ-257-II-сон Қонуни;
- “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2018 йилдаги ЎРҚ-471-сон Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси 2014 йил 1 январь;
- Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодекси 2002 йил 7 май;
- Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси 1999 йил 1 апрель;
- Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 1998 йил 1 июль;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодекси 1997 йил 1 октябрь ва бошқалар тааллуқлидир.

Маъмурий процесснинг ушбу қисмини нисбатан барча оммавий бошқарув органларини яхлит қамраб олган қонун бу “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 май, ЎРҚ-369-сон Қонунидир. Мазкур қонун номланиши шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Юқоридаги қонунлардан

руйхатидан маълумки, ушбу йўналишнинг ҳуқуқий асослари асосан махсус, моддий қонунлар билан тартибга солинган. Мазкур тизимнинг янада самарали ишлаши учун ва ушбу йўналишда қонуности ҳужжатларини қисқартириш учун “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш лозим. Шунда, турли ҳил соҳалардаги давлат хизматчиларининг мақоми аниқ белгиланар ва фаолияти доираси кокретлашар эди. Бу эса пивовардида уларнинг ваколатлари доирасини, маъмурий процесснинг кейинги босқичи қандай натижалар олиб келиши мумкинлигини баҳолаш, самарали жамоатчилик назоратини олиб бориш имкони пайдо бўлади.

Демак, **бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс** – бу оммавий бошқарув органининг ўз тизимини такомиллаштиришга ва иш самарадорлиги ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар йиғиндиси тушунилади.

Маъмурий процесснинг кейинги тури тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс деб номланиб, бунда оммавий бошқарув органлари бевосита жисмоний ва юридик шахсларнинг сертификат, лицензия ва рухсатномалар олиш ёки руйхатга туриш ҳамда бошқа давлат хизматлари билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишига айтилади. Ушбу йўналишда қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий-тартиб таомиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ундан ташқари маъмурий процесснинг ушбу тури моддий қонунларига қуйидагилар тааллуқлидир:

- “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 5 май, 71-II-сон Қонуни;

- “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 декабрь, ЎРҚ-341-сон Қонуни;

- “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрь, 1006-XII-сон Қонуни тааллуқли.

Маъмурий процесснинг ушбу тури бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессдан фарқланувчи хусусияти шундаки, бунда оммавий бошқарув органлари бевосита аҳоли билан, жисмоний ва юридик шахслар билан ишлайди, уларга хизмат кўрсатади, уларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлайди. Аввал таҳлил қилган маъмурий процесс турида эса, асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимининг ўз ичидаги жараёни кузатган эдик.

Тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессни аниқ мисолларда тушуниш учун қуйидаги жадвални эътиборингизга ҳавола этамиз. Бунда тизимлиликни таъминлаш мақсадида юқоридаги жадвалда акс этган давлат бошқаруви органлари мисолида кўриб чиқамиз.

Оммавий бошқарув органининг номи	Оммавий бошқарув органининг ваколатлари
Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси	1) геодезия ва картография ишларини руйхатга олишга рухсатнома; 2) геодезия фаолиятини лицензиялаш; 3) картографик фаолиятни лицензиялаш.
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	1) Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш; 2) темир йўл транспорти фаолиятини лицензиялаш; 3) транспорт соҳаси вакиллари аттестациядан ўтказиш; 4) транспорт соҳаси вакиллари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. 5) автовокзал паспортни бериш (автостанция).

Шундай қилиб, юқоридаги жадвалга эътибор берган бўлсангиз, ҳар иккала давлат бошқаруви органида тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс акс эттирилиган. Аввал таъкидлаганимиздек, унинг ўзига хослиги шундаки, ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари билан хусусий шахслар ўртасида бевосита мулоқот юзага келади. Бири ўз қонуний манфаатларини руёбга чиқариш учун мурожаат қилади, иккинчиси ўз ваколатлари доирасида унга хизмат кўрсатади. Шу тариқа хусусий шахслар

билан оммавий бошқаруви органлари ўртасида ижтимоий муносабат юзага келади.

Демак, **тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс** – бу оммавий бошқарув органининг ўз қонуний ваколатлари доирасида хусусий шахсларга уларнинг субъектив оммавий ҳуқуқлари таъминланишида кўрсатадиган хизмати тушунилади.

Юстициявий маъмурий процесс – ушбу катта бир жараённинг кейинги тури ҳисобланиб, бунда унинг юзага келиши тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесснинг қонунларда кўрсатилганидек аниқ бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигига боғлиқ. Агар тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессда оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектларининг ўзаро ижтимоий муносабатга киришишини инобатга олсак, яъни фуқаронинг лицензия, сертификат ёки рухсатнома олиш учун давлат бошқаруви органига қилган мурожаати натижасида давлат бошқаруви органи томонидан унинг мурожаати кўриб чиқилмасдан, асоссиз рад этилиб ёки қонунларда кўрсатилганидан ортиқ бюрократия талаб қилиниб хусусий шахснинг қонуний манфаатларига зарар етказиладиган бўлса, унда мурожаат этган шахсда ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори турувчи мансабдор шахсга ёки давлат бошқаруви органига шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд. Айнан ўша юқори турувчи мансабдор шахсга ёки давлат бошқаруви органига шикоят қилиниши натижасида бошланадиган маъмурий процесс тури – юстициявий маъмурий процесс деб номланади. Бунда юстиция¹ сўзи латин тилидаги – адолат – деган маънони билдиради. Оммавий бошқарув органларида юзага келадиган юстициявий маъмурий процессни маъмурий суд иш юритуви процессидан фарқлаш лозим. Иккала тушунча ҳам маъмурий юстициянинг алоҳида катта қисмлари ҳисобланади. Аммо бугунги кунда оммавий бошқарув органи билан хусусий шахслар ўртасида юзага келадиган оммавий-ҳуқуқий низоларни ишни судгача ҳал қилиш масаласи эътибор марказидаги масалалардан бири ҳисобланади. Яъни фуқарони судларга

¹ Қаранг. Большой юридический словарь. 621 стр.

мурожаат қилдириб, вақти ва ҳаражатининг сарфланишига олиб келмасдан, юзага келган муаммони юқори турувчи органлар томонидан кўриб қонун доирасида ҳал қилиш амалиёти устунликка эга. Зеро, маъмурий орган учун ҳам унинг ишининг судга етиб борганлиги иш самарадорлигининг мақсадга мувофиқ йўлга қуйилмаганлигининг бир кўрсаткичи ҳисобланади.

Демак, юстициявий маъмурий процесснинг юзага келиши оммавий бошқарув органи учун ортиқча иш бўлмаса ҳам, унинг камчиликларини, масъул давлат хизматчилари профессионаллик даражасининг юқори ёки паслигидан далолат берувчи шароитни юзага келтирувчи жараён ҳисобланади. Таъкидлаш керакки бугунги кунда амалиётда юстициявий маъмурий процесс билан боғлиқ жараёнлар давлат бошқаруви органлари фаолиятида тез-тез учраб турибти. Жумладан, бундай муаммолар маҳаллий ҳокимиятлар бўғинида, ички ишлар органлари тизимида кўзга ташланиб туради. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари 2018 йил 8 январда қабул қилиниб, 2019 йил 10 январдан кучга кирган “Маъмурий-тартиб таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Маъмурий шикоят бўйича иш юритиш” деб номланган 5-бобида ўз аксини топган.

Моҳиятан олиб қараганда қонунларда юстициявий маъмурий процесснинг расмий равишда мустаҳкамланганлиги, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига, “фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак” деган принципнинг амалий ифодаси деб таъкидлаш мумкин. Собиқ Иттифоқ даврида маъмурий ҳуқуқнинг ушбу қисми бўйича тадқиқотлар олиб борилмас эди. Чунки Собиқ Иттифоқ давлат кўрилиши концепциясининг ўзи, бир тарафда давлат бўлган оммавий бошқаруви органи билан иккинчи тарафда фуқаро турган хусусий шахс ўртасида конфликт юзага келиши мумкинлигини инкор этар эди¹.

Ушбу масалани мисолларда давом эттирадиган бўлсак, юқоридаги жадвални давом эттирган ҳолда, қуйидагича вазиятни моделлаштирамиз:

¹ И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай Административное право Республики Узбекистан. Общая часть Учебник. Т.: - Konsauditinform-Nashr – 2012. – С. 399.

Оммавий бошқарув органининг номи	Оммавий бошқарув органининг ваколатлари	Юқори турувчи орган
Тошкент шаҳар ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси жисмоний ёки юридик шахснинг ўнг тарафдаги жадвалда кўрсатилган мурожаатларини асоссиз рад этди <u>ёки</u> Тошкент шаҳар Миробод туман ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси жисмоний ёки юридик шахснинг ўнг тарафдаги жадвалда кўрсатилган мурожаатларини асоссиз рад этди	1) геодезия ва картография ишларини руйхатга олишга рухсатнома беришни асоссиз рад этди; 2) геодезия фаолиятидаги лицензияни номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйди; 3) картографик фаолиятни лицензиялаш учун талаб қилинадиган ҳужжатларга мос бўлмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш. 1) геодезия ва картография ишларини руйхатга олишга рухсатнома беришни асоссиз рад этди; 2) геодезия фаолиятидаги лицензияни номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйди; 3) картографик фаолиятни лицензиялаш учун талаб қилинадиган ҳужжатларга мос бўлмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш.	Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳукуқий низони кўриб чиқиши мумкин. Тошкент шаҳар ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳукуқий низони кўриб чиқиши мумкин.
Қашқадарё вилояти транспорт бошқармаси автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни ташишни рад этди	1) Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарларaro ва халқaro йўналишлар бўйича ташиш асоссиз рад этиш; 2) темир йўл транспорти фаолиятини лицензиялашни асоссиз кечиктириш; 3) транспорт соҳаси вакиллари аттестациядан ўтказмаслик; 4) транспорт соҳаси вакиллари тайёрлаш ва	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳукуқий низони кўриб чиқиши мумкин.

	қайта тайёрлашда бюрократияга йўл қуйиш; 5) автовокзал паспортни беришни (автостанция) қонунлардаги муддатлардан ҳам кечиктириш.	
--	---	--

Демак, **юстициявий маъмурий процесс** – бу оммавий бошқарув органи томонидан қабул қилинган маъмурий актга¹, давлат хизматчисининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан хусусий шахс томонидан ўз субъектив оммавий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида шикоят қилиниши натижасида юзага келадиган, ҳал қилиниши мазкур орган раҳбарияти ёки юқори турувчи органлари ваколатига тааллуқли бўлган маъмурий орган фаолиятида адолат ва қонунийликни таъминлашга қаратилган жараёндир.

Маъмурий процесснинг тўртинчи тури бу бевосита деликтлар билан боғлиқ бўлган жараён бўлиб, бунда хусусий шахслар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тегишли оммавий бошқарув органининг таъсир чораси кўрилади. Деликтлар билан боғлиқ бўлган ишларни юритишга ҳар қандай оммавий бошқаруви органи ваколатли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда улар аниқланган ҳуқуқбузарлик факти тўғрисида Ички ишлар органларига ёки тегишли бошқа оммавий бошқарув органига хабар бериши мумкин. Маъмурий ҳуқуқ фани доирасида ушбу маъмурий жараён – юрисдикциявий маъмурий жараён деб юритилади.

Юрисдикциявий маъмурий процесснинг асосий вазифалари:

- фуқаролар соғлиғи ва ҳаёти, шаъни ва қадр қимматини, шунингдек мулкни ҳимоя қилиш;
- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний фаолияти учун зарур шарт шароитларни яратиш;
- жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш;
- табиий муҳитни муҳофаза қилишни;
- ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни;

¹ Маъмурий акт тушунчаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан дасрлигимизнинг X бобида танишишингиз мумкин.

- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

Таъкидлаш ўтиш жойизки, замонавий маъмурий ҳуқуқ назариясида маъмурий жавобгарликлар билан боғлиқ бўлган ишларни ўрганиш Жиноят ҳуқуқи тармоғига ўтказилган бўлсада, аксарият оммавий бошқарув органларининг қонунан ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишга доир ваколатлари мустаҳкамланганлигини эътиборга олсак, юрисдикциявий масалалар юзасидан иш юритиш тартиби, масъул мансабдор шахсларнинг ваколатлари масалаларини маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Унинг ҳуқуқбузарликка оид таъсир чорасини танлаш, асосий ва қўшимча таъсир чораси масалалари, оғирлаштирувчи ва енгиллаштиришувчи ҳолатлар, ҳуқуқбузарлик элементлари билан боғлиқ бўлган масалаларни, табиийки жиноят ҳуқуқи тармоғи ихтиёрида қолгани мақсадга мувофиқ.

Маъмурий процесс ушбу турининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ташкил этади. Назарий фикрларимизни амалий мисоллар билан мустаҳкамлайдиган бўлсак, юқоридаги жадвалдаги иккита давлат бошқаруви органи мисолида ўрганишни давом эттираемиз.

Оммавий бошқарув органининг номи	Оммавий бошқарув органининг юрисдикциявий маъмурий процессдаги ваколатлари
Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси	МЖТКнинг 266 ¹ моддасига кўра, 65-моддаси “Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш”, 68-моддаси “Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш”, 68 ¹ -моддаси “Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик”

	ва 69-моддаси “Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари МЖТКнинг 121-моддаси “Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш”, 122-моддаси “Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш”, 123-моддаси “Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш”, 124-моддаси “Транспортда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш”, 142-модданинг учинчи қисми “Троллейбусда, трамвайда, метрополитенда, автобусда, маршрут таксисида портловчи, тез алангаланувчи, заҳарловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёларни олиб юриш”, 143-моддаси “Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш”, 144-моддаси “Транспортда чиптасиз юриш”, 145-моддаси “Йўловчиларни чиптасиз ташиш”, 146-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари “Темир йўлнинг юк ташиш учун мўлжалланган қатнов таркибига, контейнерларга, сузувчи ва бошқа транспорт воситаларига, шунингдек юк ташувчи мосламаларга шикаст етказиш”, “Ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерларнинг, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарининг пломбаларига ва бекиткич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринларига ва юк ўрамаларига, пакетларига, юк қўраларининг, темир йўл станцияларининг, юк автомобиллари станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг) ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек тегишли рухсати бўлмайд туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), портлар (пристанлар), шлюзларнинг юк турган ҳудудларига (жойларига) ва юқорида зикр этилган омборларга кириш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.

Н.Г.Салишеванинг фикрича маъмурий процесснинг юрисдикциявий қисми маъмурий органларнинг ўзаро хизмат бўйсинувига эга бўлмаган

маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари орасида юзага келган баҳсли вазиятни ҳал қилиш ва маъмурий таъсир чорасини қўллашга қаратилган фаолиятidir.

Шундай қилиб, **юрисдикциявий маъмурий процесс** – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек жамоат тартиби ва хусусий шахсларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган оммавий бошқарув органларининг қонуний фаолиятidir.

Ёдда тутинг!

Маъмурий процесс – бу бошқарув, давлат хизматини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган оммавий бошқарув органларининг кундалик амалга оширадиган қонуний фаолиятига айтилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори институт бош бухгалтерига “Навруз” умумхалқ байрми муносабати билан республика бюджетидан ажратилган 42 млн сўм ҳодимларга бир марталик рағбатлантириш пулини, зарурат юзасидан Институт томонидан тайёрланган янги авлод дасрлигини чоп эттириш учун сарфлашни буюрди. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш баёнига кўра, “Навруз” байраига қадар мазкур дасрликни чоп эттириш мажбуриятини олганлигидир. Мазкур дарслик учун мўлжалланган пуллар эса Молия вазирлиги томонидан апрель ойида янги смета асосида тушириб берилиши ваъда қилинган. Ректорнинг таъкидлашича дарслик учун апрель ойида ажратиладиган пулни ҳодимларга “Навруз” байрами муносабати билан тарқатилади. Аммо бундай ҳаракат бош бухгалтерга умуман маъқул келмади ва ректорнинг ноқонуний кўрсатмасини бажармаслигини таъкидлади. Натижада ректор ва бош бухгалтер ўртасида низо келиб чиқди. Ушбу низоли вазиятни Институт юрисконсулти қонуний асосларда, ҳар икала тарафга зарар етмайдиган тарзда ҳал қилди.

- 1. Институт юрисконсулти ушбу масалани қандай қилиб, қонуний ҳал қилганлигини тушунтиринг.**
- 2. Ушбу вазият маъмурий процесснинг қайти гуруҳига тааллуқли?**
- 3. Вазиятга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб беринг.**

7.2. Иқтисодий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс

Аввалги параграфимизда таъкидлаганимиздек, маъмурий процесс жуда кенг тушунча бўлиб, у барча оммавий бошқарув органлари фаолиятида учрайди ва қонуний тартибга солинган жараён ҳисобланади. Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органлари ҳам бундан мустасно эмас. Маъмурий процесснинг аввалги параграфдаги таҳлил қилган таснифланиши ушбу соҳада ҳам бирдек тааллуқлидир. Яъни бошқарувга, тартиб-таомилларга оид, юстициявий ва юрисдикциявий туркумланишни иқтиодий соҳада ҳам қўллаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўплаб олимлар Маъмурий ҳуқуқнинг умумий қисмини ёритишга эътибор қаратади. Чунки унинг махсус қисми жуда катта динамик ўзгарувчанликка эга бўлиб, кўпроқ амалий характер касб этади. Маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисми иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий-сиёсий соҳадаги давлат бошқаруви органларининг амалдаги фаолиятини, уларнинг функция ва вазифаларини, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, давлат бошқаруви органларининг тузилишини ўрганишни тақазо этади. Бу эса глобаллашув жараёни тезлик билан кечаётган, ижтимоий муносабатларнинг тури ва мазмуни кўпайиб бораётган замонда табиий равишида оммавий бошқарув органларининг ҳам функция ва вазифаларида ўзгаришларга олиб келади. Л.Б.Хваннинг фикрича, ушбу соҳа барқарорликка эга эмас эди, шунинг учун ҳам кўплаб тадқиқотчилар тез ўзгараётган қонунчиликнинг барчасини шу жумладан маъмурий қонунчиликни ўрганиб, таҳлил қилиб улгуриш мумкин эмас деб ҳисоблар эди¹. Шу билан бирга Маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисмини маъмурий процесс тушунчаси нуқтаи назаридан ўрганиш, амалий характерга эга бўлган ушбу қисмни нисбатан тартибли ва тизимли ўрганиш имконини беради.

¹ Л.Б. Хван Административное право Республики Узбекистан. Особенная часть Курс лекций. Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR. 2010 – С. 16.

Мазкур дарслигимиз ҳам асосан махсус қисм мазмунини кенгроқ ва илмий нуқтаи назардан талқин қилишга, шу билан бирга амалий мисоллар билан тушунтиргга қаратилган. Хусусан, IV-XI бобларнинг барчаси Маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисмига оид бўлган маълумотларга эга. Жумладан ушбу бобимиз ҳам. Демак, иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги маъмурий процессни тўрт гуруҳга ажратамиз. Булар,

- бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс;
- тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс;
- юстициявий маъмурий процесс;
- юрисдикциявий маъмурий процесс.

Ушбу туркумланишларнинг барчасига аввалги параграфимизда таъриф бериб ўтдик. Мазкур таърифлар уларнинг қайси соҳада қўлланилишидан қатъий назар бирдек тааллуқлидир. Иқтисодий соҳадаги **бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга** қуйидагилар мисол бўлади:

Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга тегишли ваколатлари
Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш; 2) Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш; 3) рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва беғараз техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш; 4) аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда

	қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш; 5) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш; 6) қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш; 7) қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда кимёвий препаратларни ҳисобга олиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш; 8) таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялаштиришни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.
Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси	1) мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш; 2) туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, Ўзбекистон Республикасининг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш; 3) ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, туризм турларининг кенг доирасини жадал ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини

	ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш; 4) туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор муносабатлари асосида тартибга солишни мақбуллаштириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга қаршилик қилаётган барча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш; 5) туризм фаолияти соҳасида биринчи навбатда БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	1) давлат активларини самарали бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш; 2) ўзига берилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқларини амалга ошириш; 3) илғор хорижий тажриба асосида давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув шакл ва усулларини жорий қилиш, уларни бошқаришда кузатув кенгаши ва акциядорларнинг ролини тубдан ошириш; 4) давлат иштирокидаги корхоналарни, шу жумладан халқаро молия институтлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган, самарали корхоналарга айлантиришга кўмаклашиш; 5) давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бошқарув тузилмасини оптималлаштириш, юқори даромадлилик ва капитализацияни ошириш, соҳасига кирмайдиган ва фойдаланилмаётган активларини чиқариб ташлашга қаратилган ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни мувофиқлаштириш; 6) давлат манфаатларини таъминлаган ҳолда, шу жумладан давлат акция пакетларини (улушларини)

	ишончли бошқарувга бериш орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш; 7) давлат иштирокидаги корхоналарнинг облигация ва акцияларини чиқариш ва реализация қилиш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO/SPO бўйича эмиссияларни жойлаштириш ҳисобига, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек портфель инвестицияларни жалб қилиш; 8) давлат активларини реализация қилиш (хусусийлаштириш) ва ижарага беришнинг очиқ ва шаффоф механизмини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг қилиш, шунингдек давлат хусусий шериклик бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этиш; 9) таҳлил асосида давлат иштирокидаги фаолият юритмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш, уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш; 10) банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш; 11) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарда самарали дивиденд сиёсатини олиб бориш;
Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	1) нефть, газ, газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг миқдор жиҳатидан ва сифатли сақланишини таъминлаш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш; 2) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада нефть, нефть маҳсулотлари ва газни истеъмол қилишни қисқартириш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тадбирларини жисмоний ва юридик шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш; 3) иқтисодиёт тармоқларида давлат, тармоқ ва ҳудудий энергия тежашга йўналтирилган концепциялар ва дастурларни ишлаб чиқилиши, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тарқатиш, сотиш ва

	фойдаланиш жараёнларини самарали ташкиллаштириш масалаларида иштирок этиш; 4) нефть, газ, газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий актлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш; 5) нефть, нефть маҳсулотлари ва газ истеъмолчиларини энергетик текшириш ва экспертизадан ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш; 6) нефть, газ, газ конденсати ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича истеъмолчилар томонидан бажариладиган чора-тадбирларнинг энергетик самарадорлигини баҳолаш; 7) ёқилғи-энергетика соҳаси бўйича, шунингдек, энергияни тежаш ва энергетик самарадорликни ошириш соҳасида ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш, энергияни тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш тажрибасини ёйиш;
Жойлардаги туман ва ҳокимликлари вилоят, шаҳар	1) вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлоқ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида назоратни амалга оширадилар; 2) ҳоким вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган доирада бошқаради; 3) Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади; 4) ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда ... ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар; 5) қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

	6) вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади; 7) тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади;
“Ўзбекизоқовқатхолдинг” Холдинг компанияси	1)мева-сабзовот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг жиҳатидан тадқиқ қилиш ва бу асосда соҳани келгусида ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш; 2) юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган юқори қўшимча қийматли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида соҳа корхоналарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чуқур қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологияларни жорий қилишни ташкил этиш; 3)қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, қайта ишловчи корхоналар, тайёрлов ва савдо ташкилотлари ўртасида бозор муносабатлари асосида тайёрлаш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва савдони ўз ичига олган ҳамда қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат хом ашёсини сотувга қаратилган замонавий логистикани кенг жорий этиш; 4)илғор хоржий технологиялар ва дизайндан фойдаланган ҳолда замонавий қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; 5)гўшт, сут, мева-сабзовот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга юқори самарали инновацион технологияларини жорий этиш ва бу мақсадларда, стратегик хорижий инвесторларнинг туғридан-туғри инвестицияларини жалб этиш; 6)қайта ишланган мева сабзовот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг ҳалқаро замонавий тизимларини жорий этиш;

Юқоридаги жадвалдаги оммавий бошқарув органларининг барчаси иқтисодий соҳадаги органларга тааллуқлидир. Уларнинг ичида давлат

бошқаруви органи, хўжалик бошқаруви органи ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳам кўрсатилган. Уларнинг барчасининг умумий ва илмий номланишини – оммавий бошқарув органлари¹ деб номлаш мақсадга мувофиқ. Зеро уларнинг барчаси бевосита давлат иштирокида ташкил топган.

Ушбу жадвалдаги оммавий бошқарув органлари ваколатларининг барчаси, бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс ҳисобланади. Зеро эътибор берган бўлсангиз унда асосан тегишли соҳада давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, дастурларни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш, тегишли соҳада инновацион бошқарув ва самарадорликни ошириш чораларини кўриш каби “ўз-ўзини” тартибга солишга, такомиллаштиришга қаратилган масалалар ифодаланган. Таъкидлаш жойизки, бунда ушбу органлар юқори турувчи, қуйи турувчи, мақоми жиҳатидан ўзи билан тенг бўлган бошқа оммавий бошқарув органлари билан ҳамкорлик қилиши, маълумот алмашиниши мумкин. Яъни ушбу жараёнда “ташқаридан” бошқа бирор бир субъект аралашмайди. Бошқача қилиб таъкидлаганда, бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесснинг хусусияти шундаки, унда давлат механизмига тааллуқли бўлган органлар ўртаси бутун жараён амалга оширилади.

Моҳиятан ушбу жараённинг, яъни бошқарувга оид бўлган маъмурий процесснинг ўзи ҳам катта кўламга эга бўлганлиги учун уни қуйидаги кичик гуруҳларга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

- бошқарувга оид бўлган маъмурий процессдаги интернал жараён;
- бошқарувга оид бўлган маъмурий процессдаги вертикал жараён;
- бошқарувга оид бўлган маъмурий процессдаги горизонтал жараён.

Интернал жараёнда оммавий бошқарув органи раҳбари ўзи бевосита раҳбарлик қиладиган ташкилотда бошқарувга оид ишларни йўлга қуйиш билан шуғулланишини тушунишимиз мумкин. Бунга, мисол сифатида ташкилотнинг йиллик режаларни тайёрлаш, даврий ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ташкилот тузилмаларига раҳбарлар ва масъулларни

¹ Бу тўғрисида II бобнинг 2.1. параграфида батафсил маълумот олишингиз ҳамда 2 чизмада визуал кузатишингиз мумкин.

тайинлаш ва уларнинг ротациясини амалга ошириш, ўз ўринбосарлари орасида вазифаларни тақсимлаш каби ташкилотнинг ички масалаларига оид ҳаракатларни тушунамиз. Ушбу интернал жараён билан боғлиқ бўлган масалалар оммавий бошқарув органларининг Низомларида мустаҳкамланади ва унинг умумий пировард мақсади ташкилотга қонунан юклатилган функция ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлади.

Вертикал жараёнда, мазкур оммавий бошқарув органи, ўзидан юқори турувчи орган билан ўз вазифаларига оид бўлган масалалар юзасидан топшириқлар олиши, дастурларни келишиши, ўз соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни маслаҳатлашиши каби масалалар амалга оширилади. Бундан ташқари вертикал жараёнда мазкур оммавий бошқарув органининг қуйи турувчи органлари билан бўладиган муносабатларини ҳам тушуниш керак. Бунда мазкур орган ўз тасарруфидаги органларга уларнинг йиллик даромадлари ва ҳаражатлари сметаларини умумлаштиришига оид, у ёки бу давлат хизматчиларини лавозимга тайнлаш ёки озод этиш масалаларига оид, қуйи турувчи ташкилотнинг самарадорлигига оид ҳисоботларини кўриб чиқиш ва маълум топшириқлар беришга оид бўлган муносабатларга киришишини тушунишимиз мумкин.

Горизонтал жараёнда мақоми жиҳатидан бир бирига тенг бўлган ёки бевосита бир тизимга кирмайдиган икки ёки ундан ортиқ оммавий бошқарув органлари ўртасидаги бошқарувга оид бўлган муносабатлар тушунилади. Мисол учун юқоридаги жадвалда “Ўзбекозиқовқатхолдинг” Холдинг компанияси мақоми жиҳатидан хўжалик бошқаруви органининг мева-сабзовот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг жиҳатидан тадқиқ қилиш ва бу асосда соҳани келгусида ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқиш ваколатига эга. Демак, ушбу орган ўзининг фаолиятига оид бўлган ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишда беихтиёр бошқа манфаатдор оммавий бошқарув органлари билан маслаҳатлашади, маълумотлар олади, статистикани ўрганади, ички ва ташқи бозор конъюнктурасини ўрганади ва

хакозо. Бошқа манфаатдор оммавий бошқарув органларига Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги каби давлат бошқаруви органларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу органларнинг барчаси “Ўзбекизоқовқатхолдинг” Холдинг компаниясига бевосита алоқаси бўлмаган ёки унинг ёқори турувчи органи мақомига эга эмас. Уларни фаолиятларининг ўхшашликлари бирлаштириб туриши мумкин. Шу сабабли ҳам шу каби муносабатлар – бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессдаги горизонтал жараён деп тушунишимиз мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс жуда катта ижтимоий муносабатларни ўз ичига қамраб олишини кўриш мумкин. Бироқ, ушбу жараён оммавий бошқарув органлари фаолиятининг катта қисмини эгалласа ҳам бу улар амалга оширадиган ягона фаолият тури эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, маъмурий процесснинг кейинги тури – бу **тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс** ҳисобланиб, бунда оммавий бошқарув органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида уларга лицензиялар, сертификатлар, рухсатномалар бериш ёки руйхатга қуйиш билан боғлиқ бўлган давлат хизматларини кўрсатишини тушуниш жойиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оммавий бошқарув органларидаги маъмурий процесснинг айнан ушбу тури алоҳида аҳамиятга эга, чунки ушбу жараёнларда оммавий бошқарув органининг қанчалик самарали ва сифатли ишлаши, аҳолига тегишли давлат хизматларини кўрсатиш “маҳорати” кўринади. Натижада мурожаат қилувчи ўзига кўрсатилган давлат хизматларининг самарадорлиги ва сифатига қараб ушбу органга баҳо беради. Бошқача қилиб таъкидлаганда, “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” принципининг амалий ифодаси ушбу жараёнда кўзга ташланади. Миллий олимларимиздан бири И.М.Цайнинг таъкидлаганидек, тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган жараён оммавий бошқарувнинг олдинги “фронти” ҳисобланиб, оммавий бошқарув органининг

барча соҳа ва йўналишларидан ўтиб келади. Шунинг учун ҳам, давлатнинг имиджи унинг давлат хизматларини кўрсатиш сифати билан баҳоланади¹.

Назарий фикрларимизни амалий мисоллар билан мустаҳкамлаш учун юқоридаги жадвалда қайд этилган оммавий бошқарув органлари мисолида тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессни кўрсатамиз.

Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга тегишли ваколатлари
Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ушбу орган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессни амалга оширмайди, яъни лицензия, сертификат, рухсатнома, руйхатга олиш ва бошқа давлат хизматлари турлари билан шуғулланмайди.
Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси	1)туропреторлик фаолиятига лицензия бериш; 2)меҳмонхоналарни руйхатга олиш; 3)туризм хизматларини сертификатлаштириш.
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	1)Суд бошқарувчилари учун аттестат бериш; 2)Давлат мулкларини ижарага бериш; 3)Алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани, шу жумладан идораларга қарашли уй-жой фондига тегишли бўлган уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани хусусийлаштирган фуқароларга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини бериш; 4)Риелторнинг малака сертификатини бериш; 5)Давлат активларига эгалик ҳуқуқи тўғрисида ордер бериш; 6)Давлат активларига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер дубликатини бериш.
Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	1)Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш; 2) Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек, техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш; 3) Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш.

¹ И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть Учебник. Т.: - Konsauditinform-Nashr – 2012. – С. 278.

Жойлардаги вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимликлари: 1) нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш; 2) дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш; 3) риэлторлик фаолиятини лицензиялаш; 4) оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш; 5) ер майдонини қайтариб олиш рўғрисида қарор чиқариш; Туман ва шаҳар ҳокимликлари: 1) улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш; 2) турар жой ҳудудини нотураржойга айлантиришга рухсатнома бериш; 3) оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш; 4) ўрмон фондида кирмайдиган ёғоч ва бута экинларини кесиш учун рухсатнома бериш; 5) сайёр савдони амалга оширишга рухсатнома бериш.
“Ўзбекизоқовқатхолдинг” Холдинг компанияси	Ушбу орган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессни амалга оширмайди, яъни лицензия, сертификат, рухсатнома, руйхатга олиш ва бошқа давлат хизматлари турлари билан шуғулланмайди.

Ушбу оммавий бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг барчаси тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ушбу қонун қабул қилинишига қадар мазкур масалаларнинг барчаси тегишли орган ишлаб чиққан Низомлар ва регламентлар билан тартибга солиниб келинган. Мазкур регламент ва Низомларнинг аҳамияти бугунги кунда ҳам сақланиб қолинмоқда, зеро аксарият давлат хизматчиларида “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида ишлаш бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқариши тайин. Чунки, мазкур қонундаги принциплар масъул мансабдор шахсларни шаффоф ва ортиқча бюрократик овозагарчиликларсиз ишлашга мажбур этмоқда. Бу масаллар албатта илмий доираларда бўлиб ўтадиган масалалар ҳисобланади. Асосий масала оммавий

бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган турли хил йўналишлардаги тартиб-таомилларнинг қонуний тартибга солинганлигини англаб етиш ва қонунга таяниш туйғусини шакллантириш пировард мақсаддир.

Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятида уларнинг тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган жараёнларни қанчалик самарали ва мурожаат этувчилар учун қулай ва қонуний амалга ошириши ёки оширмаслигига қараб, юстициявий маъмурий процессга зарурат туғилади. Аввалги параграфимизда таъкидлаганимиздек, юстициявий маъмурий процесс – бу оммавий бошқарув органи томонидан қабул қилинган маъмурий актга¹, давлат хизматчисининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига нисбатан хусусий шахс томонидан ўз субъектив оммавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шикоят қилиниши натижасида юзага келадиган, ҳал қилиниши мазкур орган раҳбарияти ёки юқори турувчи органлари ваколатига тааллуқли бўлган маъмурий орган фаолиятида адолат ва қонунийликни таъминлашга қаратилган жараёндир. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда амалиётда оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги низоларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар иштирокида рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига кўра, фуқароларнинг мансабдор шахслар ҳатти-ҳаракати устидан маъмурий судга киритган аризалар натижасида бир йилда ҳокимларнинг 685 та (олти юз саксон бешта!) қарори ҳақиқий эмас, деб топилган². Биргина Самарқанд вилоятининг ўзидан 60та ҳоким қарори бекор қилинган. Ҳақиқий эмас деб топилган 60 та ҳоким қароридан аксари ер олиш ва бериш билан боғлиқ бўлган³. Ушбу фактлар тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесснинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Чунки ушбу жараёнларда оммавий бошқарув органининг қанчалик

¹ Маъмурий акт тушунчаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан дасрлигимизнинг X бобида танишишингиз мумкин.

² Бир йилда ҳокимларнинг нечта қарори бекор қилинган? <http://www.xabar.uz/huquq/bir-yilda-hokimlarning-nechta>

³ Самарқандда ўтган йил давомида ҳокимлар чиқарган қарорларнинг 60 таси бекор қилинган <https://kun.uz/37900415>

самарали ва сифатли ишлаши, аҳолига тегишли давлат хизматларини кўрсатиш “махорати” кўринади. Акс ҳолда низма ва келишмоқчиликлар келиб чиқади. Айнан мана шу оммавий-ҳуқуқий низонинг юзага келиши натижасида бошланадиган жараён юстициявий маъмурий процесс деб номланади. Мисол учун:

Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга тегишли ваколатлари	Иқтисодий соҳадаги юқори турувчи оммавий бошқарув органи
Қорақалпоғистон Республикаси туризми ривожлантириш бошқармаси асоссиз ёки ортиқча бюрократик равишда	1)туропреторлик фаолиятига лицензия бериш рад этиши; 2)меҳмонхоналарни руйхатга олиш кечиктириш; 3)туризм хизматларини сертификатлаштиришда қонунларда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб этиши	Ўзбекистон Республикаси туризми ривожлантириш Давлат қўмитаси ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.
Тошкент шаҳар Давлат активларини бошқариш бошқармаси асоссиз ёки ортиқча бюрократик равишда	1) суд бошқарувчилари учун аттестат беришдан бош тортса; 2) Давлат мулкларини ижарага беришни белгиланган муддатларданда зиёдроқ кечиктирса; 3) алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани, шу жумладан идораларга қарашли уй-жой фондига тегишли бўлган уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани хусусийлаштирган фуқароларга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини беришда ортиқча қоғозбозликка йў қўйса; 4)риелторнинг малака сертификатини беришда манфаатдор шахсни асоссиз малкаси пастлигини рўқач қилса; 5)Давлат активларига эгалик ҳуқуқи тўғрисида ордер беришни кечиктирса;	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги <u>ёки</u> Тошкент шаҳар Давлат активларини бошқариш бошқармаси бошлиғи ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.

	6) Давлат активларига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер дубликатини беришда ортиқча тўловларни талаб қилса.	
Хоразм вилоят нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси асоссиз равишда	1) Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялашни кечиктирса; 2) Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек, техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш фаолиятини лицензиялашдан бош тортса ; 3) Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялашда ортиқча бюрократияга йўл қўйса	Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ёки Хоразм вилоят нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.
Жойлардаги вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари асоссиз равишда	Вилоят ҳокимликлари: 1) нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялашдан бош тортса; 2) дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашни кечиктирса; 3) риэлторлик фаолиятини лицензиялашда ортиқча бюрократик тўсиқларни яратса; 4) оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома беришда белгиланганидан ортиқ тўловларни талаб қилса;	Жойлардаги тегишли вилоят, ҳокимликлари ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.

	5) ер майдонини қайтариб олиш туғрисида ноқонуний қарор чиқариш; Туман ва шаҳар ҳокимликлари: 1) улгуржи савдо фаолиятини лицензиялашни кечиктирса; 2) турар жой ҳудудини нотураржойга айлантиришга рухсатнома беришдан бош торса; 3) оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома беришда бюрократик тўсиқларни юзага келтирса; 4) ўрмон фондига кирмайдиган ёғоч ва бута экинларини кесиш учун рухсатнома беришда ортиқча тўловларни талаб қилса; 5) сайёр савдони амалга оширишга рухсатнома беришни кечиктирса.	Жойлардаги тегишли вилоят, ҳокимликлари <u>ёки</u> туман ва шаҳар ҳокимлари ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.
--	---	--

Иқтисодий соҳада фаолият юритувчи оммавий бошқарув органларининг навбатдаги ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаларини тайёрлаш ва тегишли таъсир чорасини кўриш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу жараён илмий тилда **юрисдикциявий маъмурий процесс** деб аталади. Аваалги параграфимизда таъкидлаганимиздек, ушбу жараён фуқароларни ва юридик шахсларни, шунингдек бошқа тузилмаларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда тартиб интизомни таъминлашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу жараённинг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодекси ҳисобланади. Шундай қилиб, оммавий бошқарув органларидаги давлат хизматчилари ўзларининг функционал мансаб йўриқномалари асосида юрисдикциявий маъмурий процессга оид ишларни юритишга ваколатли бўлади. Мисол учун,


Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органининг юрисдикциявий маъмурий процессдаги ваколатлари
--	--

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси	МЖТКнинг 165-моддасига мувофиқ “Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи хужжатларсиз шуғулланиш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги	МЖТКнинг 215 ¹ -моддасига мувофиқ “Қорхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошидаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	МЖТКнинг 165-моддасига мувофиқ “Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи хужжатларсиз шуғулланиш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.
Жойлардаги вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари	МЖТКнинг 47-моддаси “Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик” 61-моддаси “Оз миқдорда талон тарош қилиш”, 116 ¹ -моддаси “Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халақит бериш”, 125-моддаси “Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш”, 126-моддаси “Қўзғусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни қўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш”, 127-моддаси “Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш”, 128-моддаси “Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги”, 128 ³ - моддаси “Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши”, 183-моддаси “Майда безорилик” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.

Ёдда тутинг!

Иқтисодий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги маъмурий процесс – бу тегишли органларнинг бошқарув, давлат хизматларини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган кундалик амалга оширадиган қонуний фаолияти тушунилади.

№6 чизма



Ташкилотнинг
бошқарувга оид

ички
масаллари



Интернал жараён

Вертикал жараён

Горизонтал
жараён

Бошқарувга оид
маъмурий процесс

Тартиб-
таомилларга оид
маъмурий процесс

Юрисдикциявий
маъмурий процесс

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

А исмли шахс Молия институтини тамомлагач, 5 йил хусусий корхонада бухгалтер лавозимида фаолият юритди. Сўнгра ўз мустақил фаолиятини бошлаш мақсадида аудиторлик билан шуғулланишни ва аудиторлик фирмасини очишни режалаштирди. У Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органларига аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лизенция олишни сўраб мурожаат қилди. Қонунларда белгиланган барча тартиб-таомилларни амалга ошириб, аудитор лицензиясига эга бўлди. Уч йил давомида KORZINKA дўконлар тармоғига, RAVNAQ BANK ва

“Узэлектротармоқлари” УКга ташқи аудит хизматини кўрсатиш билан шуғулланди, шунингдек бир қатор Иқтисодий суд процессларида эксперт сифатида иштирок этди.

1. Мазкур вазиятни назарий белгиларига кўра таснифланг. Мисол учун субъектни, маъмурий ҳуқуқ предметини, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни , юридик фактларни аниқланг.

2. Аудиторлик лицензиясини олиш тартиб-таомилларини батафсил изоҳлашга ҳаракат қилинг.

3. Казусда маъмурий процесс турларини аниқлашга ҳаракат қилинг.

7.3. Ижтимоий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс

Ижтимоий соҳа фуқароларнинг маънавий ва маданий дунёси, илми ва тафаккури билан боғлиқ бўлган соҳа бўлиб, уларнинг руҳий оламидаги эҳтиёжларни қондириш учун давлат деб номланган катта механизмнинг таркибида тегишли оммавий бошқарув органлари, уларнинг сафида эса минглаб давлат хизматчилари фаолият юритишади. Шунинг эътирофи этиш жойизки, инсонга нафақат моддий неъматлар зарур, балки маънавий неъматлар ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда давлат сиёсатининг асосий қисмини ижтимоий соҳага қаратиб, юксак натижаларга эришган давлатларда инсон қадр қиммати ва шаъни юқори даражадага кўтирилганини кузатиш мумкин. Бундай ижтимоий давлатлар қаторига Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби давлатларни мисол келтириш мумкин. Ушбу мамлакатлар ўз тарихи, маданияти, урф одати, тили, дини, спортдаги натижалари, тарихий обидаларга ва атроф муҳитга бўлган эътибори, илми ва таълими билан ҳам катта инвестицияларни жалб қилмоқда. Демак, давлат ва унинг бошқарув органлари ижтимоий соҳани қўллаб қувватлаш натижасида ҳам иқтисодий фаровонликка эришиши мумкин. Минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келган давлат механизми бугунги кунда инсоннинг маънавий оламини ҳам тартибга солишга, тизимлаштиришга, бир сўз билан таъкидлаганда уларнинг ижтимоий субъектив оммавий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тегишли давлат органларига эга. Ушбу органлар айримларининг руйхатини 5.1. параграфимизда келтириб ўтган эдик.

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органларида ҳам маъмурий процесс бошқа соҳалардаги каби тўртта йўналишда давом этади. Демак, **бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга** қуйидаги айрим оммавий бошқарув органлари тимсолида мисоллар келтирамиз:

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органида бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1)аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни вояга етказиш учун зарурий шароитлар яратиш, соғлиқни сақлаш бўйича профилактика тадбирларини ташкиллаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни таъминловчи давлат сиёсатини амалга ошириш; 2)фуқароларни малакали тиббий хизмат олиш бўйича конституцион ҳуқуқларини назорат қилиш, аҳолига тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш бўйича давлат аралашувини кучайтириш, барча кўрсатилаётган тиббий хизмат турларида аҳолининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш 3)соғлиқни сақлаш тизимидаги Концепцияни ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш бўйича нодавлат ташкилотларни, хусусий шифокорлик амалиётини ривожлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бозорни ташкиллаштириш; 4)тармоқни ислоҳ қилишдаги меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш учун зарурий шароитларни яратиш; 5)соғлиқни сақлаш бошқарув хизматининг барча турларида аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш тизимини ташкиллаштириш ва мустаҳкамлаш; 6)тиббиёт бўйича бугунги кунгача амалга оширилган энг самарали маҳаллий ва халқаро тажрибалар асосида тармоқнинг стратегияси ва истикболли ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётида илғор ҳисобланган техника ва тажрибаларни тадқиқ этиш; 7)аҳоли саломатлигини сақлашга ажратилган пул маблағларидан самарали фойдаланиш, соғлиқни сақлаш бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва мақсадли лойиҳаларни молиялаштириш учун ташқи бюджет маблағларини, чел эл сармояларини ва халқаро ташкилотлар кўмагини жалб қилиш, тиббий ёрдам кўрсатувчи профилактик муассасаларнинг ўз ўзини таъминлашга босқича-босқич ўтиши учун имкониятлар яратиш, тиббий

	суғуртани амалиётга татбиқ этиш чора тадбирларини кўриш; 8)соғлиқни сақлаш соҳаси, жумладан тиббий ёрдам кўрсатиш, дори воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, тиббий жараёнларда қўлланиладиган маҳсулотлар ва уларни мунтазам назорат қилиш жараёнлари меъёри ва мезонлари тизимини ташкил қилиш; 9)Республикага юқумли касалликларнинг кириб келиши ва уни тарқатилишининг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар ҳамкорлигида аҳолининг санитар–эпидемиологик ҳафсизлигини таъминлаш; 10)ўрта ва олий тиббий маълумот олиш тизимини, соғлиқни сақлаш бўйича халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш ва халқаро алоқани кенгайтириш тадбирларини кенгайтириш.
“Ўзбекино” Миллий агентлиги	1)кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда бу соҳани умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш; 2)кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; 3)кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, киностудиялар ва ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш; 4)“Республика кинофонди” давлат унитар корхонаси фаолиятини бугунги кун талаблари негизида ташкил этиш; 5)кинофилмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил қилиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш; 6)муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш; 7)импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофилмлар

	кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини белгилаш; 8) кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намоиш этиш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита	1) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш; 2) давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш; давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш.

Юқоридаги оммавий бошқарув органлари ижтимоий соҳада фаолият юритиб, асосий мақсади аҳолининг соғлиғини сақлаш, юқимли ва бошқа ҳаёт учун ҳавфли бўлган касалликларни бартараф этиш, фуқароларнинг маданиятини, ўзлигини англашга замин яратувчи юксак ижодий ва мазмунли кинофильмларни тайёрлашни ташкиллаштириш, фуқароларнинг эътиқод эркинлиги руёбга чиқариши учун зарур шарт шароитларни яратиш ҳамда соф, эгзуликка йўналтирилган диний таълимотлар олишини ташкиллаштириш ҳисобланади. Ушбу масалаларнинг барчаси мазкур оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс ҳисобланади.

Ушбу органлар фаолиятида ҳам бошқарувга оид бўлган маъмурий жараёни интернал, вертикал ва горизонтал кичик гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг интернал муносабатларига доирасига қуйидагилар тааллуқлидир:

- Вазир, Вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

- Вазирлик марказий аппарати штат жадвалини белгиланган ходимлар сони доирасида, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати харажатлар сметасини тасдиқлайди;
- Вазирликка ажратилган молиявий ва моддий воситаларни белгиланган тартибда тасарруф этади;
- Марказий аппаратнинг бўлинмалари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;
- Вазирлик марказий аппарати ходимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, вазирнинг ўринбосарлари, ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;
- зарурат бўлганда марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган штатдаги умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;
- Вазирлик ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Вазирлик тизими ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, шунингдек, бошқа фахрий ёрлиқлар билан тақдирлашга ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тақдим этади.

Интернал муносабатларнинг асосий хусусияти шундаки, бунда раҳбар ўзи бевосита раҳбарлик қиладиган бутун тизимга оид эмас, балки фақат ўзи кундалик фаолият юритадиган ташкилотга боғлиқ бўлган бошқарувга оид маъмурий процессни амалга ошириши назарда тутилади. Айнан ушбу мисолни юқоридаги соғлиқни сақлаш вазири мисолида кўриб чиқдик.

Вертикал муносабатларга оид маъмурий процессда эса, вазирликнинг юқори ва қуйи турувчи органлар билан бўладиган бошқарувга оид маъмурий процессни тушунишимиз керак. Мисол учун,

- Вазир, бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради¹;
- Вазирликни давлат органларида ва бошқа ташкилотларда ифодалайди ёхуд Вазирлик номидан ишончномалар ва (ёки) ваколатлар беради;
- ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомни, шунингдек, Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотларнинг уставлари ва тузилмасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;
- Вазирлик таркибига кирувчи ташкилотларнинг раҳбарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, ҳудудий бошқарув органлари ва Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;
- зарурат бўлганда Вазирлик тизимига кирадиган ҳудудий бошқарув органлари ва ташкилотларнинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган штатдаги умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;
- ҳудудий бошқарув органлари ва Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотлар ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Юқорида келтирилган масалалар вертикал бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс ҳисобланиб, унда Вазирлик Вазир бошчилигида юқори турувчи идоралар билан бўладиган муносабатлари ўз ифодасини топган (дастлабки иккита ваколат). Охирги бешта масалада эса, Вазирликнинг ўз

¹ Маълумот учун. Вазир, бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериши тўғрисидаги масала гарчан Вазирликнинг юқори турувчи идоралар билан муносабатини ифодаласа ҳам уни аслида маъмурий процессга киритиш бироз баҳсли ҳисобланади. Чунки Вазирликнинг парламентдаги чиқишларига оид ижтимоий муносабатлар Конституциявий ҳуқуқнинг предмети ҳисобланади ва тегишинча ушбу масала Парламент назорати жараёни сифатида қаралгани илмий нуқтаи назардан тўғриси ҳисобланади. Аммо, парламент аъзолари олдида чиқиш қилиш учун Вазирликнинг ўзидаги тайёргарлик кўриш жараёни – интернал бошқарувга оид маъмурий процесс деб баҳолаш мумкин.

тизимига кировчи куйи турувчи идоралар билан бўлган вертикал муносабатларини кўришимиз мумкин.

Горизонтал муносабатларда Вазирлик ўзи билан тенг бўлган бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ёки маҳаллий ҳокимликлар билан бўладиган муносабатларини тушуниш лозим. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги уларга тобе ҳам эмас, улар фаолиятини йўналтириб туриш ваколатига ҳам эга эмас. Вазирлик фақат улар билан у ёки бу ҳужжатларни келишиш, биргаликда бирор бир тадбирларни ўтказиш каби мақсадларда ҳамкорлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай бошқарувга оид муносабатлар оммавий бошқарув органларининг горизонтал муносабатлари деб юриталди. Мисол учун, Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситаларининг салоида дори қутисини жорий этиши учун унда сақланиши лозим бўлган тиббий анжомларнинг миқдори, турлари, сақлаш муддати ва бошқа талабларини келишиши мумкин. Ёки маълум бир ҳудудда диспансеризация ўтказиш учун ҳудуд аҳолиси сони, жойлашиши, аҳолисининг ўртача ёши, уларнинг соғлиғига таъсир қилувчи ҳудуддаги омилларни аниқлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан горизонтал муносабатларга киришиши мумкин.

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги кейинги муносабатлар **тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлиб**, бунда улар аҳолига маълум давлат хизматларини кўрсатишида намоён бўлади. Аввалги параграфимизда таъкидлаб ўтганимиздек, айнан маъмурий процесснинг ушбу тури катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки бунда юқоридаги жадвалда келтирганимиздек Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки “Ўзбекино” Миллий агентлиги ёинки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фуқаролар билан, яъни хусусий ҳуқуқ субъектлари билан ижтимоий муносабатларга киришади. Фуқаролар ушбу органлар билан муносабатга киришар экан, ижро ҳокимияти органлари улар (фуқаролар) билан “кўнгли тусаганича” эмас, балки қонуний муамалага киришиши кафолатланишни

истайди¹. Шунинг учун ҳам маъмурий процеснинг ушбу тури долзарб аҳамият касб этади. Юқоридаги жадвал асосида мисолимизни тизимли давом этадиган бўлсак, қуйидагини келтиришимиз мумкин.

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органида бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1) тиббий фаолият билан шуғулланишни лицензиялаш; 2) фармацевтика фаолиятини лицензиялаш; 3) Наркотик моддалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг айланиши билан боғлиқ фаолият ҳуқуқини лицензиялаш; 4) Махсус киритилган биологик фаол моддалар, янги кимёвий моддалар, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластмасса, парфюмерия ва косметика маҳсулотларини олиб кириш ва ишлаб чиқариш учун рухсатнома бериш; 5) Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини рўйхатга олиш гувоҳномаси; 6) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни транзит қилишга рухсатнома; 7) Ўзбекистон Республикасидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат.
“Ўзбеккино” Миллий агентлиги	1)Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш фаолияти турларини лицензиялаш; 2)Киновидеомаҳсулотлар ижараси фаолиятини лицензиялаш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита	1)Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган диний таълим муассасаларига махсус рухсатнома (лицензия) бериш учун ҳужжатларни расмийлаштириш; 2) Мадраса мудирлари ва мударрисларининг малака ошириш курсларини ҳамда аттестациядан ўтказишни ташкил этиш.

Ушбу органлар жадвалда санаб ўтилган хизматлар бўйича аҳоли билан ижтимоий муносабатларга киришади ва ушбу ижтимоий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Чунки, бир тарафда оммавий

¹ Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: инфотропик Медиа. 2018. – С. 13. Ларс Брокер. Доктор права, Президент Высшего административного суда Рейнальд-Пфальц и президент Конституционного суда Рейнальд-Пфальц (Германия)

бошқарув органи иккинчи томонда хусусий ҳуқуқ субъекти ўрин олган. Аввал таъкидлаганимиздек, ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асосини 2018 йил январь ойида қабул қилиниб, 2019 йил январь ойида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни ташкил этади. Ушбу қонуннинг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонундан фарқи ва асосий моҳияти шундаки, у лицензиялаш, рухсатномалар бериш, руйхатга олиш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа турдаги давлат хизматлари билан боғлиқ бўлган мурожаатларга тааллуқлидир. Шунингдек, ушбу қонунда асосий аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири бу – принциплардир. Қонун мазмунига кўра, агар маъмурий органнинг ҳатти-харакатлари қонунда белгиланган 13та принципга тўғри келмаса унда оммавий бошқарув органи қабул қилган маъмурий акт ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу ҳолат тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессда хусусий ҳуқуқ субъектларининг субъектив оммавий ҳуқуқлари ҳимояланишини янги босқичга олиб чиқилиши кутилмоқда.

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги кейинги жараён **юстициявий маъмурий процесс** деб номланиб, бунда тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессда оммавий бошқарув органи билан хусусий ҳуқуқ субъекти ўртасида низо юзага келганида, хусусий ҳуқуқ субъектининг шикояти асосида тегишли оммавий бошқарув органининг раҳбарияти ёки юқори турувчи орган томонидан ушбу процесс ишга тушади. Мазкур процесснинг ҳам ҳуқуқий асосини юқорида таъкидланган қонун – “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни ташкил этади. Чунки, мантиқан олиб қаралганда низо, айнан тартиб-таомилларни амалга ошириш жараёнида юзага келади. Жаҳон амалиётида давлатнинг ёки унинг оммавий бошқарув органларининг хусусий ҳуқуқ субъекти олдидаги жавобгарлиги одатий ҳолга айланган. Жумладан, Собик Иттифоқ таркибидаги давлатлардан бири бўлган Латвияда, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги моддий жавобгарлиги белгиланган. Латвиялик

маъмурий ҳуқуқ мутахассиларидан бири Кристина Коре-Перконенинг таъкидлашича, Латвияда давлатнинг ёки унинг алоҳида органининг ноқонуний ҳатти ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарари учун давлатнинг юридик жавобгарлиги белгиланган ва бу оммавий-ҳуқуқий муносабатлардаги жавобгарликнинг (шу жумладан, моддий жавобгарлик ҳам назарда тутилган) янги тури ҳисобланади¹. Демак юстициявий маъмурий процессни амалий мисолларда таҳлил қиламиз:

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органида бошқарувга оид бўлган маъмурий процесс	Ижтимоий соҳадаги юқори турувчи оммавий бошқарув органи
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси асоссиз равишда	1) тиббий фаолият билан шуғулланишни лицензиялашни рад этди; 2) фармацевтика фаолиятини лицензиялашда ортикча бюрократик тўсиқларни юзага келтирди; 3) Наркотик моддалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг айланиши билан боғлиқ фаолият ҳуқуқини лицензиялашда ортикча тўловларни талаб қилди; 4) Махсус киритилган биологик фаол моддалар, янги кимёвий моддалар, озик-овқат қўшимчалари, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластмасса, парфюмерия ва косметика маҳсулотларини олиб кириш ва ишлаб чиқариш учун рухсатнома бериш асоссиз равишда кечиктирди; 5) Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини рўйхатга олиш гувоҳномасини беришни рад этди; 6) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.

¹ Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: инфотропик Медиа. 2018. – С. 224. Кристина Коре-Перконе, Советник региональной программы GIZ «Содействие укреплению верховенства права в Центральной Азии» в Узбекистане, к.ю.н., Латвийский университет

	транзит қилишга рухсатнома беришдан бош тортди; 7) Ўзбекистон Республикасидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификатни нотўғри расмийлаштирди.	
“Қорақалпоқкино” агентлиги асоссиз равишда	1) аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш фаолияти турларини лицензиялашни рад этди; 2) киновидеомахсулотлар ижараси фаолиятини лицензиялашда ортиқча бюрократик тўсиқларни яратди.	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ёки “Қорақалпоқкино” агентлиги раҳбарияти ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-хукукий низони кўриб чиқиши мумкин.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита асоссиз равишда	1) Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган диний таълим муассасаларига махсус рухсатнома (лицензия) бериш учун ҳужжатларни расмийлаштиришдан бош тортти; 2) Мадраса мудирлари ва мударрисларининг малака ошириш курсларини ҳамда аттестациядан ўтканлиги тўғрисидаги гувоҳномани беришда ортиқча бюрократик тўсиқларни яратди	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раҳбарияти ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-хукукий низони кўриб чиқиши мумкин.

Юстициявий маъмурий процессни назарда тутувчи қонунларнинг қабул қилинганлиги, шунингдек оммавий-хукукий низорларнинг судгача ҳал қилиш механизмларини яратишга бўлган ислохотлар пировардида фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларининг таъминланишига, оммавий бошқарув органлари фаолиятида қонунийлик ва шаффофлик принципларига риоя қилинишига замин яратади.

Ижтимоий соҳадаги маъмурий органларнинг кейинги амалга оширадиган ишлари бевосита ўз соҳасида учраб турадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар ҳамда юридик шахсларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни юритиш билан

боғлиқ бўлиб бу илмий тилда **юрисдикциявий маъмурий процесс** деб номланади. Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органларининг бевосита юрисдикциявий маъмурий процесс билан шуғулланиш ваколатлари кам бўлиши ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу уларнинг ўз соҳасида учраб турадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар ҳамда юридик шахсларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни билан шуғулланмаслигини англатмайди. Шундай қилиб юқоридаги учта оммавий бошқарув органи мисолида кўриб чиқишни давом эттирамиз.

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органида юрисдикциявий маъмурий процесс
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Хусусан, Давлат санитария назорати органлари МЖТКнинг 53-моддаси “Санитария қонун ҳужжатларини бузиш”, 54-моддаси “Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш”, 55-моддаси “Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш”, 85-моддаси “Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш”, 86-моддаси “Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик”, 88-моддаси “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик”, 89-моддаси “Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш”, 95-моддаси “Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик”, 87-моддаси “Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш”, 96-моддаси “Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўйбга чиқариш”.
“Ўзбеккино” Миллий агентлиги	МЖТКнинг 165-моддасига мувофиқ “Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита	МЖТКнинг 165-моддасига мувофиқ “Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш” билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича юрисдикциявий маъмурий процессни амалга оширади.
---	---

Демак, ижтимоий соҳадаги органлари ҳам маълум даражада хусусий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуққа ҳилоф бўлган ҳаракатлари учун уларни белгиланган тартибдаги жавобгарлиги масаласига оид ишларни юритиш билан шуғулланади.

Ёдда тутинг!

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги маъмурий процесс – бу тегишли органларнинг бошқарув, давлат хизматларини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган кундалик амалга оширадиган қонуний фаолияти тушунилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

А исмли фуқаро иш топишда ёрдам кўрсатишни сўраб туман Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлимига мурожаат қилди. Аммо, мазкур оммавий бошқарув органи уни бирданига ишсиз сифатида руйхатга олишни бош тортди. Мутасадиларнинг таъкидлашича, ушбу жараённинг ўз қонун қоидаси, тартиб-таомили бор экан. Орадан 3 ҳафта ўтди аммо ёш тўпишга кўмаклашиш масаласида туман Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлиmidан хабар йўқ. Сўнгра фуқаро А мазкур оммавий бошқаруви органи устидан туман прокуратурасига мурожаат қилди. Прокуратура мазкур бўлимга тақдимнома жўнатди ва аниқланган қонунбузилиши масаласи юзасидан иш бошлади. Лекин, орадан икки кун ўтгач, фуқаро А низолашаётган орган ва прокуратура ходими билан бирга бўладиган юзма-юз учрашувга келишдан бош тортти. Унинг таъкидлашича у икки кун аввал иш топган ва энди ушбу масала уни қизиқтирмаслигини билдирди. Шу тариқа у ўз ўзидан мазкур низодан бош тортишини билдирди.

- 1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.**
- 2. Фуқарони ишсиз деб топиш тартиб-таомилини тушунтиринг.**
- 3. Фуқаро А нинг охириги ҳатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.**

7.4. Маъмурий-сиёсий соҳани маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи бошқарув органлари фаолиятида маъмурий процесс

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолияти фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ҳавфсизлиги ва ҳуқуқий

баркамоллиги, юридик шахсларнинг ўз соҳаларида барқарор фаолият юритиши, жамоат тартиби ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориши, мамлакат мудофааси йўналишларига ихтисослашган ижро ҳокимиятининг тузилмалари ҳисобланади. Ушбу соҳадаги оммавий бошқарув органларининг ҳам кундалик фаолиятида тўртта таснифдаги маъмурий процесс ҳар кун давом этади. Бошқа соҳалардаги каби ушбу йўналишда ҳам асосий иш бошқарувга оид бўлган маъмурий процессда кечади. Хусусан,

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг бошқарувга оид бўлган маъмурий процессида амалга оширадиган вазифалари
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	1) Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини, шунингдек, бошқа миллий манфаатларини ҳимоя қилишни сиёсий-дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш; 2) Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, халқаро ҳамкорликнинг миллий манфаатларга дахлдор масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини, шу жумладан, ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали мувофиқлаштириш; 3) Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб қилиш, миллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорларида тарғиб этиш ҳамда мамлакатга сайёҳлар оқимининг кўпайиши учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш; 4) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий шерикларнинг савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва илмий-техникавий салоҳиятини, улар билан ўзаро ҳамкорликнинг даражаси ва кўлами, уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини инобатга олган ҳолда ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш; 5) Ўзбекистоннинг сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа

	соҳалардаги халқаро ташаббусларини, шунингдек, минтақавий ва глобал тараққиётнинг муҳим масалалари бўйича мамлакатнинг нуқтаи назари ва ёндашувларини илгари суриш; 6) халқаро муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш, юзага келаётган жаҳон сиёсий-иқтисодий жараёнлар динамикасида ва хавфсизлик соҳасидаги вазиятдан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатларига потенциал хавфларни прогноз қилиш ва аниқлаш, шунингдек, уларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; 7) Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ишончли ва масъулиятли шерик сифатидаги ижобий имиджини шакллантириш ва сақлаш; 8) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида холис ахборотни ҳар томонлама етказиш бўйича хорижий мамлакатларда фаол ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш; 9) хорижда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини дипломатик ва халқаро-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш; 10) хорижда яшаётган ватандошлар билан самарали алоқалар ва мулоқотларни йўлга қўйиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, чет давлатлардаги ўзбек диаспораси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш; 11) дипломатик кадрларни касбий тайёрлашни, шунингдек, вазирлик тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	1) ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш; 2) давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ушбу соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда комплекс ва танқидий таҳлил қилиш; 3) қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш; 4) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш

	амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш; 5) нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш; 6) маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 7) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш; 8) ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш; 9) ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш; нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш; 10) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш; ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш; 11) халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, халқаро ҳамжамият, хорижий инвесторларни миллий ҳуқуқ тизими ва ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш; 12) юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш; 13) суд экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;
--	--

	14) адлия органлари ва муассасалари фаолиятида, биринчи навбатда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ишлашнинг инновацион услубларини жорий қилиш; 15) интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш Миллий ахборот таҳлил маркази	1) Ўзбекистон Республикасининг наркотик моддаларни назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; 2) наркотик моддаларни назорат қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида давлат дастури ва давлатлараро ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; 3) гиёҳвандликнинг аҳволи, ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда наркотик моддалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашишни такомиллаштириш масалалари бўйича Ҳукуматга, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясига тегишли таҳлилий материаллар ва таклифларни тайёрлаш; 4) маълумотлар банкини йиғиш ва уларни шакллантириш, умумлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳамда республикада ва унинг ташқарисида наркотик моддаларни назорат қилиш масалалари бўйича манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тегишли ахборотни белгиланган тартибда бериш; 5) бошқа мамлакатларнинг наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича марказий органлари, тегишли хизматлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ўз ваколати доирасида ўрнатади ва амалга оширади, ахборот айирбошлашни белгиланган тартибда ташкил этади; 6) наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро фаолиятни тартибга солувчи конвенциялар қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши юзасидан БМТга йиллик маърузалар тайёрлайди; 7) гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашиш бўйича халқаро ва республика тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади, миллий ва халқаро семинарлар, конференциялар ва симпозиумларни тайёрлаш ва ўтказишда республика давлат бошқарув органларига ўз ваколати доирасида ёрдам кўрсатади;

	8) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига гиёҳвандлик ёйилишининг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашиш билан бевосита шуғулланувчи уларга қарашли бўлинмалар фаолиятини ташкил этишда ўз ваколати доирасида тегишли услубий ва амалий ёрдам кўрсатади; 9) Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясига бюджетдан ажратиладиган, шунингдек корхоналар, муассасалар, хусусий шахслар, халқаро фондлар ва ташкилотлардан келиб тушадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандликни бартараф этиш ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний ишлатилишига қарши курашишга йўналтирилган молиявий маблағлардан фойдаланиш бўйича таклифлар киритади.
--	--

Ушбу ваколатлар бевосита бошқарувга оид бўлиб, мазкур жараёнларда асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари орасида ижтимоий муносабатлар кечади. Аниқроғи Давлат механизмнинг ўзида “ўз-ўзини” тартибга солиш жараёнлари амалга оширилади ва ушбу жараёнларда фуқаролар ва хусусий юридик шахслар иштирок этмайди. Шу билан бирга ушбу жараёнларнинг асосий мақсади хусусий ҳуқуқ субъектларига давлат хизматларини кўрсатишни сифатли йўлга қуйишга, иш самарадорлигини оширишга қаратилади. Бошқарувга оид бўлган маъмурий процесснинг катта қўламга эга эканлигини эътиборга олиб, уни интернал, вертикал ва горизонтал кичик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Интернал бошқарувга оид бўлган маъмурий процесснинг ўзига хос хусусияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- маълум бир ташкилот ичида кечадиган бошқарувга оид муносабатлар, бунда бутун бир соҳа ёки тизим назарда тутилмайди, балки мазкур тизимнинг бир идораси, бошқармаси, вазирлик аппарати идораси назарда тutilади;

- мазкур идорада такрорланиб туриш хусусиятига эга бўлган, доимий амалга ошириладиган бошқарувга оид ижтимоий муносабатларни ташкил этади.

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органларида интернал бошқарувга оид бўлган маъмурий процессга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимини келтирамиз. Мисол учун Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи:

- Вазирликнинг вилоят бошқармаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Вазирлик ҳужжатлари билан ушбу тузилмага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

- вилоят бошқармаси фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун вилоят бошқармаси ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

- тегишли тузилманинг мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, ҳудудий тузилма фаолиятининг алоҳида тармоқларига раҳбарлик қилиш учун уларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

- вилоят бошқармаси фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳудудий тузилманинг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

- вилоят бошқармаси кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий тузилма кадрлар захирасини шакллантириш.

Ушбу масалаларнинг барчаси бир идора ичида бўлиб ўтадиган жараёни билдириб, ушбу жараёнларда юқори ёки қуйи турувчи, ёинки бошқа бир оммавий бошқарув органи ҳал қилиши мумкин бўлган муносабатларни англатиши билан интернал, яъни ички деган маънони англатиб, маълум бир тизимнинг алоҳида бир элементида кечадиган жараёнларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида амалга ошириладиган **вертикал** муносабатлар процессига Вазирликнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ёки ўзининг тизимига кирувчи қуйи турувчи ҳудудий тузилмалар билан бўладиган бошқарувга оид маъмурий процесси назарда тутилади. Бунга мисол сифатида:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

- давлатга тегишли Вазирликнинг ва унга идоравий мансуб тузилмаларнинг мол-мулкани ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир таркибий тузилмадан бошқа тузилмага белгиланган тартибда ўтказиш;

- Вазирлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

- Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

- Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш¹;

- хорижий давлатларнинг судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш²;

- адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли тузилмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Ушбу муносабатлар вертикал муносабатлар бўлиб, гувоҳи бўлганингиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ёки ўзининг қуйи турувчи органлари билан бўладиган вертикал муносабатлар ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида бошқарувга оид бўлган маъмурий процессдаги **горизонтал** муносабатларга ўзларига бўйсинмайдиган, бошқа соҳага тегишли бўлган оммавий бошқарув органлари билан бўладиган муносабатлар назарда тутилади. Мисол учун,

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган:

1. Давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида;

2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида;

¹ Ушбу йўсиндаги муносабатлар назарий жиҳатдан Халқаро оммавий ҳуқуқ соҳасининг предметиға тааллуқдир. Маъмурий ҳуқуқ эса мамлакат ичкарисидаги оммавий бошқарув органлари билан бўлган ижтимоий муносабатларни ўрганади ва уни маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар туркумиға тааллуқли ҳисоблайди.

² Бу ҳам Халқаро оммавий ҳуқуқ тармоғининг предметиға тааллуқли бўлган муносабат ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида;

4. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бажариш ҳолатини текшириш давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

5. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати фаолияти, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномаларни киритиш ҳуқуқига эга.

- қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотларни, таҳлилий материалларни, ҳужжатларни, бошқа ахборотларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни, маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

- текшириш ва таҳлил давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини чақириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

- Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқишда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ва бошқалар.

Шу тариқа ҳар қандай бошқа оммавий бошқарув органлари фаолиятида интернал, вертикал ва горизонтал муносабатларга эга бўлган бошқарувга оид маъмурий процесс доимий давом этади. Буларнинг барчаси маъурий-ҳуқуқий ижтимоий муносабатлар ҳисобланиб, маъмурий ҳуқуқ предметиға бевосита тааллуқлидир.

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги кейинги муносабатлар тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс ҳисобланиб, бунда давлат хизматчилари фуқаролар билан ва хусусий юридик шахслар билан ижтимоий муносабатга киришади. Аввалги параграфларда таъкидлаганимиздек, ушбу жараён давлат имиджини ифодаловчи жараён ҳисобланиб, унинг сифатли ва қонуний ўтиши хусусий ҳуқуқ субъектларида давлатга ва давлат сиёсатига бўлган ҳурмат ва ишончнинг ортишига хизмат қилади.

Ушбу соҳадаги тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессга қуйидаги мисоларни келтирамиз:

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг тартиб-таомилларга оид бўлган маъмурий процессида амалга оширадиган вазифалари
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	Консуллик бошқармаси ва хориждаги Консуллик муассасалари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс: 1) Ўзбекистонга кириш учун чет эл фуқароларига визаларни расмийлаштириш ва бериш; 2) Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификатини расмийлаштириш; 3) Вақтинчалик консуллик рўйхатига олиш; 4) Доимий консуллик рўйхатига олиш; 5) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари орқали турли ҳужжатларни талаб қилиш (ФХДЁ, таълим, меҳнат фаолияти, пенсия, архив маълумотномалари, йўқотиш варақаси); 6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслигини аниқлаш; 7) Чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортларни расмийлаштириш ва бериш/алмаштириш; 8) Чет элда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бола туғилиши, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш ва ўлимини қайд этиш 9) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш бўйича материалларни ишлаб чиқиш;

	10) Фуқароларни чет элда доимий яшаш учун қолдириш масалалари бўйича материалларни ишлаб чиқиш; 11) Чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш, МДХ мамлакатларида яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг собиқ яшаш жойидан кўчирма. Консуллик бошқармаси ва хориждаги Консуллик муассасалари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс: 1) қайта ишлаш ва Ўзбекистонга кириш учун хорижий фуқароларга виза бериш; 2) Ўзбекистон фуқароси паспортини қайта тиклаш; 3) амалга ошириш консуллик сертификатлаш ва апостиллаштириш.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	1) адвокатлик фаолиятини лицензиялаш; 2) «Ўзбекистон фуқароси паспортини қайта тиклаш» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига қирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари томонидан амалга ошириладиган истеъмол товарлари улгуржи савдоси; 3) Вазирлик ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан 106та хизмат кўрсатилади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш Миллий ахборот таҳлил маркази	Ушбу оммавий бошқарув органи тартиб-таомилларга оид маъмурий процесс билан боғлиқ ишларни юритмайди

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органларининг кейинги ишлари юстициявий маъмурий процесс билан боғлиқ бўлиб, тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган процессда юзага келган низоларни кўриб чиқишга ихтисослашганлигини кўришимиз мумкин. Бунда юзага келган низони, тегишли оммавий бошқарув органининг раҳбарияти ёки юқори турувчи орган кўриб чиқиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, оммавий бошқарув органининг тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процессида хусусий шахслар билан низоларнинг тез-тездан юзага келиши мазкур органнинг давлат хизматчиларининг профессионаллиги ва компетентлигига шубҳа уйғотиши, шунингдек бошқарув билан боғлиқ бўлган маъмурий процессда кадрларни жой-жойига қуйишда хато ва камчиликларга йўл

қўйилаётганлигидан далолатдир. Шунинг учун юстициявий маъмурий процесснинг оммавий бошқарув органи учун ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжудлигини кўрсатади. Ижобий жиҳати шуки – улар ўз хатоларини аниқ илғаш ва тузатиш учун асосли сабаб топилишида бўлса, салбийси иш оммавий бошқарув органининг самарадорлиги пастлиги натижасида хусусий ҳуку субъектларида уларга бўлган ишонч сусаиши ва юқори турувчи органлар томонидан маълум чоралар қўрилиши мумкинлигидадир.

Демак, юстициявий маъмурий процессга одатдагидек, қўйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг юстициявий маъмурий процессида амалга оширадиган вазифалари	Маъмурий-сиёсий соҳадаги юқори турувчи оммавий бошқарув органининг номи
Россия федерациясидаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик муассасаси ёки элчихонаси асоссиз равишда	Консуллик бошқармаси ва хориждаги Консуллик муассасалари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс: 1) Ўзбекистонга кириш учун чет эл фуқароларига визаларни расмийлаштириш ва беришдан бош тортса; 2) Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификатини расмийлаштиришда ортиқча бюракратик тўсиқларни юзага келтирса; 3) Вақтинчалик консуллик рўйхатига олишни қонунлардаги муддатлардан кўпроқ муддатга кечиктирса; 4) Доимий консуллик рўйхатига олишдан бош тортса; 5) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари орқали турли ҳужжатларни талаб қилиш (ФХДЁ, таълим, меҳнат фаолияти, пенсия, архив маълумотномалари, йўқотиш варақаси) амалга оширмаса;	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёки Россия федерациясидаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик муассасаси ёки элчихонаси раҳбарияти ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.

	6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб эмаслигини аниқлашни кечиктирса; 7) Чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортларни расмийлаштириш ва бериш/алмаштиришни амалга оширмаса; 8) Чет элда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бола туғилиши, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш ва ўлимини қайд этишда ортиқча бюрократик тўсиқларга йўл қуйса 9) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш бўйича материалларни ишлаб чиқишни номаълум муддатларга кечиктирса; 10) Фуқароларни чет элда доимий яшаш учун қолдириш масалалари бўйича материалларни ишлаб чиқиш амалга оширмаса; 11) Чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш, МДХ мамлакатларида яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг собиқ яшаш жойидан кўчирма бермаса. Консуллик бошқармаси ва хориждаги Консуллик муассасалари томонидан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган маъмурий процесс: 1) қайта ишлаш ва Ўзбекистонга кириш учун хорижий фуқароларга виза беришни рад этса; 2) Ўзбекистон фуқароси паспортини қайта тиклашда ортиқча бюрократияга йўл қуйса; 3) амалга ошириш консуллик сертификатлаш ва апостиллаштиришни рад этса.	
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси асосиз равишда	1) адвокатлик фаолиятини лицензиялашда ноқонуний ҳаракат қилса;	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

	2) «Ўзбекозиқовқатзахира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари томонидан амалга ошириладиган истеъмол товарлари улгуржи савдосини лицензиялашдан бош торса; 3) Вазирлик ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан 106та хизмат кўрсатилишида қонун бузилишига йўл қуйса	ёки Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси раҳбарияти ушбу масаладаги юстициявий маъмурий процессни бошлаб мазкур оммавий-ҳуқуқий низони кўриб чиқиши мумкин.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш Миллий ахборот таҳлил маркази	Ушбу оммавий бошқарув органи тартиб-таомилларга оид маъмурий процесс билан боғлиқ ишларни юритмайди	

Ушбу соҳадаги оммавий бошқарув органларининг юрисдикциявий маъмурий процессга оид бўлган ваколатлари етарлича ҳисобланади. Бу уларнинг соҳаси маҳмун-моҳиятидан келиб чиқади. Чунки, ташқи сиёсатни самарали амалга ошириш, ҳуқуқий тарғиботни мувофаққиятли амалга ошириш ва қонунийликни таъминлаш масалалари ёинки жамоат ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари ўз ўзидан амалга ошириладиган жараён эмас. Шундай экан ушбу органларнинг юрисдикциявий маъмурий процессга оид ваколатлари табиий равишда кўпроқни ташкил этиши мумкин.

Демак ушбу маъмурий процессни юқоридаги органлар мисолида таҳлил қилишда давом этамиз.

Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг номи	Маъмурий-сиёсий соҳадаги оммавий бошқарув органининг юрисдикциявий маъмурий процессида амалга оширадиган вазифалари
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	Ушбу оммавий бошқарув органи юрисдикциявий маъмурий процесс билан боғлиқ ишларни юритмайди

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	МЖТКнинг 215 ⁵ -моддаси. “Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш”, 245 ² -модда. “Адлия органлари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги факти аниқланганда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларини назорат қилиш Миллий ахборот таҳлил маркази	Ушбу оммавий бошқарув органи юрисдикциявий маъмурий процесс билан боғлиқ ишларни юритмайди

Ушбу мисоллардаги оммавий бошқаруви органлари ўз фаолияти давомида юрисдикциявий маъмурий процессга тааллуқли ваколатлари кам бўлишига қарамасдан, маъмурий-сиёсий соҳадаги аксарият оммавий бошқарув органларининг ушбу йўналишдаги ваколатлари етарли ҳисобланади. Жумладан, Ички ишлар вазирлигини ва унга бўйсинувчи ташкилотлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, прокуратура органларининг, Давлат ҳавфсизлиги ҳамда Миллий гвардия органларининг ушбу процессдаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида ўз аксини топган.

Ёдда тутинг!

Ижтимоий соҳадаги оммавий бошқарув органлари фаолиятидаги маъмурий процесс – бу тегишли органларнинг бошқарув, давлат хизматларини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган кундалик амалга оширадиган қонуний фаолияти тушунилади.

Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:

2018 йил февраль ойида Россия Федерацияси Москва шаҳридаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик муассасасига Ўзбекистон Республикасининг Москва


шаҳрида расмий муҳожирликда ишлаб юрган А исмли фуқаро ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича у билан бирга ишлаётган яқин қариндоши автотранспорт ходисаси натижасида вафот этган ва унинг жасадини Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилоятига самолётда “юк 200” мақомида жўнатишда ёрдам беришини сўраб мурожаат қилган. Шу билан бирга А исмли фуқаро ўзи фаолият юритадиган «Жемчушина» номли ресторан раҳбари, яъни ўзининг раҳбаридан жасадни жўнатиш мақсадида оғзаки келишув асосида 150 минг рубль олган, шунингдек автоҳалокат сабабчиси бўлган Б исмли шахсдан ҳам 100 рубль пул олган. Ушбу фактлар ойдинлашгач, Консуллик муассасаси вакиллари унга ёрдам беришдан бош тортган. Оммавий бошқарув органининг важи – А исмли фуқаронинг жасадни мустақил равишда жўнатишга маблағи етарлилиги сабаб қилиб кўрсатилган.

1. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик муассасаларининг “юк 200” мақомидаги юкларни жўнатишда ёрдамлашиш мажбурияти мавжудми?
3. Ушбу жараён маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқлими?

7-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Йўл ҳўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобидан жаҳон транспорт хизматлари бозорида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини таъминлаш вазифаси юклатилган вазирлик номи. 2. Оммавий бошқарув органи маълум бўғинининг ичида амалга ошириладиган маъмурий процесс қандай номланади? 3. Маъмурий тартиб-таомиллар натижасида бериладиган ҳужжат номи. 3. Маъмурий процесс – бу бошқарув, давлат хизматини кўрсатиш, оммавий-ҳуқуқий низо ва қоида тариқасида ҳуқуқбузарликларга оид ишларни ҳал қилишга қаратилган оммавий бошқарув органларининг кундалик амалга оширадиган фаолиятига айтилади.

Энига:. 1. Тартиб-таомилларни амалга ошириш натижасида юзага келган низо сабабли бошланадиган маъмурий процесс номи. 2. Консуллик муассасалари томонидан амалга ошириладиган маъмрий ҳаракат натижасида қуйиладиган штамп номи.



VIII БОБ. МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР

8.1. Маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси ва унинг аҳамияти

Маъмурийтартиб-таомиллар¹ тушунчаси Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида янги ҳуқуқий термин ҳисобланиб, ушбу тушунча 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунида белгилаб ўтилган. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий органлар ҳамда манфаатдор шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, тарафларни кўриб чиқиладиган иш юзасидан хабардор қилишдан бошланиб, қарор чиқаришгача бўлган турли босқичларни ўз ичига олади. Маъмурий тартиб-таомиллар институти давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш орқали коррупцияга қарши курашишга хизмат қилиши билан ҳам эътиборга моликдир. Маъмурий тартиб-таомилларсиз давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаб бўлмайди, бу эса лавозим суиистеъмолчиликлари ва порахўрликка, маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг бузилишига йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, маъмурий тартиб-таомил — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалардир.

Ёдда тутинг!

Маъмурий тартиб-таомил — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалардир.

¹Айрим манбаларда “маъмурий процедуралар” деб ҳам номланади.

Мазкур тушунчани тушуниб олиш учун “маъмурий орган” тушунчасинибилиб олиш лозим бўлади.

Маъмурий органлар бу маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялардир.



Маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги муаммоли вазиятни таҳлил қиламиз.

Муаммоли вазият


Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида фуқаро А. ўзи жойлашган ҳудуддаги Адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси фуқаро А.нинг ҳужжатлари билан танишиш давомида унинг адвокатлик тузилмасида стажировка ўтамаганлигини асос қилиб кўрсатиб, лицензия беришни рад этди. Бунга жавобан фуқаро А. ўзининг юридик соҳада 3 йиллик стажга эга эканлигини ва қийинчиликларсиз малака имтиҳонини топшира олишини, стажировка ўтамаган бўлишига қарамасдан ҳам адвокатлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликдан яхши хабардорлигини эътироф этди ҳамда лицензия беришни илтимос қилди. Агар лицензия беришни рад этса, асоссиз равишда лицензия беришни рад этганлиги учун Адлия бошқармаси устидан маъмурий судга шикоят қилишини маълум қилди.

Сабаби адлия бошқармасига маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган(лицензия бериш). Ўз навбатида лицензия бериш маъмурий тартиб-таомиллар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг

3-моддасига кўра, ушбу қонун лицензиялаш соҳасига татбиқ этилади.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг иккита кўриниши мавжуд:

1. Доиравий маъмурий тартиб-таомиллар;
2. Махсус маъмурий тартиб-таомиллар.



Доиравий маъмурий тартиб-таомиллар деганда маъмурий ишларнинг барча тоифалари учун мажбурий бўлган тартиботларнинг энг кам миқдорини тушунилади. Доиравий тартиб-таомиллар маъмурий-ҳуқуқий фаолиятнинг ҳар қандай соҳаси ёки тармоғида, хусусан, божхона муносабатларида ёки лицензия беришда, исталган маъмурий ишни кўриб чиқишда амал қилиши шарт. Жумладан, божхона кодексида ўзининг махсус тартиб-таомили, лицензиялашга оид қонунчиликда ўзининг тартиб-таомили кўзда тутилиши мумкин. Ушбу барча тартиб-таомиллар доиравий тартиб-таомилларга мос келиши керак.

Доиравий маъмурий тартиб-таомиллар барча маъмурий органлар учун мажбурий бўлган, яъни барча маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорларни қабул қилиш жараёнида амал қилиниши шарт бўлган асосий талаблар (қоидалар)дир.

Маъмурий органлар фаолияти соҳалари, улар олдига қўйилган вазифалар каби, хилма хиллиги билан фарқланади. Алоҳида соҳаларда маъмурий-ҳуқуқий фаолиятнинг ўзига хослиги махсус тартиб-таомилларда акс эттирилиши лозим. Махсус тартиб-таомилларнинг моҳияти шундаки, улар чегарасидан ташқарига чиқмай, доиравий маъмурий тартиб-таомилларда кўзда тутилган айрим қоидаларни аниқлаштиради. Масалан, улар маъмурий ишни кўриб чиқишнинг қисқароқ муддатини, рад этишнинг батафсил тартибиникўзда тутиши мумкин.

8.2. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти ва унинг қўлланиш соҳаси

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун жами 7 боб 88 моддадан ташкил топган бўлиб, Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат.

Қонун умумий характерга эга бўлиб, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга доир у ёки бу муносабатлар махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгиловчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонун нормалари қўлланилиши белгиланган.

**Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-
таомиллар тўғрисида”ги Қонун**

Қўлланади

Маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Қўлланмайди

Қонун ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, муҳофаза, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурият чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади. Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, муҳофаза, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурият чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуннинг қўлланилиш

соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди (Қонуннинг 3-моддаси). Бунда ариза ва шикоятлар билан маъмурий органларга мурожаат қилиш каби масалаларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қоидаларнинг татбиқ этилишини таъкидлаш жоиз бўлади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг қўлланиш соҳасини қуйидаги муаммоли вазиятлар орқали таҳлил қилиш мумкин.

Муаммоли вазият

2014 йил 20 март куни фуқаро К.Рашидов пенсия ёшига етгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Андижон вилояти Шаҳрихон туман бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходими фуқаро К.Рашидовга олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. Лекин, ҳужжатлар рўйхати ичида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилот ҳозирда ўз фаолиятини тугатганлиги учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани топишнинг иложи бўлмаслигини ижтимоий таъминот бўлими ходимига айтиб ўтди. Бўлим ходими у ҳолда фуқаро К.Рашидовни архивга боришини таъкидлаб ўтди. Архивга борганда архив идораси янги бинога кўчиб ўтганлиги учун, кўчиш жараёнида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилотга тегишли ҳужжатлар йўқолганлигини айтиб, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига мурожаат қилиш лозимлигини айтиб ўтди.

Мазкур муаммоли вазиятдаги ҳуқуқий муносабатлар (фуқаро К.Рашидов ва пенсия жамғармаси ўртасида) маъмурий тартиб-таомиллар асосида бўлади. Ушбу муносабатларга “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун татбиқ этилади.

Фукаро Л. 2007 йил март ойидан то 2015 йил апрель ойига қадар ички ишлар тизимларида турли лавозимларда, охириги вақтда Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимида хизмат қилган.

Андижон вилояти вилояти ИИБ 2015 йил 20 апрелдаги №18 ш/т сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низом”нинг 69-моддасига асосан ишдан бўшатишган.

Шундан кейин у Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ички ишлар идораларига қайта қабул қилишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг мурожаатига асосан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи биринчи ўринбосари томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги 3/Ш-58 сонли жавоб хати билан уни ички ишлар идоралари хизматига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.

Мазкур муаммоли вазиятдаги муносабатга “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун қўлланилмайди. Сабаби ушбу муносабат давлат хизматига таалуқлидир.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири унда маъмурий тартиб-таомилларнинг қонунийлик, мутаносиблик, ишончлилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги, бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқлилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги, текшириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг очиклиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги каби бир қатор асосий принциплари келтириб ўтилган.

Қонунда шунингдек манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда

иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш, илтимосномалар бериш, маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал хужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ўрнатиб қўйилган (Қонуннинг 24-моддаси).

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда маъмурий тартиб-таомилларда холисликни таъминлаш борасида “рад этиш” жараёнини тартибга солинган. Жумладан, Қонуннинг 31-моддасига кўра, маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда ҳақли эмас, агар у:

мазкур маъмурий иш юритишда манфаатдор шахс бўлса;

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатида бўлса (бўлган бўлса);

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айна шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

мазкур маъмурий ишни юритишда маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахс сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишни ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий органнинг мансабдор шахси ва маъмурий ишни ҳал

этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисида ёзма шаклда ариза беришга ҳақли эканлиги ўрнатиб қўйилган.

Қонунда шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларда тегишли тарзда хабардор қилиш (33-модда), далиллар (34-модда) ва уларга баҳо бериш (35-модда), маъмурий иш юритиш муддатлари (36-модда), иш юритишни тўхтатиб туриш (37-модда), тиклаш (38-модда), тугатиш (39-модда) га оид бир қанча қоидалар ҳам ўрнатиб қўйилган.

Қонуннинг 3-боби маъмурий иш юритишга бағишланган бўлиб, унда аризалар юзасидан иш юритувга оид бир қанча процедуравий қоидалар ўрнатиб қўйилган.

Маъмурий акт тўғрисидаги қоидалар Қонуннинг 4-бобидан ўрин олган. Жумладан, маъмурий актнинг шакли (52-модда), мазмунига қўйилган талаблар (53-модда), маъмурий актни асослантириш (54-модда), маъмурий актнинг кучга кириши (55-модда), амал қилишининг тугатилиши, маъмурий актни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш (59-модда) ва маъмурий актни бекор қилиш тартибига (60-модда) оид бир қанча муҳим қоидалар ўрнатиб қўйилган.

Маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий органлар учун мажбурий бўлган иш юритувнинг ҳамма маъмурий органлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ягона ва умумий қоидаларини ўрнатиш баробарида маъмурий органлар томонидан асосиз равишда процедуравий қоидаларни бузиш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахл қилинишини олдини олади. Шу маънода, маъмурий органларнинг хоҳлаган пайтда, асосиз тарзда ўзлари қабул қилган қарорларини ўзгартиравериш имконияти қонун билан чекланди. Бундан кейин ҳар бир маъмурий орган ўз иш юритуви ва маъмурий актни чиқариш жараёнида албатта “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этишига тўғри келади.

Қонуннинг 5-бобида маъмурий шикоят бўйича иш юритишга оид бир қанча процедуравий қоидалар ўрнатиб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур

қоидалар у ёки бу тарзда ҳозиргача ҳам турли қонунлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида ҳам ўрнатиб қўйилган эди. Маъмурий иш юритувга оид барча қоидаларнинг ягона қонунда акс эттирилиши уни амалиётда қўллашда турли қийинчилик, ҳар хил тушунишларни олдини олиш баробарида ижро органлари ишини қулайлаштиради. Шу маънода “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги қонунда маъмурий тартибда шикоят қилишга оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Жумладан, маъмурий шикоят предмети (62-модда), шикоят қилиш тартиби (63-модда), шикоят бериш муддати (64-модда), маъмурий шикоят шакли ва мазмуни (65-модда), маъмурий шикоятни кўриб чиқиш (66-модда), маъмурий шикоятни кўриб чиқиш муддати (67-модда), маъмурий шикоятни чақириб олиш (68-модда), маъмурий шикоят бўйича қарор қабул қилиш (69-модда) ҳамда маъмурий шикоят қилинганда маъмурий актнинг амал қилиши ва ижро этилишининг тўхтатиб турилиши (70-модда) га оид муҳим процедуравий қоидалар акс этган.

Қонуннинг 7-бобида маъмурий регламентлар (84-модда), Қонуннинг ижроси, ижрочиларга етказилиши, Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш (86-модда), Қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш (87-модда) ҳамда қонуннинг кучга кириши (88-модда) га оид якуний қоидалар ўз ифодасини топган.

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки у маъмурий ҳуқуқнинг умумий асосларига оид муҳим талаб ва қоидаларни ҳам ўзида акс эттиради. Шу маънода мамлакатимизда МТТҚонуннинг қабул қилиниши маъмурий ҳуқуқнинг умумий асосларини бундан кейин ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос ва туртки бўлди дейишга тўла асосимиз мавжуд. Қуйида маъмурий тартиб-таомилларга оид умумназарий масалаларга қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қилинади.

8.3. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари

Бугунги кунда маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги энг катта муаммолардан бири маъмурий тартиб-таомиллар принципларини маъмурий орган томонидан амалда қўлланишидир. Германиялик олим Я.Циконинг таъкидлашича, маъмурий тартиб-таомиллар принциплари содда, мақсадга мувофиқ ва тезкор қўлланиши лозим¹.

Содда ва мақсадга мувофиқ деганда қуйидагиларни тушунишимиз мумкин:

Биринчидан, маъмурий ҳужжат қабул қилишда аниқ фактга асосланиши лозим;

Иккинчидан, ишга алоқадор бўлмаган далилларни исботлаш шарт эмас;

Учинчидан, ёзма равишда асослаб берилган далиллар фуқарони бевосита иштирокида ҳал этилиши шарт эмас.

Маъмурий тартиб-таомиллар принципларини тезкор қўлланиши бу вақтни беҳуда сарфламасдан уни амалга ошириш лозимлиги англатади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади. Мазкур нормада белгиланган муддат бир ойдан ошмаслиги белгилаб берилган. Бундай вазиятда нотариал идора ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, иложи борча ишни тезкор ҳал этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

К.Давидов маъмурий тартиб-таомиллар принципларини қуйидаги хусусиятлари таъкидлаб ўтади:

¹Я.Цико. Основы законодательства об администивных процедурах в Германия. Ежегодник публичного права-2014.-М. с.365

1. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари тўғридан-тўғри қўлланади;
2. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари универсалдир;
3. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари очикдир;
4. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари иерархик хусусиятга эгадир¹.

Ларс Брокернинг фикрича, маъмурий тартиб-таомиллар принципларини икки вазифаси мавжуд:

- мафаатдор шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш;
- маъмурий орган томонидан қабул қилинган қарор демократияни қонунийлашганлигини акс эттириши керак².

Муҳим принциплардан бири одиллик принципи бўлиб, мазкур принципни келиб чиқиш тарихи англо-саксон ҳуқуқ тизимига бориб тақалади. Маълумки, роман-герман ҳуқуқ тизими ёзилган қонунчиликка амал қилинади. Бу эса мазкур принципни аҳамиятини пасайтириб юбориши мумкин. Яъни аниқ қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар тегишли тартиботни белгилаб беради. Лекин ушбу принципни қонун анологияси юзага келганда қўллаш мумкин бўлади³.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига кўра, маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- мутаносиблик;
- ишонччилик;
- тингланиш имкониятининг мавжудлиги;

¹Давыдов К.В.Принципы административных процедур: сравнительно-правовое исследование // Актуальные вопросы публичного права.- 2015. № 4 (34). С. 18.

² Ларс Брокер. Инквизиционный принцип в административной процедуре. Ежегодник публичного права-2018. Принципы административных процедур и административного судопроизводства.-М. с.16

³Богданди А. фон, Хубер П.М. Государство, государственное управление и административное право в Германии // Дайджест Публичного Права. 2014. № 1 (3). С. 46.

маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;

манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги;

бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;

мазмунан қамраб олиш;

маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши;

тенг ҳуқуқлилиқ;

ишончнинг ҳимоя қилиниши;

маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;

текшириш.

Ёдда тутинг!

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мутаносиблик;

ишончлилиқ;

тингланиш имкониятининг мавжудлиги;

маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;

манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги;

бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;

мазмунан қамраб олиш;

маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши;

тенг ҳуқуқлилиқ;

ишончнинг ҳимоя қилиниши;

маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;

Қонунийлик принципи. Принциплардан дастлабкиси қонунийлик принциpidир. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунинг 6-моддасига кўра, маъмурий тартиб-таомиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Мутаносиблик принципи. Маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.



Мутаносиблик принципи маъмурий тартиб-таомиллар принциплари ичида алоҳида ўрин тутати. Моше Коэн-Элиянинг таъкидлашича, мазкур принципнинг 2 та ўзига хос жиҳати мавжуд:

Биринчидан, маъмурий орган томонидан амалга ошириладиган ҳаракат эришиладиган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим;

Иккинчидан, маъмурий тартибот натижасида шахсга етказилган зарар давлат кўрган фойдага мутаносиб бўлиши лозим¹.

Ишончлилиқ принципи. Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади. Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, маъмурий орган уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўради. Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслардан улар тақдим этган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг

¹Моше Коэн-Элия, Иддо Порат. Американский метод взвешивания интересов и немецкий тест на пропорциональность: исторические корни // Сравнительное конституционное обозрение. 2011. № 3 (82). С. 61.

ишончилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқланади.




Тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи. Маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт.




Маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги. Маъмурий тартиб-таомиллар очиқ, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим. Маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомиллар ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт. Маъмурий органлар фаолиятининг очиқлиги Ўзбекистон

Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади.



Манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципи. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги Қонунинг 11-моддасида манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципи белгилаб ўтилган бўлиб, Маъмурий иш юритиш давомида юзага келадиган, қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилинади. Қонун ҳужжатлари бир-бирига мувофиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин, бундай ҳолатларга амалда кўп дуч келамиз. Мазкур ҳолатда манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципига амал қилиш лозим бўлади.



Бюрократик расмийликка йўл қўйилмаслиги принципи.

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқланади. Агар манфаатдор шахс виждонан ҳаракат қилган, ўз мажбуриятларини мазмунан бажарган бўлса ҳамда расмий қоидалар ва талабларнинг йўл қўйилган бузилишлари маъмурий ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга тўсқинлик қилмаса, манфаатдор шахс томонидан расмий қоидалар ва талабларга риоя этилмаганлиги номувофиқ маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Мазмунан қамраб олиш принципи. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларга илгари ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида бажарилган талабларни қўйишга ҳақли эмас. Агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига кўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига олса, ушбу ҳужжатлар қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас. Агар амалга оширилган маъмурий тартиб-таомил маъносига кўра бошқа маъмурий тартиб-таомилларни ўз ичига олса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар ҳам амалга оширилган деб ҳисобланади.

Маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши принципи. Маъмурий органга маъмурий тартиб-таомилни амалга ошириш учун бошқа маъмурий органлардан ҳамда ўзга органлардан ҳужжатлар ва маълумотлар олиш талаб этилган ҳолларда, маъмурий иш юритиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилиб, бунда маъмурий орган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, манфаатдор шахсларнинг иштирокисиз, идоралараро ўзаро ҳамкорлик воситасида олади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Тенг ҳуқуқлилиқ принципи. Маъмурий органларга бир хилдаги ҳақиқий ҳолатларга эга маъмурий ишларни ҳал этишда тенг бўлмаган ёндашувни намоён этиш тақиқланади. Ҳақиқий ҳолатлари бўйича жиддий

фарқланадиган маъмурий ишларни бир хил тарзда ҳал этишга йўл қўйилмайди. Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) бир хил усулда амалга ошириши шарт. Ушбу қоида маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шаклланган маъмурий амалиёт ўзгартирилишини истисно этмайди.

Ишончнинг ҳимоя қилиниши принципи. Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланади. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний кутилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи. Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг муҳим принциплардан бири маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принциpidир. Қонуннинг 17-моддасига кўра, маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак. Мисол учун, нотариал идоралар томонидан қўлланиладиган қонун ҳужжатларида дискрецион нормаларни кўп учратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш

тартиби тўғрисидаги йўриқномасининг 39-бандида қуйидагича белгилаб ўтилган:

“Кўчмас мулк ёки унинг бир қисми бошқа шахсга ўтказилаётганда, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб қуйидагилардан бири бўлиши мумкин:

нотариал тасдиқланган шартномалар (келишувлар);

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома;

суд қарори (ҳал қилув қарори, ажрим ва бошқалар) ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган бино ва иншоотни бериш далолатномаси;

кўчмас мулк ёки унинг бир қисми аукционда сотиб олинганлигини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори (2018 йил 18 майга қадар);

қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси (2018 йил 18 майдан бошлаб);

кўчмас мулк ёки унинг бир қисmini очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома;

хусусийлаштирилган давлат биноси, иншооти, турар жойига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳужжатлар.”

Юқоридаги нормада берилган “қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳужжатлар” қисmini амалда қўллашда маъмурий ихтиёрийликдан фойдаланиши лозим ҳисобланади. Яъни бошқа ҳужжатларни нотариал орган қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, белгилаши лозим ҳисобланади.

Маъмурий қонунчиликда нотариал идораларнинг дискрецион ваколатларини қўллашни назарда тутувчи нормалар ўз аксини топган. Шу

нуқтаи-назардан, бунга ўхшаш ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, юридик техникани баҳоловчи конструкциялар ва дискрецион ваколатларни бир хил тенгликда мустаҳкамлайдиган восита ва усулларни чуқур ўйлаган ҳолда қўллашни талаб этади.

Америка Қўшма Штатлари Олий Суди Судьяси Уильям Орвил Дуглас: “Дискреция мутлақ даражага етганда, инсон ҳамиша азият чекади... Мутлақ дискреция... инсоннинг бошқа кашфиётларидан фарқли ўлароқ, унинг озодлигига нисбатан кучли талофот етказувчидир... Мутлақ дискреция... озодлик якун топишининг бошланишини илгари суради”¹ деганда, ниҳоятда одилона фикрлаган эди.

Гарчи, баъзи бир муаллифлар, ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида ушбу масалага мурожаат қилишган бўлса-да, Ўзбекистон маъмурий қонунчилиги фанида нотариал идораларнинг дискрецион ваколатлари, уларни амалга ошириш механизмлари билан боғлиқ саволни ўрганиш борасида ҳеч қандай махсус изланишлар олиб борилмаган.

Миллий ҳуқуқшунослик фанида маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколатлар) ва уларнинг шакллари талқин қилишда ҳозирги кунга қадар бир тўхтамга келингани йўқ. Ҳуқуқшунос-олимлар “озодлик”, “бир неча альтернатив қонунлардан бирини танлаш”, шунингдек “қонуний ҳуқуққа (ваколатга) эгалик” каби маъмурий ихтиёрийлик моҳиятини турлича изоҳлашади.

Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқни мазкур нормаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, ваҳоланки улар бундан аввал ҳам қўлланилган ва бундан кейин ҳам қўлланилади, зеро уларни қўллашдан воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас, баъзи ҳолларда эса — қўлламаслик мумкин ҳам эмас.

Бизнинг назаримизда, маъмурий ихтиёрийликни “қонунчиликда рухсат этилган муайян бир ҳуқуқий вазиятни баҳолаш нормасини ҳал этишда мос келадиган ва айнан мақсадга мувофиқ келадиган моделини нотариал идора

¹Galligan, D. J. Discretionary Powers. Oxford:Clarendon Press. Published to Oxford Scholarship Online: March 2012.

томонидан қўллашга йўналтирилган имкониятнинг мавжудлиги” сифатида талқин қилиш нисбатан тўғрироқ бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ доктринасида маъмурий ихтиёрийлик моҳиятини, турларини, ҳуқуқий чегараларни белгилаш усуллари билан боғлиқ муаммонинг тадқиқ этилмаганлиги, маъмурий тартиботни қўллаш амалиётида мансабдор шахс томонидан қонун вариантларини қўллаш имкониятлари бирор бир меъёр билан чегараланмаганлик ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва қонуности ҳужжатларида маъмурий ихтиёрийлик кўпинча “мумкин”, “эҳтимол”, “ҳуқуқига эга”, “қоида бўйича” ва ҳоказо деган жумлалар билан қайд этилади.

Қайд этиш жоизки, қонунни қўллаш ва қонунни тадбиқ этишдаги “бўшлиқ”нинг тартиб ва имкониятларининг очиқлиги, баҳолаш нормасини ҳар қандай белгиларини қўлланилишига сезиларли равишда шароит яратади.

Қонунни қўллаш амалиётида, нотариал идорани фавқулотда ваколатларга эга бўлишлик, яъни идорани (мансабдор шахсни) “истисно тарзда”, “фавқулотда вазиятда” қарор қабул қилиши билан боғлиқ вазиятлар тез-тез учраб туради. Ҳозирги вақтда барча демократик давлатларда дискрециянинг катта қисмини нотариал идора ихтиёрида қолдириш амалиёти жорий этилган. Шундай қилиб, дискрецион ваколатни назорат қилиш билан боғлиқ савол, ҳозирги замон маъмурий қонунчилигининг ечимини кутиб ётган энг долзарб муаммоси, десак тўғри бўлади.

Дискрецион ваколатларни амалга ошириш устидан назоратни ўрнатишда муҳим рольни судлар томонидан бажарилиши лозимлиги барча томонидан тан олинган. Суд дискрецион ваколатларни амалга оширилишини икки босқичда, жумладан дискрецион ваколатларнинг вакиллиги даражасида ва дискрецион ваколатларни ҳақиқатдан ҳам амалга оширилиш даражасида назорат қилади¹.

¹Breyer, S. G.; Stewart, R. B.; Sunstein, C. R.; Spitzer, M. L. Administrative Law and Regulatory Policy. New York: Aspen Law and Business, 1998.

Қайд этиб ўтиш жоизки, Европанинг маъмурий-ҳуқуқий фанида ва қонунчилигида маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган қарорларнинг қуйидаги ҳолатлари суд томонидан ноқонуний деб топилиши тўлиқ тан олинган:

- агар у мазкур орган ваколат доирасидан яққол чиққан бўлса;
- агар ҳокимият органи ўз ваколатларини қонунда белгилаб қўйилган мақсадларга зид равишда қўллаган бўлса;
- агар маъмуриятнинг ҳаракатлари ишнинг ҳақиқий ёки ҳуқуқий ҳолатини нотўғри баҳоланишига асосланган бўлса.

Чет давлатларнинг ушбу соҳадаги илғор амалиётини ўрганиш қонунчилиқни такомиллаштириш ва қонунни амалиётда қўллаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Дискрецион ваколатларни аниқлаш борасида, маъмурий тартиб-таомиллар асосларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Кўпгина чет мамлакатларда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилиқни ишлаб чиқишда, муҳим тамойилларни аниқлаб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, АҚШда барча аҳоли учун маъмурий тартиботнинг содда, аниқ ва равшан бўлишлиги (бунда маълумот бериш, очиқ мажлисларни ўтказиш, норма ижодкорлиги ва бошқалар назарда тутилган), муҳим тамойил этиб белгиланган.

Дискрецион ваколатлар доирасида қабул қилинган маъмурий ҳужжатларнинг мазмуни бўйича қўйилган мазкур талаблар ҳеч бўлмаганда иккита сабаблар билан шартланади:

Биринчидан, маъмурий ҳужжат адресати мажбуриятига риоя қилишининг асосланиши, давлат органи томонидан қабул қилинган қарорни англаб етиш, яъни ушбу қарор нимага асосланиб, айнан қайси ҳолатларни инобатга олган ҳолда қабул қилинганлигини тушуниш имкониятини беради, бошқа ҳеч нарсани назарда тутмайди. Ўз навбатида, ушбу маъмурий ҳужжатнинг асослилигини ҳис этиш ва уни ихтиёрий равишда ижро этиш

даражаси ошади, можароли ҳуқуқий муносабатлар эса ўз-ўзидан максимал даражада камаяди.

Иккинчидан, шикоят аризасини ёзишга асос ва уни тақдим этиш тартибининг мавжудлиги, шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларини таъминлашга йўналтирилган. Маъмурий ҳужжатни қабул қилишнинг сабаблари ва мантиқий жиҳатларини билишлик фуқарога чиқарилган қарорнинг бекор қилинишини асосли тарзда талаб қилиш, судга эса - маъмурий ихтиёрийликасосида тузилган маъмурий ҳужжатнинг қонунийлигини тўлақонли текшириш имкониятини беради.

Текшириш принципи. Маъмурий орган маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Зарурат бўлганда, маъмурий орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар йиғишга ҳақли.

Маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Мазкур масала бўйича қуйидаги казусга эътибор қаратиш зарур:

2014 йил 20 март куни фуқаро К.Рашидов пенсия ёшига етгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Андижон вилояти Шаҳрихон туман бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходими фуқаро К.Рашидовга олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. Лекин, ҳужжатлар рўйхати ичида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилот ҳозирда ўз фаолиятини тугатганлиги учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани топишнинг иложи бўлмаслигини ижтимоий таъминот бўлими ходимига айтиб ўтди. Бўлим ходими у ҳолда фуқаро К.Рашидовни

архивга боришини таъкидлаб ўтди. Архивга борганда архив идораси янги бинога кўчиб ўтганлиги учун, кўчиш жараёнида фуқаро К.Рашидов 1990-1995 йилларда ишлаган ташкилотга тегишли ҳужжатлар йўқолганлигини айтиб, бу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига мурожаат қилиш лозимлигини айтиб ўтди.

2014 йилнинг 25 март куни фуқаро К.Рашидов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига электрон мурожаат қилди. 2014 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги фуқаро К.Рашидовга жавоб йўллаб, ушбу масала “Ўзархив” агентлиги ваколатига кирмаслигини, “бошқа орган”га мурожаат қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро судга шикоят қилди. Фуқаро ўз шикоятида бир қанча асосларни кўрсатиб ўтди.

биринчидан, агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги («Ўзархив» агентлиги) тўғрисидаги низомга кўра, республика давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш учун жавобгар эканлигини кўрсатиб ўтади.

иккинчидан, агентлик архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларини бажармаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги казусдан келиб чиқиб қуйидаги жадвални тўлдиринг. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларини мазкур казусга боғлаб таҳлил қилинг.

Принципнинг номи	Казусга алоқадор жихатлари
Қонунийлик принципи	

Мутаносиблик принципи	
Ишончлилиқ принципи	
Тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи	
Маъмурий тартиб- таомилларнинг очиқлиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги принципи	
Манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги принципи	
Бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги принципи	

Мазмунан қамраб олиш принципи	
Маъмурий иш юретишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши принципи	
Тенг ҳуқуқлилиқ принципи	
Ишончнинг ҳимоя қилиниши принципи	

Маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги принципи	
Текшириш принципи	

8-БОБ МАЗМУНИНИ ТУШУНИШ УЧУН НАЗАРИЙ САВОЛЛАР


1. Маъмурий процедура тушунчаси ва моҳиятини ёритиб беринг.
2. Маъмурий процедуранинг предмети доирасини ёритиб беринг.
3. Маъмурий процедуранинг ҳаракат доирасини ёритиб беринг.
4. Маъмурий процедура тизими деганда нимани тушунаси? Доирали маъмурий процедуралар ва махсус маъмурий процедураларни ёритиб беринг.
5. Маъмурий процедура тамойиллари деганда нимани тушунаси?
Маъмурий процедура тамойилларини санаган ҳолда қисқача изоҳ беринг.

8-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

кроссвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Ушбу тартиб-таомиллар маъмурий-ҳуқуқий фаолиятнинг ҳар қандай соҳаси ёки тармоғида, хусусан, божхона муносабатларида ёки лицензия беришда, исталган маъмурий ишни кўриб чиқишда амал қилиши шарт.

Энига:. 1 Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун қўлланилмайдиган соҳалардан бири. 2. Ушбу тартиб-таомилларнинг моҳияти шундаки, улар чегарасидан ташқарига чиқмай, доиравий маъмурий тартиб-таомилларда кўзда тутилган айрим қоидаларни аниқлаштиради. 3. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларидан бири.



IX БОБ. МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШ

9.1. Маъмурий иш юритишнинг умумий тавсифи

Манфаатдор шахс ва маъмурий орган ўртасидаги лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа муносабатлармаъмурий иш юритиш асосида амалга оширилади.

Ёдда тутинг!


Маъмурий иш юритиш — маъмурий тартиб-таомил орқали тартибга солинган маъмурий ишни кўриб чиқиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, уни маъмурий шикоят бўйича қайта кўриш, шунингдек маъмурий ҳужжатни ижро этиш жараёни.

Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб шунини таъкидлаш лозимки, маъмурий иш юритишга қуйидагилар киради:

- маъмурий ишни кўриб чиқиш;
- маъмурий ҳужжатни қабул қилиш;
- маъмурий шикоят бўйича қайта кўриш;
- маъмурий ҳужжатни ижро этиш.

Маъмурий ишни кўриб чиқиш маъмурий ишни қўзғатиш билан бошланади. Маъмурий ишни бошлаш учун иккита асос мавжуд:

1. Манфаатдор шахснинг аризаси (шикояти);
2. Маъмурий органнинг ташаббуси.



Мазкур асосларни қуйидаги муаммоли вазият асосида тушунтирамиз.

Муаммоли вазият

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К. талаб этилган ҳужжатларни йиғиб келиб ижтимоий таъминот бўлими ходимига тақдим қилди. Ходим керакли ҳужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди.

Юқоридаги муаммоли вазиятда маъмурий ишни бошланишига манфаатдор шахс (фуқаро Рашидов К.) нинг аризаси асос вазифасини бажармоқда.

Маъмурий органга бериладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) ариза берилаётган маъмурий органнинг номи;
- 2) аризачи — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи, агар аризачи юридик шахс бўлса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва манзили;
- 3) аризачининг талаби;
- 4) аризага илова қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати (агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлса);
- 5) ариза берилган сана.

Ариза аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган аризада юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари ўз манфаати ҳимоя қилинаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг манзили (почта манзили) ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилган бўлиши керак.

Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қонун ҳужжатларида бошқа талаблар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Маъмурий орган аризачидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ахборотни ёки ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга, шунингдек аризага ва унга илова қилинган ҳужжатларга нисбатан талаблар қўйишга ҳақли эмас.

Электрон шаклда бериладиган аризаларда аризачининг электрон манзили ҳамда ягона идентификатори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса электрон рақамли имзо ва бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак. Аризада электрон манзилнинг кўрсатилганлиги аризачининг хабарларни ахборот тизими орқали қабул қилишга бўлган розилигидир.

Жисмоний ва юридик шахслар аризаларни оғзаки шаклда беришга ҳам ҳақли, бундан қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган ҳоллар мустасно.

Маъмурий органга келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Маъмурий орган аризачига ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса, ариза рўйхатдан ўтказилганлигини маъмурий органнинг расмий веб-сайтидаги электрон хабар билан, тегишли ёзувга ҳавола билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт. Маъмурий органда аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Маъмурий органга ариза бериш учун зарур бўлган ахборот маъмурий органнинг мансабдор шахси ёки ахборотни тақдим этиш ўз ваколатига киритилган бошқа ходими томонидан тақдим этилади.

Маълумотнома тарзидаги ахборот қоида тариқасида:

аризанинг шаклига;

аризанинг мазмунига;

ариза бериш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига;

аризанинг шакли ва мазмунига доир талабларни бузиш оқибатларига;

ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш вақтига;

аризани кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига;

маъмурий ва процессуал ҳужжатлар ҳамда ҳаракатлар устидан шикоят қилиш тартибига оид масалалар юзасидан тақдим этилади.

Маъмурий орган аризалар намуналаридан ва маъмурий иш юритиш билан боғлиқ бўлган хизмат варақаларидан (бланкалардан), шунингдек уларни тўлдириш, шу жумладан маъмурий органнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали тўлдириш бўйича йўриқномалардан фойдаланишни таъминлаши шарт.

Маъмурий орган аризачига қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур ёрдам кўрсатиши шарт. Агар аризада тўғрилаш мумкин бўлган хатолар мавжуд бўлса, маъмурий орган уларни тўғрилаш учун аризачига имконият ва муддат беради. Агар аризага доир иловада қонун ҳужжатларига биноан талаб қилинадиган ёки аризачи ҳавола қилаётган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, уларсиз маъмурий ҳужжатни қабул қилиш имкони бўлмаган тақдирда, маъмурий орган аризачига етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини, бунинг учун муддат белгилаган ҳолда, бериши керак. Хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш учун маъмурий орган томонидан белгиланадиган муддат, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, беш иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Маъмурий орган аризачининг илтимосномасига биноан ушбу муддатни беш иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтириши керак. Маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши хатоларни бартараф этиш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш вақтида тўхтатиб турилади. Талаб қилинаётган маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ўз ваколатига қирмайдиган маъмурий

органга келиб тушган ариза қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий органга кўпи билан беш кунлик муддатда юборилади ва бу ҳақда аризачига хабар берилади.

Қуйидаги муаммоли вазиятда маъмурий ишни бошланишига маъмурий орган(хокимият)нинг ташаббуси сабаб бўлишини кўриш мумкин:

Муаммоли вазият

Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Комилов К. ўзига қарашли ер участкасида 6 хонадан иборат турар-жой биноси қурди. Орадан 10 йил ўтгач фуқаро Комилов К.нинг ҳовлиси жойлашган ҳудуддан автомобиль магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди. Натижада ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари олиб қўйиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Маъмурий иш юритиш ариза маъмурий органда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан бошланган ҳисобланади. Агар маъмурий ишни бошлаш учун маъмурий органнинг ташаббуси асос бўлса, маъмурий иш юритиш адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан бошланган ҳисобланади.

Маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан амалга оширади. Яъни, маъмурий ишни тааллуқлилиги тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб ўтилади. Мисол учун, концерт-томоша фаолиятини лицензиялашга оид маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ваколатига кириши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда белгилаб ўтилган. Бу дегани маъмурий ишни тааллуқлилигини аниқлаш учун кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатларига мурожаат қилиш лозим бўлади.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги тўғрисидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади.

Маъмурий ишлар ва мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларининг сони кўплиги учун мазкур масалада низоларни юзага келиш ҳолатлари учраб туради. Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги тўғрисидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади. Мисол учун, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги ўртасида низо келиб чиқадиган бўлса, ушбу органлар учун юқори турувчи орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан низо ҳал этилади.

9.2. Маъмурий иш юритиш иштирокчилари

Маъмурий иш юритиш иштирокчилари қуйидагилардан иборат:

маъмурий орган;

қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки амалга оширилаётган маъмурий ҳаракат ўзига қаратилган шахс (адресат);

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс (учинчи шахс).



Маъмурий иш юритишнинг муҳим иштирокчиси бу маъмурий органдир. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялардир.

Маъмурий орган учинчи шахсларни маъмурий иш юритишда иштирок этишга ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра жалб қилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда учинчи шахслар маъмурий иш юритишда иштирок этишга мажбурий тартибда жалб этилади.

Адресат ва учинчи шахслар биргаликда манфаатдор шахс ҳисобланади. Улар қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

- маъмурий иш материаллари билан танишиш;
- маъмурий иш материалларидан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш;
- рад қилиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш;
- далилларни текширишда иштирок этиш;
- маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш;
- маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш;
- илтимосномалар бериш;
- маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;
- маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш;
- бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш;

маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий иш юритишда вакилликка йўл қўйилади. Юридик шахслар маъмурий иш юритишда қонун ҳужжатларида, таъсис ҳужжатларида ёки қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада белгиланган ваколатлари доирасида ҳаракат қилувчи ўз вакиллари орқали иштирок этади.

Жисмоний шахслар маъмурий иш юритишда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши мумкин, бундан қонун ҳужжатларида уларнинг шахсан иштирок этиши зарурлиги назарда тутилган ҳоллар мустасно. Вакилнинг иштирок этиши жисмоний шахсни маъмурий иш юритишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада баён этилиши керак.

Манфаатдор шахснинг вакили маъмурий иш юритишга тааллуқли барча ҳаракатларни ўзи вакиллик қилаётган шахс номидан бажаришга ваколатлидир, шунингдек, агар қонунда ёки унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий иш юритишнинг ўзи вакиллик қилаётган иштирокчиси эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

Маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқалар) маъмурий иш юритишга ихтиёрийлик ёки шартнома асосида маъмурий орган томонидан ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномасига кўра, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жалб қилинади.



Маъмурий орган гувоҳ, эксперт ва таржимонни била туриб ёлғон кўрсатувлар, нотўғри эксперт хулосалари берганлик ҳамда нотўғри таржима қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши шарт.

Маъмурий ҳужжатни қабул қилишда аҳамиятга эга бўлган маълумотларни баён этиш ёки маъмурий органнинг мансабдор шахси томонидан муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши фактини гувоҳлантириш учун гувоҳ маъмурий иш юритишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ихтиёрий тартибда жалб қилиниши мумкин. Гувоҳ ўз хоҳишига кўра оғзаки ёки ёзма кўрсатувлар беради. Гувоҳнинг оғзаки кўрсатувлари маъмурий орган томонидан тегишли баённомада баён этилади.

Маъмурий орган фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар талаб этиладиган масалалар юзасидан хулоса бериш учун экспертиза тайинлаши мумкин. Экспертлар тайинлаш ва экспертлар томонидан тушунтирилиши керак бўлган масалалар доирасини аниқлаш чоғида маъмурий иш юритишнинг барча иштирокчилари фикри инобатга олинади. Эксперт экспертиза предметиға тааллуқли маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларға ва гувоҳларға саволлар бериш, жойида кўздан кечиришда, аттестация-имтиҳон тадбирларида ҳамда эксперт баҳолашидан ўтказишға қаратилган бошқа ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқиға эға. Эксперт, агар унга тақдим этилган материаллар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса ёки эксперт ўз зиммасиға юклатилган мажбуриятни бажариш учун зарур билимларға эға бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин. Эксперт ўз текширишларининг натижалари бўйича эксперт хулосасини тақдим этади. Маъмурий органнинг ёки маъмурий иш юритишдаги бошқа иштирокчиларнинг талабиға кўра эксперт ўз хулосаси юзасидан қўшимча тушунтиришлар бериши керак.

Мутахассис далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлашда маъмурий органға кўмаклашиш ёки фикр шаклида тушунтиришлар бериш учун маъмурий иш

юритишга жалб қилинади. Мутахассис, агар у зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, маъмурий иш юритишда иштирок этишдан бош тортишга ҳақли. Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни, шу жумладан кар-соқовларнинг имо-ишораларини биладиган шахс таржимондир.

Маъмурий иш юритиш иштирокчиларини ишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи қандай ҳолатлар мавжуд? Маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда ҳақли эмас, агар у:

мазкур маъмурий иш юритишда манфаатдор шахс бўлса;

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатида бўлса (бўлган бўлса);

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айна шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

мазкур маъмурий ишни юритишда маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахс сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишни ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахсларни рад қилиш тўғрисида қуйидаги ҳолларда арз қилиниши мумкин:

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бири билан қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатида бўлса (бўлган бўлса);

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслардан бирининг вакили бўлса ёки илгари унинг вакили сифатида айна шу маъмурий иш юритишда иштирок этган бўлса;

мазкур маъмурий ишни юритишда маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашувчи шахс сифатида илгари иштирок этган бўлса;

бошқача тарзда шахсан, бевосита ёки билвосита маъмурий ишни ҳал этиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

ушбу шахсларнинг мазкур маъмурий иш ҳолатлари бўйича илгари хулоса берганлиги;

уларнинг маъмурий ишни кўриб чиқаётган маъмурий органнинг мансабдор шахсига, маъмурий иш юритишнинг бошқа иштирокчиларига ёки уларнинг вакилларига хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда тобе бўлганлиги асосида арз қилиниши мумкин.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар маъмурий ишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи асослардан бирини билган тақдирда, маъмурий органнинг мансабдор шахси ва маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисида ёзма шаклда ариза беришга ҳақли.

Рад қилиш асослантирилган бўлиши ва бу ҳақда маъмурий ҳужжат қабул қилингунига қадар маъмурий иш юритишнинг исталган босқичида ариза берилиши мумкин.

Маъмурий органнинг мансабдор шахсини рад қилиш тўғрисидаги ариза рад қилиш билдирилаётган мансабдор шахсга ёхуд маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга оширилаётган бўлса, коллегиял органнинг раисига берилади. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қабул қилган маъмурий органнинг мансабдор шахси бир иш куни ичида маъмурий ишни кўриб чиқишни тўхтатиши ва рад қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган шахсга кўриб чиқиш учун бериши керак.

Рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарорни ўзига нисбатан рад қилиниши ҳақида арз қилинган мансабдор шахснинг бевосита раҳбари, агар

рад қилиш маъмурий органнинг мансабдор шахсига нисбатан арз қилинган бўлса, юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган қабул қилади.

Маъмурий иш юритиш коллегиял орган томонидан амалга ошириладиган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги ариза бўйича қарор ушбу орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш юзасидан овоз беришда коллегиял органнинг ўзига нисбатан рад қилиш тўғрисида ариза берилган аъзоси иштирок этмайди. Агар рад қилиш коллегиял органнинг бутун таркибига нисбатан арз қилинган бўлса, рад қилиш тўғрисидаги қарор худди шу орган томонидан тўлиқ таркибда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахсларни рад қилиш тўғрисидаги ариза маъмурий иш юритишни амалга ошираётган ҳамда ушбу ариза бўйича тегишли қарор қабул қиладиган маъмурий органнинг мансабдор шахсига берилади.

Рад қилиш тўғрисидаги қарор рад қилиш ҳақида ариза берилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмасдан қабул қилиниши керак.

Маъмурий ишни кўриб чиқаётган маъмурий органнинг мансабдор шахсини, коллегиял орган аъзосини ёки коллегиял органнинг бутун таркибини рад қилиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, бир вақтнинг ўзида ушбу маъмурий ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган шахс (коллегиял орган) тайинланади.

Маъмурий ишда иштирок этиш имкониятини истисно қилувчи асослардан бири мавжуд бўлса, маъмурий органнинг мансабдор шахси, шунингдек маъмурий ишни ҳал этишга кўмаклашаётган шахслар ўзини ўзи рад қилиш тўғрисида дарҳол арз қилиши шарт.

9.3. Маъмурий иш юритишда далиллар

Ҳар қандай иш юритиш учун далиллар алоҳида ўрин тутади. Маъмурий иш юритишни амалга ошириш соҳаси кенглиги учун далилларга аҳамияти каттадир.

Ёдда тутинг!

Маъмурий иш юритишда далиллар маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлардан иборатдир.

Далилни дастлабки ва ҳосила турларига бўлиш мумкин.

Далил

Дастлабки

Ҳосила

Дастлабки далил бевосита биринчи манбадан олинган далил бўлади. Мисол учун, ҳужжатнинг асл нусхаси (масалан, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома) — дастлабки далил; ундан олинган нусха — ҳосила.

Олинган манбаси бўйича далиллар икки турга, яъни шахсий ва ашёвий далилларга бўлинади. Шахсий далилларга тарафлар ва учинчи шахсларнинг тилхати, гувоҳларнинг кўрсатмаси, экспертларнинг хулосаси; ашёвий далилларга: турли шаклдаги буюмлар киради. Ёзма далилга келсак, айрим муаллифлар уларни шахсий далилга киритади, чунки улар инсон томонидан тузилади. Бошқалар эса, ҳужжатлар кенг маънода буюмлар, моддий дунёнинг объекти ҳисобланар экан, демак, уларни ашёвий далилларга киритиш мумкин.

Маъмурий органнинг маъмурий ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахси мазкур ишни ҳолисона, ҳар томонлама ва тўғри кўриб чиқиш учун зарур бўлган далилларни йиғишни амалга оширади.

Маъмурий орган маъмурий иш юритишнинг иштирокчилари томонидан далил сифатида тақдим этиладиган ҳужжатларнинг шаклига нисбатан талаблар қўйишга ҳақли эмас, бундан ҳужжатларнинг шакли қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Маъмурий орган фақат маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни кўриб чиқишга қабул қилади.

Маъмурий орган ҳар бир далилни ишонччилик, дахлдорлик ва мақбуллик нуқтаи назаридан ҳамда далилларнинг ҳаммасини етарли даражада тўпланганлиги бўйича баҳолайди. Қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши керак бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай воситалар билан тасдиқлаш мумкин эмас.

9.4. Маъмурий иш юритиш муддатлари

Маъмурий иш юритишни амалга оширишда муддатлар алоҳида ўрин тутати. Манфаатдор шахснинг маъмурий иш юритишдан асосий эътирози кўпинча муддатлар билан боғлиқ бўлади.

Ёдда тутинг!

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий орган мумкин қадар **қисқа муддатларда**, аммо ариза маъмурий органда рўйхатга олинган кундан эътиборан, маъмурий ҳужжат маъмурий орган ташаббуси билан қабул қилинадиган тақдирда эса, адресат маъмурий иш юритиш бошланганлиги тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан **ўттиз иш кунидан** кечиктирмай маъмурий ишни кўриб чиқади ва маъмурий ҳужжатни қабул қилади.

Маъмурий органларнинг ташаббуси билан маъмурий ҳужжатларни қабул қилишнинг энг кўп муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Маъмурий иш юритиш муддати қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган томонидан узайтирилиши мумкин.

Маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши ариза маъмурий органда рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади, маъмурий ҳужжатни маъмурий органнинг ташаббусига кўра қабул қилиш учун эса ушбу муддатнинг ўтиши адресат маъмурий иш юритиш бошланганлиги ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган кундан эътиборан бошланади.

Хабарномани топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш ёки тилхат олиб топшириш ёхуд хабардор қилинганлиги

факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиш маъмурий иш юритишда тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади. Тегисли хабарнома манфаатдор шахс томонидан олинган пайт хабардор қилиш вақтидир.

Манфаатдор шахслар ўз манзили ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органга маъмурий ишни юритиш вақтида маълум қилиши шарт. Бундай маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, хабарлар маъмурий органга маълум бўлган охириги манзилга юборилади ҳамда етказиб берилган деб ҳисобланади. Агар манфаатдор шахслар ўз телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзилини маъмурий органга маълум қилган бўлса, улар бу маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органни маъмурий иш юритиш вақтида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши керак.



Хабарномани манфаатдор шахсга тилхат олиб шахсан топширишнинг имкони бўлмаган тақдирда, хабарнома у билан бирга яшайдиган вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бундай шахслар бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки манфаатдор шахснинг иш берувчисига (таълим муассасаси маъмуриятига) тилхат олиб топширилиши мумкин. Хабарномани

қабул қилган шахс имконият бўлиши билан уни кечиктирмасдан манфаатдор шахсга топшириши шарт. Хабарномани қабул қилишни рад этган манфаатдор шахс тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. Рад этиш хабарномага белги қўйиш орқали расмийлаштирилади ва хабарнома маъмурий органга қайтарилади. Манфаатдор шахснинг хабарномани қабул қилишни рад этганлиги тўғрисидаги белги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки манфаатдор шахснинг иш берувчиси (таълим муассасаси маъмуриятининг мансабдор шахси) томонидан ёхуд иккитадан кам бўлмаган фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади. Тегишли тарзда хабардор қилиш фактини исботлаш мажбурияти маъмурий органнинг зиммасида бўлади.

Агар ариза тааллуқлилиги бўйича ваколатли маъмурий органга қайта юборилган бўлса, маъмурий иш юритиш муддатининг ўтиши маъмурий иш тегишли ваколатли органга келиб тушиб, рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Маъмурий иш юритиш муддатлари кунлар, ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Агар маъмурий иш юритиш муддати дам олиш (байрам) кунида тугаса, шу кундан кейинги иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

9.5. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш асослари

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасига кўра, маъмурий орган маъмурий иш юритишни қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришга ҳақли:

фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ёки жиноят суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар маъмурий ишни кўриш мумкин бўлмаганда;

маъмурий иш юритишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этганда, агар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилган тақдирда ёки маъмурий иш юритишда иштирок этаётган юридик шахс қайта ташкил этилганда;

хатоларни тўғрилаш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилганда;

манфаатдор шахсларнинг узрли сабабларга кўра келмаганлиги, агар уларнинг иштироки маъмурий иш юритишни тамомлаш учун зарур бўлганда;

манфаатдор шахснинг талабига кўра маъмурий орган томонидан экспертиза тайинланганда.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар процессуал ҳужжат ҳисобланади. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш маъмурий иш юритиш муддатлари ўтишининг тўхташига олиб келади.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, маъмурий ишни юритиш тикланади. Маъмурий иш юритишни тиклаш тўғрисидаги хабарнома манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади. Маъмурий иш юритиш тикланган кундан эътиборан маъмурий иш юритиш муддатларининг ўтиши давом этади.

Маъмурий орган қуйидаги ҳолларда маъмурий иш юритишни тугатиши шарт:

маъмурий иш маъмурий органда кўриш учун тегишли бўлмаса;

маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари иштирокидаги, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий иш юқори турувчи маъмурий органнинг ёки суднинг иш юритувида бўлса;

маъмурий иш ваколатли маъмурий органга қайта юборилган бўлса ёки маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари иштирокидаги, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий иш мазкур ишни ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органнинг иш юритувида бўлса;

ушбу маъмурий органда маъмурий иш юзасидан маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари билан, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилинган бўлса;


ариза ёки маъмурий шикоят уни тақдим этган шахс томонидан чақириб олинса;

маъмурий иш юритиш иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқий ҳолати) ўзгариши натижасида маъмурий иш бўйича маъмурий ҳужжатни қабул қилиш мумкин бўлмай қолса;

маъмурий иш юритишни тамомлаш учун иштироки зарур бўлган манфаатдор шахслар узрсиз сабабларга кўра келмаса;

манфаатдор шахс мавжуд бўлмаса ва мазкур ҳолатда ишда иштирок этувчи жисмоний шахс вафот этганлиги ёки юридик шахс тугатилганлиги натижасида ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмаса.

Юқоридаги асослардан кўриш мумкинки, маъмурий иш юритишни тугатиш ва тўхтатиб туриш бир-биридан фарқ қилади. Улар ўртасидаги асосий фарқ ишни қайта тиклаш ёки тиклаш мумкин эмаслигидадир. Жумладан, маъмурий иш юритиш тугатилгандан сўнг уни тиклаб бўлмайди.



Маъмурий иш юритишни тугатиш процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Маъмурий иш юритишни тугатиш ҳақидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш кун ичида юборилади.

9.6. Маъмурий ишни маъмурий орган мажлисида кўриб чиқиш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий иш маъмурий орган мажлисида кўриб чиқилиши лозим. Маъмурий иш маъмурий органнинг ташаббуси билан ёки манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича ҳам мажлисида кўриб чиқилиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ишни мажлисида кўриб чиқиш чоғида мажбурий тартибда баённома юритилади.

Мажлис баённомаси маъмурий ишни кўриб чиқишнинг барча муҳим ҳолатларини акс эттириши керак. Мажлис баённомасида, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) мажлиснинг санаси ва жойи;
- 2) мажлис бошланган ва тугаган вақт, мажлисдаги танаффуслар ҳақидаги маълумотлар;
- 3) маъмурий органнинг номи, маъмурий орган мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки маъмурий ишни кўриб чиқаётган коллегиял органнинг таркиби ва мажлис котиби;
- 4) адресат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи, агар адресат юридик шахс бўлса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), агар иш юритишда вакил иштирок этаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг манзили, шунингдек маъмурий иш юритишда иштирок этувчи учинчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларнинг келганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- 6) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва уларнинг мажлисга келмаганлиги сабаблари тўғрисидаги маълумотлар;

7) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтириб берилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

8) маъмурий орган мансабдор шахсининг ёки маъмурий ишни кўриб чиқаётган коллегиял орган раислик қилувчисининг ушбу ишни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинадиган процессуал ҳужжатлари;


9) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг аризалари ва илтимосномалари ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

10) тақдим этилган далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари ва ҳоказо ҳақидаги маълумотлар;

11) маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосалари юзасидан оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш маълумотлари.

Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахслар ўзлари муҳим деб ҳисоблайдиган ҳолатларни мажлис баённомасига киритиш хусусида илтимос қилишга ҳақли.

Маъмурий иш якка тартибда кўриб чиқилганда мажлис баённомаси маъмурий органнинг ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахси ва мажлис котиби томонидан имзоланади. Маъмурий иш коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган тақдирда баённома раислик қилувчи ва мажлис котиби томонидан имзоланади.



Қуйидагилар маъмурий ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш асослари ҳисобланади:

тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган манфаатдор шахслардан бирининг мажлисга келмаганлиги;

маъмурий органнинг маъмурий ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахсини рад қилиш ҳақидаги аризанинг қаноатлантирилганлиги ёки унинг йўқлиги;

маъмурий иш юритишда иштирок этувчи, маъмурий ишни ўзларисиз кўриб чиқиш мумкин бўлмаган манфаатдор шахсларнинг мажлисда ҳозир бўлмаганлиги;

мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган манфаатдор шахсларнинг маъмурий орган томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра келмаганлиги.

Агар маъмурий орган мажлисга келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёки маъмурий ишни кўриб чиқишни манфаатдор шахс қасддан чўзаяпти деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, маъмурий орган маъмурий ишни тегишли тарзда хабардор қилинган манфаатдор шахснинг йўқлигида кўриб чиқишга ҳақли.

Манфаатдор шахслар маъмурий ишни улар йўқлигида кўриб чиқиш хусусида илтимос қилишга ҳақли. Маъмурий орган маъмурий ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириб, кейинги мажлиснинг вақти ва жойини тайинлайди, бу ҳақда ҳозир бўлган шахсларга тилхат олиб эълон қилади. Мажлисга келмаган ҳамда маъмурий ишни кўриб чиқишда иштирок этиш учун янгидан жалб қилинадиган шахслар кейинги мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади.

Маъмурий ишни кўриб чиқиш маъмурий органнинг мансабдор шахси томонидан, маъмурий иш коллегиал органда кўрилаётганда эса, раислик қилувчи томонидан очилади. Шундан сўнг маъмурий иш юритиш иштирокчиларининг оғзаки тушунтиришлари эшитилади.

Маъмурий иш юритиш иштирокчилари бир-бирига саволлар бериши мумкин. Шундан кейин маъмурий орган маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитишга ва бошқа далилларни текширишга ўтади.

Маъмурий ишни мажлисда кўриб чиқиш тартиби



Маъмурий иш юритиш иштирокчиларининг, шунингдек маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахсларнинг ёзма тушунтиришлари мажлисда ўқиб эшиттирилиши керак. Маъмурий иш юритишда иштирок этувчи манфаатдор шахсларнинг илтимосномалари маъмурий иш юритишнинг бошқа иштирокчилари эшитилганидан сўнг кўриб чиқилади.

Маъмурий органнинг мансабдор шахси ёки коллегиял орган маъмурий ишни мажлисда кўриб чиқиш натижалари бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилади. Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг кўриб чиқиш натижалари асосида амалга ошириладиган бўлса, бундай кўриб чиқиш қонун талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

9-боб бўйича мустақил тайёрланиш учун муаммолли вазият (казус)

Эскирган уйда яшовчи фуқаро С.Аҳмедов янги уй-жойга эга бўлиш мақсадида кўп квартирали уйлардаги квартираларни яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларга бириктириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳудудий комиссияга тегишли ҳужжатларни топширмоқчи бўлди. С.Аҳмедов 2017 йил 15 февраль куни уй-жойнинг техник ҳолати тўғрисидаги кадастр маълумотномасини олиш мақсадида Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига мурожаат қилди. С.Аҳмедовга ҳозирда бўлимда ишлар жуда кўплиги, ундан олдин кўплаб фуқаролар айна шу масалада мурожаат этганликлари айтилди. Шу сабабли унга кейинроқ идорага келиб учрашиш лозимлиги маълум қилинди.

Аммо, кейинчалик С.Аҳмедов белгиланган санада Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан мурожаатига жавобан ҳеч қандай маълумотнома ололмади. С.Аҳмедов ноилож тегишли ҳужжатларни эскирган уйининг техник маълумотномасисиз ҳудудий комиссияга топширди.

Ўрганиш натижалари бўйича ҳудудий комиссия томонидан С.Аҳмедовга кўп квартирали уйдаги квартирани бириктиришни рад этиш тўғрисидаги протокол қарорини қабул қилди. Қарордан норози бўлган С.Аҳмедов Олмазор туман маъмурий судга ариза билан мурожаат қилди.

Олмазор туман маъмурий суди аризада кўрсатилган жавобгар – кўп квартирали уйлардаги квартираларни яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларга бириктириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳудудий комиссияни Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига алмаштиришмоқчи бўлди. Бу ҳақида С.Аҳмедовга маълум қилинди. Бироқ, С.Аҳмедов бунга розилик бермади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

9-боб бўйича назарий саволлар

1. Маъмурий иш юритиш тушунчасини таҳлил қилинг.
2. Маъмурий иш юритишнинг бошлашнинг қандай асослари мавжуд?
3. Маъмурий иш юритишнинг иштирокчиларини таҳлил қилинг.
4. Маъмурий иш юритишда кўмаклашувчи шахслар доирасини таҳлил қилинг.
5. Маъмурий иш юритиш муддатларини таҳлил қилинг.
6. Маъмурий иш юритиш амалиётини таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни аниқланг.

9-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

крессвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслардан бири.

Энига: 1. Маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслардан бири. 2. Маъмурий иш юритиш иштирокчиларидан бири. 3. Далилнинг турларидан бири. 4. Манфаатдор шахсни хабардор қилиш тартибларидан бири.

						1								
					1									
						2								
				3										
					4									

Х БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТ

10.1. Маъмурий ҳужжат тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳаётимизда жуда кўплаб маъмурий ҳужжатларга дуч келамиз. Мисол учун, ердан доимий фойдаланиш тўғрисидаги ҳоким қарори, лицензия бериш тўғрисидаги қарор ва бошқалар. Ҳуқуқшунос маъмурий ҳужжатларни билмасдан туриб, мукаммал касб эгаси бўла олмайди. Сиз судья бўлсангиз маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмаслигини аниқлаш учун, прокурор бўлсангиз маъмурий ҳужжатни қонун асосида қабул қилинганлиги билиш учун ва адвокат бўлсангиз миждозингиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маъмурий ҳужжатга қўйилган талабларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг энг асосий қисми маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш, бекор қилиш, ўзгартириш, ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ нормалар ташкил этади. Мазкур қонуннинг 4-моддасида “маъмурий ҳужжат” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳужжатларни маъмурий ҳаракатлар ва процессуал ҳужжатлардан фарқлаш керак. Маъмурий ҳаракатлар деганда маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тушунилади.

Процессуал ҳужжат эса маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжатдир. Бунинг маъноси шуки, процессуал ҳужжатлар маъмурий ҳужжат қабул қилинмасдан аввал маъмурий ишни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинади. Процессуал ҳужжат ишни тугал шаклда ҳал қилиб бермайди. Масалан, лицензия талаб этиладиган фаолият билан шуғулланиш учун тегишли маъмурий органнинг қарори талаб этилади. Қарор маъмурий ҳужжат бўлса, қарор қабул қилингунгача бўлган босқичда ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар билан боғлиқ қабул қилинадиган ҳужжат процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий ҳужжат тушунчасини таҳлил қилишда қуйидаги муаммоли вазиятни кўриб чиқсак.

Муаммоли вазият

Ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастр корхонаси шаҳар бўлимининг маълумотномасига кўра Ҳувайдо кўчаси, 166-уй манзилида жойлашган дўкон ва цех биносига мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери ва олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Қ.Қўлдошев номига кадастр хизматида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда шаҳар ҳокимининг қарорига асосан мазкур биноларнинг амалда эгаллаб турган 450 квадрат метр майдони доимий фойдаланиш учун бириктирилиб, ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти берилган.

2017 йил 3 октябрда Бухоро шаҳар ҳокимининг қарори асосида фуқаро Қ.Қўлдошевга тегишли бўлган бино-иншоотларни бузиш лозимлиги кўрсатилган. Фуқаро бинони буздириш тўғрисида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинганидан 2017 йил ноябрь ойида хабар топган. Фуқаро Қ.Қўлдошев ҳоким қарори қонунда белгиланмаган муддатда унга хабар қилинмаганлиги

Юқоридаги муаммоли вазиятда қуйидагилар маъмурий ҳужжат ҳисобланади:

1. мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери;
2. ердан доимий фойдаланиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори;

3. ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома;

4. ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти;

5. бино-иншоотларни бузиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори.

Хўш, нима учун юқоридагилар маъмурий ҳужжат ҳисобланади? Бунинг биз маъмурий ҳужжатнинг ўзига хос хусусиятларидан аниқлаш орқали билиб олишимиз мумкин бўлади. Маъмурий ҳужжатнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Маъмурий ҳужжат маъмурий орган томонидан қабул қилинади;

2. Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан ҳамбарчас боғлиқ;

3. Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради ёки тугатади;

4. Маъмурий ҳужжат муайян жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд бир қанча шахслардан иборат жамоага қаратилади;

5. Маъмурий ҳужжат муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради.

Маъмурий ҳужжат ва маъмурий органлар ўзаро бир бирига ҳамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалардир. Органлар, ташкилотлар ҳамда махсус тузилган комиссияларни маъмурий орган сифатида баҳолаш учун уларда айнан маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ваколати мавжуд бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, давлат органлари ва муассасаларни маъмурий орган сифатида эътироф этиш учун улар жисмоний ва юридик шахслар билан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга киришиши ва бунинг натижаси сифатида маъмурий ҳужжатни қабул қилиши керак.

Маъмурий органлар тушунчаси 2018 йилга қадар маъмурий ҳуқуққа доир қонунчиликда мавжуд бўлмаган. Ушбу атама “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда алоҳида ажратиб кўрсатилди. Бунга қадар эса маъмурий ҳуқуқий муносабатларда бир тарафда албатта давлат бошқаруви органининг иштирок этиши айтиб ўтилар эди. Давлат бошқаруви органлари эса ижро ҳокимиятига мансуб, фаолияти қонуности характериға эға ҳамда

ижро ва фармойиш бериш фаолияти, яъни давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган давлат органларининг тизимидир. Булар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар ва марказлар, шунингдек маҳаллий ижро ҳокимияти органларини қамраб олади.

Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Бу дегани маъмурий органлар ва хусусий шахслар ўртасида турли мазмундаги шартномалар ҳам тузилиши мумкин. Масалан, биронта маъмурий орган билан биронта юридик шахс ўртасида хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузилса, бу муносабатни оммавий ҳуқуқий муносабат деб бўлмайди. Бу ҳолатда маъмурий орган юридик шахс билан тенг субъект сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатга киришади.

Маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Унда тарафлар ўзаро тенг эмас. Бунинг сабаби маъмурий орган ва хусусий шахс маъмурий ҳужжатни қабул қилишда шартнома тузишдаги сингари бир-бирига шартлар қўя олмайди. Аммо, маъмурий орган ва унинг мансабдор шахслари ишни мазмунан қонун талаблари доирасида ҳал этишлари керак.

Маъмурий ҳужжат юқорида таъкидлангани сингари оммавий ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Масалан, лицензия бериш ҳақидаги маъмурий ҳужжатнинг қабул қилиниши маъмурий органларнинг хусусий шахслар фаолиятида лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ муносабатни вужудга келтиради.

Айрим маъмурий ҳужжатлар оммавий ҳуқуқий муносабатларни ўзгартиради. Бунга мисол қилиб маъмурий органнинг фуқарони унинг аризасига кўра ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтказиш тўғрисидаги қарорини келтириш мумкин.

Айрим маъмурий ҳужжатлар эса оммавий ҳуқуқий муносабатларни бекор қилади. Масалан, маъмурий органнинг хусусий шахснинг лицензисини

бекор қилишга қаратилган маъмурий ҳужжати лицензия талаб этиладиган фаолият билан шуғулланишни тўхтатишга олиб келади.



Шу ўринда қайд этиш лозимки, маъмурий ҳужжат ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бир-биридан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Уларнинг асосий фарқи шундаки, норматив-ҳуқуқий ҳужжат якка шахсга қаратилмайди. У умуммажбурий хусусиятга эгадир. Бу маъмурий ҳужжат қаратилган бир қанча жисмоний ёки юридик шахслардан иборат гуруҳ билан айтиб бериш билан бир нарса дегани эмас.

Маъмурий ҳужжатда жисмоний ёки юридик шахс кўрсатиб ўтилади. Яъни, унда жисмоний шахснинг исми ва шарифи, яшаш манзили ва бошқа шу каби қўшимча маълумотлар келтирилади. Юридик шахс бўлса, унинг фирма


¹Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й.

номи, унинг жойлашган манзили ва шу каби қўшимча маълумотлар қайд этиб ўтилади. Бир қанча жисмоний ёки юридик шахслардан иборат гуруҳ қаратилган маъмурий ҳужжатда улар ҳақида батафсил маълумот бўлмаслиги мумкин. Аммо маъмурий ҳужжатнинг мазмунидан у қайси гуруҳдаги шахсларга тегишли экани яққол намоён бўлади. Масалан, маҳаллий ҳокимият органи томонидан давлат дастурига биноан муайян ҳудудда қурилиш ишлари олиб борилиши муносабати билан эски уй-жойларни бузиш тўғрисидаги қарори маъмурий ҳужжатдир. Унда қайси ҳудуддаги уй-жойлар бузилиши аниқ кўрсатиб ўтилади. Гарчанд унда уй-жой тегишли бўлган фуқаролар санаб ўтилмаса-да, қарорнинг мазмунидан ҳудудда жойлашган эски уй-жой эгалари назарда тутилади. Маъмурий ҳужжат айнан тўғридан-тўғри уларнинг ҳуқуқларига дахлдордир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда эса бундай эмас. Маъмурий ҳужжат ҳуқуқни қўллаш ҳужжати бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатидир. Маъмурий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

10.2. Маъмурий ҳужжатнинг шакли ва мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасига биноан у ёзма шаклда қабул қилинади. Ушбу модданинг айни шу қисмида таъкидланишича, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин.



Маъмурий ҳужжатнинг ёзма тарзда қабул қилинишининг фуқаролар учун бир қатор афзалликлар туғдиради. Буни қуйидагилар билан асослаш мумкин.

1. Маъмурий ҳужжатларнинг ёзма тарзда қабул қилингани фуқароларга енгиллик туғдиради. Бунда, фуқаро ҳар қандай ҳолатда унга маъмурий ҳужжатда кўрсатилган таъсир чорасининг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Яъни, маъмурий ҳужжатнинг ёзма тарзда қабул қилингани туфайли фуқаро хоҳлаган вақтда унга мурожаат этиши мумкин бўлади.

2. Маъмурий ҳужжатнинг ёзма тарзда қабул қилиниши орқали, энг аввало, маъмурий органнинг қарори аниқ ифодаланади. Қарор шунчаки ёзиб қўйилмайди. Балки, асослантириб берилади.

3. Маъмурий ҳужжатни ёзма тарзда қабул қилиш жараёнида маъмурий орган мансабдор шахси унинг мазмунига жиддий эътибор қаратишига тўғри келади. Бунинг боиси шундаки, маъмурий ҳужжатнинг мазмуни фуқарога тушунарли бўлиши лозим.

4. Маъмурий ҳужжатнинг ёзма тарзда қабул қилиниши маъмурий органнинг мансабдор шахси зиммасига катта масъулият юклайди. Ёзма қабул қилинган маъмурий ҳужжатдан норози бўлган фуқаро унинг устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят билан мурожаат этган тақдирда, ноқонуний тарзда қабул қилинган маъмурий ҳужжат ишни кўриб чиқиш жараёнида далил

бўлиб хизмат қилади. Ёзма тарзда қабул қилинган маъмурий ҳужжатда маъмурий органнинг қарори мустаҳкамлаб қўйилади. Уни ҳар хил талқин этишининг имкони эса камаяди.

5. Маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлигини исботлаб бериш мажбурияти фуқаролар зиммасида эмас, балки маъмурий орган мансабдор шахси зиммасидадир. Агар барча маъмурий ҳужжатлар ёзма эмас, оғзаки тарзда қабул қилинганда эди, бундай маъмурий ҳужжатлар ноқонуний тарзда қабул қилинган бўлса ҳам маъмурий орган мансабдор шахси томонидан унинг қонунийлигини исботлаб бериш осон кечар эди. Бу эса маъмурий орган ва унинг мансабдор шахсига қараганда кучсиз тараф ҳисобланмиш фуқаро учун катта зарар келтириши мумкин эди.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳужжатларнинг ёзма тарзда қабул қилиниши маъмурий органлар учун қўшимча иш ёки улар ишининг кўпайишига сабаб бўладиган ҳолат бўлиб туюлиши мумкин. Аммо қонун талаби шундай. Бу бежиз эмас. Қонун маъмурий ҳужжатнинг ёзма тарзда қабул қилиниши фуқарога юқорида келтирилган ижобий жиҳатларини ҳисобга олаётган бўлса ажаб эмас.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, маъмурий ҳужжатлар нафақат мазмун, балки шаклга ҳам эгадир. Маъмурий ҳужжатларнинг ёзма шакли орқали унинг мазмуни рўёбга чиқади. Умумий қоидага биноан маъмурий ҳужжатлар алоҳида ёзма шаклда қабул қилинади. Бунинг эса фуқаролар учун бир қатор афзалликлари ва маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига эса бир қатор масъулият юклайди.

Бошқа тегишли ҳужжатни бериш орқали маъмурий ҳужжатни қабул қилиш дейиш билан нима назарда тутилмоқда? Бунга кундалик ҳаётимизда қуйидаги ҳолатни мисол қилиб келтириш мумкин. Барча фуқаролар 16 ёшга тўлганда паспорт олиш мажбуриятига эга бўладилар. тегишли ҳужжатни бериш орқали маъмурий ҳужжатни қабул қилишдир. Транспорт воситасини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ҳам бунга мисол бўла олади.

Муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали маъмурий ҳужжатни бериш юқорида таъкидлангани сингари қонун ҳужжатида назарда тутилган бўлиши керак. Бунда биронта ёзма шаклдаги маъмурий ҳужжат қабул қилинмайди. Аксинча, муайян ҳаракатни бажариш ёзма маъмурий ҳужжат вазифасини бажаради.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддаси иккинчи қисмига биноан ёзма маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланади ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланади. Демак, ёзма маъмурий ҳужжатнинг шаклидаги муҳим белги – бу маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланиши ва маъмурий органнинг муҳри билан тасдиқланишидир. Бу маъмурий ҳужжатнинг қонунийлигини кучайтиради. Унга нисбатан ишончни вужудга келтиради.

Бундай талаб фақат ёзма тарзда берилган маъмурий ҳужжатга нисбатан тадбиқ этилади. Бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш кўринишидагимаъмурий ҳужжатлар учун маъмурий органнинг ваколатли мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзоларининг имзоси ва маъмурий органнинг муҳри талаб этилмайди.

Маъмурий ҳужжатларнинг мазмуни қандай талабларга жавоб бериши керак? Маъмурий ҳужжатларнинг шаклига қўйилган талаблар билан бир қаторда уларнинг мазмунига ҳам талаблар белгиланган. Яъни, маъмурий ҳужжатларнинг мазмуни қуйидагича бўлиши керак:

1. Қонуний;
2. Асосланган;
3. Адолатли;
4. Аниқ;
5. Тушунарли.

Маъмурий ҳужжатлар ҳар қандай ҳолда ҳам қонуний бўлиши керак. Маъмурий ҳужжатлар аризачининг манфаатларини қаноатлантиришни рад этишга қаратилган бўлса (нормувофик маъмурий ҳужжат) ҳам у қонуний бўлиши керак. Қонуний бўлиши кераклиги маъмурий ҳужжатлар қонун талабалари доирасида бўлиши, яъни қонун нормаларига зид бўлмаслиги керак. Маъмурий ҳужжатлар индивидуал ҳолат юзасидан қабул қилингани билан унинг ҳуқуқий асоси – бу қонун ҳужжатиدير.

Маъмурий ҳужжат асосланган бўлиши керак. Маъмурий ҳужжатнинг қарор қисми унинг асосий қисмида асослантирилган бўлиши керак. Бу айниқса аризачининг манфаатларини қаноатлантиришни рад этишга қаратилган маъмурий ҳужжатлар учун жуда муҳимдир. Манфаатлари қаноатлантирилиши рад этилган маъмурий ҳужжатда асослантириш ўта муҳимдир. Бунда фуқарога нима учун манфаати қаноатлантирилиши рад этилаётгани кўрсатиб ўтилиши керак. Аризачи маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмини ўқиганда маъмурий ҳужжатда унга нисбатан нима учун бундай турдаги таъсир чораси қўлланилаётгани ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Зеро, маъмурий ҳужжат аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади.

Маъмурий ҳужжат адолатли бўлиши керак. Аслида “адолат” сўзи фалсафий тушунчадир. Маъмурий ҳужжатнинг адолатли бўлиши учун унда аризачининг ҳолати ҳар томонлама ҳисобга олиниши ва шунга муносиб тарзда мақбул қарорнинг қабул қилиниши керак бўлади. Ҳар қандай қонуний ҳисобланган нарса адолатли бўлмаслиги мумкин. Адолатни таъминлаш ўрни келганда қонунийликни таъмилашдан ҳам қийинроқ бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳужжат аниқ бўлиши керак. Маъмурий ҳужжатда баён этилаётган ҳолатлар икки хил маъно келтириб чиқармайдиган тарзда баён этилиши керак. Бундан ташқари, маъмурий ҳужжат тушунарли бўлиши керак. Бу эса маъмурий ҳужжатдаги ҳолатларнинг ифодасидан маъно келиб чиқиши керак. Маъмурий ҳужжатни ўқиган фуқарода унинг маъносини англаб олиши керак.



Маъмурий ҳужжатнинг мазмунига қўйилаётган талаблар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Масалан, қонунийлик, адолатлилик ва асосланганлик бир-бирига боғлиқ бўлса, аниқлик ва тушунарлилик ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Маъмурий ҳужжатда нималар кўрсатилиши керак? Маъмурий ҳужжат муайян икчи тузилишга эга. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасида маъмурий ҳужжатнинг бир қанча қисмлардан ташкил топиши керак экани таъкидлаб ўтилади. Булар қуйидалардир.

1) маъмурий ҳужжатнинг номи ва у қабул қилинган сана. Унинг номи орқали маъмурий ҳужжатдаги мазмун англашилади. Яъни, маъмурий ҳужжатнинг номини ўқиган ҳар қандай ўқувчи у қандай ҳолатга нисбатан қабул қилинганини англаб олиши керак. Маъмурий ҳужжатнинг санаси орқали маъмурий ҳужжатнинг қабул қилинган пайти аниқ кўрсатиб ўтилади.

2) маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили). Маъмурий ҳужжатда уни қабул қилган маъмурий органнинг номи, шунингдек маъмурий орган жойлашган ҳудуднинг почта манзили аниқ кўрсатилиши керак. Бу маъмурий ҳужжатнинг қайси маъмурий орган томонидан қабул қилинганини билдириб туради.

3) маъмурий иш юритиш иштирокчилари тўғрисидаги ахборот. Бундай ахборот орқали ишни кўриб чиқишда кимлар иштирок этгани аниқ баён этилиши керак.

4) маъмурий ҳужжат орқали ҳал қилинадиган масаланинг тавсифи (тавсиф қисми). Ушбу қисм маъмурий ҳужжатнинг муҳим қисми ҳисобланади. Унда маъмурий ҳужжат билан ҳал этиладиган масаланинг мазмун-моҳияти баён этилади.

5) маъмурий ҳужжатнинг асоси (асослантирувчи қисми). Асослантирувчи қисм маъмурий ҳужжатнинг тавсиф қисм ва хулоса қисми ўртасида боғлиқликни таъминлайди. Яъни, кўприк вазифасини бажаради. Усиз хулоса бўлиши мумкин эмас. Демак, ушбу қисмда тавсиф қисмдан келиб чиққан ҳолда маъмурий иш юзасидан қарор қабул қилинмасдан аввал қарорга асос бўлувчи ҳолатлар тушунтириб ўтилади.

6) қабул қилинган қарор баёни (хулоса қисми). Ушбу қисм маъмурий ҳужжатнинг энг муҳим қисмларидан биридир. Унда аризачининг илтимоси (талаби)ни қаноатлантириш ёки рад этиш масаласи аниқ қилиб кўрсатилади. Хулоса орқали маъмурий иш қандай ҳал этилгани аниқ кўриниб туриши керак. Хулосага қараб маъмурий ҳужжатни мувофиқ, яъни аризачининг талабини қаноатлантиришга қаратилган ёки номувофиқ, яъни аризачининг талабаини қаноатлантиришни рад этишга қаратилган маъмурий ҳужжатга ажратиш мумкин.

7) маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби. Маъмурий ҳужжатдан норози тараф ёки манфаатдор тараф тегишли тартибда шикоят қилиши мумкин. Маъмурий ҳужжатда айнан шикоят қилишнинг муддати ва тартиби аниқ кўрсатиб ўтилиши керак. Бу фуқаролар учун маъмурий ҳужжатга нисбатан кейинги ҳуқуқларини қандай қилиб амалга оширишлари мумкинлигини тушуниб етишларига имконият яратиш беради. Зеро, маъмурий ҳужжат фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатдир.

8) маъмурий органнинг маъмурий ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахснинг (коллегиал орган аъзоларининг) лавозими, исми ва фамилияси. Маъмурий ҳужжатда уни қабул қилган мансабдор шахснинг лавозими, исми ва фамилияси кўрсатиб ўтилиши шарт. Агар маъмурий ҳужжат коллегиал орган томонидан қабул қилинган бўлса, унда коллегиал орган аъзоларининг лавозими, исми ва фамилияси келтириб ўтилиш керак.

Юқоридаги 8 та бандда келтирилган талаблар маъмурий ҳужжатда келтирилиши мажбурий бўлган қисмлардир. Бундан ташқари агар маъмурий ҳужжат маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган бўлса, қўшимча маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатда қуйидагилар кўрсатиб ўтилиши мумкин:

муайян ҳуқуқнинг ёки мажбуриятнинг кучга кириш, ўз кучини йўқотиш пайти ёки амал қилиш муддати;

муайян ҳодисага ёки келажақда ҳуқуқнинг ёхуд мажбуриятнинг кучга кириши ёки ўз кучини йўқотиши билан боғлиқ бўлган шартга доир кўрсатма;

маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ҳуқуқи ёки келгусида қўшимча фармойишлар бериш ҳуқуқи маъмурий органда сақланиб қолиши тўғрисидаги изох;

адресатга муайян ҳаракатларни амалга ошириш, амалга оширишга йўл қўйиш ёки амалга оширишдан тийилиш хусусида кўрсатма берувчи қўшимча фармойишлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, маъмурий ҳужжатлар уларнинг шакли ва мазмуни талабларига жавоб бериши керак. Маъмурий ҳужжатларда шакл ва мазмуннинг уйғунлигини таъминлаш орқали уларни талаб этилган даражада расмийлаштиришга эришиш мумкин.

10.3. Маъмурий ҳужжатнинг асослилиги

Маъмурий ҳужжатни қабул қилишда маъмурий орган ҳар жиҳатдан эътиборли бўлиши керак. Бунда асосий эътибор маъмурий ҳужжатни асослантиришга қаратилиши керак. Сабаби:

1. Қабул қилинаётган қарорнинг, энг аввало, мазмунан келиб чиқиш асослари кўрсатиб ўтилиши керак;

2. Фуқаро ўзига нисбатан қабул қилинаётган қарор нимага асосланилаётганини билиш имконига эга бўлиши керак;

3. Юқори турувчи орган ва судлар маъмурий ҳужжат устидан келтириб ўтилган шикоятларни кўриб чиқиш пайтида қарорнинг асосли эканини текшириш мақсадида айнан асослантирувчи қисмга эътибор қаратадилар;

4. Асослантириш орқали қарор қабул қилишга асос бўлувчи сабаблар кўрсатиб ўтилади. Ушбу сабаблар аниқ баён этилиши лозим. Агар қарорда фуқаронинг талаби қаноатлантирилиши рад этилса, рад этилиш сабаблари аниқ баён этилиши ҳамда мазкур сабаблар қонун ҳужжати нормалари билан боғланган бўлиши лозим.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Ҳақиқий асослар деганда ишдаги фактик асослар тушунилади. Ҳар бир маъмурий ишда фактлар ҳар хил бўлади. Аризачи маъмурий органга мурожаат этганда унинг иши билан танишган маъмурий орган мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари фактларни ҳар томонилама муҳокама қилишлари лозим бўлади.

Шунингдек, асослантиришда фактлардан ташқари улар билан боғлиқ ҳуқуқий асослар, яъни тегишли қонун ҳужжатлари нормалари ҳам келтириб ўтилиши лозим.

Маъмурий ҳужжат муайян маъмурий ишни кўриб ҳал этишнинг охириги босқичида қабул қилинади. Унгача бўлган босқичда эса аризачининг мурожаатида келтирилган талаблар билан танишиб чиқиши ҳамда ишдаги иштирокчилар фикрларини эшитиши лозим. Ундан келиб чиқадиган фактларни таҳлил этиб, уларни аниқлаштириш мақсадида далилларни

текшириши ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиши ва улар билан иш юритиш иштирокчилари танишиб чиқишлари учун имкон яратиб бериши керак.

Демак, агар фактлар юзасидан далиллар текширилмаган ёки текширилган бўлса-да, улар маъмурий иш юритиш жараёнида маъмурий ишга қўшиб қўйилмаган ёхуд улар маъмурий иш юритиш иштирокчиларига танишиш имконияти берилмаган бўлса, маъмурий ҳужжатни асослантириш жараёнида бундай далилларга таяниш мумкин эмас.

10.4. Маъмурий ҳужжатнинг кучга кириши

Маъмурий ҳужжатнинг кучга кириш муддати муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг боиси шундаки, маъмурий ҳужжат кучга киргач юридик оқибат вужудга келади. Шундай экан, маъмурий ҳужжатларнинг кучга кириш вақтини аниқ билиш лозим.

Қайд этиш керакки, маъмурий ҳужжат маъмурий орган мансабдор шахси ёки коллегиял орган аъзолари томонидан имзоланиб муҳр қўйилгач кучга кириб қолмайди. Унинг кучга кириши учун муайян талабалар белгиланган.

Ёдда тутинг!

Маъмурий ҳужжат адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.


“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддаси 1-қисмига кўра, маъмурий ҳужжат адресатга хабардор қилинган пайтдан бошлаб кучга кириши белгилаб қўйилган. Демак, токи маъмурий ҳужжат адресатга маълум қилинмас экан унинг кучга кириши мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, адресат маъмурий ҳужжатдан энг кўп манфаатдор бўлган шахсдир. Маъмурий ҳужжатдаги қарор туфайли адресат муайян ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Ёки қабул қилиб бўлинган маъмурий ҳужжат устидан шикоят берилган ҳолда фуқаро зиммасига муайян мажбуриятни бажариш ҳам юклатилиши мумкин. Шу сабабли, адресат

маъмурий ҳужжатдан хабардор бўлишга тўла ҳуқуқли бўлган биринчи навбатдаги шахсдир.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида маъмурий иш юритиш иштирокчилари келтириб ўтилган бўлиб, улардан адресат деганда қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки амалга оширилаётган маъмурий ҳаракат ўзига қаратилган шахс тушунилади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида манфаатдор шахс тушунчаси ҳам келтириб ўтилган бўлиб, унинг таърифига кўра қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс тушунилади.

Демак, манфаатдор шахс адресатга кўра кенг бўлиб, у нафақат адресатни балки учинчи шахсларни ҳам қамраб олади. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига биноан учинчи шахслар деганда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахсга айтилади.



Демак, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахслардан учинчи шахсларга эмас, балки адресатга хабар берилгач кучга киради.



Буни қуйидаги казус орқали тушунтириш мумкин.

Муаммоли вазият

2017 йил 26 октябрь кунин Тошкент шаҳар Чилонзор туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан фуқаро Ф.Латиповага доир маъмурий иш юзасидан маъмурий ҳужжат қабул қилинган.

Ф.Латипова кўп квартирали уйда жойлашган турар жойини реконструкция қилинган турар жойга нисбатан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилган.

Бирок, Чилонзор туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими Ф.Латипованинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказишни рад этган.

Ф.Латипованинг кўшниси фуқаро В.Мухторова маъмурий ишни кўриб чиқишда иштирок этишини сўраб мурожаат қилди. Ишни кўриб чиқиш жараёнида унинг хонадони Ф.Латипованинг уй-жойидан тепа қаватда жойлашгани, реконструкция қилинган уй-жой техник хавфсизлик қоидаларига мутлақо жавоб бермаслиги туфайли унинг ва оиласининг ҳаёти хавф остида қолаётганини маълум қилди ҳамда Тошкент шаҳар Чилонзор туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан реконструкция қилинган турар жойга нисбатан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказишни рад этишни сўради.

Маъмурий орган буни инобатга олиб Ф.Латипованинг реконструкция қилинган турар жойга нисбатан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида маъмурий ҳужжат қабул қилди.

Хўш, бу вазиятда адресат ким? Бу вазиятда адресат маъмурий ҳужжат ўзига қаратилган шахс, яъни фуқаро Ф.Латиповадир. Фуқаро В.Мухторова эса учинчи шахсдир. Ф.Латипова ва В.Мухторова биргаликда манфаатдор шахслар ҳисобланадилар.

Аммо маъмурий ҳужжат адресат ҳисобланмиш фуқаро Ф.Латиповага хабар берилгандан бошлаб кучга киради. Сабаби айнан у юқорида таъкидлангани сингари маъмурий ҳужжат ўзига қаратилган шахсдир.

Адресатни маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор қилиш “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси билан тартибга солинади. Яъни, адресатни маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор қилишнинг кўриншлари кўрсатиб берилган. Булар қуйидагилардир:

1. Хабарномани топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш.
2. Тилхат олиб топшириш.
3. Хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиш.

Демак, маъмурий ҳужжат буюртма хатга илова қилинган ҳолда юборилади. Бунда буюртма хатда маъмурий ҳужжат юборилаётгани айтиб ўтилади. Ёки маъмурий ҳужжат фуқарога тилхатга қўл қўйдирилган ҳолда топширилади. Тилхатда фуқаро маъмурий ҳужжатни олганини тасдиқлаб имзо чекади.

Бундан ташқари, маъмурий ҳужжат фуқарога ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ҳам етказилиши мумкин. Қонун ҳозирда ахборот тизимлари ривожланганини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор этишнинг замонавий усуллари қўллашни ҳам ҳисобга олмоқда. Бундай усуллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Электрон почта орқали;
2. Факсограмма орқали.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор қилиш адресатнинг ўзи ҳақида тўғри маълумот тақдим этганига ҳам боғлиқ. Шу сабаб адресат ўз манзили ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органга маъмурий ишни юритиш вақтида маълум қилиши шарт. Агарда бундай маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, хабарлар маъмурий органга маълум бўлган охириги манзилга юборилади ҳамда етказиб берилган деб ҳисобланади.

Фукаро телефон ва факслари рақамлари, электрон манзили ўзгарган ҳолда ҳам улар бу маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида маъмурий органи маъмурий иш юритиш вақтида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши керак.

Шу ўринда мантикий савол келиб чиқади. Хўш, “Хабарномани манфаатдор шахсга тилхат олиб шахсан топширишнинг имкони бўлмаган тақдирда у қандай қилиб етказилади?” Бундай ҳолда хабарнома у билан бирга яшайдиган вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бундай шахслар бўлмаса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки манфаатдор шахснинг иш берувчисига (таълим муассасаси маъмуриятига) тилхат олиб топширилиши мумкин. Хабарномани қабул қилган шахс имконият бўлиши билан уни кечиктирмасдан манфаатдор шахсга топшириши шарт.

Ҳаётда шундай адресатлар ҳам учрайдики, хабарномани олишдан бош тортадилар. Бундай ҳолда хабарномани қабул қилишни рад этган адресат тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. Рад этиш хабарномага белги қўйиш орқали расмийлаштирилади ва хабарнома маъмурий органга қайтарилади. Адресатнинг хабарномани қабул қилишни рад этганлиги тўғрисидаги белги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки манфаатдор шахснинг иш берувчиси (таълим муассасаси маъмуриятининг мансабдор шахси) томонидан ёхуд иккитадан кам бўлмаган фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор қилиш вазифаси бевосита уни қабул қилган маъмурий орган зиммасига юклатилган. Бундай талабанинг ўрнатилиши маъмурий органга масъулият юклайди. Маъмурий орган маъмурий ҳужжатни қабул қилгач, уни етказишни ҳам зиммасига олади. Ўз пайтида ва белгиланган тартибда хабардор қилиш фуқарога маъмурий ҳужжатда унга нисбатан қабул қилинган қарорнинг мазмуни билан яқиндан танишиб чиқиш имконини беради.

Демак, маъмурий ҳужжатнинг адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга кириши бежиз эмас. Бунда токи маъмурий


хужжат маъмурий орган томонидан хабардор қилинмас экан у кучга крмайди. Ҳаётда маъмурий орган маъмурий хужжат ҳақидаги хабарни етказа ололмаганини ҳар хил баҳоналар туфайли оқлашга уриниши мумкин. Шу туфайли қонунда маъмурий хужжат ҳақидаги хабарнинг адресатга, яъни тегишли фуқаро ёки юридик шахсга етказилган вақтдан бошлаб юридик кучга кириши алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, адресат ҳам турли вазият туфайли хабар жўнатилган бўлса-да, ундан беҳабар қолиши мумкин. Бу вазиятда фуқаро маъмурий органдан маъмурий хужжат ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинганлик фактини исботлаб беришни талаба қилишга ҳақли.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддасида хабарни 33-моддада назарда тутилмаган тарзда етказишнинг алоҳида шакллари кўрсатиб ўтилган. Бунда иккита алоҳида шакллар мавжуд.

Улардан бири шуки, маъмурий хужжат тўғрисидаги хабар етказишнинг қонун хужжатларига мувофиқ адресатга фақат тегишли хужжат берилиши керак бўлган ҳолларда хужжатнинг адресатга берилиши маъмурий хужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилишга тенглаштирилади. Бу маъмурий хужжатнинг шакли билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, Қонуннинг 52-моддасига биноан қонун хужжатларида маъмурий хужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли хужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Шу сабабли Қонуннинг 55-моддасида адресатга фақат тегишли хужжат берилиши керак бўлган ҳолларда хужжатнинг адресатга берилиши маъмурий хужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади. Паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномасининг берилиши бунга мисол бўла олади. Яъни, паспорт ёки ҳайдовчилик гувоҳномасининг берилиши маъмурий хужжат ҳақида хабар бериш билан тенгдир.

Иккинчи алоҳида шакл шуки, қонун хужжатида маъмурий хужжат ҳақида расмий эълон қилиниши лозим бўлса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.



Юқоридагиларни хулоса қилиб айтиш мумкинки, маъмурий ҳужжатнинг кучга кириши бевосита маъмурий ҳужжатнинг хабар қилиниши билан боғлиқдир. Айнан шу орқали адресат, яъни жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлган маъмурий ҳужжат билан тўлиқ танишиш имконига эга бўладилар.

10.5. Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш

Маъмурий ҳужжат муайян давр оралиғида юридик кучга эга бўлади. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасида маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш асослари белгилаб берилган. Унга кўра маъмурий ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1. Агар маъмурий ҳужжат муддатли хусусиятга эга бўлса, маъмурий ҳужжатнинг амал қилиш муддати ўтиши;
2. Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш билан боғлиқ шартнинг юзага келиши;
3. Маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши;

4. Тартибга солиш предметининг барҳам топиши муносабати билан тугатилади.

Агар маъмурий ҳужжат муддатли хусусиятга эга бўлса, маъмурий ҳужжатнинг амал қилиш муддати ўтиши маъмурий ҳужжатнинг амал қилиши тугатилади. Масалан, лицензия 5 йилга берилади. Ушбу муддат маъмурий ҳужжатда кўрсатиб қўйилади.

Маъмурий ҳужжат унда белгилаб қўйилган шартнинг вужудга келиши натижасида амал қилиши тугайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга, шунингдек давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга Тошкент шаҳрига доимий прописка қилинади. Доимий пропискада бўлиш шarti – бу юқоридаги органлар ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб боришдир.


Маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши учун алоҳида талаблар мавжуд.

Тартибга солиш предметининг барҳам топиши муносабати билан тугатилиши маъмурий ҳужжат қаратилган ижтимоий муносабатнинг тугаши билан боғлиқдир. Масалан, агар автомобил ёниб кетса, унинг техник паспортининг амал қилиши ҳам тугайди. Чунки, техник паспорт айнан ёниб кетган автомобилга тегишлидир.

Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш унинг асосида берилган ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келади. Масалан, лицензия

бериш тўғрисидаги маъмурий ҳужжатнинг амал қилишининг тугаши унинг асосида берилган лицензия гувоҳномасининг ҳам амал қилишини тугашига сабаб бўлади.

Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартиби қандай амалга оширалади? Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш асослари “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасида бериб ўтилган. Унга кўра, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.



Демак, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра ёки шикоятига кўра бекор қилинади. Бундан бошқа шахслар уни бекор қилишини сўраб мурожаат этолмайди.

Шунингдек, маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган ўз ташаббусига кўра уни бекор қилиш ёки ўзгартириши мумкин. Бунинг учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин :

1. Қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар;
2. Жамоат манфаатларига бўлган таҳдиднинг олдини олиш;
3. Маъмурий ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;
4. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатнинг фақат суд тартибида бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳужжат қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилади.

Ёдда тутинг!

Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланади.

Фуқаро маъмурий ҳужжатнинг қабул қилинишида унинг қонуний эканига ишонч билдирган ва ишончи доирасида виждонан ҳаракат қилган ҳолларда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва ўзгартиришда унинг ишончи ҳимоя қилинади. Яъни, агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб, маъмурий ҳужжат асосида олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкини тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, унинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим. Бунда фуқаро олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкини тасарруф этиш учун битим тузган ёки

маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, улар фуқародан қайтариб олинмаслиги керак.

Бунда бир нарсага эътибор қаратиш керак. Айрим қонунда назарда тутилган вазиятларда манфаатдор шахсларнинг ишончи ҳимоя қилинмайди. Бундай вазиятларда қуйидагилар киради:

1. Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларини бажармаган бўлса;
2. Манфаатдор шахс ўзига маъмурий ҳужжат асосида тақдим этилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаган бўлса;
3. Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг ғайриҳуқуқийлигини билган ёки ўз айбига кўра бу ҳақда билмаган бўлса;
4. Маъмурий ҳужжат алдаш, таҳдидлар ёки маъмурий органга бошқача тарзда ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш оқибатида қабул қилинган бўлса;
5. Қонун манфаатдор шахслар ишончининг ҳимоясини ҳисобга олмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилишни талаб этса.

Демак, юқоридагилардан ташқари барча ҳолларда манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи ҳимоя қилинади. Ишончни ҳимоя қилиш ҳолатларида манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониш сабабли келиб чиққан ёки муқаррар бўлган мулкӣ зарарнинг ўрни қопланади. Бу манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга олиб келади.

Бунда қайд этиш лозимки, мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш маъмурий ҳужжатнинг мазмунига кўра манфаатдор шахс олиши керак бўлган наф миқдоридан ошмаслиги керак. Мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат бекор қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида тақдим этилиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Манфаатдор шахснинг ишончидан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ

эмас деб топилган маъмурий ҳужжат, агар унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган бўлса, маъмурий орган томонидан бекор қилиниши мумкин. Яъни, бундай ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва ўзгартириш суд тартибида кўриб чиқиши шарт эмас. Маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг ўзи уни ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли. Бироқ, маъмурий органнинг қароридан норози манфаатдор шахс судга шикоят қилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат куйидаги ҳолларда маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин:

1. Қонун талабларига мувофиқ ёки бундай имконият бевосита маъмурий ҳужжатнинг ўзида назарда тутилган бўлса;
2. Агар кейинчалик ўзгарган ҳақиқий ҳолатлар туфайли ёки қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар асосида жамоат манфаатларига зарар етишининг олдини олиш мақсадида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш зарур бўлса;
3. Агар маъмурий ҳужжат билан қўшимча мажбуриятлар боғлиқ бўлса ва манфаатдор шахс уларни бажармаган бўлса.
4. Агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат асосида ўзига берилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаётган бўлса.
5. Агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш ушбу ҳужжат юборилган манфаатдор шахс фойдасига амалга оширилса ва бунда бошқа манфаатдор шахсларга қийинчилик туғилмаса.

Худди шундай мазмундаги маъмурий ҳужжатни такроран қабул қилиш учун бошқа асослар мавжуд бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни тегишли асосларда бекор қилишга ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.


Илгари қабул қилинган маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги маъмурий ҳужжатни қабул қилаётганда маъмурий орган бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган маъмурий ҳужжатнинг қайси қисми ва қайси вақтдан эътиборан ўз кучини йўқотишини белгилаши керак.


Маъмурий ҳужжат қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда, маъмурий ҳужжат у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳақиқий ҳисобланмайди. Фақатгина суд маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш қандай тартибда амалга оширалади? Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тартиб-таомили “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддасида тартибга солинади. Унга кўра маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилиш мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин. Бундан шундай мантикий ҳулоса келиб чиқадики, агар маъмурий ҳужжат манфаатдор шахс фойдасига эмас, балки унинг зарарига қабул қилинадиган бўлса, маъмурий орган томонидан мажис ўтказмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш мумкин эмас.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, баъзида маъмурий ҳужжатлар бир манфаатдор шахснинг фойдасига, бошқа шахснинг манфаатига эса зид равишда бекор қилинаётган бўлса, маъмурий орган томонидан мажис ўтказмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш мумкин эмас.

Маъмурий ҳужжат бекор қилинган тадқирда унинг асосида берилган ҳужжатлар, буюмлар ва пул маблағлари уларга эгалик қилаётган шахслар томонидан қайтариб берилиши лозим.





Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қонун фақатгина маъмурий ҳужжатни қабул қилишни эмас, балки маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартибини ҳам белгилаб беради. Маъмурий ҳужжат маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунга манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикояти асос бўлади.

10-боб бўйича мустақил тайёрланиш учун вазифалар муаммоли вазият(казус)

2017 йил Самарқанд вилояти Булунғур туманида яшовчи фуқаро С.Самадовга хизмат давридаги ҳарбий интизоми, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик давомида эришган натижалари ҳамда жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларининг ўзлаштирилишига оид якуний баҳоларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тест синовларининг натижалари инобатга олиб, ҳарбий қисм командири томонидан ушбу ҳарбий хизматчининг бевосита командирлари тақдим этган тақдимнома ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома беришга қарор қабул қилинди. Тавсиянома олган фуқаро С.Самадов Тошкент молия институтига топширишга қарор қилди.

Лекин, 2018 йил май ойида эътиборсизлиги туфайли ушбу тавсияномани йўқотиб қўйди. Фуқаро С.Самадов тавсияномани тиклаш бўйича Самарқанд вилояти Булунғур тумани мудофаа бўлимига мурожаат қилди. Самарқанд

вилояти Булунғур тумани Мудофаа бўлими ходими Н.Файзиев тавсияномани тиклаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига мурожаат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Бундан норози бўлган С.Самадов судга шикоят билан мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

10-БОБ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ САВОЛЛАР

1. Маъмурий ҳужжатлар деганда қандай ҳужжатларни тушуниш керак?
2. Маъмурий ҳужжатларнинг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
3. Маъмурий ҳужжатларни кимлар қабул қилиши мумкин?
4. Маъмурий ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқларига дахл қилиши мумкинми? Мисоллар келтиринг.
5. Маъмурий ҳужжатларнинг ёзма тарзда қабул қилинишининг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?
6. Маъмурий ҳужжатнинг шакли ва мазмуни ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
7. Маъмурий ҳужжатнинг мазмунига қандай талаблар қўйилган?
8. Маъмурий ихтиёрийликка асосланган ҳолда қабул қилинадиган маъмурий ҳужжат мазмунан бошқа маъмурий ҳужжатлардан қандай фарқланади?
9. Маъмурий ҳужжат амал қилишининг тугатилиш тартиби қандай?

10-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

кресвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Маъмурий ҳужжатнинг мазмунига қўйилган талабларидан бири.

Энига: 1. Маъмурий ҳужжатнинг шаклларида бири. 2. Маъмурий ҳужжат ҳақида хабардор этишнинг замонавий усулларида бири. 3. Маъмурий ҳужжатнинг мазмунига қўйилган талабларидан бири. 4. Манфаатдор шахсни хабардор қилиш тартибларидан бири.

			1			1							
		2											
						3							
					4								

XI БОБ. МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ

11.1. Маъмурий юстиция тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқарувида бузилган ҳуқуқларини тиклашда маъмурий юстиция алоҳида ўрин тутати. Юридик атамалар луғатига кўра, “юстиция” (лот. “*justitia*” – одиллик, қонунийлик) – ўз фаолиятида одил судловни амалга оширувчи суд муассасаларини билдирувчи атама сифатида талқин этилган¹.

Ёдда тутинг!

Маъмурий юстиция давлат органлари ва мансабдор шахслар билан жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимидир.

Шу ўринда маъмурий низо тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий-ҳуқуқий низо²лар – бу маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасидан келиб чиқадиган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳисобланади. Ушбу низолар бир томондан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иккинчи томондан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келади. Ушбу жиҳати билан маъмурий-ҳуқуқий низолар бошқа турдаги юридик низолардан фарқ қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг маъмурий-ҳуқуқий хусусияти қуйидагилар билан белгиланади:

мазкур турдаги низолар давлат органларининг давлат бошқарув функцияларини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади;

маъмурий низолар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юридик-ҳокимий қарорларни қабул қилиш ва уларга нисбатан иккинчи тарафнинг норозилиги натижасида юзага келади.

¹Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: “Шарқ”, 2003. – Б. 394.

²Маъмурий-ҳуқуқий низони амалдаги қонун ҳужжатларида “оммавий-ҳуқуқий низо”лар деб ҳам номланади.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда маъмурий-ҳуқуқий низоларга қуйидагича умумий тавсиф бериш мумкин:

маъмурий-ҳуқуқий низо – бу маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид низоларидир;

маъмурий-ҳуқуқий низо ноқонуний бошқарув актини қабул қилиш факти юзасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектларидан бирининг норозилиги ифодасидир;

маъмурий-ҳуқуқий низолар ижро ҳокимияти органи томонидан бошқарув функцияларини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Демак, маъмурий низо субъектларидан бири албатта давлат органи ёки мансабдор шахси ҳисобланади. Маъмурий-ҳуқуқий низолар бир томондан фуқаролар, иккинчи томондан эса давлат бошқарув органлари ўртасида юзага келади.

Маъмурий-ҳуқуқий низони қуйидаги казус орқали тушуниш мумкин.

Муаммоли вазият

Фуқаро У. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлик-5 мавзеси, 2-уй, 7-хонадонда туғилиб, шу кунга қадар шу хонадонда яшаб келган. Ушбу хонадон отаси Х. болалар уйи тарбияланувчиси бўлганлиги ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнида олган тан жароҳатини инобатга олиб, Сергели туман ҳокимлиги томонидан 1999 йил 6 апрелда ажратилган. Отаси иш жойида олган тан жароҳати оқибатида ётиб қолган ва кейинчалик вафот этган. Отаси вафотидан кейин фуқаро У. Сергели туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, у яшаётган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлик-5 мавзеси, 2-уй, 7-хонадонни коммунал уй-жой фондидан турар-жой фондига ўтказишни ва ушбу хонадонни унинг номига хусусийлаштириб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Лекин Сергели туман ҳокимлиги аризачи талабларини қаноатлантиришни рад этди. Аризачи Сергели туман ҳокимлигининг ушбу жавоб хатидан норози бўлиб, Сергели туман ҳокимлигининг хатини ғайриқонуний деб топишни сўраб судга шикоят қилган.

Мазкур казусда Сергели туман хокимияти ва фуқаро У. ўртасида маъмурий-ҳуқуқий низо келиб чиқмоқда.

Маъмурий юстициянинг икки шакли мавжуд: маъмурий тартиб ва суд тартиби.



Кейинги параграфларда маъмурий юстициянинг ҳар бир шаклини алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз.

11.2. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг маъмурий тартиботи


Маъмурий юстициянинг маъмурий тартибида маъмурий низоларни ҳал этиш деганда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий орган ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки улар томонидан чиқарилган ғайриқонуний қарорлар устидан юқори турувчи орган ёки махсус ташкил этилган органга шикоят қилиш ва кўриб чиқиш тушунилади.

Ёдда тутинг!

Маъмурий-ҳуқуқий низоларни маъмурий тартибда ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-боби маъмурий шикоят бўйича иш юритишга бағишланган бўлиб, Қонуннинг 62-моддасига кўра маъмурий шикоят маъмурий ҳужжатлар устидан, процессуал ҳужжатлар

устидан, агар уларнинг устидан шикоят қилиш ушбу Қонунда назарда тутилган бўлса ва маъмурий ҳаракатлар устидан, шу жумладан маъмурий ҳужжатни қабул қилишни рад этиш ёки уни тегишли муддатда қабул қилмаганлик устидан шикоят қилиниши мумкин.



Манфаатдор шахс маъмурий шикоятни қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга ёки бошқа ваколатли маъмурий органга устидан шикоят қилинаётган маъмурий ҳужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилган ёхуд маъмурий ҳаракатни амалга оширган маъмурий орган орқали бериши мумкин. Маъмурий шикоятни олган маъмурий орган у келиб тушган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида маъмурий шикоятни юқори турувчи органга ёки ушбу маъмурий шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органга маъмурий иш билан бирга юборади. Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат устидан берилган маъмурий шикоятни маъмурий тартибда кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ёки юқори турувчи маъмурий орган мавжуд бўлмаган тақдирда, маъмурий ҳужжат устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий шикоят маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан ёки манфаатдор шахсга маъмурий ҳаракат ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин. Маъмурий шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб

юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи маъмурий орган томонидан тикланиши мумкин.

Маъмурий шикоят ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг номи;
- 2) шикоят берган аризачининг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса — унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) аризачининг талаблари;
- 4) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);
- 5) ариза берилган сана.

Маъмурий шикоят манфаатдор шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган маъмурий шикоятда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда санаб ўтилган маълумотлардан ташқари манфаатларини кўзлаб шикоят берилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг манзили ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилиши керак. Қонун ҳужжатларида маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга доир бошқа талаблар ҳам назарда тутилиши мумкин. Маъмурий орган маъмурий шикоятга ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган талаблар қўйишга ҳақли эмас. Жисмоний шахс оғзаки шикоят қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда аризачининг электрон манзили ва ягона идентификатори, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса электрон рақамли имзо ва бошқа реквизитлар кўрсатилиши керак. Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги аризачининг хабарномаларни ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигидир.

Ёдда тутинг!

Юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатни ўзгаришсиз қолдириш;
шикоят қилинган маъмурий ёки процессуал ҳужжатга ўзгартиришлар киритиш;
маъмурий ёки процессуал ҳужжатни бекор қилиш ва зарурат бўлганда янги ҳужжат қабул қилиш.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича ўттиз иш кун ичида қарор қабул қилиши шарт. Маъмурий шикоят бўйича белгиланган муддатда қарор қабул қилинмаган тақдирда, манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат, процессуал ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

11.3. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг суд тартиби

Маъмурий юстициянинг суд тартибида маъмурий низоларни ҳал этиш деганда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий орган ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки улар томонидан чиқарилган ғайриқонуний қарорлар устидан судга шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон¹, 2017 йилнинг 7 февралда қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда

қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон¹ ва 2017 йил 21 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармон²ларида ҳам айнан судларни янада ихтисослаштириш ва маъмурий судларни ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар белгиланди. Бу борада ҳуқуқшунос Мирафзал Мироқилов куйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Ҳар қандай ҳуқуқни белгилаш, агарки уларни амалга оширишнинг реал қафолатлари таъминланмаса, кутилган натижани бермайди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг турли қафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий қафолатларнинг энг муҳими бу – шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлашдир. Бу борада муҳим қадам фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш ҳисобланади.”

Миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий юстиция махсус судлов шакли асосида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқувчи ва ноқонуний актни бекор қилишга қаратилган фаолиятни ўз ичига олган институтдир ва давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашда жуда муҳимдир.

Айтишимиз мумкинки, замонавий маъмурий ҳуқуқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ижро ҳокимияти ва шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Агар шу нуқтаи назардан ёндашилса, давлат аппаратининг фаолияти қонун билан қатъий белгиланган доирада ташкил этилиши лозим. Улар қабул қилаётган актлари билан фуқаро билан муносабатга киришар экан мазкур ҳужжатларнинг қонуний ва адолатли бўлиши муҳимдир.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон, 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон)

Шу нарсга аёнки, бугунги кунда фуқароларнинг аксарияти давлат органи ёки мансабдор шахснинг солиқ, меҳнат, тадбиркорлик, уй-жой, рухсат бериш ва лицензиялаш борасидаги қарорларидан шикоят қилишмоқда. Айнан шу каби муносабатларни оммавий-ҳуқуқий муносабат деб тушунишимиз, шунингдек маъмурий судлар бир тарафда албатта, давлат органи ёки мансабдор шахс бўлган ва давлат ҳокимияти ваколатларидан келиб чиқадиган низолар предмет бўладиган ишларни кўриб ҳал қилишини эътиборга олишимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай низони кўриб чиқиб адолатли тарзда ҳал этишда икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Уларнинг биринчиси низо маъмурий органнинг қайси қонун ҳужжатида зид хатти-ҳаракати ёки қарори натижасида вужудга келганини тўғри аниқлаш ҳамда судда низони кўриб чиқиб ҳал этишнинг қонуний талабларига қатъий риоя қилишдир. Иккинчи жиҳатнинг аҳамияти жуда катта. Зеро, судлар маъмурий ишларни фақат қонунга бўйсунган ҳолда кўриб чиқишлари лозим. Бу, энг аввало, Конституцияда белгиланган қатъий принципдир.

Шу муносабат билан, 2018 йил 25 январь куни маъмурий судлар томонидан маъмурий ишларни кўриб чиқиб ҳал этишга доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги кодекс¹ қабул қилинди. Кодекснинг 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кириши алоҳида белгилаб қўйилди. Кодекс 288 моддани қамраб олган 29 боб ва IV бўлимдан иборат.

Ёдда тутинг!

Маъмурий-ҳуқуқий низоларни суд тартибида ҳал этишнинг ҳуқуқи асоси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексидир.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

Кодекснинг қабул қилинишининг амалий аҳамияти шундаки, эндиликда маъмурий ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш фуқаролик ишлари сингари фуқаролик процессуал қонунчилигига асосланиб эмас, балки маъмурий ишларни юритишга доир алоҳида қонунчилик билан тартибга солинадиган бўлди. Яъни, маъмурий судлар маъмурий ишларни алоҳида процессуал қонунчиликка таянган ҳолда кўриб чиқади. Бу шуни англатадики, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс мазмун-моҳиятига кўра фуқаролик процессуал қонунчилигидан фарқ қилади. Хусусан, агар фуқаролик процессида даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақли бўлсалар, маъмурий суд иш юритувида тарафлар бунга ҳақли эмаслар. Бу эса давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорларни ҳар томонлама пухта ўйлаган ҳолда қабул қилишларига олиб келади. Пировард натижада давлат ва жамият ҳаётида қонунийликнинг мустаҳкамланишига эришилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қабул қилинган. Бу айтиш кодекснинг 2-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларида аниқ намоён бўлади. Булар маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш; қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришдир.

Кодекснинг 8-16-моддаларида маъмурий суд ишларини юритишда муҳим бўлган одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши,

қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, маъмурий суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги каби тўққизта принцип келтириб ўтилган.

Эътибор беринг!

Маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;
- 2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;
- 4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар;
- 5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар.

Бироқ, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

Юқоридаги рўйхатдан шу нарса аён бўладики, маъмурий суд иш юритуви орқали нафақат маъмурий ҳуқуқдан келиб чиқадиган, балки шу билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига дахлдор бўлган ишлар ҳам кўриб чиқилади. Кодекса улар битта атама, яъни маъмурий иш деб аталади.

Маъмурий ишларнинг судловга тегишлилиги масаласи ҳам муҳимдир. Умумий қилиб айтганда, судга тааллуқли ишлар туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан кўрилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди эса биринчи инстанция суди сифатида давлат сири билан боғлиқ бўлган ишларни кўради. Бироқ шунга қарамай, мазкур судлар алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни туман (шаҳар) судидан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига эса идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш киради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни исталган маъмурий суддан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли эканини айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари ҳам қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ишларни кўриб чиқади.

Маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишларга тааллуқли ишларни тушуниб олиш учун қуйидаги казусни таҳлил қилиш мумкин.

Муаммоли вазият

Тошкент шаҳар, Н.кўчасидаги 54-уй фуқаро С.Раҳмоновга тегишли бўлиб, у 2011 йил 15 апрелда вафот этган. Унинг вафотидан кейин қолган юқорида кўрсатилган мол-мулкка нисбатан меросхўрлар топилмаганлиги сабабли, мазкур хонадон қаровсиз қолиб кетган. 2017 йилнинг август ойида шаҳар ҳокимлиги вакили иштирокида ўтказилган маҳалла фуқаролар йиғини мажлисида С.Раҳмоновга тегишли бўлган уйнинг анча вақтдан буён қаровсиз ҳолда экани айtilди. Бундан бохабар бўлган шаҳар ҳокими С.Раҳмоновга тегишли бўлган уйни эгасиз мулк деб топиш ҳамда уни давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қароридан норози бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси Тошкент шаҳар маъмурий судига аризаси билан мурожаат қилди. Тошкент шаҳар маъмурий суди аризасини ўрганиб чиқди ва унда келтирилган вазлар бевосита фуқаролик ҳуқуқига тегишли бўлгани сабабли ишни маъмурий суднинг судловига тааллуқли эмас деб ҳисоблаб аризани қабул қилиб олишни

таа

ЛНГ

қарорига эътибор қаратиш лозим, яъни ҳоким қарорининг мазмуни фуқаролик ҳуқуқий муносабатга оид бўлсада, аризачи ҳоким қароридан норози бўлмоқда.

Маъмурий ишлар биринчи инстанция судида юқоридаги судлар томонидан қўзғатилади. Бунга манфаатдор шахсларнинг ёки прокурорнинг ёхуд давлат органлари ва бошқа шахсларнинг аризалари асос бўлади.

Маъмурий суд ишларининг юритиш тўғрисидаги кодекснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда исботлаш мажбурияти аниқ белгилаб қўйилган. Кодекснинг 67-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаб бериши лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2-моддасида мустаҳкамланган муҳим принцип – давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллигини инобатга олиниб маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Шунингдек, мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт. Бундай қонданинг ўрнатилиши судгача бўлган жараён – маъмурий тартиб-таомилларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорларни қонунийлик принципига таянган ҳолда қабул қилишлари, бунинг акси бўлган тақдирда эса суд олдида жавоб беришларини ҳис қилишга чорлайди.

Бунинг натижасида Конституция ва қонуннинг устунлиги таъминланиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий-тартиб таомилларга доир муносабатларга киришиш жараёнида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишлари, пировард натижада давлат органларининг халқимизга самарали хизмат қилишига эришиш мумкин.

Маъмурий судлар томонидан қабул қилинган суд қарорлари апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда процессуал муддатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Маъмурий иш биринчи инстанция суди томонидан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши керак. Алоҳида ҳолларни инобатга олиб суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Шунингдек, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Апелляция шикояти ёки протести биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан эътиборан йигирма кун ичида берилиши мумкин. Апелляция инстанцияси суди берилган апелляция шикоятини (протестини) апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Кассация шикояти ёки протести биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин. Шунингдек, кассация шикояти (протести) кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар томонидан назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин. Иш назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг котибиятига келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай назорат тартибида кўрилади. Ишлар назорат

тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодексда судларда ишларни кўриб чиқишнинг замонавий технологияларига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлигига қайд қилинган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларининг суд мажлисида амалга оширилиши мумкинлиги фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишлари, судга қатнаш билан боғлиқ ортиқча харажатларга дуч келишларининг олдини олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс мамлакатимизда фуқароларнинг маъмурий органлар томонидан путур етказилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан тиклаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат бошқаруви ва бошқа маъмурий органлар фаолияти устидан суд назоратини амалга ошириш орқали уларнинг кундалик ҳаётида қонунийликка риоя этишига мустаҳкам замин яратади.

11.4. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстиция


Хорижий мамлакатларда маъмурий юстициянинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, ижро ҳокимияти устидан суд контроли умумий юрисдикция судлари томонидан фуқаролик процессуал қоидалари асосида амалга оширилади.

2. Маъмурий юстициянинг махсус судлов шакли. Ушбу тизимда маъмурий судлар ижро органларидан ҳам, шунингдек суд органларидан ҳам

мустақил ҳисобланади. Шунингдек, ушбу органлар давлатнинг ягона суд тизимига кирувчи тўлақонли суд органлари ҳисобланади. Шунингдек улар махсус орган ҳисобланиб, фақат маъмурий-ҳуқуқий низоларнигина ҳал этади.

3. Маъмурий юстициянинг квази судлов шакли. Бундай тизимга кўра маъмурий юстиция органлари ижро ҳокимияти органлари тизими таркибида ташкил этилади ва суд органларидан мустақил ҳисобланади.



Маъмурий юстицияни ташкил этишнинг немис модели давлат бошқарувида юзага келадиган маъмурий низоларни кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган судларнинг ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Бу ерда маъмурий юстиция судлари мамлакатнинг ягона суд тизими таркибига киради ва фақат қонунга бўйсунди. Улар одил судловни амалга оширишда маъмурий органлар ва умумий судлардан мустақилдирлар.

Россия Федерациясида маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли амал қилади. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, ижро ҳокимияти устидан суд назорати умумий юрисдикция судлари томонидан фуқаролик процессуал қоидалари асосида амалга оширилади.

Россия Федерациясида судлар бошқа давлат органлари, жумладан, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи органлардан мустақил тарзда ўз фаолиятини олиб боради. “Умумий судлар давлат органларини муайян

ҳаракатларни амалга оширишга мажбурловчи қарорлар қабул қила оладилар, кўпгина давлатларнинг маъмурий судлари эса бундай ваколатга эга эмаслар”. Россия суд шакли бошқа мамлакатлар судлов шаклларида ўзининг умумий характерга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, бу судлов шакли нисбатан МДХ мамлакатлари судлов шаклларига яқин ҳамда маъмурий суд ишини юритиш босқичлари ҳам бир-бирига жуда ҳам ўхшаш ҳисобланади.

Маъмурий юстиция ташкил этилишининг французча шакли маъмурий тизимнинг энг “кўҳна”си ҳисобланади. Бинобарин, айнан Франция маъмурий-ҳуқуқий низоларни махсус органлар томонидан ҳал этиш амалиётига тамал тоши қўйилган мамлакат ҳисобланади.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни юқори турувчи ёки махсус ваколатли орган, комиссиялар, кенгашлар (кейинги ўринларда ваколатли орган) томонидан судгача кўриб чиқиш тартибини жорий этилиши юзасидан турли хорижий мамлакатларда турлича ёндашув ва амалиётлар мавжуд.

Жумладан, Озарбайжон ва Арманистон каби давлатларда маъмурий ишларни судда кўриб чиқилиши учун ваколатли органларда дастлабки тарзда кўриб чиқиш талаб этилмайди. Латвия (Латвия Маъмурий-процессуал қонунининг 78-моддаси) ва Германия Федератив Республикасининг айрим субъектларида (Германия Маъмурий-процессуал кодексининг 68-моддаси) эса аксинча аризачи судга мурожаат қилишдан олдин тегишли масала ваколатли органда кўриб чиқилиши шарт. Шу билан бирга, маъмурий ишни кўриб чиқишни дастлаб судгача тартибда кўриб чиқиш ёки бевосита судда амалга оширишни аризачининг ихтиёрига қолдирилиши эса Ўзбекистон ва Болгария (Болгария Маъмурий-процессуал кодексининг 81-моддаси) каби давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топган.

11-боб бўйича мустақил тайёрланиш учун вазифалар муаммолли вазият(казус)

1-масала

Эскирган уйда яшовчи фуқаро С.Аҳмедов янги уй-жойга эга бўлиш мақсадида кўп квартирали уйлардаги квартираларни яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларга бириктириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳудудий комиссияга тегишли ҳужжатларни топширмакчи бўлди. С.Аҳмедов 2017 йил 15 февраль куни уй-жойнинг техник ҳолати тўғрисидаги кадастр маълумотномасини олиш мақсадида Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига мурожаат қилди. С.Аҳмедовга ҳозирда бўлимда ишлар жуда кўплиги, ундан олдин кўплаб фуқаролар айна шу масалада мурожаат этганликлари айтилди. Шу сабабли унга кейинроқ идорага келиб учрашиш лозимлиги маълум қилинди. Аммо, кейинчалик С.Аҳмедов белгиланган санада Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан мурожаатига жавобан ҳеч қандай маълумотнома ололмади. С.Аҳмедов ноилоҳ тегишли ҳужжатларни эскирган уйининг техник маълумотномасисиз ҳудудий комиссияга топширди. Ўрганиш натижалари бўйича ҳудудий комиссия томонидан С.Аҳмедовга кўп квартирали уйдаги квартирани бириктиришни рад этиш тўғрисидаги протокол қарорини қабул қилди. Қарордан норози бўлган С.Аҳмедов Олмазор туман маъмурий судга ариза билан мурожаат қилди. Олмазор туман маъмурий суди аризасида кўрсатилган жавобгар – кўп квартирали уйлардаги квартираларни яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларга бириктириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман ҳудудий комиссияни Олмазор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига алмаштиришмоқчи бўлди. Бу ҳақида С.Аҳмедовга маълум қилинди. Бироқ, С.Аҳмедов бунга розилик бермади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2-масала

2017 йил 20 май куни фукаро Б.Рустамов бандлик масаласида Меҳнат вазирлигининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлимига қилган мурожаатига жавобан мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига дуч келди. Б.Рустамов 2017 йил 22 май куни у мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судига ариза билан мурожаат қилди. 2017 йил 24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5052-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил этилди. Янги тайинланган вазирнинг соҳада олиб бораётган сиёсати натижасида тизимда кадрлар ўртасида ўтказилган ротация туфайли Б.Рустамовнинг ҳуқуқларини бузган мансабдор шахслар вазирликнинг бошқа бўлимига ишга ўтказилди. Суд аризасида жавобгар сифатида кўрсатилган Меҳнат вазирлигининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлимини ҳуқуқий ворислик тартибида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлимига алмаштириш ҳақида ажрим чиқарди. Бунинг натижасида Б.Рустамов суд ажримидан кескин норози бўлди. Суддан ҳуқуқий ворис сифатида унинг ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларни жалб этишни талаб этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

11-боб бўйича назарий саволлар

1. Маъмурий юстиция тушунчасини таҳлил қилинг.
2. Маъмурий-ҳуқуқий низонинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.
3. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг маъмурий тартиботини тушунтириб беринг.

4. Маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг суд тартиботини таҳлил қилинг.

5. Маъмурий юстициянинг хорижий мамлакатларда қандай шакллари мавжуд?

11-боб мазмуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун

кресвордлар шаклидаги саволлар

Бўйига: 1. Маъмурий низоларни ҳал этишнинг тартибларидан бири.

Энига:. 1. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстициянинг шаклларида бири. 2. Маъмурий низоларни ҳал этишнинг тартибларидан бири. 3. Юридик атамалар луғатига кўра, “юстиция” сўзининг маъноларидан бири. 4. Хорижий мамлакатларда маъмурий юстициянинг шаклларида бири.

						1								
					1									
					2									
				3										
	4													

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Ўқув адабиётлари:

1. Административное право (Общая часть) И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. 2012 г. Т.: Изд-во «Konsoulauditinform-Nashr» - 592 с.
2. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик: тўлдирилган 4-нашр / Ў.Х.Мухамедов, И.А.Хамедов, Н.Т.Исмаилов ва бошқ; - Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 524 б.
3. Административное право Республики Узбекистан: Учебник для юридических вузов // Авт. коллектив: Х.Р. Алимов, Л.И. Соловьева и др./ - Т.: «Адолат» 1998. – 483 с.
4. Бахрах Д.Н. Административное право России. Учебник для вузов. – М.: Издательства НОРМА, 2000. – 678 с.
5. Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П. Российское административное право. Учебник для вузов. М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1998. – 451 с.
6. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 1996. – 621 с.
7. Старилов Ю.Н. Служебное право: Учебник. – М.: БЕК, 1996. – 328 с.
8. Д.Н. Бахрах. Административное право России. Учебник для вузов. – М.: НОРМА, 2002. – 541 с.
9. А.А.Ли. Государственная служба. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008. – 173 с.
10. Миренский Б.А. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. – Т.: «Адолат», 1998. – 240 с.
11. Сорокин В.Д. Проблемы административного процесса. – М.: Юрид лит. 1968.
12. Л.Б. Хван Административное право Республики Узбекистан. Особенная часть Курс лекций. Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR. 2010 – 504 с.
13. Теория государства и права. Учебник для юридических вузов и факультетов. Под ред. В.М. Королевского и В.Д. Перевалова – М.: издательская группа НОРМА – ИНФРА – М, 1998. – 652 с.

Илмий манбаалар:

1. Б.М. Лазарев. Компетенция органов управления. – М.: Юрид. Лит., 1972. – С. 53.
2. Г. Еллинек. Общее учение о государстве. – Спб.: Изд-во “Юридический Центр Пресс”, 2004. – С. 592.
3. R.S. Larch. Democratic process and administrative law. Rev.ed. – Detroit: Wayne state univ press, 1980. P. 23.
4. Л. Брокер. Инквизиционный принцип в административном праве (административная процедура и административный процесс) // Ежегодник

публичного права – 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства – М.: Инфотропик Медиа 2018. – 378 с.

5. Й. Пуделька Общие принципы административного производства // Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – 284 с.

6. Я.Цико. Основы законодательства об административных процедурах в Германия. Ежегодник публичного права-2014.- М. 480 с.

7. Давыдов К.В. Принципы административных процедур: сравнительно-правовое исследование // Актуальные вопросы публичного права.- 2015. № 4 (34). – 249 с.

8. Богданди А. фон, Хубер П.М. Государство, государственное управление и административное право в Германии // Дайджест Публичного Права. 2014. № 1 (3). – 464.

9. Моше Коэн-Элия, Иддо Порат. Американский метод взвешивания интересов и немецкий тест на пропорциональность: исторические корни // Сравнительное конституционное обозрение. 2011. № 3 (82). – 345 с.

10. Galligan, D. J. Discretionary Powers. Oxford: Clarendon Press. Published to Oxford Scholarship Online: March 2012.

11. Breyer, S. G.; Stewart, R. B.; Sunstein, C. R.; Spitzer, M. L. Administrative Law and Regulatory Policy. New York: Aspen Law and Business, 1998

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 01.01.2014 Манба: ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-I-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 22.04.2016.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни № ЎРҚ 252 сон. 15.06.2010 йилдаги ЎРҚ-252-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни № ЎРҚ 457-сон 08.01.2018 й. 7-модда. Манба: ҚХММБ, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги тўғрисида”ги Қонуни № 369 сон 05.05.2014 й.
7. Ўзбекистон Республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни № 71 II-сон 25.05.2000 й.
8. Ўзбекистон республикасининг Солиқ Кодекси 11-моддаси 01.01.2008. Манба: ЎР ҚХТ, 2007 й.
9. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29.08.1998 йилдаги 670-I-сон.
10. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон, Қонуни.
11. “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 07.12.2001 йилдаги 312-II-сон.

12. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 03.01.2007 йилдаги ЎРҚ-76-сон.

13. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни.

14. “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 26.12.2008 йилдаги ЎРҚ-195-сон Қонуни

15. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги ЎРҚ-257-II-сон Қонуни.

16. “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.1997 йилдаги 474-I-сон Қонуни.

17. “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 18.10.2018 йилдаги ЎРҚ-502-сон Қонуни.

18. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.1993 й. ЎРҚ-913-XII-сон Қонуни.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони № ПФ-4947 сон 07.02.2017 йил.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони 17.01.2019 йилдаги ПФ-5635-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони 08.09.2017 йилдаги ПФ-5185-сон.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармони 09.12.2003 йилдаги ПФ-3358-сон.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 2016 йил 26-октябрдаги № ПФ-4853-сон Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Фармони 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 05.03.2014 йилдаги ПҚ-2142-сон Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 28.01.2019 йилдаги ПФ-5643-сон Фармони.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги Низоми.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. №355 сон 05.06.2017 й.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. № 342 сон 30.10.1996 й.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 08.06.2004 йилдаги 264-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарори 25.05.2011 йилдаги 149-сон.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисида Низоми.

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 27 май, 2013-26-сон Қарори билан тасдиқланган “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Бошқа адабиётлар:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев, - Т.: Адолат. 2010. – 130 б.

2. Юридический словарь / Под ред. А.Н. Азрилиана. – М.: Институт новой экономики, 2007, - С. 835.

3. Словарь административного права / Колл. Авт. – М.: Фонд правовая культура, 1999, - 196 с.

4. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: “Шарқ”, 2003. – 394 б.

Интернет материаллари:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на двадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса состоявшегося 20 июня 2019 года. <https://www.pv.uz/ru/news/vystuplenie-prezidenta-respubliki->

[uzbekistan-shavkata-mirzиеeva-na-dvadtsatom-plenarnom-zasedanii-senata-olij-mazhlisa](#)

2. Бир йилда ҳокимларнинг нечта қарори бекор қилинган?
<http://www.xabar.uz/huquq/bir-yilda-hokimlarning-nechta>

3. Самарқандда ўтган йил давомида ҳокимлар чиқарган қарорларнинг 60 таси бекор қилинган <https://kun.uz/37900415>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРАТАЕВ С.А. МУСАЕВ Б.Т. АРТИКОВ Д.Р.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ПРОЦЕСС

ДАРСЛИК

*5240120 – Юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун
дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент – 2020 йил